Зулфунг оллида бинафша суда кургач аксин, Куймади ёна бошин юцори цилмоцца уёт.

Борибон хар неча бот келса, курунур менга кеч,
Келибон хар неча кеч борса, курунур манга бот.

Сирри ищцингни дей олман, ёза хам олманким, Тили икки щаламу кунгли щора келди давот.

Мен тилаб хусн, вале шох тилаб аслу насаб, Менга лулий била хинду, анга щунгироту щиёт.

Сощиё, хуш керакмас манга хижрон дамида, Бода тут, доруйи бехуш вале бодага щот.

Тиладим ёр, хаёт айлай анга сарф дедим, Вахки,
ул даги вафо щилмади андощки хаёт.

Эй Навоий, тиласанг сайли фанодин махлас, Фащр даштида керак тогдек орому сабот.

**74**

Лаъл эмас ширин лабингким, жон топар андин хаёт Ким, суруб билдим ул эрмиш лаългун щилган набот.

Лек ул янглиг наботеким щуяр чогда ани,
Шираси жон шираси эрмиш, суйи оби хаёт.

Ощса рухсорида хай, не тонг кунгул тущтатмасам, Тог булса топмас ул сайр ичра имкони сабот.

Хажр дудидин щора булган кунгул ичра ущунг, Шархи холим ёзгали булмиш щалам бирла давот.

Хублар хайли аро хар сари тушмиш рустахез, Гуйиё майдон ичига чобукум секритти от.

Бощма эй зохид, хащорат бирла ашё сариким, Булмаган анинг сифоти мазхари йущ хеч зот.

Эй, Навойи, кургали ани учар хар дам кузум, Лек не суд учмощ ул щушким анга йущтур щанот.

**75**

Шух икки гизолингни ноз уйщусидин уйгат, То уйщулари кетсун, гулзор ичида уйнат.

Тишлабки, сочинг урдунг, очщанда паришон щил, Офощ саводинда жон ройихасин бутрат.

Кулбамга хуй афшон кел, зулфунг щилиб ошуфта, Анжум сипахин синдур, офощ улусин щузгат.

Ораз щуёшин очиб ашки щуруган кузни
Куп хажрда йиглатдинг, бир васлда хам йиглат.

Бир ох ила кул булдум, эй чарх, тилаб топиб, Фарход ила Мажнунга ошищлищ ишин ургат.

Хоро тубига ётщунг, йущ суд агар юз йил, Кук атласи устида жисмингни ётиб агнат.

Базм ичра Навоий куп йиглар эса, эй сощий, Хуш элткучи дору жомига анинг чайщат.

**76**

Менга бегонадурур ул буту мен ишщида маст, Ошно булмайин этти мени бегонапараст.

Лабидин жон иси келдию мен улдум бехуд, Вах, не майдурки иси еткач, этар халщни маст.

Сабзхатлар буйи щисщарди буюнг жилвасидин, Сарвнинг теграсида сабза курунгандек паст.

Тобга тушти щуёш панжаси хуснунг щулидин, Сидра гар хамщадинг улса, щуёш улгай хамдаст.

Сурма дайр ичра шикастимники, бир мугбачанинг Зулфи зунноридин улди менга бу навъ шикаст.

Туну кун маст эсам, эй шайх, мени ёзгурма, Сог улурму кишиким, ичти майи жоми аласт.

Эй Навоий, сени чун щилди щазо кофири ишщ, Фориг ул бут щошига сажда щил эмди пайваст.

**77**

Бодайи ишщинг куруб топти бузуг кунглум шикаст, Сайл етмасдин бурун вайроним улди ерга паст.

Гох галтондур, гахе уйщудадур усрук кузунг, Йущ таажжуб, гох галтон булса, гах уйщуда маст.

Ул санамга сажда щилсам, зохиди худбин, не айб,
Бутпараст улмощ куп ортугрощки булмощ худпараст.
Соций илгин бердиким, уптум даги ичтим цадах,
Найласун ичмай цадах хар кимга мундоц берса даст.

Куксума наълу алиф шакли иморат тархидур, Ташцари хам етти ищцинг мулкига девори паст.

Зохид айтурким, май ичма, вах, анинг хукми била Сог ула олгайму масти бодайи жоми аласт.

Эй Навоий, ищц ила кунглум хаёл этти масоф, Рубару булгач менинг цалбим сари тушти шикаст.

**78**

Эй кунгул, дедимки, айлаб азм жононимга ет, Демадимким, тургилу афгон била жонимга ет.

Бошинг ол кет, лек чун хам бекасу хам хастамен,
Холатим сурмоцца гохе байт-ул-ахзонимга ет.

Чунки курдунгким улубмен, тутма мотам, цайт бот, Ул дами жонбахшу лаъли оби хайвонимга ет.

Улганимни арз этиб йиглаб дегилким, эй Масих,
Айлабон лутф ул цатили тиги хижронимга ет.

Келмак улса итлари жисмим тугатмасдин бурун
Бошлабон ул кофири цотилни вайронимга ет.

Еткач-уц чун тиргузур, цупсам булай деб садцаси,
Зинхор ул дам мадад айлар учун ёнимга ет.

Деб эдинг, еткум Навоийга цатигроц тушса иш, Ушбу дамким, хажр цасд айлаб турур цонимга ет.

**79**

Тийраву афсурдабиз, эй ишц тарцатцан булут, Бир бало барци била хам урта бизни, хам ёрут.

Куз неча булгай цуруц зухд ашкидин ул зарц ила. Шуъла тортиб, эй бало охи ути, ани цурут.

То цачон цилгай кунгулни маъсият дуди цора, Бир чароги хусн ила, эй ишц, ул уйни ёрут.

Айлабон барбод зухду илмни, эй пири дайр,
Тифли рахдек эмди бизга ишц алифбесин уцут.

Хусн итибдур, эй мусаввир, тортибон бир турфа шакл, Кайгулуц кунглумни ул сиврат била гохе овут.

Хосили умр, эй кунгул, чун ишц эмиш урган ани, Узга умрунгда неким хосил цилиптурсен унут.

Эй Навоий, берса бир лулийваше савдоси даст, Зинхор икки жахон сармояси таркини тут.

**80**

Ким экин майдонда, ё раб, ул туни гулгун йигит Ким, гамидин тош урар куксига юз махзун йигит.

Не ажаб хам цад била саргарса рухсоримки, бор Дилбарим бир цомати раъно, юзи гулгун йигит.

Мен чекарга ранжу мехнат гам туни ожиз цари, Кунглум олган зулму бедод ичра рузафзун йигит.

Эй йигит, хуснунг закоти сур царилар кунглини,
Кимсани цуймас хамиша чун бу дахри дун йигит.

Мен хариф булган царига цайда майл этгай биров Ким, эрур шайдоси гам дастида юз мажнун йигит.

Найлайин туртунчи гардуннинг цари мехриниким,
Курмамиш оламда мохимдек туцуз гардун йигит.

Мен сузи кавн ахлига афсоналиг цилган цари,
Сен кузи Кашмир элига ургатур афсун йигит.

Чун цариднкг, чиц йигитлар базмидинким, царининг
Келмагидин йуц, боруридин дурур мамнун йигит.

Эй Навоий чун цари булдунг ибодат кунжи тут, Элга хор айлаб узингни булмагингдур чун йигит

**81**

Охким, олди цариган чогда кунглум бир йигит Ким, агар жон берсам, истигнодин улмас мултафит.

Касдима ул новак айлаб тезу мен судраб асо, Куйида хар ён ешилган уйлаким ганчилиц ит.

Мен киму ислом ким, сажжода бирла хирцани Айлади ул бутнинг атфол хаёли титу пит.

Ашк хажринда кузум оц этди андоцким мамуц, Жолайи ашк ул момугдин ёгди андоцким чигит.

Бир насихат бордурур, лекин цулогингга дегум, Юз яцин тут бу царидин, эй йигит, бир панд эшит.

Кад чу хам булди эмас хеч иш муносиб жуз рукуъ, Сажда урнин ох ила, хошак ила хасдин арит.

Эй Навоий, чун сени куйдурди чарх, эмди не суд, Ох утидин сен ани хохий цизит, хохий эрит.

**82**

Хабиб гайр ила май ичти, эн кунгул, цон ют, Эл ичса васл майин, боцу захри хижрон ют.

Чу хажр мухлик эрур, бода эрмас анга илож Тутайки, жоми май урнига шираи жон ют.

Менгаки дуст керак, эй Хизр, ютармен цон, Сенгаки умрдурур ком, оби хайвон ют.

Уцидин, эй кунгул, ич шарбат урнига хуноб, Ушоц муз урнида ул шарбат ичра пайкон ют.

Висол нушини то мумкин булгай истар эсанг, Фироц захрини, бас, улча булгай имкон ют.

Ичингда сирри хацицатни ёшурай дер эсанг, Улустин ул гухари бебахони пинхон ют.

Навоий, айла аниng ишщи таркини, йуц эса Чу гайр ила май ичар, боцу захри хирмон ют.

**83**

Чобукеким цатл учун сурди яна майдонга от, Одамий цолмас тириг солган замон жавлонга от.

Будурур маъноки, шояд цолган эркин бир киши, То аниng жонин хам олгайким, сурар хар ёнга от.

Хар кишини цатлким айлар, улармен рашкидин, Вахки, бир хам ёнгилиб сурмас мени хайронга от.

Не бало щаттиг кунгулдурким щатл эл щонига От сурар сурган масаллик лолаву райхонга от.

Уйлаким бузгай щуюнни узга бир туфон келиб, Ул сифат нобуд этар сургач бу саргардонга от.

Кимни ултурмакка отсанг ущ, мениng жоним чищар, Бир даги тиргузгали мен бедили бежонга от.

Даврдин куп ранжамен, усрук чищиб майхонадин, Рахши химмат узра солмощ истарам давронга от.

Шоми туфрощща кирардин чора йуштур, гарчи субх Кимки, секриткай щуёшдек бу биник айвонга от.

Кус уни туттн Навоий назмидек офощни, Гуйиёким сайр этарга чектилар султонга от.

**84**

Етилмиш, оллох-оллох, не щомат, ул щомат Ки, олам ахлига солди щиёмат ул щомат.

Кунгаргай асрамайин богбон нихолларин,
Чаманда сарвдек этса ищомат ул щомат.

Чу щилди жилва, вафо сари хеч щилмади майл, Жафода топщан учун истищомат ул щомат.

Хиром ващти халойищща фитна ёгдурди
Ки, борча фитнадин улсун саломат ул щомат.

Бошимга еттию улган таним равон топди, Бу
ишни ростий этти каромат ул щомат.

Чу ноз жилвасини сарвдек щилур билингиз Ки,
щатл этардин эрур бенадомат ул щомат.

Навоий, эмди узунгдин илиг ювким, улгунг Ки, зохир
айлади шащщи щиёмат ул щомат.

**85**

Эй сабо, холим бориб сарви хиромонимга айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Буки анинг ахду паймонида мен улсам даги
Яхши фурсат топсанг, ул бадъахду паймонимга айт.

Буки анинг зулфи зуннорида диним хосили Куфр ила
булмиш мубаддал номусулмонимга айт.

Буки цилмишмен жахону жонни анинг садцаси, Юз
туман жону жахондин яхши жононимга айт.

Буки юз жон садцаси цилсам пушаймон булмагум,
Васлига бир ваъда цилгандин пушаймонимга айт.

Буки юз минг фитнакузлуг булса пайдо онсизин,
Килмагум наззора харгиз кузи фаттонимга айт.

Буки чок айлаб ёца, усрук чицар эл цасдига, Мен улиб эл
жон топар, бебок нодонимга айт.

Дахр боги гуллари хуснин вафосиз эрканин, Юзи гул,
жисми суман, куйи гулистонимга айт.

Эй Навоий, хеч гулшаннинг сенингдек хушнаво Булбули
йуц эрканин шохи сухандонимга айт.

**86**

Ишц солди хонумоним ичра ут, Лаъли
оташноки жоним ичра ут.

Нега еткан ерга уртар халцни
Булмаса оху фигоним ичра ут.

Кунглум эрмас тандаким, хажринг аро
Тушти жисми нотавоним ичра ут.

Уцларингнинг касратидин чектим ох,
Тушти андин найситоним ичра ут.

Хажрдин куйди сунгаклар, вахки, ишц
Солди хошоки нихоним ичра ут.

Социё, майдин су урким, солди давр Жони
беному нишоним ичра ут.

Эй Навоий, чун чацилди барцн ишц, Тушти
андин хонумоним ичра ут.

**87**

Килди душман рахм, баским щилди жавр изхор дуст, Эй
кунгул, душман топ эмди, тутмагил зинхор дуст.

Хар замон душманларим озурдадур, эй дустлар, Баски,
хар дам еткурур мен зорга озор дуст.

Душман ар жонимни афгор айласа, щилди бихил, Жавр
тигидин чу кунглум айламиш афгор дуст.

Кеча душманларгаким, ноламдин уйщу келмади,
Ранжамен мундин дагиким, булмади бедор дуст.

Мен улар холатда, душманлар курунуб дустваш, Невчун
улмайким, келур бошимга душманвор дуст.

Кулса душман айб эмаским, курмадим оз хам вафо,
Гарчи щозгандим щилиб жоним фидо бисёр дуст.

Чархнинг мехрига магрур улмагилким, гадри бор, Харгиз
улмас кимсага ул душмани гаддор дуст.

Социё, щил дустлущ, тут бодаким йущтур гами, Булса
олам душмани хар кимга сендек бор дуст.

Итларинг гавго щилур гуё Навоий улдиким, Боши узра
жамъ улуб афгон щилурлар ёру дуст.

**88**

Эйки, файз истарсен, узни сарвдек озода эт, Хар паришон
нащшдин сафхангни гулдек сода эт.

Гар фано даштига киргунгдур су худ куз ёши бас, Лекин
аввал зодсизлищ зодини омода эт.

Таййи арз этсанг чокиндек бир шарарча курмагил,
Барщдек узни фано туфрогида уфтода эт.

Бир фано охи елидин сарбасар барбод улур, Гар
хаво узра булут ажромини сажжода эт.

Узни расволищща щилмощдур алам гар тугунга, Кук
ливосин шущща даги сидра шохин хода эт.

Кумган улгайсен бошингни бир овуч тош остида,
Тожингга зийнат агар лаълу дуру бижода эт.

Эр эрсанг, бул сулбким, не мода булгунгдур, не нар Узни
гар юз щатла олам ахлидек нармода эт.

Офият кунжида эрдимким, деди «эй мугбача, Дину
исломим уйин бузмощща майли бода эт».

Нащд жаннатдур Навоий кавсаросо май ичиб, Узни
зору волихи бир сарви хурийзода эт.

## СЕ ХАРФИНИНГ САМИН ГАВХАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «НАВОДИР»ДИН

### 89

Замона эрур чун махалли хаводис, Замоне
керак булмасанг анда мокис.

Амал щасрини айлама анда ихдос
Ки, хар лахза булгай укуш фитна ходис.

Чищарга бу вайронадин чора йущтур,
Гар Одам вагар Нуху гар Сому Ёфас.

Булур тийра кузгунг, тулар захраи жоминг
Тутайким, бул Искандару Жамга солис.

Жахон шугли сари талаб щилма мужиб,
Анинг таркини тутщали иста боис.

Фано хонащохи аро сомит улгил, Йущ
улким бащо дарсгохида бохис.

Навоий, амал хирмани ичра ут сол
Ки, булмощ керакмас бу мазраъда хорис.

### 90

Фалак хаводисидин булса хар бало ходис, Ул
ой василасидиндур бурун манга ходис.

Агарчи дард худусидур улча мумкин эрур,
Валек булмади бир дардима даво ходис.

Нетиб харамга щилай азм, дайр ичинда манга Ки,
булди мугбачалардин юз ибтило ходис.

Балийят ахлини озод айламиш гардун, Нединки
барча балоси булур манга ходис.

Сипехрдин не шикоят эрур чу цисми азал, Агар
вафо етишур, гар булуб жафо ходис.

Сипехр фитна тукар ерга, лек ул ойдин, Эрур не
фитнаки булгай жахон аро ходис.

Худус топмади эркан Навоий эмгагича,
Жахонда ищц балийёти булди то ходис.

**91**

Менинг расволигимга бодайи гулгун эрур боис, Майи
гулгун ичарга социйи мавзун эрур боис.

Парийвашлар жафосига гунах бил телба кунглумдин, Буким тош
ёгдурур атфол, анга мажнун эрур боис.

Фалак бежурм эрур, гам келса бу махзун сариким, хузн Топиб уз
жинсини келмакка бу махзун эрур боис.

Совурсам кукка туфроц, дард водийсида тонг йуцким, Куюндек
буйлаким саргаштамен, гардун эрур боис.

Не тонг бу телба огзида сузи доим ул ойнингким, Парий
васлига аксар эл аро афсун эрур боис.

Лабинг жонбахш, аёгдин бошинга цотил, не айб улсам,
Тирилмакликдин улмакликка чун афзун эрур боис.

Рацибингга десам лаънат, ери борким сенга нохац, Менинг
цонимни туктурмакка ул малъун эрур боис.

Ридо дайр ичра рахн этканга чун цнлдинг газаб, эй шайх, Яна
ёзгурма борсам ул сари мархун эрур боис.

Навоий бода ичмас, лек чун соций цадах цуйди, Ул офатшакл
эрур мужиб, бу дилкаш ун эрур боис.

## ЖИМ ХАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «НАВОДИР»ДИН

### 92

Зихе бошинг уза ва-ш-шамс зеваридин тож, Сочинг
саводида тафсири лайлат-ул-меърож.

Нужум жавхаридин тожи жохинга тарсиъ, Сипехр
атласидин тахти рифъатингга дувож.

Сахар яшил аламидин ливонг уза шуцца, Малак
цалин хашаридин сипохингга афвож.

Бехишт сори киши тийра гурдин бормас,
Шафоатинг алифи тутмайин йулига сирож.

Хидоятинг цулидин шарбати шифо топибон,
Аники иллати куфр айлабон заифмизож.

Салоти хамсани адёнга айладинг носих,
Бу панжа бирла малакнинг юзига урдунг кож.

Навоий улди чу мухтожинг, айла рахм ангаким, Еаний
карим эса ибромга эмас мухтож.

### 93

Эй гадойинг оллида мухтож ахли тахту тож,
Ахли тож оллида андоцким гадога эхтиёж.

Ким гадойингдур бош индурмас даги тортар аёц, Чархи
аъло булса тахту мехри анвар булса тож.

Лаъли серобинг бериптур оташин ранги била Офати
жоним учун ут бирла суга имтизож.

Дарди хажримга буюрди, сабр дарди йуц табиб, Захри
цотил бирла мухлик ранжима айлар илож.

Ой юзунг бирла талашди буки куктур орази,
Панжаси бирла цуёш гуё юзига урди кож.

Эйки, бердинг ишц султонига кунглунг кишварин,
Англагилким жону ацлу дин эрур аввал хирож.

Хублар ургансалар, тонг йуц, Навоий назмини Ким,
аларнинг хусни анинг ищцидин топмиш ривож.

**94**

Майи лаълингга гуёким хаёти жон эрур мамзуж Ки, ул
эрмас зулоли чашмайи хайвон эрур мамзуж.

Агар багрим судур, улмай нетайким анда гамзангдин Су
берган захр бирла цатраий пайкон эрур мамзуж.

Курунг гам базмида хунобалар ютмоцки жомимга
Багирдин келгану, куздин тукулган цон эрур мамзуж.
Лабингдин барча хижрон ваъдасидур, курмадук нуше Ки, захр
ул нуш аро токим эрур имкон, эрур мамзуж.

Висол ичра майи айш улса щисминг, булма куп эмин Ки, жоми
васл ила хунобаий хижрон эрур мамзуж.

Шафащгун май, хилолий жом агар курсанг харис булма Ки,
софи хирс бирла дурдийи хирмон эрур мамзуж.

Навоий ашкига дерсен не янглиг мазж топмиш щон, Багир чок
улса, ул щон бу суга осон эрур мамзуж.

**95**

Кунглумга айла лаъли шакарханд ила илож,
Килган кеби заифща гулщанд ила илож.

Куп ишщ таркидин дема суз щуйгил, эй табиб,
Мухлик маразга щилмади эл панд ила илож.

Онсиз улармен, оллима хуру парий не суд,
Топмас анинг гами анга монанд ила илож.

Кайд эт кунгулга силсилайи зулфин, эй хаким
Ким, телбага муносиб эрур банд ила илож.

Ул куйдин ити чу мени щовмащ истади,
Багримдин айладим неча парканд ила илож.

Даврон жафоси дафъига мажнуну маст бул Ким,
йущ ул ишка раъйи хирадманд ила илож.

Мухлик эмиш фирощ Навоий, магар сипехр
Килгай бу щатъи дардини пайванд ила илож.

## ЧИМ ХАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕХРАКУШОЙЛИГИ «НАВОДИР»ДИН

### 96

Наргис ул куздек эмас, эй богбон, бощиб куз оч, Не
учунким ул парий щиймоч эрур, бу бир талоч.

Айлади ошуфта савдойий димогим рагларин, Тонг
елидин андаким бутрашти ул ошуфта соч.

Зулфи эгнига етар гар сочи ерга судралур, Тенгдурур щайдим
учун гар бир щарич, гар юз щулоч.

Куйди жисму йиглабон кунглумда хаттинг шавцидур, Гарчи
мумкин йуц кукармак су била куйган ёгоч.

Ишц оламсуз келди, цуй фусунунг, эй хирад, Етти чун
ер-кукни йиртиб арслон, эй тулку, цоч.

Сарвнозим гул чоги гулшанга кирди, эй насим, Хам ани
елпию хам гул яфрогин бошига соч.

Куйки, ул юз хонига наззора айлай туйгуча Ким,
кузум булмиш бу цахти хусн айёмида оч.

Дуст зикру фикрини цилгил гизоким яхшироц, Хуш ила
туфроцким гафлат била кандий кулоч.

Эй Навоий, кунглунга етмас риёзатсиз сафо, Кулба равшан
истасанг хасрат суйидин руза оч.

### 97

Куйди юз шоми ажал зулфин паришон айлагач, Умр
хуршиди уёцти чехра, пинхон айлагач.

Сурди кунглумни бузуб хокий таним узра саманд, Елга
берди туфрогин, бу уйни вайрон айлагач.

Лаъли хажри цилди цон багримни гамдин лахт-лахт,
Катра-цатра тукти кузлар йулидин цон айлагач.

Охким, бахтим огир уйцусидин уйгонмади, Гарчи юз минг
фитна уйгонди мен афгон айлагач.

Килмайин сархуш хануз, эн мугбача, цуймоц недур, Оллима
зуннорни дайр ичра мехмон айлагач.

Ошиц эткач шухрайи шахр этти ул кофир мени, Шахр кездурган кеби кофир мусулмон айлагач.

Чекмади булбул Навоийдек фигонким, ёнмасун Сайр учун ул сарви гулрух азми бустон айлагач.

**98**

Гирих-гирих чу тугарсен етар оёгинга соч,
Гирихларин чу очарсен тушар цулоч-цулоч.

Кунгулни цийди анинг гамзасию цилмади рахм,
Киё-циё боцибон ул ики кузи циймоч.

Чаманда кеча ётиб маст оразин ёпмиш, Куп эмди тонг ели ул гулни лутф бирлан оч.

Кадинг чаманда куруб богбон агар сарвин Кузига илса хамоно керактур анга ёгоч.

Жунунга тушти санавбар цадингдин, уйлаки су Булуб аёгига занжир узалди бошида соч.

Сипехр лаъл куруб куксум узра мехроби Бало уцига хамоноки айлади омоч.

Навоиё, дер эсанг курмайин вафосизлиц, Таваццуф этмаю дахр ахлидин вафо кеби цоч.

**99**

Куруб дардим тараххум цилмадинг хеч, Тукуб ашким табассум цилмадинг хеч.

Фироцинг ути ичра неча йиглаб, Фигон чектим, тараххум цилмадинг хеч.

Жахонга оху ашким солди ошуб,
Бу туфондин таваххум цилмадинг хеч.

Сузунг шавцидин эрдим хаста умре, Сурарга бир такаллум цилмадинг хеч.

Мусаллам ишц, эй кунглум, сенгаким, Куруб зулмин тазаллум цилмадинг хеч.

Мухаббат ахли цисмин невчун, эй чарх, Килиб мехнат, танаъъум цилмадинг хеч.

Навоий сари, эй даври мухолиф, Наво савтин тараннум цилмадинг хеч.

**100**

Ул турки хитонинг эрур андоцки кузи циймоч Ким, ноздин улмас демак оллиндаки, куз оч.

Багримни циё боцмоц ила циймогидиндур, Ё айни такаббурдин эрур кузлари циймоч.

Очлицдин ул ойнинг магар улди кузи бемор, Кон ичкали мойил нега булмиш гар эмас оч.

Узбак, мугул улгай анинг оллида мусулмон, Билман ани цалмоцмудур, йуц эса тагмоч.

Турмас ажал ул гамзаи хунрез уцидин, Жонинг керак эрса сенга, эй хаста кунгул, цоч!

Упмакка юзи хубдурур, габгаби хам хуб, Чун огзи топилмаслиц аро олмоц учун бож.

Кейнича кунгулсиздур эришмакка Навоий, Ул шух чу уз мулкига борди кунгул олгоч.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХАРАМИЙЛАРИНИНГ ХУСНОРОЙЛИГИ «НАВОДИР»ДИН

**101**

Бу чаманким, тукилур шом гул, очилса сабох, Бодасиз шому сабо улмоц эмас бизга салох.

Даври айёмга йуц чунки вафо, эй соций, Сен вафо айлаю бас, айлама даври ацдох.

Бекарон раъфат эрур дахрда элга офат, Рохати бехад агар истар эсанг топцил рох.

Пири хаммор эшиги боглиц эрур, мен махмур, Рахм этиб оч бу эшикни юзума, ё фаттох.

Килмагил цасд киши цонию нацдига валек Айш нацдини цадах цони била англа мубох.

Хасмкуш келди фалак золи бил, эй шайху манга Раз цизи борида ул колони цилма никох.

Эй Навоий, тиласанг гам тенгизига сохил, Каштии бода бурун топцилу булгил маллох.

**102**

Жонима еткурди ул лаъли равоносо фарах, Элга еткурган масаллик лаългун сахбо фарах.

Лаъли ёцути муфаррихдур магар билхосия Ким, хаёлидин манга йуцтур насиб илло фарах.

Кон ёшимдин демангиз суз ким мукаддар булмасун, Бодадин топщан замон ул шухи махсиймо фарах.

Лаъли хижронида, эй сощий, яна май тутмаким, Тортсам кавсар майи етмас манга асло фарах.

Боиси гамдур лаби хажрида лаъли обдор,
Май дебон рангин су ичкан айламас пайдо фарах.

Гар фарах истар эсанг, майхона азми айлаким, Андин узга ердин олмиш гунбади хазро фарах.

Эй Навоий, дайр пири тутса, май ложуръа ич, Фикр щилмаким, санга еткай малолат ё фарах.

**103**

Булса булгай сарв щадлар ичра хар гулру малих, Сарви гулруйум менинг лекин эрур асру малих.

Хол эрурму йущса туз солган сиёхий нущтаси Ким, эрур васф айлагандин ортущ ул хинду малих.

Лабларинг кулгач, тукар туз бирла шаккар тунг-тунг, Оллох-оллох, булур эрмиш мунча хам кулгу малих.

Куп малохат бобида Шириндин айтур Кухкан,
Сабзширинимча ул бор эрди эркинму малих.

Эйки Юсуф бирла сурмишсен хабибим хуснидин, Ул сабих улди латофат ичра, аммо бу малих.

Оразинг кургач, кузум шуроба туккач, англадим Ким, эрурсен сен малохат ахлидин айру малих.

Эй Навоий, аччиг-аччиг йигларимни щилма айб Ким,
эрур кунглумни олган кофири бадху малих.

**104**

Ахтарин ашк эттию совуг нафасни ох субх,
Булди гуё шоми хажрим холидин огох субх.

Гам туни мухлик гамим англаб ёща чок айлади, Тонг
елидин хар нафас холимга тортиб ох субх.

Тийра хижрондин чу йущтур фарщ субху шомима, Хох
шом улсун щорарган рузгорим, хох субх.
Дуди охимдин щораргай хажр шомидин батар, Булса
хижрон щатъида бир кун манга хамрох субх.

Тийра шомим дафъ щилди мехр зохир айлабон, Яхши
борди мехрибонлигларда шайъ-улох субх

Хуштурур жоми сабух, эй шайх, сен хам ичкасен, Тутса
май сощий булуб бир мехр юзлуг мох субх.

Гам туни кух балосидин магар булмиш халос Ким,
менингдек кургузур рухсоре чун кох субх

Субхдам бедору гирён бул, агар файз истасанг Ким,
сенинг уйщунгга хандон булмасун ногох субх.

Эй Навоий, ул щуёшнинг муждайи васлин бериб, Килса
неткай, шоми хажрим мехнатин кутох субх.

**105**

Хджрдин асру хазинмен, сощиё, тутщил щадах, Хар неча
согар улуг булса тула тутщил щадах.

Гар анинг нуш айларидин ожиз улса ахли базм, Жамъ
этиб борини бир йули манга тутщил щадах.

Кониъ эрман бир щадах бирлаки, дардим саъб эрур, Хар
кеча ложуръа нуш этсам, яна тутщил щадах.

Бир нафас маст улмасам хижрон гами айлар халок,
Жонима рахм айлабон бахри худо тутщил щадах.

Гар муяссар булса базми васл, лутф айлар эсанг, Куй мени
наззорага купрак анга тутщил щадах.

Улу мен чун маст булдущ ихтиёринг бордур, Хилват
айлаб бер ижозат, элга ё тутщил щадах.

Чун харобот ичра туштунг чищмогинг душвор эрур,
Ихтиёринг йущ ичиб, эй порсо, тутщил щадах.

Хирщайи зухдин Навоий щилди рахн, эй майфуруш,
Куйма хуш илгида ани бенаво тутщил щадах.

**106**

Субх дайр ичра муганний уйла тузди шадди рух
Ким, унидин булди рухуллохга оханги сабух.

Тоза булди рухлар ул навъ шадди рухдин, Ким
лисони холи рухуллохга цилди тоза рух.

Йуцки, ёлгуз шаддидин тушти цулуб ичра кушод, Хар
гирифти доги арвох ичра солди юз футух.

Дайр пири онча тутти элга жоми рухбахш, Ким
яциндурким ушатцай товба булса юз насух.

Рухи цудсий эрди алфози зухур эткунча фажр, Вахй
юхо эрди анфоси тулуъ эткунча юх.

Йуцки, май каштийси гам туфонидин айлар халос
Ким, топар андин киши бир цатра ичса умри Нух.

Сирри вахдат нуктасидур бас дациц, эй порсо, Май
цуёши ламъаси бирла магар топцай вузух.

Эй мударрис, ишц сирри дафтари бир нуктадур, Гарчи
мингдин бир ёзилмайдур ёзиб юз минг шурух.

Васлсиз булмас Навоий кузу кунглига илож Ким, журух
узра журух улмиш, цурух узра цурух.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХУБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «НАВОДИР»ДИН

**107**

Фано тарицида хар кимки хосил этти русух,
Риёву зухд анинг оллида эрур мансух.

Не навъ узлуги мансух булмагай цошида,
Бировки, дуст шухудига хосил этти русух.

Чу ишцсиз эди зухд ахли келди ноболиг,
Эрурлар атфол, эл гарчи дер аларни шуюх.

Демакта воциъа ёлгону чин тахайюл этиб,
Киши эканларин андоцки ёд цилса мусух.

Жахони хокий эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмомак авло мулаввас улса кулух.

Арит сиришк била ботинингда бор эса чирк, Ю
тавба суйи била булса ботининг аро шух.

Навоий ахли фано иста, цуй риё ахлин
Ки, найшакар борида тухфа цилмади киши лух.

**108**

Фироц утики, бало огзидур анга манфах,
Мисоли дузаху жаннатдурур ул дузах.

Не тонг ёшунса кеча зулфида цуёш куйи Агар бу навъ
эса чавгани зулфу гуйи занах.

Эрур кирарга кунгул хайли ул тараф бир-бир, Тарог
сочингдаки йуллар ясаб турур рах-рах.

Куёш хамоно кук атласин либос этмиш Ва ё кийиптур
ул ой нилгун насиж ила нах.

Гахеки кургузасен захри чашм тонг эрмас, Булур чу
бодомнинг донаси бирарда талх.

Юз очса ацлим эли тулганур, нединким бор Чинор
панжаси шал, офтоб панжаси шах.

Навоий охини зохид кам этмади суз ила, Нединки, дуд
улур афзун, цотилса ут ила ях.

**109**

Шух куп йуц бириси, уйлаки, айёр ул шух, Шухлуц
бирла цилур элни гирифтор ул шух.

Боциб агёрга тишлар лабини ишва била
Еткурур цатл учун жонима озор ул шух.

Гул цизариптуру сунбул цорарипдур, гуё Бог аро
цилди аён зулф ила рухсор ул шух.

Хублар бутрашибон цузгалишур ишц ахли Масту бебок магар булди падидор ул шух.

Кимниким зор курар ултурур ул шухи бало Не бало турфа иш улмиш буки, мен зор ул шух.

Дайр аро мугбачайи шух ушатти тавбам, Маст булман нетайин бор чу хаммор ул шух.

Шухлицдин не деса чун унутур эмин эман, Гарчи худ ваъдайи васл айласа изхор ул шух.

Эй кунгул, дину хирад нацлини асраки, эрур Зулф аро холи кеби шабраву таррор ул шух.

Гар Навоийдин эрур бехабар ул шух, не тонг,
Мастлигдин эмас уздин чу хабардор ул шух.

**110**

Эй кунгул, чунки эрур ёр майи фурцати талх, Кимки, бу майни ичар булса, не тонг риццати талх.

Шарбати сабр дер ич носиху юз войки бор, Оби хайвон била хал айласа бу шарбати талх.

Узгалар бирла ичарсен маю мен зорга ул Бодаедурки, эрур таъми ачиг, лаззати талх.

Социйи базм, яна тутма манга жоми фироц Ким, бу согарнинг эрур чошнийи шиддати талх.

Талхком улдум анинг куйида бекасликдин, Ишц куйининг эрур чун цадахи гурбати талх.

Хублар лаъли хаёлига чу чурканмаки, бор Узи хар неча чучук, хажри аро мехнати талх.

Эмдиким васл ародур цуйки, Навоий, улдег, Эй кунгул, чунки эрур ёр майи фурцати талх.

**111**

Эрур барот ила байрам ул ойга зулф ила рух. Хуш улки тун-куни булгай бу иккидин фаррух.

Бирин-бирин нетайин ою сарв ила гулни,
Менингки мохим эрур сарвцомату гулрух.

Хадиси ултурубон тиргузурки, суз сурсам, Агар
ачигланур, аммо чучук берур посух.

Малохат улса олур жонни лулию хинду, Гар
улмаса цочурур мохи уцчаву Халлух.

Ёзар цалам кеби водий хажр аро цаламим.
Сунгакдурурки, анинг жавфида цуруптур мух.

Фано тарицида бирдек эмас бори маъруф,
Бирига Кархдурур жилвагах, бирига курух.

Навоиё, эрур ул шухи туркман бас тунд, Наво тилар
эсанг андин югурма ордича чух.

**112**

Мени ишщдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

Май устидаги хасча щилма хисоб,
Агар су уза солса сажжода шайх.

Ёруглущ эмас мумкин андинки, бор
Залолат таришида уфтода шайх.

Риё бахри ичра тамаъ завращин
Солиптур асодин тутуб хода шайх.

Еяр доми тазвир эл сайдига Килиб
субхаднн дона омода шайх.

Газабда сабуъ, шахват ичра бахим,
Агарчи эрур одамийзода шайх.

Кирар одамий сонига щилса нуш, Фано
дайрида бир щадах бода шайх.

Иродаттин улгай эдим бандаси, Агар
топсам эрди бир озода шайх.

Эранлардин узни тутар, гарчи бор Укуш
зебу зийнат била мода шайх.

Навоий тилар сода юзлуг йигит, Не гам
гар ани манъ этар сода шайх.

**113**

Хатинг сипохи чу чищти нечукки муру малах, Демаки, щочмасун арбоби ишщу урма занах.

Куруди мазраъи шавщум, чу зохир эттинг хат Ки, дона офатидур мазраъ ичра муру малах.

Юзунг утики бор эрди кузумга равза гули, Тутун кеби хатинг ул утни айлади дузах.

Нищоб аро юзунг эрди гилоф аро кузгу, Не хатдурки, ани щилди кийиз ичиндаги ях.

Хатики, хат-хат осилмиштур эмди ул рухдин, Не рух дейин юзиниким, булуптур ул рах-рах.

Тасаввур этмаки, эл упмак орзу щилгай, Магарки мучина огзи лабингдин олгай мах.

Жамоли зохир учун улдунг, эй Навоий, зор, Чу ёпти оразини хат, уёлдинг эркин, вах.

## ДОЛ ХАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «НАВОДИР»ДИН

### 114

Эй жамолинг мехридин равшан азалдин то абад,
Зарра янглиг ул ёруглущ ичра саргардон хирад.

Кунхи зотингдин хирад гар булса аъмо не ажаб,
Заррага юз минг щуёш мохиятин билмак не хад.

Хам хирад нури топиб хуснунг щуёшидин димог, Хам вараъ зури олиб зикринг гизосидин жасад.

Сенга толиб, кимки азми Каъба айлар, йущса дайр, Сен муроди, кимки дайр ичра санам дер ё самад.

Халщ раддидин не гам, топганга лутфунгдин щабул, Эл щабулидин не суд аники щахринг щилса рад.

Булмагай мумкин залолат чохидин чищмощ киши,
Лутфунг илги риштайи тавфищ ила щилмай мадад.

Кувватингнинг ожизи гар пилтан, гар шери зур,
Миннатингнинг шокири гар гулжабин, гар сарвщад.

Хам муножот ахлининг кунглида бийминг бехисоб, Хам
харобот ахли жонинда умидинг беадад.

Журму исён чохидин чищмощ Навоий илтимос Сендин
айлар, негаким йущтур санга куфван ахад.

**115**

Ситам эрмас эдиким, айладинг кунглумни юз парканд, Ситам
будурки, тикмак бирла истарсен анга пайванд.

Хам ип кул булгаю, хам игна су булгай тикар булсанг
Нединким бор алардин ахгари сузанда хар парканд.

Жамолингга цуёш ухшар валекин онча хам куп йуц, Анга
булганча ой монанд, ул булгай санга монанд.

Парийруйимдин айру, эй хаким, оч цайду бандимни Ки, мен
дев улмишам, девона эрманким, солурсан банд.

Хабибим истаю гулшан аро хар дам гул исlinks, Мени
Юсуфдин айру цилди цонлиг кунглаги хурсанд.

Кузумнинг мардуми одамдурур гуё цора булган, Бу
ёшларким, булур зоянда андин барчаси фарзанд.

Лабинг нуши закотин хожат ахлига берур булсанг, Улубмен
хасратидин жонга йуц улганча хожатманд.

Дединг гулцанд, эй тарсо хакими, англабон заъфим, Вале
дафъ улди цилгач мугбача дайр ичра шаккарханд.

Алам еткач, Навоий, дахрдин, май бил анинг дафъи, Кабул
эткан кишига басдурур оламда бу бир панд.

**116**

Кайда цилгай соядек мен телбайи хокийни банд Ким, цуёш
буйнига солмиш сунбулунг печон каманд.

Катлим этмаслар гаму дардинг вале тахцирдин Мур цатлин
аждахокушлар цачон айлар писанд.

Наълидин чацилмас ут, балким шарарлар айрилур, Хар
тараф майдон ароким ут кеби сурсанг саманд.

Тонг йуц охим ул цуёшнинг бурцаъин рафъ этмаса Ким,
булутца дуд етмас нечаким чицсун баланд.

Еутаму урмиш кузумнинг мардуми цон ёш аро, Ё
ёшурмиш ул цора куз оразин гулгун паранд.

Истагунча, эй кунгул, хар дам даво дард истагил Ким, даво
топмоц эмастур мумкин улмай дардманд

Булгали хуноби хижрондин Навоий талхком Гохе
йиглар аччиг-аччиг, гох айлар захрханд.

**117**

Нолонмен очар булса юз ул хури парийзод,
Булбулга не тонг гул очилур фаслда фарёд.

Гулгун тун аро цоматиму жилвагар улди, Гул
баргидаму булди нихон савсани озод?

Ашким суйининг мавжини кунглунгга кечурким, Жавхар
била хушроц курунур эл аро пулод.

Кунглум зацанинг ичра куруб ёйдинг анга зулф, Чох узра
кабутарга ёяр домини сайёд.

Булбулни гаминг цузгаса шод улмагил, эй гул Ким, ут хам
учар, кулни фалак айласа барбод.

Гамзанг мени бир тиг била айламади цатл, Бу феъл
цилур кимга азоб айласа жаллод.

Кунглини Навоийнинг уцунг касрати бузди, Бу кулба ёгин
касратидин цолмади обод.

**118**

Булди кунглум шод топцач тигдин куксум кушод, Йуц ажаб
хар кимгаким еткач кушоде булса шод.

Хаттинг эл кунглини купрак олди, гуё хат эмас Юз уза
цилдинг кунгул олмоглиц афсунин савод.

Ул парий ишцида мен девона эрман, девмен, Ишц
водийсинда хар охим эрур бир девбод.

Дема цочдим жаврдинким, баски тош ёгдурди хажр, Гард
улуб барбод булди бу тани хокийниход.

Номурод улсам не тонгким ихтиёр этканда ишц, Улки аввал
таркин эттим, эрмас эрди жуз мурод.

Ёрдин гар истасангким курмагайсен гайри васл, Гайр варлин мутлацо ёд айламакни цилма ёд.

Эй Навоий, муътацидсен цайда курсанг пок юз, Юз кишида йуц экан бир сен кеби пок эътицод.

**119**

Гар кунгулни айласа ул цотили хунхора сайд.
Катл учун щони тукулмай найлагай бечора сайд.

Эй кунгул, ул шух захм урса давога щилма саъй, Расм булмас истамак мархам, чу топти ёра сайд.

Зулф аро сайд айламак истар кунгулларни кузунг, Шабшикор ул навъким щилгай кийибон щора сайд.

Катл щилмай кести туш-туштин кунгулни шухлар, Бисмил улмасдин бурунрощ булди пора-пора сайд.

Билгай ул кофир анга телмурмагимни, билсаким Не тазаллум бирла щотилни щилур наззора сайд.

Муршиди жозиб тилаб топмай гум улдум, войким, Булди бу сахрода сайёд истаю овора сайд.

Телба щушдещдур Навоий кунгли савдо даштида, Ани то сен айламишсен, эй парий рухсора, сайд.

**120**

Дуди ох эрмас кунгул уйин щора щилганда дард Чун йищилди ишщ зулмидин хавога чищти гард.

Хар тараф азм этмагинг куп дардлар дармонидур, Келки асру дарди дил изхор этарлар ахли дард.

Кайдаким тушса назар пайки сиришким сайлидур, Ким куруптур су уза бу навъ пайки рахнавард.

Лола янглиг булди гулгун бодадин ул юз гули, Вах, не рангин очилур эрмиш щизил су ичса вард.

Уйла чищтинг секритиб шабрангу тортиб тигким, Шахсувори чарх юз щайтарди булмай хамнабард.

Тез эвур даврунгда, эй сощий, сипехросо щадах, Бархам урмасдин бурун мажлисни чархи тезгард.

Басдурур ул ойни кургандин кунгул титратмаси, Эй Навоий, чекмагил сен даги хар дам охи сард.

**121**

Эй, юзунг оллида бехол хирад, Васфин айларда булуб лол хирад.

Чунки сен секритибон тавсани хусн, Булубон йулида помол хирад.

Вахки, сен тифлдин улди мабхут, Уйлаким пири кухан сол хирад.

Эхтимом этти жунунум сари ишц, Нечаким айлади эхмол хирад.

Ишц куйида мазаллат чексун, Тиласа давлату ицбол хирад.

Социё, майки мени васвасадин, Айлади шефтаахвол хирад.

То фано сайлида булгай нобуд, Куруб ул жавхари сайёл хирад.

Дайр пири мангаву мугбачалар Неча урса юзига зомо хирад.

Ё раб, эт ишц Навоийга насиб, Кунглидин лек бурун ол хирад.

**122**

Кунгул хароратин англатди охи дардолуд, Уй ичра ут эканин элга зохир айлади дуд.

Вужудум этти адам оцибат бу хайраткким, Адамдек огзи аро суз не навъ топти вужуд.

Кузунг шамойилини наргис ар кура олмас, Санга не фикр кузи чицсун улки, булди хасуд.

Даме харам нафаси, дайр цасди айлармен, Не ерда юз цуяр улсам юзунгдурур мацсуд.

Кунгулни ёрга боглаву рафъ цил агёр

Ки, бордур улки анинг гайридур саробу намуд.

Малул улубмен узумдин, фано майи тутцил Ки, рангу атри вужудумни айлагай нобуд.

Вагар сумурса Навоийга еткай андоц сукр Ки, фарц топмагай оллинда шохиду машхуд.

123

Зихе хажрингда айлаб бизни гам шод. Хаёлинг хотири гамгинни хам шод.

Гамингни лахза-лахза еткурурсен, Килурсен хотиримни дам-бадам шод.

Килур мунглуг кунгулни доги ишщинг Гадодекким, булур топщач дирам шод.

Агарчи бог аро озодадурлар, Кадингга бандадурлар сарву шамшод.

Ичармен жоми май хижронда, гарчи Ки, булмас май била ахли алам шод.

Сафоли дайр дурдидин севундум, Не тонг щилса гадони жоми Жам шод.

Навоий савти ишщ ахлин щилур хуш, Тонг эрмас щилса дард ахлин нагам шод.

**124**

Ишщ аро расволигим элга берур Мажнунни ёд, Уйлаким айлар ани курган мени махзунни ёд.

Гам тунида мехнати хижрони афзундур манга, Хар щачонким айласам ул хусни рузафзунни ёд.

Катра-щатра щон томар икки кузумдин шавщида, Дам-бадамким щилсам ул икки лаби майгунни ёд.

Лутфи йущтин кунглума бевазн эрур шамшоду сарв, Ох тортиб айласам ул щомати мавзунни ёд.

Лаъли жонбахшинг деган сузни эшиткан щилмагай Оби хайвон бирла богланган дури макнунни ёд.

Хар киши нуши майи лаълингдин ичса журъае, Кайда щилгай узга неши гардиши гардунни ёд.

Чун азалда сарнавишт улганни курмай чора йущ, Хар замон айлаб шикоят щилма дахри дунни ёд.

Азми Багдоду Бухоро айлаган ахбоб учун
Берса тонг йущ элга ашким Дажлаву Жайхунни ёд.

То Навоийни жунун даштига солди ул парий, Хазл учун хам щилмади бир щатла ул мажнунни ёд.

**125**

Кунгулда юз била хаттинг гар ут солур, гар дуд, Мунаввар ут тушар ул уйдаву муанбар дуд.

Фирощ кулбасида тортарам дамодам ох, Не айб
тутса бу вайронани саросар дуд.

Фалак юзундаки хар сари дуди охимдур, Фирощ ахлига бир шоми хажр эрур хар дуд.

Хатинг щуёш кеби юз узра парвариш топти, Ажаб эмастур агар булса шуълапарвар дуд.

Улус щабулию радди била ишим йущ, лек Неча ул ой манга мащбул, мен анга мардуд.

Замона боги гулу сунбулини исламаким, Димог офатидур шуъла фарз щил, гар дуд.

Навоий охидин ул ойни ёшурунг зинхор Ки,
хублар тарафи майл айлар аксар дуд.

**126**

Зикринг айларда чекармен хар дам ох, эй сарвщад, Уйлаким, Куръонга нотищ тортгай хар лахза мад.

Васли ищболин хаёл этканда сен щайт, эй кунгул Ким,
тахайюл бирла щилган ишка хожат йущ мадад.

Ёр хажру васлини не щилса булгай жуз щабул, Тенгри
берган айш ё мехнатни булмас щилса рад.

Хусн гулзорида бир-бир жола ёщщан лутфи бор, Катра-щатра дур кеби хуй бирла ул гулфом хад.

Колмишам зулфу юзунг шавщида субху шом, лек Ул бири субхи азалдур, бу бири шоми абад.

Не хирад, не хуш биздин истангиз, эй ахли зухд, Ишщ лол эткан кишида щайси хушу не хирад.

Эй Навоий, васл ароултурсам узни, щилма айб Ким, эмиш мухлик киши курмак уз-узиндин хасад.

**127**

Сену фирдавс ичида кавсару хур, эй зохид, Мену майхона аро бодаки тутцай шохид.

Телба кенглум ер упар ёр цоши оллинда, Масти мехроб аро ул навъки булгай сожид.

Эй кунгул, хар неки ишц ахлини манъ айлаб эдук, Кургач ул ойни бори бизга-уц улди оид.

Менмену мугбачалар дайр ичинда вах неткай Мундин узга киши бутхонада булса обид.

Мен гадо масту харобот аро илгимда сафол, Боцса Жамшид бу ицболима булгай хосид.

Билса Фарход ила Мажнун жазаъ эткайлар эди, Ишц бедодидин улча манга булди ворид.

Эй Навоий, бу чаман ичра вафо истамаким, Ул матоъ улди бу бозорда бехад косид.

**128**

Эй, сочинг занжирининг савдосида мажнун хирад, Дам бадам купрак парийдек хуснунгга мафтун хирад.

Ацлим учди айладим то касб ишщинг илмини, Гарчи элга илм касбидин булур афзун хирад.

Эй хаким, этма жунунум айбким, кургач ани, Тухтата олмас димоги ичра Афлотун хирад.

Эй хирадманд, англамассен холатин ушшоцнинг, Не учунким ишщ тавридa эрур Мажнун хирад.

Охким, еткач анинг ишщи тамомин цилди махв, Гарчи цилди панд ила кунглумни юз афсун хирад.

Гармрав ошицца мардуд улса, носих, цилма айб Ким,
келиптур ахли ищц оллида доим дун хирад.

Эй Навоий, ищц аёгининг нисори айлагум, Сочса хар соат
насихатдин дурри макнун хирад.

## ЗОЛ ХАРФИНИНГ ЗУЛХАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛИГИ «НАВОДИР»ДИН

### 129

Казо не хукмки айлар жахонгадур нофиз, Жахону
бас демаким, инсу жонгадур нофиз.

Жахон аро баний Одам нетиб халос улгай Ким, ул
малойикайи осмонгадур нофиз.

Нафози хукм шахи комрондин элга булур, Не хукм
ул этса, шахи комронгадур нофиз.

Агар ёмону агар яхши кимса йущ озод Нединки,
буйруги яхши-ёмонгадур нофиз.

Бузуг жахонга анинг хукми нофиз улгандек, Хабиб
хукми мени нотавонгадур нофиз.

Буйин щуюбмен агар тиги щатл сургунгдур Ки,
амри дилбарининг хар щаёнгадур нофиз.

Навоий айласа хар ён азимат андин эрур Ки,
буйругунг мени бехонумонгадур нофиз.

### 130

Кунглум эрур ул гунчайи сероб ила мултаз, Ул
навъки маст улса майи ноб ила мултаз.

Лаззат топар ул шух чучук жоним олурдин,
Атфолдек улган кеби жуллоб ила мултаз.

Рангин лабинг озурда кунгул комидур, арчи Бемор
эмас шарбати унноб ила мултаз.

Кунглум юзу лаълингдин узин айлади бехуш Ким,
субх булур халщ шакархоб ила мултаз.

Сен базми нишот ичра майи ноб ич, эй шух
Ким, бизни фирощ айлади хуноб ила мултаз.

Сощий, щадахе тутщилу, эй турфа муганний, Базм ахлини щил бир неча мизроб ила мултаз.

Куп равза била хурни кургузма, юз очщил Ким, хаста Навоий эмас асбоб ила мултаз.

**131**

Эй лабларинг халоватидин жонга илтизоз, Топцай етишса чашмайи хайвонга илтизоз.

Жон чунки лаззат айлар анинг лаъли ёдидин, Берса не тонг халовати жононга илтизоз.

Лаълингни цилса яхши-ёмон орзу, не тонг, Жондин булур чу оцилу нодонга илтизоз.

Даврон элига лаззат агар булса, не ажаб, Майдин чу бор ул офати давронга илтизоз.

Нутцунг халоватини не билсун рацибким, Ширин хадисдин етар инсонга илтизоз.

Лаълинг химоят этмаса ул юз назораси, Мухлик бериптурур мени хайронга илтизоз.

Синган сафол ичинда Навоийга бодадин, Ончаки жоми Жам била султонга илтизоз.

## РЕ ХАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «НАВОДИР»ДИН

**132**

Зихе мазохир аро мехри оразингдин нур, Куёштин уйлаки заррот хайли ичра зухур.

Вужудунг айлади кавну макон вужудин фош, Хамул сифатки цуёш цилди заррани машхур.

Хирад гар аъмо эса кунхи зотинг ичра не тонг, Куёшни курмаса хуффош бордурур маъзур.

Сенинг жамолингга гул кузгусида булбул маст, Сенинг зухуринг ила гул жамолига магрур.

Йуц эрса гунчага хифзинг нечукки парда арус, Аруси парданишин янглиг улмагай мастур.

Сени тнлаб туну кун баски айлабон таку пуй,
Нафасларини ола олмайин сабову дабур.

Боциб сужуд аро цошингга габр, агар муъмин, Тилаб
цадах аро аксингни маст, агар махмур.

Май ичра аксинг аро софчашга айшу нашот,
Кадахда нашъанг ила дурдкашга завщу сурур.

Чу сенсиз улди харам ичра порсо, не осиг, Навоий
улса сенинг бирла дайр аро, не щусур.

**133**

Сариг когазмудурким сузи хажрим айладим тахрир Ва ёхуд
шуъла тушти сафхага ул суз этиб таъсир.

Магар хавро сочин щилди щаламгун сафхасин когаз,
Килурда сунъ нащщоши нигорим сувратин тасвир.

Бощиб дермен: шикоят айлайин кургач ани, щолмас
Кузумга тоби наззора, тилимга щуввати тащрир.

Мени хажр офатидин щутщару щатлимга таъжил эт,
Нединким, бийми офат келди ишта айламак таъхир.

Дединг: васл ичра тащсир этмайин ищщим щабул этсанг, Чу
булдум ошищ, эттинг хажр асири щилмадинг тащсир.

Жунун хатти мухити ичра марказ булмагим не суд Ки, бу
хат бирла булмас ул парийни айламак тасхир.

Сочинг куфри худ имонимни олди, вах, не айш улгай Ки, ул
зуннорни буйнумга боглаб щилсалар такфир.

Мени гар мугбача дайри фано ичра асир этти,
Чу тащдир эрса, эй шайх, харамни щилгамен тагйир.

Навоийга не мумкин васликим, хар тун бу фикр ичра Не
тадбир этса охир ишщдин бори топар тагйир.

**134**

Кунгул ичра гам камлиги асру гамдур, Алам
йущлуги даги щаттищ аламдур.

Ема дарду андухдин гамки, истаб Топилмас
бу давр булса бу мугтанамдур.

Хуш ул дардким, юзланур лахза-лахза, Хуш
ул гамки, хотир аро дам-бадамдур. Жахон
ичра хамдард кам булса тонг йущ Ки, бедард
куп, лек дард ахли камдур.

Манга ишц дарди эмас мухлику бас Замон
дарди, ахли замон дарди хамдур.

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст Ки,
оллинда олам вужуди адамдур.

Мацом этса туфроц уза — тахти Жамшид,
Сафолики ул май ичар жоми Жамдур.

Кадах важхи гар шайхдин хосил эрмас, Не гам
дайр пири чу сохибкарамдур.

Навоий ичар бода ул шух тутцач, Неча
гарчи тацво била муттахамдур.

**135**

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар, Ё
адасдур, ё ёпушмиш бир адас чоглиг шакар.

Кургач охимни, газабдинму цизарди ул узор, Йуцса ул
хумрат бу утнинг тобидин булди асар

Новакинг жисмимга сончилгач етишти юз бало, Шох уза
пайванд цилгач мунчаким топмиш самар.

Мен ул ойга махв цолгач, тан аро пайконларин Чеккан
эрмиш халцу хайратдин манга булмай хабар.

Икки гавхардур цулогингда ваё цилмиш сипехр Ойнинг
атрофида икки саъд кавкаб жилвагар.

Чарх зулмидин не тонг сугум сабухий вацтиким, Субх хам
бу гуссадин йнртар ёцасин хар сахар.

Эй Навоий, хажр утлуг дашти ичра англадим,
Аниким дерлар сацардин цитъае эрмиш сафар.

**136**

Сенинг хуснунг менинг ишцим ажойиб унс тутмишлар,
Магар бу шуълани ул шамъ тобидин ёрутмишлар.

Бориб эрди ики кофир кузунг цатлим учун ваъда, Хамоно айни усруклукдин ул ишни унутмишлар.

Мену дарду бало, эй шодлиц, боргилки, хажринда Мени гам тунлари бекаслигим вацти овутмишлар.
Кунгулда яраларким бутмади хар навъ мархамдин, Лабинг нуши хавосин истимоъ этканда бутмишлар.

Тамаъ узмак ики ширин лабингдин мумкин эрмаским Ки, то ул шахддин тотмишмен огзимни чучутмишлар.

Сиришким сайли ичра ишцу дардингдин заиф улди, Бу су ичра ул утлар гуйиё жисмим цурутмишлар.

Чу мен безормен иткан кунгулдин демангиз, келмиш Нега ул телбаи расвони бу жониб ёвутмишлар.

Май ичкил, дагий туткил бевафову мехрлар тарки,
Анингдекким, алар мехру вафонинг тарки тутмишлар.

Навоий, май била кунглумга ут солким, замон ахли
Совуглуц онча цилмишларки, кунглумни совутмишлар.

**137**

Х,ам кузум тортар, хамул мезон била кунглум солур, Ё раб, ул келгаймуким куз ёрутуб кунглум олур.

Тортсам кунглум футури шиддатидин цаттиг ох, Дахр боги соврулуб, афлок даги цузгалур.

Вахки, захмининг исидин майл хам цилмас итинг, Русса тигидин нечаким зор жисмим тугралур.

Тоцатим гар цолмади тортарга мехнат тогини, Не ажаб бу юкни гар афлок чекса тавшалур.

Сузи хажринг дафъи хам булса кунгулда доги бор, Ут учар, лекин асар ёнган макон ичра цолур.

Бас туладур жоминг, эй соций, илиг титратмаким, Мен ичай андинки, туккунгдур ани гар чайцалур.

Эй Навоий, ишц утин куз ёшидин паст айларам, Лек хар дам ул цуёш ёди ичимга ут солур.

**138**

Тийра шомим ичраким барци балолар чацилур, Х,ар нафас ишц аждахоси огзидин ут сочилур.

Х,ажр даштин, вах, нетиб цатъ айлайинким, хар тикав
Бош чицарур орцасидин чун кафимга санчилур.

Ишц аро панд этмаким не суд, эй ахбобким, Хар фигонда банд-бандим бир-биридин айрилур.

Чун иложим цилгали холим сурарсен, эй табиб, Бу хикоятни буровдин сурки уз холин билур.

Тогу водий ичра андоц саъб холим борким,
Курса гар Фарход, агар Мажнунки юз хайрат цилур.

Не цорадур шоми хажримким ёрумас шаммае, Мунча утким, чарх тоцида дамимдин чацилур.

Номадин мумкин эмас, эй шух, холим англамоц, Уртанур когаз, фироцим шархи чунки ёзилур.

Социё, сузни узатмай эмди туткил бодаким, Достони хажр цисцармас нечаким айтилур.

Эй Навоий, азми дайр эткил тилар булсанг фарог Ким, бу янглиг гавхар андоц кон ичинда топилур.

**139**

Кечаким зулфунг хаёли кунглум ичра айланур, Тонгга тегру заъфлиц жисмим йилондек тулганур.

Даргахингда бир заиф ит бирла мен хар кечаким Гах танин бошим, гахи боши танимни ястанур.

Эй парий, мажнун кунгул сузидин узни асраким, Барци охидин малойикнинг цаноти чурканур.

Мен киму уйцуки хижрон шоми охим суридин, Деса булган сунгги уйцу элткан эл уйганур.

Гар забун булсам ажаб эрмаскн, тушса ишц аро, Аждахолар хоксор улмоц тарицин урганур. Оташин рухсор ила куйдурма элни асруким, Шамъ юз парвонани уртар, узи хам уртанур.

Сарвцадлар жилваси тонг йуц Навоий охидин, Доимо ашжор ел тахрики бирла тебранур.

**140**

Фироц иситмаси андоц танимдин ут чицарур
Ки, гар табиб илигим тутса, бармоги цабарур.

Эмас бу чашмайи хуршидким, ул ой гамида Куруб сипехр ёмон холатин кузи ёшарур.

Сиришк касратидин гар кузум оцарса не гам, Еаминг тунида чу юз цатла хар замон цорарур.

Чекармен охим утин хажр дардидин хар шом, Сипехр сорики, мунча нужум шамъи ёрур.

Десангки, хажр юкин тортцил, не чорам бор Ки, Коф тогини хас узра цуйсалар кутарур.

Ицомат истама бу манзил ичраким, хар кун Мусофир анда нечаким келур юз онча борур.

Навоий охки, топмас висолдин хабаре, Хаёл элчисини гарчи юз сари юборур.

**141**

Кунгул уйида юзунг нацшин айламан тасвир Ки, дуди охим ила ранги топмагай тагйир.

Бу назъ доирани ищцинг орасида хол, Магарки хинду эрурким, парий цилур тасхир.

Магар су оби хаёт эрди, ел Масих дами, Чу тийнатингни цазо илги айлади тахмир.

Не тошки, отса, ярам чокидин ичимга солиб, Бузуг кунгулни тиларманки, айласам таъмир.

Чу келди мухтасиб, эй соций, айлагил мени маст Ки, цилмагай асар ул дамки, айлагай таъзир.

Не келса оллинга куп цилма дафъига кушиш Ки, жидду жахд ила тагйир топмади тацдир.

Навоий упти юзунгни тушида лутф айлаб, Дегилки, не экин анинг бу тушига таъбир.

**142**

Етти жон огзимаким чицмас уйидин ул хур, Чицмаган жонга умид, ушбу масалдур машхур.

Ой юзунг айлади бурщаъ щасабин юз пора, Солди хар порасидин ерга юзунг партави нур.

Нафасинг хашр куни нашр булур олам аро, Бир нафасда нега йущса тирилур ахли щубур?

Ишщнинг щуввати бирла чекарам хижронни, Йущса бир мурга йущ тогни чекмак мащдур.

Чун азал щисматин эл коми била щилмадилар, Ишщдин тутса булур бизни халойищ маъзур.

Туз кунгулга басару нутщи пароканда не бок, Тилу куз гайбатидин гойиб эмас ахли хузур.

Бир нафас умрга булмас мутааххид булмощ, Эй Навоий, не бало гофил эрур ахли гурур.

**143**

Жунун салосилида булди жисми зор хащир, Сунгак хилолки буйнига тащдилар занжир.

Фигони зорима рахм этти турфа ишщдурким, Парийни айлади мажнун фусун била тасхир.

Не тонг кетурса манга ишщ хар дам узгача хол Ки, шуъла вазъи аро дам-бадам эрур тагйир.

Хатинг саводи аро ожиз улди ахли щалам Ки, ёзди килки щазо бирла котиби тащдир.

Гар этса жонни тамаъ улдурур хаёти абад Кабул щилмаса, улмактин узга йущ тадбир.

Сен узлугунг бутин аввал ушатщил, эй зохид, Хамиша дайри фано ахлин эткуча такфир.

Навоий андощ эмиш мастким, хабар йущ анга Ки, мухтасиб ани куй ичра айламиш таъзир.

**144**

Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур, Ох ути жулида сочимдин анга киз кундурур.

Ахли диллар чехра очди, ёр очманг дийдаким,
Хар киши ул юзга куз олдурди кунглин олдурур.

Кургач ул юзни бошимга урди юз тиги бало, Курки, чиццур куз бошимга не балолар келтурур.

Кузда асрабмен багир цонин тилар булсанг хино, Суртсам кузни аёгингга хамул дам билгурур.

Бул-ажаб йиглар жунунум ичра курким, халцни Ишц бир дам йиглатур холимга, бир дам кулдурур.

Навбахори хусндин топма фиреб, эй шухким, Чарх даври навбахор утмай хазонин еткурур.

Эй Навоий, хажр андухида маст ул зинхор
Ким, кунгулдин гамни бир дам зойил эткан майдурур.

**145**

Кайси тубий жилваси сарви хиромонингча бор? Кайси кавсарнинг зулоли оби хайвонингча бор?

Еунчада гул баргидек тил, жоладек тиш доги йуц, Деса булгайму аниким лаъли хандонингча бор?

Кайда сунбулдин насим эскач, кирар жисмимга рух Ким, дегаймен аниким зулфи паришонингча бор?

Айламас куз мардуми харгиз цуёш ичра ватан, Ани дей олманки холи анбарафшонингча бор.

Новак очмас гар тушар жон риштаси ичра гирих, Демак ани булмагайким нуги мужгонингча бор.

Демаким, кунглунгга цуйгум зулм ила доги ажал, Сен гумон цилма аниким доги хижронингча бор.

Эй кунгул, цонингни истарсен тобонига хино, Кузларим хуноби ранги хам сенинг цонингча бор.

Урма химмат лофини оллингда бу тоци сипехр, Фацр куйинда агар уз кунжи вайронингча бор.

Эй Навоий, истасанг давр ахли зулмидин халос, Ул фано даштига гому бора олганингча бор.

**146**

Суда юзунгму акси ё чашма аро париймудур? Чашмайи мехр ичинда ё. ламъайи муштариймудур?

Куйи бихишти жовидон, узи бихишт ичинда хур, Комату лаъли англаман, тубию кавсариймудур?

Жисмим аро янги туган хар сариму куринди ё Хар бири ишц авжининг мухтариц ахтаримудур?

Уйга хануз кирмайин динима тушти юз халал, Буки келур, кур, эй кунгул, ул бути озариймудур?

Куйган ичимда бодадин ишц ути булди шуълазан, Поралари багирнинг ул шуъланинг ахгаримудур?

Жоми жахоннамойини васф куп эттинг, эй рафиц, Мехри мунир жоми ё майкада согаримудур?

Эйки Навоий, улфати равзага йуцтурур дединг, Асру таажжуб айлама, Мирганийн Хиримудур?

**147**

Лаълинг оё не ажаб рангиндур, Сузи анинг не бало шириндур.

Хам цошинг тацвову тоатца бало, Хам кузунг офати ацлу диндур.

Хулла ичра баданингким курунур, Гуё гулбарг аро насриндур.

Катлу тиргузмак эрур ойининг,
Оллох-оллох санга не ойиндур?!

Социё, хажрида тутцил манга май Ким, бу судин утума таскиндур.

Маю васл ахлики бу давр ичра,
Бизга хуноби жигар таъйиндур.

Хажринг айёми Навоий тинмас, Бир
курунуб анга кунглин тиндур.

**148**

Дилбаро, сендин бу гамким, менда бордур, кимда бор?
Фурщатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазрайи айшим кукармайдур самуми охдин, Йущса ёшдин
мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Куйима миннатким, юзумдек пок юз хеч кимда йущ, Буйла
ишщи пок хамким, менда бордур, кимда бор?

Бахт ул ой щасрига щуймас, йущса дуди охдин
Бу каманди хам-бахамким, менда бордур, кимда бор?

Калби руйандуд ила байъ этса васлин, эй кунгул, Догдин
мунча дирамким, менда бордур, кимда бор?

Бор экин вобастайи тавфищ йущса, эй рафищ,
Бу щадар шавщи харамким менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум куптурур, лекнн бу навъ Хусрави
сохибкарамким, менда бордур, кимда бор?

**149**

Гул юзунг хажрида чищса утлуг охим гохлар,
Кукта гулнорин булутлардек кезар ул охлар.

Ул бути зарринкамар ишщида то бел богладим, Заъф аро
мендин щамишлардур нишон, бал кохлар.

Ул юз оллида щуёш юзлуглар улмиш хусн аро
Уйлаким булгай щуёш булганда толиъ мохлар.

Нола тортармен щачон отланса ул султони хусн, Йущ ажаб
чекмак нафир улганда рокиб шохлар.

Куйи сори борди кунглум, балки ашку ох хам, Вахки, щолиб
мен, азимат щилдилар хамрохлар.

Истасанг уйгонмощ ул бедорлар хамсухбати Ким, бу
гафлатни магар дафъ айлагай огохлар.

Эй Навоий, пора-пора булса кунглунг яхшидур Ким,
тараддудсиз олишщайлар ани дилхохлар.

**150**

Куфрдин зуннорлар гар турраси тобинда бор, Кирпигидин даги сафлар щоши мехробинда бор.

Бир кажакдур тортибон жамъ эткали эл кунглини, Кайси пурхамким, паришон зулфи цуллобинда бор.

Терда ул юз тобидин, лол улса тонг йуц богбон, Кайда мундоц ут анинг гулбарги серобинда бор.

Дема лаъли ултурур тиргузмас элни, эй Масих Ким, бу кайфият хам анинг бодаий нобинда бор.

Нечаким жонбахшлиц лаълинг шакархандидадур, Онча жон олмоц даги ул куз шакархобинда бор.

Ишц мулкида тиларсен нацди жон зулм айлабон, Согинурсенким магар ул ишц арбобинда бор.

Эй Навоий, гар лисони хол эшитмайсен, эшит Ким, ажаб холат бизинг созанда мизробинда бор.

**151**

Ошкоро юз туган гарчи тани зоримда бор, Онча юз доги нихоний жони беморимда бор.

Истадинг кунглум иложин айлайин деб, эй табиб, Менда йуц улким тиларсен, лек дилдоримда бор.

Новаки гамзангга пайкон истасанг, эй цоши ё, Келки, андин бенихоят жисми афгоримда бор.

Юз бугун эрмас сунгакдин риштайи жоним аро, Ицди зулфунгдин туганлардурки, бу торимда бор.

Жаврларким цилди ул кофир унутмайдур кунгул Ким, хисобидин гирихлардурки, зуннoримда бор.

Хирцаву сажжодани май рахни цилсам не ажаб Ким, асар махмурлугдин шухи хамморимда бор.

Гар Навоийни цилиб рад, назмин истар шукрким, Менда гар йуцтур цабул, ошуфта гуфторимда бор.

**152**

Хатту юзунг хажрида кузким, булут монандидур, Чашмайи сабз ул бири бу бир гулистон бандидур.

Килди юз парканд хажринг тигидин багримни ишщ, Итларингнинг хар бири огзида бир паркандидур.

Жавр щилсанг щил, мени боре эшикдин сурмагил Ким, кунгулга васл хад йущ мехнатинг хурсандидур.

Ишщ ила пайконлари ичра балокаш кунглума, Йущ тафовутким шарарлар шуъланинг фарзандидур.

Ущларингга ющти багрим щониму, эй щоши ё, Йущса анда зеб учун хар ён бащам пайвандидур.

Чархким, хар субх эл щатлига айлар захрханд, Бу анинг ширин табассум бирла шаккархандидур.

Эй Навоий, демаким кунглунгга щилмиш щасди жон Ким, менинг кунглум анинг жон бирла хожатмандидур.

**153**

Куксумни чунки щилди лабинг хажри яралар, Хар яра щон кеби ощизур лаълпоралар.

Боштин-оёщ жунун ила улдум, гар истасанг, Бу ерда хорлар топилур анда хоралар.

Гулрез эди юзунг гамидин хажр тунлари Ох утидинки, хар сори сочтим шароралар.

Усрук кузунг щошида эмас кирпик ущлари, Бир маст хинду оллида эрмиш каторалар.

Улди юзунг назорасидин халщ, войким, Ултурди бизни даги эл эткан назоралар.

Ёзгурма, эй фащихки, йул бермас ончаким, Чищмощща дайрдин щилурам истихоралар.

Бечоралиг тут эмди Навоийки булмади, Дардимга хар нечаки табиб этти чоралар.

**154**

Куёш юзинда хатинг сабзасига маскандур, Бу важхдиндур агар ранги сабз равшандур.

Кунгулда онча ущунгдин укулди пайконким,
Бошощ била бу бало мазраида хирмандур.

Килиб итобки, душманларимга булдунг дуст,
Аларки дустларим эрди, эмди душмандур.

Узун фироц туни барцидин нетиб куймай Ки,
аждахо хасим устига шуълаафкандур.

Кунгул не навъ бало тошидин омон топцай, Фигор
жисмим уйи равзан узра равзандур.

Кунгулни раз цизининг сухбати билан соф эт Ки,
дахр золи ажаб хийласозу пурфандур.

Навоий улди парийруйлар хавосидаким,
Дедук хирадлигу ул асру телба эркандур.

**155**

Килгали азми сафар улким манга дилхохдур, Огах
уз холимдин эрмасмен, худо огохдур.

Мен чу хажридин чекиб юз мехнат улдум, вах, не суд, Буки
шайдо кунглуму жоним анга хамрохдур.

Эй насими васл эсиб жонимни жонон сари элт Ким,
фироцинг заъфидин андоцки барги кохдур.

Деманг, ул ой узра солмиш соя бир мушкин булут, Гуйиё
мен тортхан хажрида дуди охдур.

Х,ар нафас урду сари кунглум цуши айлар хаво Ким, олиб
кеткан кунгулни бир махи хиргохдур.

Англагил ахбоб цадринким булар булмай не нафъ, Гар сенга
афлок авжи узра тахту жохдур.

Эй Навоий, бежихат ёр этса хижрон ихтиёр, Суз демак
булмас нединким сен гадо, ул шохдур.

**156**

Сарв уза гул очтиким, цад узра рухсорим будур, Жонга нутц
ургатдиким, лаъл ичра гуфторим будур.

Юз жафо, минг шухлуц кургузса хаддим цайда бор Ким,
десам бир цатлаким шухи жафокорим будур.

Сабр ила шовцумни айлай арз, мехмон булса ёр, Ишц ицболида найлайким, йуцу борим будур.

Гарчи мен нобуд булдум, эйки мажнун сувратин Сафхада цилдинг рацам, билким намудорим будур.

Пири дайру хонацах шанхики ёзди руцъалар, Номайи ицболим улдур, хатти идборим будур.

Муршидеким, махласим куфри тарицатдин тилар, Узлугумнинг риштасин уздегки, зуннорим будур.

Эй Навоий, истасам зулфин паришон, цилма айб, Найлайин сармояйи бахти сияхкорим будур.

**157**

Чицмаса жонон гаму андухдин, жоним чицар, Завцдин ул дам кирар жонимки, жононим чицар.

Мацдамидин бог улур хам дашту хам куй андаким, Жилва айлаб богдин сарви хиромоним чицар.

Титрангиз, эй ахли дин, исломингиз бошигаким, Еорати дин эткали ул номусулмоним чицар.

Кузда эрмас фурцатидин ашки гулгун цатраси, Балки куздин хам багир захми кеби цоним чицар.

Захм аро цолган бошоц жонимга етмиш, эй рафиц, Рахм этиб тенгри учун чек даги пайконим чицар.

Чарх агар фарёду афгонимга етмас, айб эмас Ким, анинг бедодидин фарёду афгоним чицар.

Социё, ол бир цадах бирла Навоий кунглини
Ким, букун дерларки, сархуш кунглум олганим чицар.

**158**

Шамъ ул ой хажрида тун куймагим огохидур, Дуди эрмаским менинг холимга утлуц охидур.

Чицти жон розий эман куюнгга боргай, негаким Хар цаён азм этса, дарду гам анинг хамрохидур.

Гар самандинг гардидин цолман не тонгким, бордур ул Кахрабоеким, бу хасдек жисм барги кохедур.

Бир махи хиргахнишин кунглумни олмиш, эй рафиц, Йуц ажаб гар хаста кунглум ноласи хиргохимдур.

Ёр кунгли истамиш кунглумга сурмак тиги кин, Хар не дилхохи анинг мен телбанинг дилхохидур.

Мисри иззат истабон зиндони гамдин щочмаким, Мохи Канъон тахтига боис мазаллат чохидур.

Эй Навоий, мен худ асрабмен гами ишщин нихон, Айлабон зохир кунгулнинг нолаи жонкохидур.

**159**

Тоза сарве бог аро, дерларки, ноз огоз этар, Хар дам ани кургали кунглум щуши парвоз этар.

Нозининг овозаси ултурди, ох, ул ващтдин
Ким, ани куз бирла курсамким, не янглиг ноз этар.

Курмай андощ зорменким, рашк ути айлар халок, Гар кунгул жонимни ищщи сиррида хамроз этар.

Озу куп демай гидоси айладим, билман, хануз, Ким жафому куп этар, ёхуд вафому оз этар.

Килгамен дамсозлиг хажрида минг йил жон била, Англасамким, васлида бир дам мени дамсоз этар.

Куз била жон пардасин кунглум мухайё айлади, Гуйиё
щуйгач щадам кулбамга пойандоз этар.

Чарх мехру кийнасидин не азиз ул, не залил,
Нечаким гохе сени излолу гах эъзоз этар.

Дайр пирининг муридименки, хар ён щилса азм,
Риндлардин май кутармакка мени мумтоз этар.

Эй Навоий, истищомат йущ чу даврон табъида,
Гам ема гар гох мехру, гох ситам огоз этар.

**160**

Ул утлуг чехрага зарбафт хилъат не ярашибдур, Магар хилъатща ул юз ламъасидин ут туташибдур.

Фалакнинг боргохига кумоч улмиш щуёш жирми, Анга охим сутундек дуди мундощким улашибдур.

Малойик щушлари гам шоми щузгалмощ тонг эрмаским,
Етибдур кукка юз охим хаданги, балки ошибдур.

Бало дашти аро юз минг улуктур онда щотил ишщ, Хирад маглуб хайли бирла гуёким савошибдур.

Лабингдин жон топай деб, куп талашти хажр аро кунглум,
Улар холатда ул бемордекким жон талашибдур.

Кадахща бода тарёкини щуй тошщунча, эй сощий
Ки, гам захри била жомим тулуптур, балки тошибдур.

Навоий гар лаби ёди била щон ютди, жон тутди, Табибо, билки, бу шарбат анга бехад ярашибдур.

**161**

Ложувардий щошинг узра зарваращ тобонмудур? Ё магар кук тощи узра анжуми рахшонмудур?

Зулфиму охим елидин совурур оламга мушк, Ё сабо тахрикидин сунбул абирафшонмудур?

Хуй чакон оразмудур, ё хусни банди зулф аро,
Юз асир улган кунгуллар холига гирёнмудур?

Зарваращдин шуълалардур хар тараф рухсорига,
Ё ул утлуг юзда хар ён бир кунгул сузонмудур?

Хажри золим шоми кавкабдинму гирёндур манга Ё анинг субхи гариб ахволима хандонмудур?

Эйки, майли жаннат этмассен менинг кунглум кеби,
Нотавон кунглунг биров куйида саргардонмудур?

Булди щадди ё Навоийнинг, юзи чун зарваращ, Ложувардий щошинг узра зарваращ тобонмудур?

**162**

Ул щуёштин айру уртанган ичимда щайгудур,
Кунгул ичра су кеби щон куз аро щондек судур.

Тишларингни согиниб куп йигларимдин куз ёшим Бир-бири кейнича андощким тизилган инжудур.

Куз ёшим ичра ёруг кунглум щоронгу булгали Тонг эмас, невчунки ул ёшларга тушкан кузгудур.

Ул туганким телбараб иткан кунгулга уртадим, Кай сари борса ул ойнинг цуллугига билгурур.

Кузума келмас очуц келганда ул юз оллима, Онча яхши англамас кузким, цуёшца утрудур.

Кайгу ултурди мени, тутцил аёцчи тустагон Ким, чогир цайгуни ултурмакка аччиг огудур.

Деб эдинг, олгум Навоий кунглин, олгач уртадинг, Яхшилар олмоц ёмонлар кунглини мундоцмудур.

**163**

Дуд янглиг дема, кунглум охи дардолудидур Ким, кунгул узра туган цуйган фатилам дудидур.

Абри хасрат ёмгирию тийриборони фано, Кисвати мавту халоким хирца тору пудидур.

Дард нацшин цилди хар догим уза султони ишц, Ул дирамларнинг бу гуё сиккайи бехбудидур.

Ищнинг савдоси жонимга зиёндур демаким, Хар киши мундоц зиён ищц ичра цилса судидур.

Хублар куйида истигно елидин хар губор Ким, цупар бир нотавоннинг жисми гамфарсудидур.

Жавхари жоним олиб тут журъае, эй мугбача Ким, бу нацд ахли фанонинг будию нобудидур.

Дер Навоий булса муг дайрида масту жомачок Ким, тиригликдин бу султонлиг анинг мацсудидур.

**164**

Кук бинафшазорини анжум чу наргисзор этар, Наргисинг бирла бинафшанг хажри кунглум зор этар.

Чун Зухал толиъ булур холинг хаёли фитнадин, Жоним ичра юз минг ошуби бало изхор этар.

Жилва цилгач Муштарий, кузни узоринг ёдидин Юз саодат ахтаридин хар замон дурбор этар.

Чун чицар Бахроми цотил, кузларинг андишаси Хаста жонимни цатили ханжари озор этар.

Мехрдин топмай нишоне сенда хам, гардунда хам, Бу мусибат кузума ёруг жахонни тор этар.

Зухра холимга сурудин навхага анлаб бадал, Чангининг сочин ёниб, дурри сиришк изхор этар.

Улмагим англаб Уторид холима деб марсия, Шархи дардим назмидин хар лахза юз тумор этар.

Ой халокимга тутуб мотам, кийиб тундин щаро, Оразин силли била ахли азокирдор этар.

Тийра айлаб бенихоят кеча умрум шамъини, Васл субхи хасрати ранжим юз ул мищдор этар.

Ростлиг улдурки еткач ул щуёш рахм айлагай, Улча ахволимга хар тун чархи кажрафтор этар.

Эй Навоий, ишщ дардидин шикоят щилмаким, Жонингга жавру жафосин хар нечаким бор этар.

**165**

Нетиб туз этай щадким, жисмимда шиканлардур, Найлаб туз урай дамким, багримда тиканлардур.

Тирног ила хатларким рухсорим уза чектим, Юз богида гуллардин хар сари чаманлардур.

Юз ёптию жон олди, очщанда равон олди, Ултургали ошищни билман бу не фанлардур.

Зулфунгда тугун эрмас, куюнгда губор эрмас, Афтода кунгуллардур, фарсуда баданлардур.

Юз ахд ила махвашлар кунглумни олиб, эмди Катл айладилар асру бадъахд эканлардур.

Майхонада хар сари бир мастки, бош щуймиш, Кирпичлари гуёким жонларга ватанлардур.

Жисмида Навоийнинг хар момущ ила мархам, Бир неча ущунг захми бир неча туганлардур.

**166**

Юзунгдек щамар йущтур, щадингдек шажар йущтур,
Шажар булса хам анда, лабингдек самар йущтур.

Кузум ашкининг руди ощар тезу тунд андощ Ки, гар уйщу куз сари келур хам гузар йущтур.

Отин тутсалар ногох кетар уйла хушумким, Бадан ичра рухумдин, дегайсен, асар йущтур.

Кунгул сургали келди, табибо, муни билким, Ул оворадин сендек манга хам хабар йущтур.

Йулунгга нисор ашким, агар оз эрур гар куп, Итингга гизо кунглум, агар бор, агар йущтур.

Бу гулшанда, эй дехщон, неча озмун эттим, Вафо нахли экканга бажуз гусса бар йущтур.

Навоий фирощингдин анингдек заиф улди Ки, урнида эл бощса дегайлар магар йущтур.

**167**

Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур? Ё щуёш узра ёзилган ояти рахматмудур?

Буки сенсиз куйдурур жонимни билман яхшиким, Юз томугнинг утиму ё шуълани фурщатмудур?

Эйки дерсен лабларимдин хожатинг недур, дегил Мен — сусиз, ул чашмайи хайвон демак хожатмудур?

Демаким не эркин ул ойнинг щуёшща нисбати, Бир-бирига иккисин ухшатщуча нисбатмудур?

Каддини кургач хам улдум, хам тирилдим оллида, Рост гар дерсен щиёмат де ани щоматмудур?

Даъвийи химмат щилиб улким тилар оламда жох, Килмощ олуда нажосатща узин химматмудур?

Гар Навоий мехнати хижронда улди айб эмас, Юз туман мухлик бало дегил ани мехнатмудур?

**168**

Кузунг сарфитнайи олам тушуптур,
Кошингдек бир янги ой кам тушуптур.

Сепибсенму гулоб ул юзга ёхуд Гули сурий
уза шабнам тушуптур.

Кунгуллар захмидин солиб чекарга, Магар
цошинг учига хам тушуптур.

Лабинг хажринда багримдин борур цон, Магар ул
захмдин мархам тушуптур.

Эмас елдинки сайри бог этарда Аёгингга
суман гул хам тушуптур.

Итинг синган сафолида май ичсам, Не тонг
илгимга жоми Жам тушуптур.

Навоийни цовуб истар рацибин, Гадо
махруму ит махрам тушуптур.

**169**

Яна хамдамим шуьлайи гам булуптур, Еамим
шуъласи жонга хамдам булуптур.

Кунгул пардаси устида доги ищцинг, Бу тугро
уза нацши хотам булуптур.

Килиб хоки куюнгни балчиц сиришким,
Туташцан яланг танга мархам булуптур.

Нетиб куймайинким гаминг ковкови Етибтур,
кунгул уйи бархам булуптур.

Тулуптур кунгул ищцинг уцидин андоц Ки, куп уц
даги уцца мухкам булуптур.

Тутуб бир цадах англат, эй дайр пири Ки, бу
коргах сирри мубхам булуптур.

Навоийга рахм айлагил, эй парийваш Ким, ул
телба расвойи олам булуптур.

**170**

Фурцат ичра шарбати лаълинг висоли кам булур, Гарчи дерлар: талх дарёда чучук су хам булур.

Зулфу рухсоринг гами не тонг бузуг кунглум аро, Аждахо гар булса вайрон ичра, махзан хам булур.
Куксума отсанг бир уц, от ёна бир ёниндаким,
Ул даги кунглумни шод айлар, бу хам мухкам булур.

Ул парий ишцин малойикдин ёшурсам не ажаб, Дарди йуцлар дард ахлига цачон махрам булур.

Оху ашкимдин шикоят куп цилур хамсояким, Дуд равзандин кирар уйнинг биноси нам булур.

Гар эгилса цоматим ишцинг юкидин, цилма айб Ким, сипехр узра бу огир юкни цуйсанг хам булур.

Олам ахлидинким, ул ойни Навоий танлади,
Билмадиким ишцидин оворайи олам булур.

**171**

Утлуг юзидин ул ойким бурцаин олиптур, Кофирлигин курунгким, мусхафца ут солиптур.

Гам йуцки, куйи гардин кузлардин ох учурди Ким, ашк балчиц эткан бир гушада цолиптур.

Сабрим сипоху хайли кирпиклари сафидин,
Кургач кузи цорасин, хар сари цузгалиптур.

Кухи гамини кунглум чекканда курмади ранж, Хажринг гами юкининг остида тавшалиптур.

Ислому, ацлу диним нацдини сурмангизким, Май важхига бу бори дайр ичра сайгалиптур.

Ною нафир унидин магрур булма, эй шах, Ким бу навони тузган куси фано чалиптур.

Ул гул паёмини ел дей олмас, эй Навоий, Йул пуясидин анинг багри магар толиптур.

**172**

Качонким боданушум май ичарга изтироб айлар,
Бурунроцким, узин маст айлагай, бизни хароб айлар.

Гули рухсорини май шабнами айлаб тару тоза, Латофатда цуёшнинг чашмасин беобутоб айлар.

Мени гамгин цаён гом урмогим гам даштида сурманг, Куюнни кимса англармуки, цай сари шитоб айлар.

Тилиб багримни ищцинг тиги хажринг уцига тевраб, Гамим базми учун кунглум ути ичра кабоб айлар.

Хар охим дудиким, кук сари азм айлар, ани ищцинг Бало селоби келтурмак учун мушкин сахоб айлар.

Дегил умрум цуёши хажри шомида булур горат, Качонким оразинг хуршиди зулфунгдин ницоб айлар.

Мазохирдин жамолинг мехри гар зохирдурур тонг йуц, Качон заррот хайли манъи нури офтоб айлар.

Кулимен дайр пирининги, пинхон ищцим англабтур, Агарчи мугбача хамдамлигимдин ижтиноб айлар.

Навоий, хонацах дузахча бордур, шайх анга молик, Не тонг гар андаги элга насихатдин азоб айлар.

**173**

Хар гахки цадахнушум майли майи ноб айлар, Мужгон уцига шишлаб багримни кабоб айлар.

Хажрим туни бедодин англар кишиким, хар тун То субх биров ёди жонига азоб айлар.

Кеч келмагидин улсам жононнинг эмас тонгким, Ул умр даранг айлар, бу умр шитоб айлар.

Бетоб кунгуллардин цон оцса ажаб эрмас, Машшота анинг зулфин бу навъки тоб айлар.

Хай цатралари юздин лаълингга булуб мойил, Жоним учун ул майга мамзуж гулоб айлар.

Бу дайрда айб этма, гар масти хароб улсам Ким, хар не иморатдур, дахр ани хароб айлар.

Маст айла Навоийни, англай дер эсанг комин, Васлинг тамаъин хушёр айларга хижоб айлар.

**174**

Жонга йуц кунглумдину кунглумга йуц жондин хабар, Менга не уздин хабар, не кунглум олгандин хабар.

Уйла масти ноздур ул шухким билмас узин, Не ажаб гар йущ анга мен зори хайрондин хабар.

Воизо, дузах ути догин угарсен англадим
Ким, сенга йущтур хамоно доги хижрондин хабар.

Гарчи щосид лабзи жонафзо эди, лекин мени Килди жондин бехабар, гар щилди жонондин хабар.

Уйла махвунг булган эрмишменки, булмайдур манга Захм аро пайконларингни тортиб олгандин хабар.

Сощиё, давр ахли жаври саъб эрур, маст эт мени Ул суфатким, булмагай улгунча даврондин хабар.

Эй Навоий, шох лутфидин кунгулни жамъ тут, Гар паришон келса бок эрмас Хуросондин хабар.

**175**

Косидеким еткурур кунглумга жонондин хабар,
Уйладурким бергай улган жисмга жондин хабар.

Дема хажримдин хабарсизму экансенким, менга Бор эди улмактин, аммо йущ эди андин хабар.

Не ажаб очилса кур улган кузум Яъщубдек Ким, насими субх берди мохи Канъондин хабар.

Шодмен гуё фирощ айёми булди муртафиъ Ким, хабибим келмагига етти хар ёндин хабар.

Оху ашкимдин хабарсиз булманг, эй олам эли Ким, берурлар ул бири сарсар, бу туфондин хабар.

Сощиё, щуй давр аёгин, уйлаким нуш айласам, То щиёмат топмагаймен ахли даврондин хабар.

Эй Навоий, тонг йущ улсамким, утуптур неча кун Ким, менга йущ не кунгул, не кунглум олгандин хабар.

**176**

Куйди кунгулки, щолмади ашкда щонидин асар, Кон демайинки, кузда хам ашки равонидин асар.

Хуш асари йущ эрди гар элга кунгул фигонидин, Охки, щолмамиш анинг эмди фигонидин асар.
Бошига, эй Масих, ет хастангники цолмамиш Жонда хаётидин рамац, жисмда жонидин асар.

Юз цуёш улса кетмагай ер юзидин цоронгулуц, Кирса жахон аро кунгул хажри замонидин асар.

Булгай улус аро ул ут бирла циёмат ошкор, Булса бу жони зорнинг охи нихонидин асар.

Гум бул агар висолнинг толибисенки, топмагай Кимки фано йулидадур ному нишонидин асар.

Борди, Навоиё, анинг куйига яралиг кунгул, Кургил агар инонмасанг йул уза цонидин асар.

**177**

Бизга жахон богидин ул сарви гуландом етар, Ул чу етар сояйи сарву майи гулфом етар.

Базм бу навъ улди эса нуцли хадисин демаким, Еунча била наргисидин шаккару бодом етар.

Дин улуси цатли учун куфр эли хожат эмас, Эй фалак, иш гар будур ул офати ислом етар.

Х,ар нафас, эй ишц, анинг дарди утин кунглума ёц, Булса бу мархам чу анинг ранжига ором етар.

Нуши висолинг била ахбобни цил комраво Ким, менга дардинг майи хунобасидин ком етар.

Тог кеби торт цаноат этаги ичра оёг,
Даври фалакдин сенга бир цурс агар шом етар.

Утти куп айёму Навоийга ишинг фитна эди, Мунча-уц, улгай ситам, эй фитнайи айём, етар.

**178**

Ёри бирла бода ичкан нуши жондурким, ичар, Ёрсиз нуш ичса рангин бода цондурким, ичар.

Х,ар кишиким базмида соций эрур нушинлабе, Жавридин гар цон ичар, лаъли равондурким, ичар.

Хизр умрию Скандар мулки топцан ёрсиз,
Оби хайвон ичса, захр бегумондурким, ичар.

Хажр аро бехуд булай деб кунглум истар жоми май, Демангизким, соций ул номехрибондурким, ичар.

Эй сабо, гавгодурур бог ичраву махруммен, Гуйиё махрамлари бирла фалондурким ичар.

Хонащахда бода ичкан эмин эрмас шайхдин Ким, фано дайридадур дорул-омондурким, ичар.

Эй Навоий, хар дам ар щон ичса кунглум щилма айб, Бодайи лаълидин ул ойнинг нишондурким, ичар.

**179**

Кунглума хажрингда жаннат гулшани зиндон эрур, Кузума сенсиз гулафшон бог хорафшон эрур.

Дафъа-дафъа гул сочилмайдур гулафшон богида Ким, менинг гулгун ёшимдин щатра-щатра щон эрур.

Бахру тог этманг гумонким, ул бири кузумга ёш, Бу бири кунглумга дарду мехнати хижрон эрур.

Дема бир дамда булут кукни не навъайлар нихон Ким, бу мушкил дуди охим оллида осон эрур.

Буки хар ён чащилур барщу гирев айлар булут, Кунглума ул шуъла оху бу бири афгон эрур.

Йущки, турмас бир замон ёмгурки, бир ой хажридин, Ашкбор икки кузум селобидин туфон эрур.

Ащлингиз бор эса щилманг ёр хажрин ихтиёр Ким, бу ишни улки щилди мен кеби нодон эрур.

Ким майи васл ичтиким, хижрон хуморин чекмади, Хорсиз гул дахр боги ичра не имкон эрур.

Дустлар, щилманг Навоийга насихатким бу кун Хджр дардидин багоят бесару сомон эрур.

**180**

Турт ранги мухталифдин хуллаким, жонон кияр Турт унсур кисватидур гуйиёким жон кияр.

Узбакий гулнори тундин куйдум, аммо ултурур, Лемуйий терлик анинг остидаким, жонон кияр.

Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким, Икки ёнидин шикофин богламай цаптон кияр.

Гул била савсан катон янглиг булур махтоб аро, Кунглаки гулгун елак чун савсаний каттон кияр.

Ораз узра шухлуцдинму ёпар санжобини, Йуцса санжоби булутдурким махи тобон кияр.

Хар чубулган торидур сарриштайи иззу шараф, Эски шолеким, фано куйида бир урён кияр.

Гар Навоий жандасин шох олди, тонг йуц, чунки ишц, Поку бегашдур гадонинг кисватин султон кияр.

**181**

Кимки анинг бир малаксиймо парийваш ёри бор, Одамин булса, парий бирла малакдин ори бор.

Кеча улким чирманур бир гул била не тонг, агар Гунчадек хар субх улуб хандон нашот изхори бор.

Йуц ажаб булбулга гул шавцидин улмоц зорким, Пардин-уц жисмига санчилган ададсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кунглум эрур, Анкабутеким анинг жон риштасидин тори бор.

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким, Гул юзида ётцан икки нозанин бемори бор.

Айлаб узни масту бехуд чицмасун майхонадин, Кимки, мендек давр элидин кунглида озори бор.

Эй Навоий, ёр узар булса мухаббат риштасин, Келмас улса ул сенинг сари, сен анинг сари бор.

**182**

Юз олман йулидин цатлимга чун ташриф ёр элтур, Намоз ичра улумлук макс этардин рузгор элтур.

Качонким масти лояъцил чицар, вахким, анга берман Кунгулни ихтиёрим бирла ул беихтиёр элтур.

Итига туъма дарбойист булгай деб цаён борса, Кунгул сайдини фитрокига анлаб устувор элтур.

Менинг мажнунлугумни ул парий ишцида манъ этманг Ки, ацли кулли савдо даштига девонавор элтур.

Шабистонингда анжум махраму кун булгали махрум, Бу гул-гул очилиб хар кеча ул бир хор-хор элтур.

Насими субх хайли сунбули зулфунгни тарцатцач, Саводи тунча мушки судадин хар ён губор элтур.

Юзу зулфунг тилаб бог ичра охим оташин гулдин, Узар яфроглар утдин дуд андоцким шарор элтур.

Мени майхонага бординг дебон ёзгурма, эй зохид Ки, усрук шахнадек улён цазо илги тутар элтур.

Казо нарроди кук тосинда ой-кун каъбатайнидин, Душаш нацши била эл нацди умрин бешумор элтур.

Навоий цатлига чун ваъда цилдинг, вафо цилким, Йулунгда телмуруб умредурурким интизор элтур.

**183**

Сариг либос аро ул нушлабки, хандондур, Эрур
Масихки, хуршид ичинда пинхондур.

Либосу жисм ила ул гулъузор кургузди,
Хазон ичида бахореки ацл хайрондур.

Либоси ут кеби асфар, тани хаёт суйи,
Ажойиб утки, аросинда оби хайвондур.

Ушул дур орзусидинки, зарварац киймиш,
Юзумнунг олтунида дурри ашк галтондур.

Фироц даштидаги лолалар сариг бутмиш,
Магарки доглари барча доги хижрондур.

Юз ул этакдин агар олмасам не тонгки, сомон Чу
цахрабога етар, цуймоги не имкондур.

Сариг юзумдек этиб субх узин согиндиким, Совуг нафас била мехрин ёшурмоц осондур.

Навоийга берур эл панду ул муни дерким, Сариг либоси фалон шухнинг не часпондур.

**184**

Хаста кунглумнингки, зулфунг шомида ороми бор, Булса беором тонг эрмаски, мухлик шоми бор.

Рузгори мендек улса тийра, субх эрмас ажаб, Бир щуёш хижронидин улким щаронгу шоми бор.

Ул парий тонг йущ малойик щушларин сайд айламак, Ел хавога уйлаким ошуфта щилган доми бор.

Кадду андомим ушалди жилвасидин, дустлар, Вах, не дилкаш щомату не дилфиреб андоми бор.

Хар кишиким ному бенанг улса, кирсун дайр аро, Хонащах тутсун ганимат, улки нангу номи бор.

Огзига олмас тахуро шарбатин, эй мугбача, Хар кишиким бодайи лаъли лабингдин коми бор.

Телба деб щовма яланг курсанг Навоий жисмини, Не учунким Каъбайи куюнг сари эхроми бор.

**185**

Кунгул кузлар йулин тутмощща хажрингда шитоб айлар, Бирин тутщунча бирнинг сайли оламни хароб айлар.

Казо ташбих этарга оразингга чарх богидин, Агарчи ухшамас бир-икки гулни интихоб айлар.

Ул ой хажри шиканжида таноби зулфи ёдидин, Фалак уз даври ханжори била жисмимни тоб айлар.

Кукартурга мухаббат даштин ашким ямгури бирла, Хар охим дудидин кук бир бахоройин сахоб айлар.

Кунгулга хажр захмиким уруб уздин йирощ солдинг, Бугузлаб ташлаган щушдек тукуб щон, изтироб айлар.

Кетур, эй хурваш сощий, майи кавсар зулолидек Ки, дузахдек хумори хажр жонимга азоб айлар.

Кулимен дайр пирининги, журмум бехисоб улса, Хисоб этмас, вале эхсону лутфин бехисоб айлар.

Эрур косиб хабибуллох вале щилган фано касби, Йущ ул косибки, дунё молу жохин иктисоб айлар.

Май ичра гарщадурмен то бошимда май хавосидур, Кани риндки май узра тамошойи хубоб айлар.

Санга мащсуд агар хащдур, улустин кечки, бу йулда Топар мащсудин улким мосиводин ижтиноб айлар.

Навоий ул кузу лабнинг харобидур, ажаб эрмас, Агар маст улгали хар дам хавойи лаъли ноб айлар.

**186**

То дайр ичинда мугбачалардин нишонадур, Эй пири дайр, бошиму бу остонадур.

Уздин бориб фигоним эмас тонгки, дайр аро, Хар сари бощса замзамайи бехудонадур.

Гах пири дайр боис эрур, гох мугбача,
Йущ-йущки, бода комиму ул-бу бахонадур.

Дайр ичра йущ сафол ила олтун щадахда фарщ, Шоху гадо тенг улди ажаб корхонадур.

Асрори вахдат иста харобот пиридин Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.

Гар кунглум ичра сощию май урт солмамиш, Хар лахза охидин бу не утлущ забонадур.

Ул умр бир замонлиг эрур, истама вафо, Афгонки,
ул хам уйлаки ахли замонадур.

Куздин сочилди ашку кунгул ути берди бар, Ул навъ ут чищарди ажаб тавр донадур.

Оташгах этти куфр эли кунглум уйини магар Ким, умр утти учмай ул ут анда ёнадур.

Истар Навоий узни маю ишщдин халос, Мониъ
валек сощню жоми мугонадур.

**187**

То турраси торинда хар сари тугунлардур,
Заъф ичра сунгаклардин хар сари бугунлардур.

Дарёву булут эрмаским, ох ила ашкимдин, Хам ер юзида куллар, хам кукта тутунлардур.

Шак йуцки, ёрутцайсен кулбамдаги зулматни, Хажрингда манга, эй он, билсангки, не тунлардур.

Овораву саргардон ишц ахлига боц хар ён Ким, водийи дард ичра не навъ цуюнлардур.

Бурк урнида бош элтур, нацд урнига жон олур, Атфоли гаминг ичра бас турфа уюнлардур.

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зохид Ким, сабр илиги тиккан хирцамда юрунлардур.

Ичканда Навоий май дайр ахлига сур улмиш, Солгил цулоц, эй носих, ул ёнки не унлардур.

**188**

Куз цонидин дема, этагим лолавордур Ким,
кухи дарднинг этаги лолазордур.

Хар лола бир ахгар эрур, лек сийнасуз, Кай кухи дард аро бу сифат лола бордур.

Бир гул юзи фироцида хуноби ашк ила Юз заъфарони ичра кузум лолакордур.

Эй поймол этарлар узуб дашту тог аро, Баским, юзунг гули цошида лола хордур.

Кон ичра гарц багрим аро догу дашт уза,
Бекаслигим чогида манга лола ёрдур.

Соций, кетур сурохий ила лолагун цадах, Хосса бу дамки субх ели лолабордур.

Теграмда охдинки эрур, эй Навоий, ут, Куз цонидин дема, этагим лолавордур.

**189**

Харорат жонима ул оташин лаъли ахгариндиндур, Анга таскин хам ул юз равзасининг кавсариндиндур.

Сочингнинг тийра шомидин юзунг субхида йул топмоц, Баногушунгдаги дурри шабафруз ахтариндиндур.

Тахуро бодаси дерлар эрур жонбахшу рухафзо, Магарким чошний ул майга лаълинг согариндиндур.

Шабистон субхи давлатдин ёругроц булса тонг эрмас Ки, партав анда ул рухсор шамъи анвариндиндур.

Юзунг очцач шамими лутф олам ичра бутратдинг, Магар бу атр ул ут узра холинг анбариндиндур.

Бахор айёмини беш кун ганимат англа, эй булбул Ким, мунча сузу тобинг оташин гул мижмариндиндур,

Навоий, цилмагил бас назм бирла дурфишонлигким, Маоний бикрига зевар хадисинг гавхариндиндур.

**190**

Икки кузумки дарду бало жуйборидур, Охим бухорий устида абри бахорийдур.

Ушшоц тийра ахтари хар ён шафац аро, Гуё сипехр сабзасининг лолазоридур.

Билмай дединг узулмиш экан субхайи ациц, Лаълинг гамида цон кеби ашким цаторидур.

Гам гулшанида цаддим эрур ул ягочким, Пайкону бори хажринг анинг баргу боридур.

Хар кимки Юсуфум гамидин улди дашт аро, Хар тун магар бури кузи шамъи мазоридур.

Бу дашт туфрогин дема мушкинки, хар овуч Бир мушкбу гизола тани хоксоридур.

Бергил тутуб пиёла Навоийга рухким, Жонин етурган огзига лаълинг хуморидур.

**191**

Жонда ищцинг булгуси, то танда жон булгусидур. Танда жондек жон аро ищцинг нихон булгусидур.

То тириктурмен ичига жола тушкан гунчадек,
Хаста кунглум дурри ишщингга макон булгусидур

Дарду ишщинг доги ул соатки улсам жон аро Жоннинг икки нущтаси янглиг нишон булгусидур.

Килди ашкимни шафащгун хажр бепоён туни, Хулласин чек тонгнинг, эй гардунки, щон булгусидур.

Ул Масих анфоси жонбахшу лаби хайвон суйи, Оллох-оллох, неча жоним нотавон булгусидур.

Мехр шамъи дудидин щиссамни ёз, эй чархким, Зийнати аврощинг ушбу достон булгусидур.

Ущидин кунглунг щачонга тегру захм улгай деманг, То бу щуш булгусидур, ул ошён булгусидур.

Гул щулогин чун огир щилмиш кириб шабнам суйи, Неча, эй булбул, ишинг доим фигон булгусидур.

Эй Навоий, кукка тегру дарди охимдин шиканж, Еткали ул ойга гуё нардбон булгусидур.

**192**

Донайи ашкимки, ёгмоглиг била афсонадур, Тухми мехрин экмак учун хам ёгин хам донадур.

Ишщ комил булса, маъшущ аргувонхад булмасун, Кахрабо шамъига харкахбарг бир парвонадур.

Шишадек кунглумки, тулмиш бодайи хажринг била,
Гуйиёким улмагим учун тула паймонадур.

Ишщ атфоли куруб когазда Мажнун сувратин, Килдилар гавго, гумон айлабки бу девонадур.

Дахрнинг бегонаваш золига булма ошно Ким,
сени то ошно этти узи бегонадур.

Ул санам куйида кундузгум кеча сойир кунгул,
Шаппаредурким анга кундуз мащар бутхонадур.

Эй Навоий, мужиби саргашталик эрмиш жунун, Ичкали бу майни хар соат бошим айланадур.

**193**

Маркаб эрмаским сабо мандонда гардангиз эрур, Рокиб эрмас, барги гулдурким, сабодин тез эрур.

Ташлади хар ён улус жонини саргардон цилиб, Гирдбоди фитна гуёким губорангиз эрур.

Наъл эмас равшан хилоле эл кузин ёрутцали,
Пуяда хар сари шабрангига дастовез эрур.

Рокибу маркаб юзу аъзосидин терму оцар, Ё булут дурбор улуб, хуршид анжумрез эрур.

Бодайи гулгун кетурким, шоми хижрон мен кеби, Юз туман Фарходни паст айлаган Шабдез эрур.

Ошициб терлаб иложимга етиштинг, эй Масих, Не ажаб гар шарбати лаълинг гулоб омез эрур.

Гар яна маст отланиб кунглакча жавлон цилмади, Бас цулоц сол шахр сариким, не рустохез эрур?

Хийла ожизлигдин айлар ошиц, англа, эй кунгул Ким, забунроц ишц аро Фарходдин Парвез эрур.

Эй Навоий, ёр агар майхорадур юз цатла шукр Ким, эмассен порсову хаста не пархез эрур.

**194**

Не лулийвашдур ул цотилки, цон тукмаккадур яксар Киё боцмоцлари поки итик, мужгонлари-ништар.

Юзидинким хижилдур гул, паришон хар тараф кокул, Сочиб гулбарг уза сунбул, тукуб кофур уза анбар.

Югурмакликда хар гунбади секрир ул махи гулхад, Гули мехр олдарар бехад уёлур гунбади ахзар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди, Камардек хола кургузди, узори давридин чамбар.

Либоси нози часпондур, гахе туз цадди чавгондур, Замоне гуйи галтондур, зихи чобук, зихе дилбар.

Бошига сийм улуб паррон, тушуб гирдига анжумсон, Тулуъ эткан кеби хар ён, цамар атрофида ахтар,

Тукуб щон ниши гам бирла, очиб майдон ситам бирла, Олиб таблу алам бирла, кунгуллар кишварин яксар.

Жунун шамъин щилиб равшан, кунгулга телбаликдур фан, Парийдек булгали парранда, ул шухи парийпайкар.

Навоий булди лулийвашки, келмиш анга лулий хуш, Кани бир жоми лулийкашки, лулий тутса бир согар.

Тамаъ щилма фалакдин комким, ханжар щилур ошом Янги ой шаклидин хар шом ул лулийи бозийгар.

**195**

Менда бир утдурки, гар дам урсам афлок уртанур, Асрасам кунглумда жону жисми гамнок уртанур.

Мехр эмас охим утиднн кукка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам, дам урсам афлок уртанур.

Бас таним уртарга щонлиг новакинг, хижронни щуй, Барщ не хожат, бир учщун бирла хошок уртанур.

Шамъ ути мохиятин англай деган парвонадек,
Оразинг мехрини фахм айларда идрок уртанур.

Ишщ аро кунглум неча толпинса, ортар шуъласи,
Утща тушкан телба щилган сойи топок уртанур.

Ашк юб жисмим кудуратдин, щурутмиш ох ути,
Ламъае тушгач узоринг барщидин пок уртанур.

Эй Навоий, чун рутабдек оташин лаъли аро
Хаста кунглум тушти, тонг йущ, гар булуб хок уртанур.

**196**

Бу тоза туганким гамидин кунглум орадур,
Кунглум щуши гам дашти аро багри щорадур.

Жисмим аро пайконинг эмас хар сари,
гуё Хар гушада ёмгур суйи гам тоги
орадур.

То боги халокимда не гулларки очилгай,
Захмим доги щон су кеби тинмайки борадур.

Жонимни чищармощща агар йул ясамас ишщ,
Гам тиги недин хар сари куксумнн ёрадур.

Гам шоми деманг субхки кук шамъин учирган, Ашким суйидур улки йироцтин оцарадур.

Кир водийи ишщ ичра енгилракки, бу йулда Узлук юкини ташламоган асру хорадур.

Майхона Навоийгаю зохидга ики кавн Ким, анга гараз икки供 саролин бу сародур.

**197**

Оразинг хуснин фузун цилган хилолий цош эрур, Ёхуд ул ой шамъини ёрутцали минцош эрур.

Куз ёшим дурри ятимин махрами ишщ айламан, Хар нечаким пок гавхардур валекин ёш эрур.

Онча ёгдурди бало тошин танимга ишщким, Юз минг эл ишщ ахли гар куксига урса тош эрур.

Хублар лаъли хаёлотин пиширмактур ишим, Шуълалиц кунглум бу согарларга гуё дош эрур.

Колди аввал тог аро Фарходу Мажнун дашт аро. Ишщ йулинда манга икки ажаб йулдош эрур.

Ул Масих анфоси тарсо сайдидур кунглум цуши Ким, малак дайри равоци кунжида хуффош эрур.

Чун огиз очти Навоий кунгли хар ён захмидин, Не ажаб гар ёшурун дарди эл ичра фош эрур.

**198**

Телба кунглумга хирад ахли маоши цайдадур, Телбага рузий бажуз атфол тоши цайдадур.

Субху шомим саъб эканни билгай улким, билмагай Ким, кеча ойи цаён, кундуз цуёши цайдадур.

Ул кузу цоши цорага ойни ташбих айламанг, Ойнинг офатлиг кузи, пурфитна цоши цайдадур.

Бетахоший жон олур деб куп мени цурцутмангиз, Жон берурда менда хам бори тахоший цайдадур.

Гар цуёш хажрида тун юзинда анжум ашки бор,
Мендек ул гул хажрида гулранг ёши щайдадур.

Дахр гулзорида гул ишщига булбулнинг уни, Гар
бийик булгай фигонимдек харошi щайдадур.

Куйида итлар узуштилар Навоий хастани
Ким, эмас зохирки, жисми щайда, боши щайдадур.

## ЗЕ ХАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «НАВОДИР»ДИН

### 199

Эй жалолу рахматингдин гар залилу, гар муаззаз, Сафхайи
кавнайн улуб отинг тарозидин мутарраз.

Юз бу оламча яратмощ щудратинг оллинда жоиз,
Садякин ижод щилмощ узгаларга йущ мужавваз.

Мунча хилъат махзани инъому ташрифингдин улди. Чарху
тогу бахрга атлас вагар хоро вагар хаз.

Санъатинг саббогидин кук золи кийган хуллайи мовий, Хошия
булган шафащдин зайлига ранги гул газ.

Офаринишни ихота айлабон андощ вужудунг
Ким, мухит ул доира кук нущтадекким булса марказ.

Богбонга чун гино айлаб насиб эхсонинг илги,
Хуша-хуша гах зумурад, гох лаъли ноб осиб раз.

Нафс хор этмиш Навоийни, азиз эт фащр бирла, Эй
жалолу рахматингдин гар залилу гар муаззаз.

### 200

Сарв янглиг жилва щилсанг ноз ила, эй сарвиноз,
Жонлар эткайлар аёгингга фидо ахли ниёз.

Танда хар наъл ичра бир тил шакли зохир айладим. Дер учун
жисмим гами ишщингда хар тил бирла роз.

Нури рухсоринг кунгулни щилди су, вах, курмадук, Шамъ тоби
уйлаким андин лаган топщай гудоз.

Ул санамким, щасри атрофида эл бош щуйдилар,
Каъбадекдурким щилурлар барча саридин намоз.

Ё сипанд эт юз утига кузларимнинг мардумин,
Ё юзунгни ёпиб айла эл кузидин ихтироз.

Ишц агар комилдурур маъшуцни махкум этар,
Булмайин Махмуд, булмоц истама ёринг Аёз.

Гар Навоий йигласа, ишцинг мажозийдур дема Ким,
назар пок айлагач, айни хацицатдур мажоз.

**201**

Шахсуворим тавсани айларму оё пуя тез,
Ё цуёш турки фалак рахшин цилиптур гармхез.

Ул шихоб эрмаски майдони аро гуй улгали, Саъд
кавкаблар тушар ерга цилиб куктин гурез.

Гардлиг чавгон хамида ахтар улган уйлаким, Гуйи
габгаб даврида чавгон зулфи мушкбез.

Маркаби тер цатраси бирлаки харён сочилур, Бир
сахоби дурфншондур ер юзига цатрарез.

Гуйи чавгон зарбидин тутмоц била хар дам хаво Бийм
эрурким шишайи гардунни цилгай рез-рез.

Социё, май берки бу даврон аро гуй урди ул Ким, фалак
чавгони бирла цилмади мардум ситез.

Гуй учун инди кавокиб гардидин ер тутти авж, Эй
Навоий, воциф ул гуёки булди рустахез.

**202**

Куш кетурди номангу, кунглумни цилди шуълахез,
Айлади гуё цанотининг ели бу утни тез.

Зор тандин минг туган солмиш цора, улсам не тонг,
Гулбуни умрумга бу янглигки булмиш баргрез.

Сарсари хажрингки совурди кулумни, йуцтурур — Ишц
ила дард ахлига мундоц насими мушкбез.

Эйки дерсен чицмамиш ул масти кофир цатл учун, Бас
недин ислом аро бу навъ тушмиш рустахез.

Гар саломат истасанг неким етар таслим бул Ким, ситез ахлигадур андин етар купроц ситез.

Истама мендин дамодам бода ичмак, эй рафиц Ким, нашотим согарин гам тоши этмиш рез-рез.

Эй Навоий, чун заруратдур бу маскандин рахил, Хох тутцил гушае, хохий жахон мулкини кез.

**203**

Совуг охимдин улсанг бетахаммул кузга келтур юз Ки, анда аблац этмишмен мураттаб теграси цундуз.

Юрак цони сиришким бирла куздин чицти гам шоми,
Кеча дарёда рахбарлик цилур сохил сари юлдуз.

Качонга тегру сарву наргису гул жилва цилгайлар
Чаман ичра хиромон цад била куз очу юз кургуз.

Рацибу васл нуши, мену хижрон ниши, вах, рахм эт,
Ани хам гах-гахе ултур, мени хам гах-гахе тиргуз.

Коронгу чахда Юсуфсен, ёруг гулшан аро тонг йуц,
Булурлар жилвагар доим цамар ацшом, цуёш кундуз.

Агар сен хамдамим булсанг иковлик яхшидур, йуцса
Абад умри агар топсам узумни истарам ёлгуз.

Гирих сарриштайи вaслингга хар дам истамас булсанг,
Тааллуц риштасин ахли жахон бирла жахондин уз.

Даме базмим тузук, айшим зулолин истарам софий,
Муганний сен даги туз руду соций, сен даги май суз.

Навоий севди бир лулийни кездег рубъи маскунда, Агар арлот, агар барлос, агар тархон, агар сулдуз.

**204**

Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавцида шурангез,
Дамимдин ут тушиб бир бошига цилди ани гулрез.

Утум гар лахза-лахза тездур эрмас ажабким, бор
Самандинг тез аёгидинки секрир шуъла андин тез.

Оч ул гулранг оразники андоц, хеч сувратда, Казо наццоши не чехракушой улмиш, не рангомез.

Чициб сархуш, чопиб абраш кирар майдонга ул махваш,
Ажаб эрмас агар тушса бори оламга рустахез.

Малак хайли булур девона кургач ул парийвашни, Мени мажнунга шайхи бехирад талцин цилур пархез.

Эрур мазлуму золим цатли ишц оллида куп осон, Агар Фарход улди, цатл топмай цолдиму Парвез?!

Агар жон пардаси кирпикларингдин булди парвезан, Бу хам хуштурки, рухсоринг хаёлидин эрур гулбез.

Мени хилватдин, эй зухд ахли, муг дайри сари бошланг Ки, бехад хушхаводур куп терилган гунбаду дахлез.

**205**

Бас эттим ашкфишонлиг чу зохир эттинг юз, Нечукки мехр курингач, нихон булур юлдуз.

Жафога цуптунгу тушти оёгинга зулфунг,
Нечукки, соя замонеки, мехр тургай туз.

Муганниё, неча оханги хажр, вах, бир хам Висол ториш биркит, фироц риштасин уз.

Гариб тийрадурур базми айш, эй соций,
Кадах цуёшин олиб бода ламъасин
кургуз. Фалакни согар этиб тут, вале бу
шарт била Ки, томса туццизу оцса, ичур
менга уттуз.

Хдриф булмаса, зинхор майга сунма илиг Ки, захрдур, кишиким бодани ичар ёлгуз.

Навоий атласи гардундин этса майполо, Чу дайр дурдкашимен демангки, бодани суз.

**206**

Чун цуярмен ул жахон оройиши базмига юз,
Айш базмин, социё, боги Жахонорода туз.

Сарвда йуц гул кеби рухсору гулда кузу цош,
Хусн аро, эй гулъузори, сарвцадсен сен тукуз.

Тиг агар чексанг сурар ернинг даги яцини бор,
Ёлгуз эрмас илтимоси цатл агар чексам бугуз.

Телбадур нокас рацибинг, цатл эрур вожиб анга,
Мундин узга йуц иложи итким, ул булгай цутуз.
Май учун зухдум ридосин ол гарав, эй пири дайр, Дема
найлай, чун харобот ахли ичса бода суз.

Чун ети цат ерга киргунг оцибат, холо не суд, Гар
сипехр ажносидин олингга тортарлар туцуз.

Вахки, то бир курди ул юзни Навоий, эй рафиц, Сабри
юздин бирга келди, шавци булди бирга юз.

**207**

Мотам уз холимгадурким, ултурур ул рахмсиз, Тийра
идборим палосидин курунг буйнумда киз.

Ул парий бирла иков цочсац халойиц топмагай Ким,
учар ул, заъфдин пайдо эмастур менда из.

Вахки, юз очцач ул оташ пора рагмимга менинг, Элга
андоц солди утким, чицти мендин жизу биз.

Куз царасин юса ашким бахрининг мавжи не тонг,
Чархдин анжумни юр кулак ургач бу тенгиз.

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфаким, Бел анга
маълум эмас, маълум эрурким йуц огиз.

Чицти кунглум сайди оллидин агарчи яра еб, Ковса
ногах озмасун, эй ишц, анинг цонин томиз.

Килма раз фарзандини куп хамдаму дамсозким,
Пардадардур асру бу шохидвашу маккора циз.

Жисм айвонида хатту нацш ила зеб истасанг, Чек фано
хаттинию бенацшлиц нацшини сиз.

Эй Навоий, топти бедиллар хабар уз кунглидин, Бу
мажонин ичра гойибдур бизинг оворамиз.

**208**

Сарвцадлар агар биру гар юз, Юздин
эрмас бири бизнинг била туз.

Еаразим ул санамга сажда дурур, Ер
упай деб цошида цуйсам юз.

Юзидин зулфига кунгул бормас,
Кимса шабравлуг айламас кундуз.

Не биров булса хамрахинг тощат, Не
тахаммулки, кезгасен ёлгуз.

Хар кузум ул щуёш фирощи туни, Бир
фалакча аён щилур юлдуз.

Бормен, эй пири дайр, бас махмур, Карам
айла, каромате, кургуз.

Кадди хажринда тортсанг нола, Рост
оханги, эй Навоий, туз.

**209**

Килур пайконларинг кунглум утин тез,
Агарчи щатра булмас шуълаангез.

Танимга ул бахори хуснидин ут Тушуб хар
дам урармен барщдек хез.

Эрур рул барги узра оби хайвон, Лабинг
ул дамки булгай бодаомез.

Деманг, лаъли майидин ижтиноб эт, Не суд
эткай манга улгунча пархез.

Осиг йущ жони ширин берса, Фарход, Чу
Ширин лаълидин ком олди Парвез.

Вафосиздур бахори хусн, сощий, Майи
гулранг узра уйла гулрез.

Ул ой васлин тилар булсанг Навоий, Хам
ул шаб зиндадору хам сахархез.

**210**

Курунур оташин лаълинг дилафруз, Магар
оллида чектим охи жонсуз.

Топилмас нур аро оламда хуршид,
Курунгач ул жамоли оламафруз.

Висол айёми тонг йущ очса рухсор Ки,
доим очилур гул булса навруз.

Куёш остида гардун сабз хинги — Куруnмас,
махвашим чун минса кукбуз.

Кунгулга гам тошидин берма рамким, Хануз
ул сайд эрур мурги навомуз.

Кадахни давридин тиндурма бир дам,
Кунгулни дахрдин топсанг гамандуз.

Куп оттинг новаки дилдуз, вахм эт,
Навоий хам чекардин охи дилдуз.

**211**

Деман, эй хублар, вафо щилингиз, Жавр хам
щилсангиз, манга щилингиз.

Хожатим щаддингиз хиромидурур,
Купубон хожатим раво щилингиз.

Булмасун мендин узгага боре,
Гар вафо айланг, ар жафо щилингиз.

Юз туман дардга даводур васл, Нетти бир
дардима даво щилингиз.

Жон бериб васл топмаганларни —
Десангиз, мендин ибтидо щилингиз.

Санаганлар висолу ком ахлин Бизни ул
зумрадин сиво щилингиз.

Нетти жамъеки ошноларисиз,
Бизга хам ани ошно щилингиз.

Хонащах шайхидин очилмас иш,
Дайр пирига илтижо щилингиз.

Телбарабтур Навоий, эй ушшощ, Ул
эди гарчи бурно ощилингиз.

**212**

Дустлар, ахли замондин мехр умиди тутмангиз, Мехри гардун булсалар куз нуридин ёрутмангиз.

Гар шах улсин, гар гадоким, солмангиз юзига куз, Ёдини балким кунгулга хар тараф ёвутмангиз.

Зулм ила юз чок цилган танга гар мархам ёциб, Бутцарурбиз, десалар, ул захмларни бутмангиз.

Эл жафосининг малоли цилса хар дам цасди жон, Кунглунгизни гайри бекаслик била овутмангиз.

Уксуди эл майли мендин, бир йули, эй дарду гам, Гах-гахе сиз боре бошимдин цадам уксутмангиз.

Хажр утин жонимга ёцтим курсангиз усрук мени, Энди, эй панд ахли, дузах утидин цурцутмангиз.

Чун Навоий дашт тутти эмди зинхор, эй вухуш Ким, башар жинсини ул мажнун сари ёпутмангиз.

**213**

Дустлар, олам элига ёру хамдам булмангиз, Ёр ила хамдам демайким, ошно хам булмангиз.

Ошнолиг айлабон уз жонингизга хар замон, Боиси юз минг балову мехнату гам булмангиз.

Еб парийвашлар фиребин, сунгра топмай илтифот, Мен кеби девонаву расвойи олам булмангиз.

Васлу айш обод цилсун халцни, эй дарду гам, Сиз бузуг кунглумдин узга ерга махрам булмангиз,

Эй висол ахли, ул ойнинг дарди хажридин мени, Куп куруб гамнок сиз хам асру хуррам булмангиз.

Эй хароботахли, йуц инсонда имкони вафо, Мастлигдин дев улунг, зинхор одам булмангиз.

Гар Навоий васл аро булди залил, эй ахли васл, Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам булмангиз.

**214**

Еам шоми гар утумга булур шамъ ашкрез, Парвоналар цаноти ели айлар ани тез.

Не шомдурки, мехр анга кофур сепмайин, Хар дам Зухал узори булур анда мушкбез.

Махшар кунидаким жазаъи акбар улгуси,
Хажрингда келди кунглума юз онча рустахез.

Хаттинг малохати цошида сабзайи Эрам, Бил сабзаи Эрам ёнида шуълалиц фариз.

Хар гомидин жахон ёруса элга тонг эмас, Ул соликеки барц кеби булса гармхез.

Бу кухна дайр ичра десанг, ранжа булмайин, Булгил ризо мацомидаву цилмагил ситез.

Васл истасанг, Навоий эмас шарт бодия, Бул дайр арову доим анинг ёди бирла кез.

**215**

Не айб жон манга бехол булса жононсиз, Не холи булгай улуг жисми зорнинг жонсиз.

Туцуз фалакдин утар гарчи новаки охим, Килурмен ани ул ойга чекарда пайконсиз.

Кунгул аро бири утмай, бири етар гаму ишц, Бу уйда бир нафас эрман азиз мехмонсиз.

Жахонни тутти висолида шодлиг ашким, Бахор сайликим, улмиш жахонда тугёнсиз.

Ичимда кирпиги гар нола айласам тонг йуц, Кунгулга ниш тикилса, булурму афгонсиз.

Манга цадахни дамодам етургил, эй соций Ки, гам халок цилур бор эсам даме онсиз.

Навоий улса деманг хубларки кимдин эди, Сиз этингиз юрагин чоку багрини цонсиз.

**216**

Онсиз улмоц, эрур улмоц жонсиз,
Булайин жонсизу булмай онсиз.

Коши бу чок кунгулдин айру,
Филмасал ёйе эрур цурбонсиз.

Охким, дард юзидин чицмас, Уц эмас
булса эрур пайконсиз.

Ишц дарёсига, эйким, кирдинг,
Билки, бу бахр эрур поёнсиз.

Ёрсиз кунглум эрур ошуфта,
Мулк ошуб топар султонсиз.

Сую ут ичра сиз, эй кузу кунгул, То
ул ой оразига хайронсиз.

Гар Навоий чекар ун хажр туни
Йуц ажаб тун эмас ит афгонсиз.

**217**

Эй шикибу сабр, бир кун худ манга ёр эрдингиз, Ёрлиг
хам булмаса теграмда худ бор эрдингаз.

Келса эрди хар бало оллимга асраб цуймайин, Оху
афгон цилгали мендин хабардор эрдингиз.

То асири ишц булдум, цочдингиз ул навъким, Манга то
бор эрдингиз, гуёки агёр эрдингнз.

Пандингиздин эмди эрмасмен малул, эй дустлар, Доимо
мен хастага мундоц ситамгор эрдингиз.

Деманг, эй жону кунгулким, хорбиз ёр оллида, Гар эрур
ул ёр то бор эрдингиз, хор эрдингиз.

Эй харобот ахли, демангким недин гамнокбиз, Маст
улунгким, гам эди харгахки хушёр эрдингиз.

Бир йули цовманг Навоий кунглини, эй шухлар Ким,
гахи ул бенавонинг кунглин асрар эрдингиз.

**218**

Деди: кузум цичишур, айтдимки: бода томуз, Деди: не
хожат анга бода, маст эрур онсиз.

Бутар гул ичра гахе гунча, лек очилмас, Юзунгда
турфадурур кулгуси била ул огиз.

Кузум ёшин аритиб гар туганмаса тонг эмас,
Ажабдурур сочибон суйини цуруса тенгиз.

Юзунг цуёшму экин ё цуёш юзунгму экин Ки, цайси,
цайси экан фарц эмас, нечуккн эгиз.

Итинг изига кузум суртсам гариб эрмас Ки,
айн шакли била нащш улур аёгдин из.

Халол она сутидекдур гар узбаким тутса, Тобущ щилиб
юкунуб тустагон ичинда щимиз.

Хамиша мугбачаву раз щизи фидоси булай Ки, дайр
пирига арзир бу навъ угил била щиз.

Чу даври чарх эрур боиси гаму мехнат, Кунгул
фарогатини жом давридин олингиз.

Нечук йирощ булали пири дайру мугбачадин, Навоиё,
чу аларнинг муриду бандасибиз.

**219**

Булди шому жонга ул ой хажридин щайгу хануз, Етти
субху кузларимга кирмамиш уйщу хакуз.

Оби хайвонинг гамидин токи заъфим булди саъб,
Бормамиш бир щатра бугзум ичра, жоно, су хануз.

Жавр ущин оттинг, вале, бийм эрди хижрон тигидин,
Етти ул хам бошима кунглумдин утмай бу хануз.

Новакинг умредурур кунглумда хандон булгали, Бор
анинг муфрит жунунидин мунга кулгу хануз.

Сехр ила ул куз щилиб зулфунг камандин аждахо, Бузди
олам халщин, бас айламас жоду хануз.

Шохиди мащсуд акси кунглума тушмас дединг, Еайри
нащшидин магар пок эрмас ул кузгу хануз.

Деди: бул фоний висолим истасанг, булдум фано, Эй
Навоий, сурки мундин ортущ истарму хануз.

**220**

Булмас щора куз элдин тутмощ киши вафо куз, Сендин
нетиб вафо куз тутщаймен, эй щаро куз.

Тушти кузум кузунгга, щолди кунгул балога, Афгонки,
икки ёндин булди манга бало куз.

Гул бирла сарв эрмас харгиз кузумга мащбул,
Эй сарв цадди гулрух, ургангали санго куз.

Эй кош, рахши гарди оламни тутса, токим Ул кузга
кирса хар ён солгач бу мубтало куз.

Кузни уюб, кунгулни уртайки, ёр истаб, Солди кунгул
мени бу дармондалицца ё куз.

Ул куйдин келур ел кузларни равшан айлаб, Елдин не
булди тутсам мен даги тутиё куз.

Майдин кузумга томиз бир цатра то очилсун Ким,
тийрадур багоят хажринг аро манго куз.

Айлар назар тавацуъ куюнг гадойидин шах, Тутцан
кеби биайних шахдин назар гадо куз.

Куз олмаса Навоий эрмас ажаб йулингдин, Тикмиш
йулунгга чунким ул зори бенаво куз.

**221**

Ёпилмас гар менга цонлиг судин куз,
Сенга лекин очилмас уйцудин куз.

Юзунг лавхида важхуллох аёндур, Не тонг гар
олмасам ул кузгудин куз.

Боца олман юзунг оллимга келса,
Камашур мехр кургач утрудин куз.

Кузунг эл цони туккандин хасад еб, Не
цонларким тукар ул цайгудин куз.

Эмассен холима хандону гирён
Ки, ёшармиш сенга куп кулгудин куз.

Кадах чархида май мехрини, соций,
Солиб ёрут манга ул ёгдудин куз.

Навоий маст кунглин ашк оцизди, Гум
этди охир анинг бехудин куз.

**222**

Ишц юки айлади торами аълони куж,
Не ажаб, ар айласа мен кеби шайдони куж.

Тори сиришким чекиб дард цадим цилди хам,
Уйлаким, эл чиллани тортиб этар ёни куж.

Улмадим онсиз, уёт бошим этибдур цуйи, Заъф
гумон этмаким, цилди бу расвони куж.

Еам юкидин заъфлиг шахсим эгилса, не тонг
Ким, бу юк этмиш басе жисми тавонони куж.

Жисмима кирганда дард «дол»и кеби булди хам,
Кимки эрур нацбрав чарх цилур они куж.

Эгма цаддимга боциб рахм цил, эй сарвким, Давр
басе айлади цомати раънони куж.

Килди Навоий унин эгри кеби тори хажр,
Айлагали ноладин чангдек аъзони куж.

## СИН ХАРФИНИНГ СУМАНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «НАВОДИР»ДИН

**223**

Жуд эмас куп базл учун куп мол цилмаглиг хавас, Ким
берур куптин куп, оздин оз ани бил жуду бас.

Разл тацдим этса йуц ахли сафога хеч бок, Суга не
нуцсон, гар анинг устида ер тутса хас.

Ёр исидур ком келтурсин сабо ёхуд шамол,
Дуст, тацририга ровий хох Бузар, хох Анас.

Тожварлар оц уйида сокин улса, ахли ишц
Уйладурким булбулу худхудга булгай бир цафас.

Корвони дард ила цатъ эт мухаббат даштини Ким
нидое муждайи васл айлар анда хар жарас.

Сурма ул шабхез аёги гардин, этким кечалар, Итча йуц
куйида гар худ шахна булсун, гар асас.

Дайр пири журъасин гар тутса бизга мугбача,
Нацди жондин узга утрусида йуцтур дастрас.

Эй Навоий, ишқ сиррин ким хавас қилса, дема Ким,
эшитмакка бу сўз лойиқ эмас ҳар булхавас.

**224**

Боғ аро не сарв этармен орзу, не гул ҳавас, Даҳр боғидин
манга бир сарви гулрухсор бас.

Ул кечаким ёр ила ёрутгамен шамъи висол, Зинҳор, эй
субҳ, агар бўлсанг Масиҳ, урма нафас.

Куйди ҳам тан, ҳам сунгаклар тушкач ул юз ламъаси,
Барқ ўтига найлагай бир тор ила бир неча хас.

Наҳли қаддинг ўнла олийдурки, термак мевасин, Бўлса
доги дастрас мумкин эмастур дастрас.

Онча тиғи ишқ чокидур таним атрофида
Ким, ани кўнглум қушига дард айлаптур қафас.

Ул маҳи маҳмилнишин ҳавдажда, кўнглум ташқари Не
ажаб гар тинмай афғон чекса андоқким жарас.

Эй Навоий, илтимос этма санамлардин висол.
Гар десанг кўп куйманин биздин эшит бу мултамас.

**225**

Жонга лаълинг майи жомидур мултамас, Не
Хизр сўйи, не жоми Жамдур ҳавас.

Қотилим тиғи кўзгуси занг ўлмасун, Эй
Масиҳ, ўлгоним кўрсанг асра нафас.

Кўз тутарменки, бу сув йўли беркитгай,
Куйидин ел учирса неким хору хас.

Кўнглум ул хол асири чу бўлмиш эрур
Анкабутеки, сайд этмиш ани магас.

Не шараф отингга бўлғоли поймол, Не
итинг пойбўсигадур дастрас.

Кеч топардин талаб аҳли мақсадга йўл,
Гуйиё тинмайин нола айлар жарас.

Эй Навоий, таниңг ичра жон йўқса ажаб, Ким
кўрубтур ики булбулу бир қафас.

**226**

Кунгул хар тун фарог истаб бало тогини ёстанмас,
Агар хар дам неча цатла ул ой куйини айланмас.

Вале бу турфадурким, гар фигони чархдин утсун, Ул ой
ноз уйцусидин чицмагунча мехр уйгонмас.

Кунгулга лойи ищцингдин неча бердинг улум хавфи, Бу
янглиг ваъда бирла гар сурарсен эмди хам тонмас.

Лаби лаъlinг хаёли хажр аро багримни цон цилди, Жихат
будур хамоно цон ютардин гар кунгул цонмас.

Ажал тиги не булгай элни майдон ичра цатл этса Ки, эл
гавгосидин чобуксуворим эмди отланмас.

Анингдек телба кунглум ул пари куйига юзланмиш Ки,
гар занжирлар бирла чекарлар халцким, ёнмас.

Насиме лоларуйим махмилига майл цилмаским, Куюндек
рашкдин хоки таним юз цатла тулгонмас.

Утуб ищц ичра умрум, зохидо, цуй зухд иршодин, Киши
мундог улуг санъатни улгойганда урганмас.

Гадолар силкидин куйи харобот ичра хориждур,
Бировким илгига тушса цуруг нон бодага монмас.

Хужум этти жахон мехнатлари, тут бода социйким, Кадах
чекмай киши бу хайлнинг дафъига цотланмас.

Мухаббат ути эл бирлаки ёцдинг, уртанур жони, Навоий
йуцса хижронинг утидин онча уртанмас.

**227**

Менга бир сарви гулрух булди мунис Ки,
хайрондур кузи оллинда наргис.

Чу гам базмида майдек цон ютармен, Эрур
лаълинг хадиси нуцли мажлис.

Кузу зулфу юзу цаддинг гамидин
Мени бехудца барбод улди беш хис.

Фалак тоцидек этти цоматим хам, Кошинг
мехробини тузгон мухандис.

Дацойиц ишц илми ичра куптур Ки,
тафхимида ожиздур мударрис.

Асарсиздур кунгулда шуълайи зарц Булур
учун цалб рукаш айлаган мис.

Навоий эрдию жон нацди олдинг, Тирик
мумкин эмас бу навъ муфлис.

**228**

Гулгун май ичиб сунбули чун гулга ёпилмас Ул гулшан
аро бизга не гулларки очнлмас.

Гулзор жамолидаки пайдо эмас огзи,
Ул навъ гул очилдики, бир гунча топилмас.

Анфоси Масихо кеби ул нутц насими, Эсмас
бериким, жон иси оламга ёйилмас.

Эй пири хирад, кунглума куп цилма насихат, Невчунки,
жунун ахлига ацл ахли цотилмас.

Лаълинг майи то ичти, кунгул холини сурма, Ким мастдур
андин бериким узини билмас.

Хушёр ани билгил бу фано дайрида эй шайх Ким, тулгуча
паймонаси бир лахза ойилмас.

Куйи сари хар кечаки азм этса Навоий,
Ой шамъин учур, чархким ул уйни ёнгилмас.

**229**

Бизга ул махваш тилию кунгли бирла ёр эмас, Кунгли
ичра хар неким аниng тилида бор эмас.

Тилга келмон кунглум утинким, менга ул багри тош, Тил
била гам ер, кунгул бирла вале гамхор эмас.

Кунгли узгадур, тили узга не чора цилгамен, Кунглида юз
фикру тил бирла бири изхор эмас.

Не тилим, не кунглум ахволин билур ул шухким, Кунгли
гам неши, тили ох утидин афгор эмас.

Ёр улдурким, тилию кунгли анинг булса бир Ким, тили узгаю кунгли узга, ул ёр эмас.

Кимки кунглин истамас гамгин тилини асрадег
Ким, тилни тийган кишининг кунглида озор эмас.

Демаким дардингни шарх эт ё кунгул, ё тил била,
Кунглум эрмастурму бехуд ё тилим нокор эмас.

Кайси тил бирла дейин кунглум тилайдур хонацах Ким, тилу кунглум аро жуз кулбаи хаммор эмас.

Шох мадхида Навоий кунгли — ганжу тил — калид, Йуцса кунглию тилида нуктаву гуфтор эмас.

**230**

Жонга лаълингдин бир упмакдур циёсан илтимос,
Лаълинга хам жонни куйдурмоц алохозал-циёс.

Кунглума зарбафт хилъат шуъласидурким, эрур, Тош аро булмоц нихон Фарходца хоро либос.

Деди, кунглум кеча тонг йуц пос агар тутса кузум, Вахки, уйцум йуцтурур тундин утунтур неча пос.

Ут сочар ищцинг харосон булса кунглум, йуц ажаб,
Аждаходин тонг эмастур мурга булмоц харос.

Кунглум ичра мазраи сабрим урулмай цолмагай, Хар сунгак ёнимда чун цатъига анинг келди дос.

Хизмат эттим хонацах шайхига, цадрим билмади, Дайр пири бандасименким, эрур бас хацшунос.

Эй Навоий, кисвати фацру фано сол эгнинга, Йуцса хирцанг тенгдурур гар атлас улсун, гар палос.

**231**

Гар менингдур ёр лули булса шох этмон хавас, Найлай ул шахники, хар лулига булгай хамнафас.

Шиква цилман гар жафодин бошима ёгдурса тош,
Тоцатим йуц элга цилса барги гул урмоц хавас.

Ёрдин хар неча бедод улса айлармен цабул, Лек
булса гайр бирла мултафит мацбул эмас.

Жонни цуймасмен чибиндек лаъли узра рашкдин, Ул
шакар узра чибин цилсам тахайюл хол бас.

Бу балони курмасун ошицки цилгай илтимос, Васлин
анингким биров булгой анга хам мултамас.

Уз нигори махмилидин цилмасун деб куз хато, Ишц
дашти ахлига хар дам нидо айлар жарас.

Эй Навоий, ишц атворида будур зулмким, Гул мацоми бог
улуб, булбул ери булгай цафас.

**232**

Куйи тоши бошима хайф айласам уйцу хавас,
Ит уюр булса, аёг, илги, бошин цуймоцца бас.

Чун дедим: зулфунг камандин буйнума солгил, деди:
Итка булмас Каъба цандили танобидин марас.

Ох ути уртарга жисмимни не мониъ куз ёшим, Барц ургоч
уртанур гар булса дарё узра хас.

Чоклар булган таним цон лаълию куз дурридин, Булбули
рухумгадур гавхарлар уткарган цафас.

Куйса муфрит заъф аро огзимга ул юз кузгусин,
Урмагаймен тийра булмоц вахмидин улсам нафас.

Дард аро улсанг даво ахли замондин истама Ким,
топилмас дахр аро бечораларга чорарас.

Илтимос этсам лабингдин жон топай деб, цилма айб Ким,
Навоийга будур улгунча, эй жон, мултамас.

**233**

Манга манзил кухан дайри фано бас,
Ёним остида эски бурё бас.

Гули завц элга боги айш ароким Менга
гам даштида хори бало бас.

Азалдан чунки цисмим риндлицдур,
Кил эмди пандни, эй порсо, бас.

Вафо гар цилмасанг жонимга боре,
Жафони цилмагил, эй дилрабо, бас.

Кунгул догига цуйман мархам, эй ишц, Анга
невчунки хам дард-уц даво бас.

Эрур бир нукта ишцу олам ичра. Деб улмас
харгиз андин можаро бас.

Наво ишц ичра сен топ, эй Навоий Ки, бизга
бенаволицлар наво бас.

**234**

Килмон ул бебок кесган наълни упмак хавас Ким,
саманди наълини упмак муяссар булса бас.

Олам ахлига етар фарёду охим хар кеча, Охким, йуцтур
манга оламда бир фарёдрас.

Уйла куйди хажр аро жисмимки, йуц андин асар, Кайда
топилсун чу тушти дузах ути ичра хас.

Гар сабух этсам не тонгким, софу содиц хайлидин,
Бодадек бир хамдамим йуц, субхдек бир хамнафас.

Жамъ этар овораларни чоклиг кунглум уни, Йулдин
озганларни ул янглигки афгони жарас.

Гулшани васл истаган кунглум цушига тордур, Чарх юз
минг равзани бирла агар булса цафас.

Берса ул гулдин хабар хохи сабо, хохи шамол, Деса
пайгамбар хадисин хох Бузар, хох Анас.

Хирца улдуркким, кеча кезсанг, чу булгон торига
Боглагайлар узни гар худ шахна булсун, гар асас.

Эй Навоий, олам ичра бенаволиг курмади, Улки харгиз
цилмади олам элин курмак хавас.

**235**

Тонг эмас гар чин юзинда цахрдин мавжуд эмас,
Кузгунинг чунким курунмак жавхари маъхуд эмас.

Дашт аро охим сари эткан мусофир юзланиб, Фахм
цилмаским эрур охим бухори дуд эмас.

Куксум очтим хар тараф цилди гумон ул тифлким,
Лолалар бирла безабмен, доги хунолуд эмас.

Ишц бозорида савдо ахлига жуз нацди васл,
Хар нафас бир ганж агар учрар зиёндур, суд эмас.

Васл ичра демаким ушшощни рад щилди ёр, Хеч ким
мендекки, хижронида мен мардуд эмас.

Майда аксиндур куз андин олмасам, сощин, не тонг, Токи
дийдор улса мандин мастлищ мащсуд эмас.

Зарби ишщидин музайяндур юзумнинг олтуни, Эй
Навоий, демагилким сиккаи бехбуд эмас.

**236**

Эй, фирощингда хаётимдин менга озору бас, Хар дам ул
озордин улмак тилаб мен зору бас.

Догу щон хам булди ул юз лоласи хижронидин, Йущки
хажринг нешидин кунглум эрур афгору бас.

То дедим бир щатла куфри зулфини тарк айлагум, Куфр
айтщандек хадисим булмиш истигфору бас.

Оламедур хуш жунун ичра тахайюл, эй кунгул Ким,
анисимдур туну кун ул пари рухсору бас.

Кон тукар юз навъ ул щотил демангким боиси, Ханжари
хунрез эрур ё гамзаи хунхору бас.

Мастким эгри хиром айлар ул ой хам щатл этар, Котилим
ёлгуз эмастур чархи кажрафтору бас.

Эйки дерсен дайри пири хизматига богла бел, Уйла
хизматща марас билким, эрур зуннору бас.

Чархдин ёщщон хаводис тошларига хар киши, Ким панох
истар, эрур ул кулбан хаммору бас.

Ишщ аро расволиги оламга невчун булди фош, Чун Навоий ишщини щилди сенга изхору бас.

**237**

Дахрдин мехру вафо щилма хавас,
Элидин гайри жафо щилма хавас.

Етса хар дам сенга юз мухлик дард,
Улсанг ул, лек даво щилма хавас.

Эй кунгул, васл хавас щилдинг, ул
Зорлиглар била ё щилма хавас.

Айлаган ишщ хавас куч бирла, Юз туман
дарду бало щилма хавас.

Куйи туфроги эрур мушки Хито,
Истаган ани хато щилма хавас.

Ипщ даштини десанг щатъ щилай, Зоди рах
гайри фано щилма хавас.

Бенаволигда, Навоий, улсанг, Базми васл
ичра наво щилма хавас.

**238**

Кунглум ичра дарду гам аввалгиларга ухшамас Ким, ул ойнинг хажри хам аввалгиларга ухшамас.

Не ситамким, щилса рахм махфий эрди зимнида, Эмди щилса хар ситам аввалгиларга ухшамас.

Демангиз Ширину Лайли онча бор хусн ичраким, Хубликда ул санам аввалгиларга ухшамас.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш узга ёр,
Улмишамким, бу алам аввалгиларга ухшамас.

Ипщ аро Фарход ила Мажнунга ухшатманг мени Ким, бу расвои дижам аввалгиларга ухшамас.

Куйининг эхромидин кунглумни манъ этманг яна Ким, анга азми харам аввалгиларга ухшамас.

Эй Навоий, щилма Жамшиду Фаридун васфиким, Шох Гозийга карам аввалгиларга ухшамас.

**239**

Хар неча куйсам ул ой кунглумни пайдо айламас, Айласа хам улсам ани ошкоро айламас,

Ишвасидин илтифот ахволима зохир булур, Зорлиг кургузсам андощ ишва пайдо айламас.

Жонга бир куймощчадур хар кимга парво щилмоги, Яна юз улмакчаким щатлимга парво айламас.
Шухлуглар бирла сабрим хирманига ут солур, Хусн ила ёлгуз мени-бедилни шайдо айламас.

Кайда юзлансам жунун хангомасидур халц аро, Ул чу етти куз учи бирла тамошо айламас.

Айламас то хусни бир сендекни олам офати, Ишц бир мендекни хам оламда расво айламас.

Мен аёги туфрогига нацди жон айлай нисор, Не ишимким, ул цабул айлар ани ё айламас.

Нацди исломим олиб бир журъа тут, эй мугбача, Бул равонким хеч кофир буйла савдо айламас.

Муддатедурким, Навоийдур аёгинг туфроги, Пойбусунг гар топар, ортуц таманно айламас.

**240**

Хублар минг булсалар, мен хастага бир ёр бас, Анда мехр атворининг мингдин бири гар бор бас.

Айтмонким, хар вафо цилсам, жафое цилмасун, Х,ар вафога минг жафо гар айламас изхор бас.

Х,ар вафога минг жафо хам цилса цилсун, мунчаким, Ёр анга махруму махрам булмаса агёр бас.

Эй висол ахли, сизу иззат саририким, менга — Х,ажр куйи итлари оллида булмоц хор бас.

Мен киму нуши лабингдин истамак цути хаёт, Айласа гамзанг синони цатл бу мицдор бас.

Эй кунгул, гамгин эсанг куп цуйса соций огзингга
Зарфни, сипцармагунча цилмагил зинхор бас.

Юз бало келса бошингга сабр цилгил, эй кунгул, Ё
халойиц ихтилотин цил Навоийвор бас.

**241**

Нигорим дардима наззора цилмас,
Назора цилса даги чора цилмас.

Тилаб огзин эмас бир дамки кунглум
Узини гунчадек юз пора цилмас.

Мени гам дашти ичра ишц итурди,
Узин эл куч бнла овора цилмас.

Кунгулни айлагандек захм гамзанг Пичоц,
балким цилич хам ёра цилмас.

Мени девона то цилмиш кунгулга
Неларким ул пари рухсора цилмас.

Не ерсен дахр золининг фирибин,
Вафо чун элга ул маккора цилмас.

Навоийдек юзунгга ким солур куз Ки,
зулфунг рузгорин цора цилмас.

## ШИН ХАРФИНИНГ ШУХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «НАВОДИР»ДИН

**242**

Жамоли нурини чеккан тарозу ою цуёш, Магар бу
бирида нур эрди, ул бирисида тош.

Гар ойда тош эмас эрди, цуёшда нуриндин Кудурат
ичра цолиб ой, мунаввар улди цуёш.

Куёшца нурки юцмиш хануз эрур ул нур, Хануз ой ичра
хамул тош эрурки, булмиш фош.

Уруж ацшоми тегрангда ою кавкаблар, Масих
гирдида андоцки, бир неча хаффош.

Юзи тубон тушубон маркабинг изига малак, Ер
узра цурсни цилгон кеби гадой талош.

Чу цурб цофига еттинг, етишмади Жибрил Не
навъ худхуд Семург ила булур йулдош.

Аёгига чу малойик бошин цуя олмас,
Навоиё, цуя кур итлари аёгига бош.

**243**

Куймади шоми хуморим тийраликдин ацлу хуш, Май
цуёшин хум сипехридин чицар, эй майфуруш.

Истамон худ хуш, лекин йуцки хуш олгай хумор,
Май тула цуйгилки, айлай мастлигдин тарки хуш.

Жоми нушо-нуш хуштур ул сифатким, дайр аро Бода
олиб мугбача, нуш айлабон цилдурса нуш.

Ун чекиб май тут, деб эрсам дайр тоцига садо, Демаким
хам ушбу маънини нидо айлар суруш.

Арбадамдин гар торицтинг, социё, тут бодаким,
Булмагунгдур булмагунча масти лояцил хамуш.

Мухтасиб таъзир этар вацти таним цилди яланг, Дайр
пиринин цулидурменким, улдур айбпуш.

Гар Навоий бир аёг, гохи ичар гам дафъига, Зохид
андин узни гамгин тутса ичтек эмди цуш.

**244**

Дустлар, кунглумни васл уммиди бехол айламиш, Орзу
хайли хазин жонимни помол айламиш.

Шох лутфи узрини цулмоц эмас мумкинки, шавц
Хушум этмиш зойилу нутцумни хам лол айламиш.

Бас муносибдур бахори васл аро куз ёшини, Кисватин
цондин хазони хажрким ол айламиш.

Зулфи ичра булгамен пур печу хамлиц тордек, Заъфлиц
жисмимниким, хижрон юки дол айламиш.

Хар замон ул ён цилур кунглум хавоким цуш кеби,
Хажр уци пайконларин хар ён пару бол айламиш.

Неча кунлук хажри туфон айлабон ашким суйин, Мени ул дарёда киштибонга тимсол айламиш.

Хажрида онсиз тирикликдин уятлигмен, валек Менда йуц тацсир, ажал бу ишда эхмол айламиш.

Ул ики лаб хажрида майким, иложига хаким Лаъл ила ёцутни махлулу сайёл айламиш.

Эй Навоий, хажр мушкил булса гам йуцтурки, хац Шох лутфин буйла мушкилларга халлол айламиш.

**245**

Сабзаи хат оразинг богини хазро айламиш, Гулшани рухсоринг узга ранг пайдо айламиш.

Хар дам улмиш хатту лаълингдин юз онча ошкор, Хар не ишким умрида Хизру Масихо айламиш.

Вах, не шайдоваш йигитдурким чициб олифтавор, Юз туман олифтани ишцида шайдо айламиш.

Коматим ё юз уза ашкимдин этмиш новлар, Улки анинг кирпикин новак, цошин ё айламиш.

Не тамошодурки юз минг халц улмиш хар цачон Ким, аин эл, йуцса ул элни тамошо айламиш.

Булмамиш пайдо менингдек зору сендек рахмсиз, Тенгри то мехру мухаббат расми пайдо айламиш.

Эй саломат ахли, бутронгким, мени бир мугбача Дайрдин усрук чициб бу навъ расво айламиш.

Фард булким ул киши дунёда булмиш ахли тарх Ким, фано йулида тарки ахли дунё айламиш.

Куп Навоийнинг мусаллоу ридосин сурмаким, Бирни рахни бода, бирни бода поло айламиш.

**246**

Шомким тун пардасинда айлади ихфо цуёш, Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо цуёш.

Йуцки чун кирди шабистон ичра зулфи шомидин, Орази чун булди пайдо, булди нопайдо цуёш.

Базм чун тузди жамоли ламъасиндин йуцки шамъ,
Балки зохир айлади бир согари сахбо цуёш.

Субхга тегру юзидин равшан эрди базми айш,
Уйлаким, эл хотирига келмади асло цуёш.

Ламъаи рухсоридин цасрида хар айвон аро,
Зарварацдин шамсаларму эрду, билмон, ё цуёш.

Маст улуб оразни чун хнлват аро илди нихон, Саргариб
титраб чицарди пардадин сиймо цуёш.

Охким, биз рубъи маскундин чициб, куп булгуси
Жилвагар туртунчи торамдин Масих осо цуёш.

Килма, эй гаввос, куп ишц ахлининг манъини кур Ким,
сену галтон гухар андишаси ушшоцу ёш.

Бил, Навоийким, тафовутдур цуёштин ойгача,
Айласанг наззора ул ой оразидин то цуёш.

**247**

Хусн боги ичра цадднинг сарви булмоглицца туш, Хар
хаво цилган кунгул ул цад уза сарв узра цуш.

Умрларким булган оворанг етишмиш оллинга,
Мархабосига илик сун худ дей олмонким цучуш.

Куксума гам тогида ищцинг бало мисморини
Беркитурда айлади Фарход метинин чукуш.

Лаъли шахдига хаво цилганда, эй жоним цуши, Гар
десангким топмайин махлас чибин янглиг ёпуш

Куйидин бизни чицармоцца, рацибо, йигма хайл, Хасни
цавмоцца насиме бас, эмас хожат уруш.

Ишрат этким, чарх оллинда тафовут йуцтурур, Хох
базм ичра симоъ эт, хох кунж ичра тумуш.

Дема хажримдин Навоий гамсиз эрмас бир замон,
Истасангким гамдин айрилгай анинг бирла цовуш.

**248**

Ул париваш одамивашлиглар анлаб цилди хаш, Хар
сариким бир малакваш бор эди девонаваш.

Айтмон жом огзинга еткач, менинг огзимга цуй, Умри жовид истасам басдурки, булсам журъагаш.

Лаъли хижронида кунглум бехуд улса цилма айб Ким, жарохатдин чу цон айрилса тонг йуц булса гаш

Ёр чун жонимда махфийдур тафовут иуцтурур, Жилва цилса зохиран гар минг ёгоч, хар бир араш.

Чун малохат жон олур хусн ичра ани истагил, Хох дилбар кишвари булсун Хутан, хохи хабаш.
Сощийи даврон чу охир тулдурур паймонамиз, Эмдидин варзишща узни айлали паймонакаш.

Эй Навоий мухтасиб дайр ичра кирди бермасанг, Рахну майпологa бас лойищтур ул дастору фаш.

**249**

Мехр эмас, гардун юзунг хижронидин дог уртамиш, Ой эмас, мархам учун момущ мудаввар айламиш.

Кунглум андощ чок-чок улмишки, гуё туъма деб, Хажр тиги итларингга бир-бир ани туграмиш.

Бисмил этмиш зори кунглум сайдини щилгоч шикор, Ул шикор афкан хазин кунглум бу янглиг овламиш.

Лола руюм асрамай кунглумни гар азм айлади, Ёдгор андин туганлар чок кунглум асрамиш.

Ер юзин тутщан бахор айёми эрмас лолазор
Ким, юзунг хижронидин гирён кузум щон йигламиш.

Дема, сощий илгидин софийму хушдур йущса дурд?
Хар не андин келди, ул хуштурким ани толгамиш.

Гар Навоий ёридек йущ олам ичра, не ажаб Ким, кезиб оламни махвашлардин ани танламиш.

**250**

Юз сихр щилса кимгаки элликдин утти ёш,
Атфол сахраси щилур атфолдек маош.

Улким сощол буяр хаваси тушти бошига, Булмощ сощол щора, не осиг, чун ощарди бош?

Гуёки молу жон чин эрур негаким щори, Чун етти жон талашщали, ул мол этар талош.

Хожиб нетар бировки кузи булди мунзавий,
Эв гушасида доги анга хожиб улди кош.

Юздан тукар су улки кузи, огзи, бурнидин, Эл оллида ощар шулакай бирла сую ёш.

Эйким, юзунг щуёш эди, саргарди шайбдин,
Билгилки, саргарур уёцур чогида цуёш.

Оллингда бас цаттиц йулу цатъига йуц гузир, Гар шох, гар гадо булу гар тунду гар ёвош.

Билким, бу йулда зод эрур аъмоли хайру бас, Йуц илму фазлу мансабу молу уруг-цаёш.

Юз бийму оцибат иши маълум эмас киши, Тугмаса эрди ё тугубон улса эрди кош.

**251**

Тун хам кечу йул даги йироц, сен даги сархаш, Ултурки даме ултурали, эй бути махваш.

Йиллар чекибон хажр даме вaслингга еттук, Сен даги даме зорларинг кунглини тут хаш.

Манзил даги амну кунгул асхобдин эмин, Май даги эрур бегашу рух андин етиб гаш.

Маълум эмас тонгла ким улгусию ким йуц, Тинсун цадамингда нафаси неча балокаш.

Хайхот бу хилватда киши булса улармен, Еайр утса хаёлимга цилур мени мушавваш.

Бир нацш бу янглиг менга кургузмади гардун,
Чехрамни цилиб цон ила юз навъ мунаццаш.

Килмади Навоийга бу ицболни рузи, Улким вараци цисмат уза булди рацамкаш.

**252**

Донаи холи лабинг кунглум цушин ром айламиш Ким, ани тутцанда жоним риштасин дом айламиш

Анбарин хаттинггаким, андин келур буйи вафо, Жон фидо гарчи умидим субхини шом айламиш.

Лабларингдин рухпарвар нутц зохирдур магар, Рух цудси оби хайвои ичра ором айламиш.

Хумрат этмиш ошкор ул усруку хунхора куз, Кон ила мамзуж май гуёки ошом айламиш.

Сарву гулга бог аро дерменки айлай жон фидо, Токи жоним цасди бир сарви гуландом айламиш.

Чицти, вах, усрук яна ул кофири бебокким, Хар цачон чиццонда цатли ахли ислом айламиш.

Дайрни цилмиш кузумга гулситон, эй мугбача, Ул майи гулгунки рухсорингни гулфом айламиш.

Ком вацти тарки дунё айлаган топмиш хаёт, Йуцса етканда ажал худкому ноком айламиш.

Кани расвое Навоийдек агарчи ани ишц, Некном элдиндурур деб, буйла бадном айламиш.

**253**

Гуйиё бир-бирига ошиц эрур ул икки цош
Ким, цуяр бир-бириси бир-бирининг оллида бош.

Юзни бир тифл учун атфолга майдон ясадим, Йуцса не важхдурурким югурур юз сори ёш.

Улки базм ичра сочар бошига гул не билгай, Холин анингки фалак ёгдурадур бошига тош.

Кузларинг даврида мужгонингга ул навъи хулсум, Недурур цилмасалар фитнанинг устида талош.

Истабон хуш замон мехнатидин, эй соций, Жомима доруи бехуш эзиб цотсанг кош.

Фацр даштида фано йулига хамрах тилама, Йул чу маълум эмас, цайда топилсун йулдош.

Эй Навоий, юзидин деки очиц ёруг эрур, Зулфидин демаки хам тийрадурур, хам чирмош.

**254**

Суз демай икки шакардек лабиким банд улмиш, Кула олмастин иши эмди шакарханд улмиш.

Кунглума барча шикоят ери йуц, андинким Тигидин чок эса, уци била пайванд улмиш.

Гулдин олман кузу ислармен ани невчунким, Ранг ила буйи менинг ёрима монанд улмиш.

Бутун эрмас бу кунгул шишаси ахдингдекким,
Синмишу хар синуц андин неча парканд улмиш.

Юзи бирла лабини курса цилур кунглум заъф, Гар кунгул цувватининг мужиби гулцанд улмиш.

Ул пари то мени девонаву расво цилди,
Вахки, Мажнун менинг оллимда хирадманд улмиш.

Ранжа булма тилаб ортуцки эрур осуда,
Улки хац, хар не насиб айлади хурсанд улмиш.

Хосса маъниларим эл цилса тасарруф цилдик, Киши фарзанди цачон кимсага фарзанд улмиш?

Ковма, эй шайх, Навоийни эшитмас деб панд Ким, сенинг пандинг эшитмаслик анга панд улмиш.

**255**

Вафодин чекса бош ул сарви махваш,
Ажаб эрмастур улмоц сарви саркаш.

Замона аблаци цолган равишдин,
Ул ошуби замон секретса абраш.

Кеча зулфунгни туш курдум паришон, Бу кундур хотирим асру мушавваш.

Жахон цузголди офат сарсаридин, Йигит жонинг учун отланма сархаш.

Мацомирваш харифе кунглум олмиш Ки, гаш
цилгон сойи кунглум цилур гаш.

Кунгул вахдат майининг жоми эрмиш, Бу
согар сода яхши, йуц мунаццаш.

Навоийнинг жунунин айб цилманг Ким,
ани телбаратмиш бир париваш.

**256**

Неча ох урсам булур куздин багир хуноби фош,
Эснамак бу эрса кузда не ажаб ул навъ ёш.

Эй парий, атфол тоши дема бу мажнунгаким, Чарх
зулми ёгдурур бошим уза хар лахза тош.

Суда андоцким цуёш акси тушар, гуё эрур, Обгун чарх
ичра ул рухсорнинг акси цуёш.

Гар кабутардек эмас тутмоц учун кунглум цушин,
Невчун очмиш цулочин хар тараф ул икки цош.

Тунд эрур ул бутки, цуймишмен бошимни оллига,
Киблага бош индururга менда йуцтур икки бош.

Булма кун цурсин тилаб афлокдек саргаштаким, Бир
фатири хом ила осон утар хар кун маош.

Олгали кунглин Навоийнинг талошур хублар, Шохлар
андоцки бир мулк узра цилгойлар талош.

**257**

Ишц ичинда жуз улум мушкилкн, булган бизга иш Ким,
булубтур жон била гамзанг аро бориш-келиш.

Кон оцар хар ён танимдинким фироц айёмида,
Куймадим узмай таабдин хар цаён ургонда тиш.

Куйида машъал юруткандек куринди тонггача, Ул худ
утлуг зор саргардон меннng кунглум эмиш.

Кеча ой даврида икки саъд кавкаб курмаган, Кур юзу
икки цулоги дурларин кийганда киш.

Заъфлиц саргашта жисмимдин ажаб йуц чицса ут,
Чунки ут зохир цилур куп давр топцондин цамиш.

Дахр иссиг-совугидин гар фарогат истасанг, Оби оташ рангни цуйма иликдин ёзу циш.

Эй Навоий, чобукунгнинг истасанг побусини, Буйнунга ип тоцмоц уммиди била итдек эриш.

**258**

Зулфига хар ён гирих тушкан эрур бас турфа иш, Неча ерда телба кунглум цасдига бел богламиш.

Равшан айлар шуъла устидин курунган дудни,
Махвашим эгнида олтойи била бошида киш.
Ёри жоним щасдига хар дамки тишлар лаълини,
Махкам айлармен, фигон щилмай дебон, багримга тиш.

Зори жисмимга, не тонг, саргашталикдин тушса ут, Ут аён айлар иликда давр куп топщон щамиш.

Лаълидин жон олгали бординг, келибсен жон бериб, Эй кунгул, мардона бординг ул боришща бу келиш.

Еарраи хусн улдунг, эй гул, билмадинг бу бог аро, Хар бахори келса андин сунг хазони бор эмиш.

Кон иси келди Навоий назмидин, эрмас ажаб Ким, багир щони била кунглида топмиш парвариш.

**259**

Куйдуму топтим кунгулни утга солгондин бу иш, Ё кунгулдиндур менга ё кунглум олгондин бу иш.

Ваъдаи мехр эттинг охир, хар не эл щилса хаёл, Келгай, аммо келмагай сен ахди ёлгондин бу иш,

Дер эмиш кунгли тула шиквам майидин булмиш ох,
Кайда келгай мен кеби кунгли ушолгондин бу иш.

Андин айру улмайин курганда жон щилдим фидо,
Килмангиз тахсинки, щилмишмен уёлгондин бу иш.

Телба кунглум щочса савдо даштига айб этмангиз,
Килди гам зиндони ичра куп щаболгондин бу иш.

Гарчи мухлик ипщ аро туштум, кузумни хам уюнг Ким, бошимга келди куз ул сори солгондин бу иш.

Гар Навоий хажр аро ултурди узни йущ ажаб, Килди ёри наслидин новмид щолгондин бу иш.

**260**

Менмудурменким щуёш кулбамни равшан айламиш,
Оби хайвон зулматободимни гулшан айламиш.

Юз фалакча топса рифъат байти вайроним, не тонг, Юз щуёш чунким бу вайронимни маскан айламиш.

Куз тегурманг, эй париларким, кузум сарчашмасин,
Ул парию хури ризвон рашки маъман айламиш.

Мундин утмас дустлуц гардуни душман шевадин Ким, узин душманларим цасдига душман айламиш.

Мехрни билмас эди номехрибоним, шукр эрур, Гар бу фан таълим анга даврони пурфан айламиш.

Шеван эрди цисматим хижрон тунидин гуйиё
Ким, цора киймиш менинг рашкимга, шеван айламиш,

Эй кунгул, фарёд ила рам берма, гар вайронима, Чугз янглиг тойири давлат нишиман айламиш.

Бахти жовид ушбу булгайким кузум суртарга чарх,
Итларининг йули туфрогин муайян айламиш.

Эй Навоий, йуц ажаб, гар чарх уз давронида Мехр бирла бир цораргон кузни равшан айламиш.

**261**

Лабингни сургали мухри сукут огзима тушмиш Ки, ул шаккар била эрним бири бирига ёпушмиш,

Хаётим андин экинким чицарга цуввати йуцтур, Заиф жонки лабинг хажридин огизга ёвушмиш.

Юзунг хижолатидин аргувонга тушти тагайюр,
Дарахти рангидин англар кишики цони цурушмиш.

Кулоц дурига харидор эди юзунг ажаб эрмас, Нашот эл ораким Зухра Муштарига цовушмиш,

Хаёт мулкидин этмак сафар не мумкин ангаким, Келиб ватанга сафардин нигори бирла цучушмиш.

Не бок пок кунгул сари чарх солса кудурат, Зулол кузгусини соя тийра цилса не тушмиш.

Навоиё, дема ищцинг сузин чицарма огиздин,
Ёшурмогим не осиг, чун халойиц огзига тушмиш.

**262**

Майки лаълидин томизди ул нигори бодануш, Гуйиё, жон топцанидин тушти туфроц ичра жуш.

Ишва бирла бетахаммул цилмаса ул мугбача, Невчун дайр ахлидин бир лахза кам булмас хуруш,

Раз цизи бебокликдин цилса урён халцни,
Дайри пири зайли эхсон бирла келди
пардапуш.

Лали майнинг жавхари рух улди, чун хар цатраси, Гуйи эъжози Масихо зохир айлар майфуруш.

Мастлигдин элга юз суз дер, вале бир суз десам, Куз юмуб хам мастлиг бирла узин айлар хамуш.

Турмади шайхи риёий, чун етишти пири дайр,
Кочмайин Иблис нетсун, чун нузул этти
суруш.

Эй Навоий, демаким, жону кунгулни найладинг,
Иккисин цилдим фидо, чун бодянушим тутти цуш.

**263**

Сурохи то майи лаълинг висолин орзу
цилмиш, Ани бу орзу девонаи жулидаму
цилмиш,

Чибинлар шаккари лаълингда йуц жон цушларидурким, Су ичмакликка хайвон чашмаси узра гулу цилмиш.

Адамдур ул огизким хурдабини ацл топмайдур,
Вужудин гарчи ул цатлим ишида гуфтугу цилмиш.

Еаминг жон пардасин чок айлагач, гардун, не янглигким Лабинг ориттинг анинг риштаси бирла рафу цилмиш.

Кунгулким ташнаи лаъли лабингдур, вахки, су этмас,
Анга гарчи висолинг ваъдаси багримни су цилмиш.

Лабинг еткан цадах тарёцидин еткургил, эй соций Ки,
хажр аччиглиги жомим аро майни огу цилмиш.

Висолинг нуши бирла узгаларга нуши жон булким,
Навоий жони мухлик хажр неши бирла ху цилмиш.

**264**

Шабистонимда жом ичра юзунг акси чарог улмиш,
Чарогимга ва лекин жом зарфу бода ёг улмиш.

Дирам узра дирам туккан кеби пинхон хирад ахли
Гирихлик кунглум ичра ишцдин дог узра дог улмиш.

Илож айлай десанг, цуй ислайин себи занахдонинг,
Менгаким сунбулунг савдосидин заъфи димог улмиш.

Кузунг наргис, узоринг гул, цадинг сарву сочинг сунбул Бузуг кунглум хаёлидин буларнинг турфа бог улмиш.

Не цилсанг эмди цил кунглумгаким, торожи ишцингдин, Шикибу илму ацлу зухду тацводин фарог улмиш.

Ажаб Фарход эрур ширин лабинг шавцида кунглумким
Анга пайконларинг метину ишцинг цофи тог улмиш.

Тула цуй жоми гардунвашца май, эй социйи махваш
Ки, гам хайлини гарц айлар тенгсиз бу навъ аёг улмиш.

Май ичким, дарду гам бир лахза сог улмоцца цуймайдур, Аниким, бу кухан майхонада бир лахза сог, улмиш.

Навоий тийра шомин кавкаби ашки цилур равшан, Бу юлдузлар анга гуёки дурри шабчарог улмиш.

**265**

Кайси водийким танимни ашк сайли сурмамиш, Кайси тог авжигаким мавжи бошимни урмамиш.

Кайси хижрон шомиким хар лахза хижрон сарсари,
Бир-бир авроцин фалакнинг хар тараф совурмамиш.

Кайси дамким хотиримга чун утуб гулзори васл,
Рунчадек кунглумда хижрон юз тикон синдурмамиш.

Кайси хижрон даштиким цасдимга тортиб гам сипох,
Ул черикнинг утин охим шуъласи ёндурмамиш.

Кайси бир мажлиски, май тобию ораз барцидин, Элга утлар солиб, ул цотил мени куйдурмамиш.

Кайси бирга олам ахлидинки цилдим жон фидо, Русса олам-олам утлуг жонима еткурмамиш?

Эй кунгул, дайри фано азми муборак азм эрур, Куй цадамким, топцон ул йулни ватанда турмамиш.

Дайр пирининг цулименким, харобот ахлидин Неча курмиш журм аларнинг юзига келтурмамиш.

Май тутуб кунглумни тиндур бир замон, эй мугбача Ким, замон бедоди ани лахзаи тиндурмамиш.

Зулф аро асра Навоий кунглин элдин истама, Телбани банд ичра зоминга киши топшурмамиш.

**266**

Телбалик сенсиз, эй пари, менга иш,
Куксума тош урармен, эгнима тиш.

Нахли айшим цунгорди уйла гаминг
Ким, маконида цолмади циртиш.

Новакинг касрати кунгул ичида,
Уйлаким найситон ичинда цамиш.

Ё цошинг бирла цилди чун даъви,
Катл учун бугзига солилди кериш.

Зулфу жисмингга рангу нозуклук,
Куринур ул сифатки, цоцуму
киш.

Не учун булди лаългун ашким, Гар
юрак цони эрмас анда цотиш.

Май куп ичсам ажаб йуц, эй соций,
Кон ютарларда цилмишам варзиш.

Барги гулким сочилди куйи аро, Ул
менинг пора-пора кунглум эмиш.

**267**

Оразинг хижронидин келмас манга гулзор хуш, Гулсиз
андоцким эмас гулбунда юз минг хор хуш.

Хастадур кунглум кузунгдин уйлаким мумкин эмас,
Лаблaрингдин шарбат олмай булгай ул бемор хуш.

Куйида вайронае топиб йицилдимким, келур
Касри жаннатдин менга ул сояи девор хуш.

Куйидин манъ айлар эрдим чун улармен, эй кунгул,
Эмди бердим рухсатинг, хар цайда борсанг, бор хуш.

Хар киши мацсадга бир саррищта истар, эй фацих,
Субха гар хуштур санга, бордур манга зуннор хуш.
Хирщаву зухду риё ахлига хуштур хонащах, Лек анинг
рагмига келди кулбаи хаммор хуш.

Эй Навоий, май била хуш тут узунгниким, эмас Бу фано
дайри аро булмощ даме хушёр хуш.

**268**

Ошищ улдум, билмадим, ёр узгаларга ёр эмиш,
Оллох-оллох, ишщ аро мундощ балолар бор эмиш.

Каддига эл майли булгондин кунгул озурдадур, Ул
алифдин зорларнинг хосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен улдум, эрур бу турфаким, Жоним
эткан реш эл багрига кирган хор эмиш.

Риштаким мухлик ярам огзига тиктим, англадим Ким,
кафан жинси щирогидин сувургон тор эмиш.

Куйи деворидин огрищ танга тушкон соядек,
Сели гамдин эмди соя урнига девор эмиш.

Жонга тахвиф айладим тиги халокидин анинг,
Билмадим, бу иштин ул улгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хубларни курма осонлиг била
Ким, бировким солди куз, узмак кунгул душвор эмиш

**269**

Менга эмди сарв ила гул муддаоси щолмамиш, Сарв
буйлущ гулжабинларнинг хавоси щолмамиш.

Уйла бузмиш мехнату гам хайли кунглум кишварин
Ким, нашот анда сигингунча фазоси щолмамиш.

Мен балият ичрамен, эл шод, гуё чархнинг
Эмди дард ахлига еткунча балоси щолмамиш.

Ёрким щилмас жафозу жавр эрмас рахмдин
Ким, манга кургузмаган жавру жафоси щолмамиш.

Баски хар торин бало атфоли уздилар чекиб, Вахки,
урён жисм уза мехнат палоси щолмамиш.

Гул чоги богинггаким йул бермадинг, эй богбон,
Чинмудур дай булгали дерлар сафоси цолмамиш.

Эй Навоий, гар вафоси цолмамиш анинг санга, Рам
емаким, анга хам хусни вафоси цолмамиш.

**270**

Кунгулни бу кеча бир ой хаёли мубтало цилмиш Ки, уйцу
хайлини кузлар саводидин жало цилмиш.

Кунгулга тоза цуйгон доглардинму савод улмиш, Йуц эрса
хажр дудидин фалак юзин царо цилмиш.

Вужудим хирманин уртарга бир барци бало урмиш.
Кузумга хажр илги кожидин хар утки чоцилмиш.

Вафосизлиц мухаббат ахли оридур хушо, улким, Хдёти наццини бир цотил оллинда фидо цилмиш.

Аёги туфрогининг цийматин жонлар деган хайхот, Хаёт иксирини туфрог бирла тенг бахо цилмиш.

Гадолиг айламиш йиллар кузум ул хублар шохи, Качон бир кургузуб ораз, анинг комин раво цилмиш.

Висол истар эсанг цочма балиятдинки, кургузмиш Ниёз ахли вафо, хар неча ноз ахли жафо цилмиш.

Тараб жомини тутмас дайр пири булмайин фоний, Биров бу файз топмишким ерин дайри фано цилмиш.

Навоий бенаво булким азал цассоми цилгонда —
Халойицца наво тацсим, бизни бенаво цилмиш.

## СОД ХАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «НАВОДИР»ДИН

### 271

Бировки дайр сори зохир айлади ихлос, Бурунги нафъи буким хонацахдин улди халос.

Халос истасанг андин аён цил ихлосинг Ки,
йуц кишига халос этмайин аён ихлос.

Авом зохиридек цилмаганга зохирини Муяссар улмади ботин иши нечукки хавос.

Бировга хос иноят бу йулда ом улди
Ки, ом суврати бирла узини айлади хос.

Симоъ важд ила гар булмаса муассир эмас Ки, кулгу боисидур цилса фил узин раццос.

Бацо дурин тилабон терга гарцалиц не осиг, Будур топарга фано бахри ичра бул гаввос.

Навоий, истаса цатлинг хабиб, сен яна ул Ки, ишц тиги шахидига буйла келди цасос.

### 272

Хусн оятики келди юзунг циссасида нас, Тонг йуц, десамки шаънидадур ахсан-ул цисас.

Мусхафни уртадим дединг утлуц узор ила, Кунглум цабул цилди каломинг начукки нас.

Кунглум цушини тиги гаминг цилди чок-чок, Билман кунгулни цушмудурур эмди ё цафас.

Лаълинг нигини шархидадур гуйиё фусус, Х,ар жузвида нишонаи вацф айлади бу фас.

Улдумки, цатлинга нега ушшоц булди хос, Тиргузди буки ёна мени айладинг ахас.

Тацвии ишц аро чу азимат тилар кунгул, Аввал кeракки, бир тараф этсанг бори рухас.

**273**

Катл учун элга чу таъмим ила бердинг танцис, Улгум эрди мени гар цилмасанг эрди тахсис.

Х,ирси ул шухнинг эл цатлига бордур онча Ки, ажал хожат эмас айламак ани тахрис.

Хджрдин ишц утида топмади кунглум махлас, Гарчи ут бирла булур цалбга бермак тахлис.

Ёр хажрига даво гулдин эмаским, бермас Кимсага Юсуф иси цон аро хар пора цамис.

Гарчи билдимки харис улди жахонда махрум, Булмамоц мумкин эмас ёр висолига харис.

Кил фано дарси аро узни мулаххаски, эмас Суд кашфида бу маънининг уцумоц «талхис».

Ёрдин айру Навоий узига истар улум,
Эй ажал, жонинг учун берма анга куп танцис.

**274**

Май мени цилди риёйи порсолицдин халос, Порсолиц йуцки, ужбу худнамолицдин халос.

Хонацах ахли йулуцса мастлигдин таниман,
Шукрким, булдум аларга ошнолигдин халос.

Ишц хилват кунжидин солди мени майхонага, Килди зиндон гушасида мубталолигдин халос.

Дайр пири журъасин топмайки, улдур шохлиц, Дайр аро гар орзу цилсам гадолицдин халос.

Эй жафогар, бир вафо цилким иковлон булгабиз, Мен жафо чекмактину сен бевафолицдин халос.

Социё, хажру хумор ичра етибмен жонима, Бир цадах бирла мени цил бу оралигдин халос.

Эй Навоий, бенаво истаб сени дилдору сен, Гар наво истарсен, улма бенаволигдин халос.

**275**

Кишига берса гаму мехнати даврон танцис,
Яхшироцким анга бергай гами хижрон танцис.

Берса танцис гами хажр доги онча эмас Ким, берур рашк била гайрати жонон танцис.

Истасам уцини куксумда будур вахмимким, Топмагай тийра кунгул хабсида жонон танцис.

Мен уруб пуя жунун даштида, лекин не осиг Ким, эрур кунглума гам чохида пинхон танцис.

Куйидин рахти сафар богласа агёр не тонг, Богу гулшанда курар гули биёбон танцис.

Чархдин заъфим ила булса малолим не ажаб, Курар ул Зол била Рустами достон танцис.

Эй Навоий, бас эрур телбалик эмди, берма, Ул паривашщa чекиб нолаву афгон танщис.

## ЗОД ХАРФИНИНГ ЗАМИРОН БУЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «НАВОДИР» ДИН

**276**

Кила олгонча риё ахлидин эткил иъроз,
Яхширощ сидщ ила осики, риёлищ муртоз.

Мужрими содищ эрур узр била щобили файз,
Муъжиби зухдща булмас мутажалли файёз.

Узлукунг салбидин ахлощи замимингни кетур Ким,
кетар мусхил ила неча мухолиф амроз.

Бош ощарди, куз ощардию ощармас кунглунг,
Тийрасен хар нечаким тутти саводингни баёз.

Чек риёзат вале иш урнида тутма аниким, Бу
риёзатдурур, улким эвази келди риёз.

Барча иш ващтида хащ булса керактур гаразинг, Бу
гараздин чу булур дафъ кеpакмас агроз.

Икки бармощща тутар сиймни мищроз кеби, Фащр
торин доги щатъ эткучидур ул мищроз.

Хар не оллингга келур хащдин эрур чун ориз, Бас
тахаммул щилибон айлама хар дам иъроз.

Жахл айбини Навоий нетибон ёшургай, Эл
кузи очищ эрур, гар узи эткай игмоз.

**277**

Истасам бусе лабидин, жон тилар жонон эваз,
Кунгли бирла деса жонон оздурур юз жон эваз.

Лаълин огзимга оло олмон, аёги туфрогин, Топсам
этмон макс агар жон истаса жонон эваз.

Пойбуси хам эмас хаддим аёги туфроги,
Гар муяссар булса жон бермак булур осон эваз.

Итларининг хоки пойин кургали хам розимен, Гар
тилар олдик щарору хушу хонумон эваз.

Васли гар булмас муяссар, юз туман жону жахон, Гар
берилса утруда бермак эмас имкон эваз.

Социё, тут лаългун май бахридин заврац била Ким, эрур
бир журъасига нацти бахру кон эваз.

Эй Навоий, ищц таркин айлагил, невчунки, мен Васл учун
жон бердиму булди манга хижрон эваз.

**278**

Оразингдур офтоби оламородин гараз, Жонфизо
нутцингдур анфоси Масиходин гараз.

Очмагаймен куз мени девона хуснунг булмаса, Х,ар пари
пайкар жамолига тамошодин гараз.

Уц тикилсун кузларимга булмаса уцдек цадинг, Бог аро хар дам хавои сарви раънодин гараз.

Шоми хажрим зулфи мушкинингдин улсун тийрароц, Гар эмас кунглумда зулфунг мушки сародин гараз.

Жон бериб лаълимни истардим, гараз недур дема Ким, басе зохирдурур, жоно, бу савдодин гараз.

Дарду мехнат чекмакимдин цасдим анинг куйидур, Каъбадур соликка цатъи куху сахродин гараз.

Эй Навоий, ёрнинг мехру вафосин истама, Килмаган булсанг кунгулга зулму бедодин гараз.

**279**

Гар будур цомати раъно била зебо ораз, Сарв буй чекмасу очмас гули раъно ораз.

Оразин сабзага хар гулшан аро суртармен, Санга то сабзаи тар айлади пайдо ораз.

Тоцатим йуц ики ут бирла мени уртарга,
Оташин лаъл манга айла аён ё ораз.

Парда ёпцилки, хатинг айлади бехол мени,
Мен худ улдум цила олмасца тамошо ораз.

Оразимни бир аёц бирла цизорт, эй соций,
Неча суртай аёгингга мени расво ораз?!

Ойга гулгуна магар суртти машшотаи чарх Ё
санга майдин эрур гул кеби хамро ораз.

Эй Навоий, тиласанг давлати боций топмоц,
Олмагин дайри фано йулидин асло ораз.

## ТЕ ХАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «НАВОДИР»ДИН

**280**

Десангки, фацр тарицини айлайин мазбут,
Керакки, зухд риё бирла цилмасанг махлут.

Бу йулда шарт фанодур агар цадам цуйсанг,
Керак бажой кетурсанг неким эрур машрут.

Кишики зохири ошуфтадур замирига боц,
Басоки маъни эрур поку лафз номарбут.

Кунгул сахифасидин рафъ цил хавотирни
Ки, сафха зойиъ улур чун чибин цилур манцут.

Десанг узумдин итай гайр сувратин исцот,
Узунгдин айла бурун узлукунгни-уц масцут.

Фано риёзатида цаддин айлаган чавгон,
Кошида гуйча йуцтур бу гунбади махрут.

Навоиё, дер эсанг тонгла булмайин мацбуз, Бу
кун жахон элига узни айлагил мабсут.

**281**

Килди ботил мехрдин хар неча цилди ёр шарт,
Шарт куп бузди нединким айлади бисёр шарт.

Шарти мехр айлар букун андоц унутур тонглаким,
Харгиз этмайдур дегайсен ул пари рухсор шарт.

Куйида ким пойбуси бирла иззат истаса, Бордур анда
айламак туфрогдек узин хор шарт.

Айлади шарти вафо, лекин цачон бор эътибор,
Мастлицдин хар не цилса кофири хунхор шарт.

Ишц таркида цилиб куп шарт буздунг, эй кунгул,
Ишки цилмоц мумкин эрмас, цилмагил зинхор шарт;

Дайр пири хидматига, эй кунгул, бел богладинг, Балким
ушбу богламоцца бор эди зуннор шарт.

То тирикмен тарки ишц этмай дебон шарт айладим. Шарт
цилгон айладик боре Навоийвор шарт.

**282**

Ой юзунг кузгуву атрофини тутцан занг хат, Не
ярашибдур ул ой даврига миноранг хат.

Сабзаи тардекки судин бош чицаргай лутфи бор,
Оразингдинким, чицарга айламиш оханг хат.

Майдин улса оразинг гулгун, булур хаттингга зеб Ким,
топар чун сафха гулгун булди узга ранг хат.

Уйлаким маргулалар кургузди ул мехроб уза, Тутиёдур
хирмани гул узра урган чанг хат.

То цамар даврида не офатлар улгай ошкор, Буйлаким, ул
юзда айлар фитнаву найранг хат.

Чиццали хат элни цатл айлар чицармиш, гуйиё Халцнинг
цонига ул хунрез шухи шанг хат.

Хусн мулкида шах ул юз чатр мушкин булди цош, Не
ажаб, булса зумурраддин анга авранг хат.

Эн кунгул, соф айла сафхангни тилар булсанг уруж: Ким,
набига ордур билмоц саводу нанг — хат.

Сабзаву гул сари майл этмас Навоий хотири, То
чицармиш юз уза ул шухи сабзаранг хат.

**283**

Холларининг нуцтасидин топти зеб ул турфа хат, Гарчи
хат узра булур бир нуцтаву булмас нуцат.

Юз уза хаттин наззора айлагил гар курмадинг, Эй
кунгул, кун сафхасида тун саводи бирла хат.

Хажр шоми ойни рухсоринг согинсам цилма айб Ким,
басар хисси цоронгу кечада цилди галат.

Сарв чун асру бийик, савсан багоят паст эди,
Коматинг хайрул-умур ойинидин топти васат.

Сайли ашким руди икки булди олам мулкини, Гуйиё
олам эрур Багдоду ашким сайли Шат.

Тавсани химмат била цатъ айлагил дашти фано,
Йуцса бу йулда булубтур тавсани гардун сацат.

Эй Навоий, май бати цонин оциз базм ичраким, Гар
кабоб айлар ва лекин элни маст айлар бу бат.

**ЗЕ ХАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУХУРИ «НАВОДИР»ДИН**

**284**

Не нутци дилкаш эрур, вах, не дилрабо алфоз, Масих
нутцида йуц буйла жонфизо алфоз.

Эрур хужаста сузунг файз мавжининг тенгизи,
Тенгизда хар сариги дурри бебахо алфоз.

Сузунгда лафзин эшиткач араб фасихлари,
Бириси цилмадилар сузга ибтидо алфоз.

Сузунгда пири хирад топмайин галат ахком,
Тилингга сахв ила хам утмайин хато алфоз.

Санга надим улубон Жабраил хам кетуруб, Бир
ошно цошидин барча ошно алфоз.

Сипехр жавфида дарё вужудунг ичра сузунг, Бу
бахр ичинда жавохир сузунг аро алфоз.

Навоий айлади наътингни, вирд булса, не тонг, Анга
каломи равонбахшу мунтахо алфоз.

**285**

Лабингдин булди бу махжур махзуз,
Анингдекким, шакардин мур махзуз.

Сузунгдин топса хаз кунглум ажаб йуц Ки,
шарбатдин булур ранжур махзуз.

Эмас хажринг куюк куксум иложи Ки,
булмас шуъладин махрур махзуз.

Сочингдин оразинг кургузки, элни
Коронгу тунда айлар нур махзуз.

Лабингга жон фидоким, цилди жонни Бу
ацшом асру номацдур махзуз.

Хумор ултурди, соций, тут цадахким, Май
улмай булмади махмур махзуз.

Навоий кунглини буздунг, цил эмди,
Этибваслинг била маъмур махзуз.

**286**

Неча ёлгон сузу музхик харакот, эй воиз,
Мажлис ахли юзидин йуцму уёт, эй воиз.

Дедилар: панд ила тавсанлигин элнинг уксут Ким,
деди: тепкилу минбарни ушот, зй воиз.

Хуру жаннатни куп уцдунг магар ул ён, элни,
Юборурга циласен цатъи хаёт, эй воиз.

Ёшурун дардима дур ашку эмас нутцингнинг —
Асаридин юзум узра цатарот, эй воиз.

Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг ани, Хикмат
ичра бу эрур яхши сифат, эй воиз.

Узгача булмоцу узгача узин курсатмоц, Куз тут уз
холинга тафзихни бот, эй воиз.

Дайр пири цулидурменким, агарчи май ичар Бори бор
уз ишида анга сабот, эй воиз.

Элни чун зарц намози сузига жамъ эттинг, Тортгил
тафрицага эмдн салот, эй воиз.

**257**

Чекти булбул кеби минг лахн ила достон хофиз, Йуц
анингдек яна бу даврда хушхон хофиз.

Давр уцир чогда ажаб фитналар айлар изхор, Йуц
анингдек яна сарфитнаи даврон хофиз.

Хофиз эткан кеби хац лутфи ани цуръонда, Булдик
аning доги хар холида цуръон хофиз.
Жон олур наъмаси ул рух гизоси бирла, Халц
жонин цилур уз базмида мехмон хофиз.

Гар унунг жон олур ани деса булгайму дариг Ким,
фидо боштин аёгингга сенинг жон хофиз.

Сендадур наъмаи Довуд ила анфоси Масих,
Бордурур йуц эса давронда фаровон хофиз.

Эй Навоий, дема лахнига недин булдунг сайд,
Халц сайдига цони уйла хуш алхон хофиз.

**АЙН ХАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «НАВОДИР»ДИН**

**288**

Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ, Ул
хорлицца мужиб эрур азза ман цанаъ.

Тухми тамаъки хорлиц улмиш анинг бари, Сен
буйла хор тухмин экиб цилма гул тамаъ,

Нафсинг халокин истаю топсанг ани халок,
Зинхор мотам ахли кеби цилмагил жазаъ.

Невчунки то тирикдурур ул золими лаин,
Кунглунггадур халокату жонинггадур важаъ.

Рухунгга сиххат улса малойик булур сипох,
Нафсингга цувват улса шаётин булур табаъ.

Тарк этма узру ажзга кунглунгни солса фисц,
Куйгил риёву ужбга гар бош чекар вараъ.

Жох ахли, фацр ичра Навоийга ицтидо —
Айлангки, бу тарица анга келдн мухтараъ.

**289**

Мехр ила гар келди чарх айвони рифъатдин маниъ, Жом
цуйгон дайр тоцин англагил андин рафиъ.

Дайр жаннатдур, кур анда жилвагар хар мугбача,
Шакликим зохир цилиптур хуру гилмондин бадиъ.

Социё, чун давр аро солдинг хилолий жомни, Билким, ул
сайр ичра бор узга кавокибдин сариъ.

Гар чициб масжиддин улдум бут цошида гам емон,
Шояд ул журмумга ушбу тоатим булгай шафиъ.

Менки дайр улди, манга тацвию тоат буцъаси,
Улганимда куфр гуристонин айлармен бациъ.

Булди социйнинг гул рухсори гул-гул бодадин, Тут
ганиматким йигитлик фаслидур фасли рабиъ.

Хонацахдин ким Навоийдек борур майхонага, Анда-уц
цуйдик риёву ужбдек феъли шаниъ.

**290**

Килди уцор утогасин ул цотили шижоъ.
Хуршид оразига хамоно хати шиоъ.

Ул минмайин хануз таковарга, войким, Мендин царору сабру кунгул цилдилар видоъ.

Майдонга чопти тавсанин ул навъким, дегил Ким, чарх шахсувори била цилгуси низоъ.

Юз фитна солди гайри мукаррарки, айламиш Бедоду зулм таврида юз навъ ихтироъ.

Жонни оти аёгига дедим, нисор этай, Лек эрмас эди кузга курунгунча бу матоъ.

Саркашлик этма шуъладек уртарга элниким, Асру бод инхитот топар андоц иртифоъ.

Боштин, Навоиё, чицар узлук хаёлини,
Гар сарзаниш била дер эсанг курмайин судоъ.

**291**

Лабларингдин хар замон жонни тилармен мунтафиъ
Мунцатиъ булмай нафас, булмас умидим мунцатиъ.

Куз юмуб очцунча, вах, юз цатл цилмоц йуц эди, Буйла санъатларда махвашларга сенсен мухтариъ.

Куктадур охим цуруц тандин итиб мунглуг кунгул,
Шуъла дафъ улмай утундин дуд булмас муртафиъ.

Ишцу дарду шавц кунглум ичрадурлар, охким,
То не цилгайлар булуб мундоц балолар мужтамиъ.

Ишц эли гавгосидин дардим десанг, маълум эмас
Хоссаким, улким анга дермен худ улмас мустамиъ.

Истасанг дайри фано сиррига топмоц иттилоъ,
Мастлигдин булмагил даврон ишига мутталиъ.

Эй Навоий, цил фано илмини яхши касбким, Айлагайсен дафъ агар тацво буюрса мубтадиъ.

**292**

Куруб оразинг йигласам йуц бадиъ, Келур
сел булгонда фасли рабиъ.

Неча ишц аро бор эсанг тангдил,
Эрур ул уй икки жахондин васиъ

Гумон цилма ишц ахлини хоксор Ки,
химматларидур фалакдин рафиъ.

Дамим ути кукка чицар уйла тез Ки, барц
инмагай ерга андоц сариъ.

Юзунг оллида гул хадисин демон, Хуш
эрмас латиф элга лафзи шаниъ.

Агар зухд эди журмум, эй пири дайр, Не гам
булса журмумга лутфунг шафиъ.

Навоий агар ёр эрур базлагуй, Бадиъ
элдин эрмас бадоеъ бадиъ.

**293**

Хажр утидин шом агар мендек эмас бехоб шамъ, Риштаи
жонига невчун солди печу тоб шамъ.

Бир цуёш хажрида гар куймас недин бас мен кеби,
Кавкаби ашкин тукар андоцки дурри ноб шамъ.

Махвашимдек демаким, булмиш либоси лаългун, Мен
кеби цон ёшдин улди гарцаи хуноб шамъ.

Кечаиким тийра кулбамни ёрутцай ул цуёш, Тонг эмас
анжумдек улса ул кеча ноёб шамъ.

Гам туни ул ой хаёлидин бузуг кунглум ёрур, Гушаи
вайронга бастур партави махтоб шамъ.

Тийра шоминг файз нуридин десангким, ёругой, Тутщил
ул янглигки тутмиш гушаи мехроб шамъ.

Эй Навоий, ул щуёш щуйгоч шабистонимга юз,
Рашкдин сиймоб ашкидек булур сиймоб шамъ.

**294**

Торттим ранжи хумор айлаб майи ахмар тамаъ, Ул
кишидекким, щозар тог айлабон гавхар тамлъ.

Лола жоми дурдидек хам даст берса яхшидур,
Даврдин гар айлай олмон лолагун согар тамаъ.

Сощиё, жоми лабингдин эл тамаъ щилгонда нуш, Бизга
гамзангдин эрур бир жонситон ништар тамаъ.

Катлима андин щила олмон тамаъ, бер захри чашм, Мен
киму лаъли лабидин айламак шаккар тама?!

Десангизким, булмагайсиз мен кеби девонаваш,
Одамизод ичра щилманг бир пари пайкар тамаъ.

Пири дайр оллида щуйдум нащди жон, эй мугбача Ким,
манга бор эрди сендин лаъли жонпарвар тамаъ.

Истадим васлу вафо, деди: Навоий щилмагил — Бу тамаъ,
щил, гар щилурсен мундин узга хар тамаъ.

## ГАЙН ХАРФИНИНГ ГИЗОЛАЛАРИНИНГ ГАВГОСИ «НАВОДИР»ДИН

### 295

Зихи бурощинг изидин щамар узорида дог,
Муайян икки щарогингга сурмаи мозог.

Чу ёрутуб юзунг ути фалак шабистонин,
Уётидин учуруб хар тараф нужум чарог.

Шамимким сочибон зулфи анбарафшонинг,
Булуб савомиъ щудси элига атри димог.

Утуб чу щадду узоринг сипехри ахзардин Бу
навъ сарв ила гул топмайин яна ул бог.

Улусца зулмати куфр ичра изтироб эрди, Юзунг
цуёши фуругидин улди мунча фарог.

Китобинг узга кутубдинки бордурур аблаг,
Балогатингга муносиб хац айламиш иблог.

Бу баски айни иноят била кузунг тушса,
Тамуг утига Навоийни судраб элтур чог.

### 296

Гарчи йуцтур лолазори ашкима пайдо цирог, Дудан
охим била цуймоц булур борига дог.

Гуллар улмиш оташин то утлуг охим тортибон,
Айламишмен оразинг хижронидин гулгашти бог.

Зулф аро ул ораз узра зарварац хар ён эрур, Шом
андоцким ёцилгай суда хар жониб чарог.

Ошиц улдум ул малак сиймо пари рухсорига, Уйлаким, ут
шуъласидин элга гарм улган димог.

Еамдурур кунглумда ул Ширин санамни кургали, Тог аро
Фарход улур ким курди Фарход ичра тог.

Давр ранжидин десангким, лахзае сог улгасен,
Давр аёги ичмакидин булмагил бир лахза сог.

Эй Навоий, чун кунгул бир дам очилмас бодасиз, Истасанг
ул уйни равшан дам-бадам тутгил аёг.

**297**

Хазон фаслида ул ой жисму рухсоримни курган чог,
Дегайким, бир цуруг шох узра цолмиш бир сариг яфрог.

Учамда ой тутулган догдек цолди асар, гуё
Улуг эрмиш фатила асру чун куксумга цуйдум дог.

Гунахсиз улган эл цони тутубтур шастини, йуцса Ушул
цотил хино бирла цизил цилмайдурур бармог.

Гули раънодин этти кисватин сарви равон ёхуд Сариг терлик
уза ул шухму киймиш цизил ширдог.

Юзига мехрдин йуцким, юзидин мехрга ногах, Харорат
етмасун дерким, солур хар саридин цалпог.

Кузи ул шухнинг чун булди хам бемору хам усрук, Тула тут
давр аёгин, эй кунгулким, мен хам улмай сог.

Куз оч, ашки надомат соч уз ахволинггаким, бордур Тунунг
тийра, кузунг хира, йулунг буртог, отинг оцсог.

Кадам щуйма адабсиз бу хазон курган чаман ичра Ки, бир
гул ранг юзнинг сафхасидур хар сариг яфрог.

Магарким куйида ёланг аёг ул ой хиром этмиш, Навоий
кузларига сурма булмиш ул щора туфрог.

**298**

Ох ути бирла юзунг хажрида щилсам гашти бог, Лола янглиг уртагай бир-бир шарар гулларга дог.

Кургач ул оразни йиглармен тушуб магзимга жуш, Уйлаким гулдин ёшаргай куз, щизищ булгоч димог.

Юзгаким санчиб бинафша истадинг хуснунгга зеб, Гуйи ул кукурд бирла равшан айларсен чарог.

Догу щонлиг чок-чок улгон кунгулдадур гаминг, Лола тог ичра булур ким курди лола ичра тог.

Икки гавхарким баногушунгдадур анжум кеби, Хусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар чарог.

Бодадин бир дам фарогат истама, гар истасанг Давр ахли мехнатидин топщасен бир дам фарог.

Ёр аёгин суга чун солди, кузум тулди сиришк, Эй Навоий, буйла болигща керак мундощ булог.

**299**

Баски щундунг куксума кунглумни олгон чог дог, Жисмим улмиш хирщам ул янглигки майдин дог-дог.

Демаким, не догдур кунглунгдаким, утлуг кузунг, Куйди анда кургузуб юз лоба бирла лог-дог.

Доглар щуйдум, чу масту ошищ улдум нечаким, Узни асраб щуймас эрдим бор эканда сог дог.

Аргувони тун била то жилва щилдинг, вахки, бор Хайратингдин аргувон шохига хар яфрог дог.

Солгали ут багриму кунглумга хажринг бор эмиш, Тортмоц кунглумдин оху багрима цуймог дог.

Гуйиё Фарходдек хамроз учун барц утидин, Лола эрмас багрига хар сари цуймиш тог дог.

Эй Навоий тукма утлуг кунглунг узра ашкким, Уртанур купрак куяр холатда цуйсанг ёг дог.

**300**

Заиф жисмим аро бир-бирининг устига дог, Куруг ёгоч узадур яфрог устига яфрог.

Эвурса хар сари, тонг йуц юзини охимдин Ки, чайцалур ел, агар усрук тунд булса чарог.

Чаманга гамзада кунглумни чекма, эй булбул Ки, келди чугзга вайрона кунжи гушаи бог.

Ярам фатиласи захмимни куйдурур хар дам,
Магарки цон анга хосият ичра булмиш ёг.

Керакки цуймаса бир дам пиёлани цулидин, Замоне улки тилар бу замона ичра фарог.

Етишти бурнига офатки, тутти бурнин эл, Ёруглуги била чун шамъ булди кунддимог.

Хаёлинг этти Навоий бошинда манзилгах, Нединки бир тепада жорий эрди икки булог.

**301**

Ончаким ул гамза сурди кургузуб бедод тиг, Сурмас элга цатли ом улганда юз жаллод тиг.

Шуълалиц кунглум аро кур ханжари ишцингниким, Буйла оташкорлиц цилмайдурур хаддод тиг.

Катл этиб кунд улмади, вах, не итикдур тиги ишц Ким, анинг цошинда нарм охинча йуц пулод тиг.

Менмену кухи гамимким тог тиги басдурур, Гам сипохи харбига истар эса Фарход тиг.

Тиги ишцинг олам ахлин ултуруб кунд улмади, Хеч цотил олам ичра буйла бермас ёд тиг.

Тиги гамзангга ажал суйи магар бермиш цазо Ким, ясай олмас итик ул навъ хеч устод тиг.

Шасти гамзанг бирла бахри ашк аро тутцоч мени, Кесма бошимким балигца сурмади сайёд тиг.

Йуц бу гулшан ичра имкони фарогат буйлаким,
Баргидин хар ён чекибтур савсани озод тиг.

Эй Навоий, бугзинга хайвон суйидин яхшироц, Гар сурар цатл эткали ул сарви хуризод тиг.

**302**

Саргарибтур лоларуйим ранжи то булмиш цотиг, Лола
бу йил гулшани умрумда очилмиш сариг.

Куп осиг умрум бахори мевасидин истадим,
Мевага етмай хазон булди бахорим, не осиг.

Шарбат этсам шираи жоним зулоли Хизр ила, Дер
ачигланибки: не улдур чучук, не бу ориг.

Эй Масихо, урма дам ул кузда суфрат дафъига,
Кахрабо келтур цуёштин, Х,ут буржидин болиг.

Васфи ул кузнинг цоралиг бирла эрди, войким,
Эмди сариглицца мансуб этмиш ани хасталиг.

Дерки, сафро касратидин булмиш огзим таъми талх, Не
тонг, улсамким бу навъ улмиш чучук жоним очиг.

Будур уммидимки, хам хац лутфи булгай дастгир, Набз
тутмоц майли цилма, эй табиб, илгингни йиг.

Гар цуёшим булса рокиб булгудек эмганмасун,
Тавсани афлок невчунким эрур бехад чолиг.

Эй Навоий, булса юз жоним, цилурмен садцаким,
Булди жонон заъфидин айшим очиг, холим цотиг.

## ФЕ ХАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «НАВОДИР» ДИН

**303**

Тог ошищлищ юкидин хам булурга йущ хилоф, Курки,
не навъ улди хам чун щолди ишщ остида Коф.

Ишщ дашти муридин айлар хазимат аждахо, Аждахо
бирла нечукким мур эта олмас масоф.

Ер тутар щоттиг кунгулга ишщ утининг учщуни, Барщ
тиги тогни ул навъким айлар шикоф.

Улки дузах утидин ишщ ахлини тахвиф этар, Ишщ утин
чун курмамиш тутмощ булур ани маоф.

Ишщ тиги чун курунмай санчилур эл жонига, Хублар
мужгонидин гуё анга келди гилоф.

Эйки, ошищсен living бировга келса хар дам юз бало, Шукрдин узга не сузким айтсанг бордур газоф.

Эй Навоий, бермайин жон ишщдин дам урмаким, Хар неким дер улмайин ошищ эрур ул барча лоф.

**304**

Еамзадин куп тиг урдунг айлабон куксум шигоф, Найча янглиг тнг учун гуёки щилдинг бир гилоф.

Не ажаб, тигинг бало рухсорига миръот эса Ким, курунур суда юз акси щачонким булди соф.

Вах, не щотиллардурур саф-саф анинг мужгониким, Хар юмуб очщунча куз зохир щилурлар бир масоф.

Ошищу мажнунлугум журмига ултурдунг мени, Гарчи бор эл оллида Мажнун била ошищ маоф.

Ишщ водийсинки осон деб эмишсен, эй Масих, Сен азимат щилки, мен ажзимга щилдим эътироф.

Улмайин ишщ ичраким лоф урса бовар щилмагил, Гар десаким, тарки лоф эттим, эрур ул доги лоф.

Эй Навоий, зулфу щаддин гар демишсен мушк бид, Ёр афв этсунки, айтибсен хато бирла хилоф.

**305**

Оразинг хуршиди келди ахтари буржи шараф,
Даврида хат шоми мушкосо юз урмиш хар тараф.

Догима отцан уцунг гар тегмаса жисмимдадур, Уцни банд айларгадур туфроц уза цуйган хадаф.

Улки юб кетмас цулидин баски нохац тукти цон, Вах, не хожатким хино бирла яна ранг этса каф.

Гар ато Юсуф, ано булса Зулайхо филмасал, Мумкин эрмас, эй хабибим, сен кеби келмак халаф.

Камдур, эй гулрух, муганний хусни савтинг жанбида, Янги ой бирла цуёш жирмидин улса чангу даф.

Эй фано куйига озим чун таваккул булди рост, Хар неча бу йул махуф улса, цадам ур лотахаф.

Гар талаф булди Навоий умри ишц ичра не гам, Шукр, боре булмади зухду риё ичра талаф.

**306**

Не навъ кунглум улур ишц хайли бирла хариф Ким, ул шах асру тавоно, бу мунглуг асру заиф.

Латофатинг эрур ул хадгаким, бадандин рух.
Неча латиф эса, сен рухдинсен онча латиф.

Пари нихондурур элдин вале бу девона Паридин улди нихон, баски булди зору нахиф.

Фидо санга мену юз мендек улса заъф била Керакки, сиххат аро булса ул мизожи шариф.

Сени не навъ зарофат била киши угсун
Ки, хац бошингдин аёгингга тегру цилди зариф.

Йигитлар ичра цари неча хиффат этса эрур,
Сацил авло эрур улки айлагай тахфиф.

Навоиё, сенга ул пок ила не нисбатким,
Сен асру бодага олудасен ул асру афиф.

**307**

Новакинг токим эрур куйган кунгулда муътакиф,
Уртаган ё сабт цилган дог аро булмиш алиф.

Ёшурун кофир кузунг дин цасди айлар, вах, не суд, Хийла айлаб шева мехроб ичра булмоц, муътакиф.

Деб эмишсен ултурай ким деса ошицмен санга, Тиг сургилким мен уз журмумга булдум муътариф.

Эгри боцмоц бирла ул куз цатл этар ушшоцни,
Гуйиё беморлиц цилмиш мизожин мунхариф.

Ёр васлин истаган цилсун ибодат, демаким Мунда бир мацсуд эрур, лекин ривоят мухталиф.

Шайх айтур бир кароматини хар дам узга навъ,
Гуйиё нисён булур голиб киши булса хариф.

Маркаби ишцу наво мендек Навоий зинхор, Кил
инон азмини сен майхона сари мунъатиф.

**308**

Тонг йуц, урмоц юз бу саргардону махзун хар тараф. Не ажаб,
урса цуюндек пуя Мажнун хар тараф.

Кузларим боги гулистон булмиш ул юз шавцидин, Барги
гуллардур сочилган ашк гулгун хар тараф.

Дашт аро Мажнунмен, аммо тог аро Фарход эдим, Тоглар
дардим юкидин булди хомун хар тараф.

Ацлу хушум кишвари гар булса вайрон, йуц ажаб, Куз
ёшимдинким оцар андоцки Жайхун хар тараф.

Хажри шоми анжум эрмастурки охим утидин, Катра
терлардурки зохир цилди гардун хар тараф.

Эй хушо, муг дайриким дин нацди торож эткали, Зохир эткай
жилва бир тарсойи мавзун хар тараф.

Куйига топмас Навоий йул рациби таънидин Гуйиё
ул ит хурубдур айлаб афсун хар тараф.

## К;ОФ ХАРФИНИНГ ^ИЁМАТЛАРИНИНГ ^ИРОНИ «НАВОДИР»ДИН

**309**

Жахон золи хам макр этар, хам нифоц, Ани
турт мазхабда цил уч талоц.

Нечук дейки, рухсоридин олма куз Ки,
мен айтманким, анинг сари боц.

Сенинг сугунгга ёймиш оц сочини,
Эмастур юзи мехр нуридин оц.

Коши узра цавси цузах вусмаси Вафо
рангидин келди, албатта, тоц.

Десанг цолгай обод дининг уйи, Бу
бедин била булмагил хамвисоц.

Тажаррруд тарицини бил мугтанам,
Тацайюд гулусидин улгил йироц.

Навоий, узунгни цил ул навъ фард Ки,
узлукни хам сол узунгдин йироц.

**310**

Чехра гулгун сафхасига цилдинг афшон зарварац, Ё магар
рахшон кавокиб зохир айлабтур шафац.

Гар варац зийнат топар хатдин вале хат ёзмайин, Турфа сuврат
бирла олам офатидур ул варац.

Гулшан ичра цисмат этса лаълидин жон шираси,
Сифра гар гул очса, гул яфрогларидиндур табац.

Хуйдин ар булмиш жамолинг шамъи равшанроц, не тонг, Чун
тушар ут ичра айлар шуълани афзун арац.

Ишц абвобин ёзарга яхши жисмим хомаси, Хоссаким,
тиги фироцинг айлади бошимни шац.

Ишц дарсин гармравлар билди йуц афсурдалар Ким,
киши то уртамас узлукни билмас бу сабац.

Булбулу гул де Навоий бирла дилдориниким, Ул ики
мафхумга йуц бу иккидек мосадац.

**311**

Мушкил ишдур уйда бир гойибни хар дам йуцламоц, Лек
мухлик йуцлагандин сунгра истаб топмамоц.

Кимгаким юзланса бу шиддат не тонг олам юзин, Оху ашки
сарсару туфони бирла цузгамоц.

Телба итдек хажр сузидин келурмен ут сочиб,
Офият ахлига авлодур йулумдин тарцамоц.

Не жунундур ул цуёштин айру хижрон даштида, Гох
цурцуб соядин цочмоц, гах ани цавламоц.

Тог этакинда гар агнармен жунун ифротидин,
Истарам ул пардани урён танимга чирмамоц.

Турфадур тог авжида хар лахза кулмак барцдин, Чун
булур муфрит менинг бирла булутца йигламоц.

Мен чу кечтим ишц аро бoштин маломат цилмангиз
Ким, ажабдур бошсиз элнинг цулогин тулгамоц.

Сузни англа, социё, маст эт мени ул навъким,
Булмагай мумкин манга давр ахли сузин англамоц.

Сенда ноз улди, Навоийда ниёз эрмас ажаб,
Бас сен ани царгаган сойи, сени ул алцамоц.

**312**

Васлинга кечрак етишсам, лутф этиб узрумга боц
Ким, цадам урнин супурмай куз била цуймон оёц.

Катъ цилмоц ишц водийсин эрур бас турфа иш,
Хосса мажрухки, хам бемор булгай, хам яёц.

Согинурмен ёр хайлидур курунса хар цора, Гарчи
хайрат сайли ашки кузларимни цилди оц.

Вахки, салмо ноцаси илдамдурур, мен хастахол,
Лутф этиб, эй сорбон, фитрокини буйнумга тоц.

Эйки дерсен, хажр даштига яроцсиз кирмагил,
Бори дегилким, эмас бу дашт аро кирмоц яроц.

Ташна лаблар холи бу водийда не булгайки, су
Куз ёшидур, доги утлуц лолалар жоми аёц.

Эй Навоий, бу биёбон цатъин осон айладинг, Ашкдин
мундоцки хар манзилда чектинг юз булоц.

**313**

Сипехр богин нужум варди чу цилди ул навъиким Хаварнац,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг сафо равнац.

Камар масаллик юзи шабистонимизни андоц ёрутти, гуё
Ки, чарх боги цуёштин андоц мунаввар улмайдур эрди мутлац.

Узори мехрига турраи шомини хар тарафтин цилиб мутарро,
Бу турфаким мехр чашмасидин зацан хубобин осиб муаллац.

Хиром вацтида суръатидин юзики терлаб булуб биайних, Гул
узра шабнам йуц эрса, хуршид уза сочилган сигор зийбац.

Тилида ун лоба булса музмар юзида юз хусну лутф мудгам,
Кузида юз гамза булса мамлу, цадига минг нозу жилва мулсац.

Сунг илгида бир сафина, лекин бу хаста ашъоридин мухалло,
Сунг илгида шиша ичра май, лекин уз мани лаълидек
мураввац.

Бу шакл ила кирди кулбам ичра ёнимга келдию тутти маскан,
Хасад утидин яцин эдиким эриб тукулгай сипехри азрац.

Не хуш цолди манга, не тоцат, не сабр цолди манга, не ором, Чу
курди улгум, кулуб тула цилди бода дарёси ичра заврац.

Ичиб манга доги тутти, чун бехуд эрдим огзимга цуйди ани,
Улуб эсам хам тирилсам ул дам яцин менинг жоним эрур хац.

Мангаки ишц ичра буйла ком улса таркин этмац эрурму мумкин, Нечаки таклиф цилсалар шайхи лода бирла фацихи ахмац.

Навоий, ишц таркин этма, цадахни хам цуймагил илигдин
Ки, дахр мухтийда мундин узга эрур не цилсанг хатойи мутлац.

**314**

Гар цуёш оразига саъбдурур куз
солмоц Ул цуёш оразидин мушкил эрур
куз олмоц.

Не цуёштур буки, чун чицти кунгуллар
хайли, Булса юз минг ишидур зарра кеби
цузгалмоц.

Сарсари охдин ашкимга тахаррук не
ажаб, Ел чу тез улди, булур бахр иши
чайцалмоц.

Эй висол ахли, фигоним эшитиб кулмангким,
Хажр зиндони аро мушкил эрур цийналмоц.

Социё, дема тугаткилки, эмастур мумкин,
Хажр лаб ташнаси жомида тарашшух
цолмоц.
Эй муганний, цадаху шамъу бу бехуд сари боц, Бу булур
музхику мубкию мунаввим чолмоц.

Сола олмайдур анинг сари Навоий узини,
Эй кунгул, фонда йуц, булмас узунгни солмоц.

**315**

Ул пари пайкарки булмиш инсу жондин хуброц, Бор анингдек хубким, мумкин йуц андин хуброц.

Гулшан ичра оразу цадингга мойилменки бор, Бу гули раънодин ул сарви равондин хуброц.

Ишц журмига гар ултургунг бировни бил яцин Ким, бу ишга йуц киши мен нотавондин хуброц.

Х,ажр водийсинда улким бир мусофир ёри бор, Йуц ани истарга тарки хонумондин хуброц.

Хублугдин жон олиб узни йироц тутмацца йуц Хублар хайлида, биллахким, фалондин хуброц.

Хуб эди кунглумни истар булса андин узга хуб, Хуброц будурки, йуц ул дилситондин хуброц.

Куп жафо чектим кунгулдин, еткурай десам жазо, Топмагумдур кимса ул номехрибондин хуброц.

Бир замон васл улса ё хижрон замона ахлидин, Тут ганиматким, замон йуц ул замондин хуброц.

Гар жунун даштида хажр андухи кам булсун десанг, Эй Навоий, топмагунг оху фигондин хуброц.

**316**

Улки кофур булуб мушки цилур раънолиц, Оц соцолига кулар халц, зихи расволиц.

Чун соцолсизлиц эрур лозима раънолицца, Кирцмоц лозим эрур ани зихи раънолиц.

Умр элликка чу етти яна элликдин эмас, Ёгилиц тенгригаву амрига нопарволиц.

Ким йигитликда цилур товба, йигитлик улдур
Кари булгор соцолин цилса цадах паймолиц.

Тенгридин цурцмай улким, царибон бода ичар, Яхшироцдур бу мусулмонлигдин тарсолиц.

Будур инсофки, чун булди цуво заъф пазир, Йуцтурур хеч муфаррихда нашот афзолиц.

Кила олмас цори дебо кийиб узни зебо, Шол хам кийса йигитка ярашур зеболиц.

Карилицда ики иштин киши бор элга азиз, Бири зухду бириси халц аро нопайдолиц.

Эй Навоий, царидинг гуша тутуб, тоат цил, Булмайин хор десанг айлама базм оролиц.

**317**

Санга не гам мен кеби мажнуни шайдодин йироц, Иш мангадур сен париваш хур сиймодин йироц.

Хажр даштида цуюндек хар тараф саргаштамен, То тушубмен ул хиромон сарви раънодин йироц.

Ой жамолин истамонким, кургамен олам аро, Бир дам улсам ул жамоли оламородин йироц.

Дегасен: шоми ажал умрум цуёшин ёшурур, Гар замоне булсам ул зулфи сумансодин йироц.

Гар мени расво улармен сенсиз, эй ороми рух, Хам йироц эрмас агар булсанг бу расводин йироц.

Килма куп, эй шайх, айбим хонацахга етмасам Ким, харобот ахли хушроц ахли тацводин йироц.

То йироц тушмиш Навоий ёр агар ёд этмади, Килма кунглидин мунинг, ё раб, анинг ёдин йироц.

**318**

Хажр аро рахминг кеби булмас манга кам иштиёц, Балки хуснунгдин булур афзун дамо-дам иштиёц.

Иштиёцинг бахридин оламга томса цатрае, Жонга еткайлар чекардин ахли олам иштиёц,

Гарчи булдум дард тоги, лек щаддим заъфдин Айлади остига щолган щофдек хам иштиёщ.

Хажридин ёлгуз эмас куймаклигимким, онсизин, Уртаган жонимни хам хижрон эрур, хам иштиёщ.

Иштиёщим хирщатига чорае щил, эй рафищ
Ким, хароб айлабтурур холимни мухкам иштиёщ.

Дилраболар оташин лаълидадур андощки ут, Фурщат ахлининг щотищ жонига мубхам иштиёщ.

Ох дудидин щора эрмас Навоий кисвати
Ким, анинг оллига солмиш буйла мотам иштиёщ.

**319**

Ашкдин булди щорарган кулбаи вайронам ощ, Кулбаи вайрон демайким, дидаи гирёним ощ.

Ишщ утининг дудидин хинду булубмен ёрга, Ашк югондин нечук булгай тани урёним ощ.

Баски куз богига берди оразинг хижрони су, Хар сари гуллар очибтур бу ики бустоним ощ.

Сабр тифли мактабимен ургана олмон сабащ, Йигламащдин чун булур лавхи дабиристоним ощ.

Вах, не кун булгайки ногах ул щуёш айлаб тулуъ, Юзидин булгай щорарган хужрау айвоним ощ.

Шоми хажрим щилса, тонг йущ, ногахон гар субхдек, Жилвагар булса либосин айлабон жононим ощ.

Чун ощиздинг зор жисмимни бахори сайлдек, Ёр куйи жониби, эй ашк булгон щоним, ощ.

Рузгорим дайр аро щилди щора чун мугбача, Колмаган булса тонг эрмас чехраи имоним ощ.

Эй Навоий, халщни басcким ущурда йиглатур, Ашк сайлидин булур булгон сойи девоним ощ.

**320**

Юзунг щуёшига бу навъ эса аён булмощ, Парига мумкин эмас халщдин нихон булмощ.

Тасаввур айласам эгнимда нуцтаи мавхум, Белим синарга етар онгла, нотавон булмоц.

Магар бу хийла била пойбусунг айлагамен, Йулунгда комим эрур хоки остон булмоц.

Жахонда хар киши овора мацсади ул куй, Хдсаддин истарам овораи жахон булмоц.

Нетиб цошинда курай девларки, бордур ишим Малойик утса аниң сари бадгумон булмоц.

Вафо чу гулда йуц, эй булбул, айт гунча кеби, Кунгул цачонга сенга лахт-лахт цон булмоц.

Чу хонацахдин уттунг, Навоий, уткарма Махални, дайр сари истасанг равон булмоц.

**321**

Очибон куксумни ёргил цилмасам доги ёзуц, Айлагил бори хаёлинг манзилин очуц ёруц.

Булажаблицлардурур ишц ичраким ацл англамас, Йуц эса иссиг кунгул охи недин булгай совуц.

Катра-цатра цонки сенсиз юттум, айларман бихил, Ёрибон куксум итингга берсалар цошуц-цошуц.

Захмига ер курсатурмен чицса ул бадмастким, Манглай узра бармогимни элтиб айлармен топуц.

Кулса огзинг, булса хам ёруг узоринг яхшиким, Еунча хандон турфароц, гул доги хушроцдур очуц.

Завраци майдин мени маст этти пири дайрким, Чарх жунгидур тагору бодаси узра цаюц.

Бир дам эрмаским висолинг истамасмен тенгридин, Бу хадисим цилмасанг бовар эрур тенгри тонуц.

Кимки восил булди, рафъ улдиародин цурбу буъд, Каъба сукконига нул хохи йироц, хохи ёвуц.

Эй Навоий, кир фано даштигаву тин барчадин Ким, яёцлиц анда маркаб, тушасизлицдур озуц.

## КОФ ХАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «НАВОДИР»ДИН

**322**

Санову зотинг ичра топиб ажз, ахли идрок,
Гахи лоухсн айтиб, замопе мо арафнок.

Не янглиг ахли идрокки чун гардунга сурди, Кузига сурма цилди губорин хайли афлок.

Зулоли сунъунг ичра сипехру сидра шохи, Тенгизда
ул хубобе, бу хам андоцки хошок.

Камоли цудратингда хирад ул навъ улуб лол Ки,
хайратдин хамиша цилиб исбаъни мисвок.

Фироцинг суги ичра кеча куздин сочиб ашк,
Висолннг хасратидин яцосин субх этиб чок.

Яримчуц пашша ниши била ожиз цилурсен,
Нечаким пил янглиг цавийдур хасми бебок.

Чу туздунг хусн богин узору цадин цилдинг Бирин
гулбарги раъно, бирисин сарви чолок.

Висолинг кузгусига жило бердинг кулидин,
Анингким ищц утидин вужудин уртадинг пок.

Навоий хамдинг айтур ажаб йуц гар тилига,
Иноят лужжасидин кетурсанг гавхари пок.

**323**

Колибмен заъфин баским ул ой отти манга новак, Тери бирла
сунгак, лекин сунгак уцлар, тери кунглак.

Чидармен хар неча захм урса ул цотил, вале булмас Чидамоц,
гар бирин уз узвида, цилса биров улчак.

Малойик доми зулфидин цутулмас, вах, цутулгайму, Хазин
кунглум цушига айласа ул халцадин илмак.

Хабибим хусни васфин уйла мухлик англаким булгай
Кошинда циссаи Юсуф бир уйцу келтурур чупчак.

Мен улдум ноладин, ноз уйцусидин ёр очмас куз,
Не суд андинки, хижрон шоми булгай кузларим сергак.

Кора цайгу мени элтиб цора зулфунг учун хар тун, Кора
бошни тутуб овуч цора ерга кириб тирсак.

Еман гам телба кунглум ранжидин мухлик жафонг ичра Ки,
мен улгай эдим улса киши чекмак била эмгак.

Агар хусн улса цотил зор не дарвешу не султон, Вагар ищц
улса комил, ёр не хиндуву не узбак.

Эрур ахбоб ишцининг цусури хусн нуцсидин,
Жамолу ноз то купрак, ниёзу шавц хам купрак.

Десанг огах булан мандин узунгни хеч билмас цил Ки,
гафлатдур фано таврида узни бир нима билмак.

Навоий ул юзу лаб шавцидин ногах наво чекса, Дам урмас
булбулу тути, ки будур качча ул пилтак.

**324**

Хажрким хар дам мени бевахму бок айлар халок, Гар мунга
розидур ул хунрези бебоким не бок.

Кадди шавцидин дедим куксумга тортай бир алиф, Ишц тиги
тез эди, куксум саросар булди чок.

Тийрборони фироцингдин танимни истамон Ким, кузумга
учрагайким булмиш асру дарднок.

Хусн миръотин очар куйган кунгул хокистари,
Нечаким ул булса нури пок, бу бир тийра хок.

Ишц ути таъсир этар эл неча нохамвор эса, Барц сайрига не
гам ер гар бийикдур, гар магок.

Поки хуснунг цадрин усрук кунглум англар, невчун Ким,
бало социйларидин ишц жомин ичти пок.

Дема ким, эркин Навоий хаста кунглига талаб, Эй кунгул,
захмига мархам, ойн матлубий сивок.

**325**

Телба ким курди мени шайдодек,
Парин ул хури малак сиймодек.

Истасам сен кеби покиза гухар,
Булмай улгайму кузум дарёдек.

Бустон сарви гар улсун туби, Эмас
ул нахл цади раънодек.

Хублуг мулкида юз шох улса, Бири
булгайму бизинг мирзодек.

Тенгри ишц ахли шикастига магар,
Хублар кунглин этар хородек.

Ишқ Мажнунни куп этти расво, Килмади
лек мени расводек.

Эй Навоий, тилаган зухду салох, Кузию
кунглини хам асрадек.

**326**

Кукрагимдур субхнинг пироханидин чокрок, Кирпиким
шабнам тукулган сабзадин намнокрок.

Бу кунгул гамнокидин то шодмон курдум сени, Истарам хар
дамки, булгай хотирим гамнокрок.

Лайли андин цуйди Мажнун кунглида рахти гамин Ким, йуц
эрди манзил ул водийда андин покрок.

Уйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк Ким, магар
андин ятиме йуцтурур бебокрок.

Лабларингднн жон олурда барча эл цулдур санга, Жон
берурда бир цулунг йуц бандадин чолокрок.

Одамилиц туфрогин берса фано елига чарх, Охким,
йуцтур киши ахли вафодин хокрок.

Неча уцласанг Навоий кунгли захминроц булур, Курмадук
захмеки теккан сойи булгай чокрок.

**327**

Не хуш уммидеким урён нигун цад бирла урсам так,
Париларга жунун туморидур буйнумда силкинчак.

Тери жисмимда харён тоза догу цон ила гуё,
Казо мажнунга тикмиш лолалар яфрогидин кунглак.

Яра кузлар булуб танда чу булди хира ул юздин,
Ясабмен хар тараф эски тугонлар шаклидин айнак.

Юлуб пар жон цушидин, ох пайконин йигиб кунглум, Уцунг
сингонларин гуё ясар афгон учун новак.

Назар солса юзунгдин узга юзга кузни кур айлай, Килибон
тиг ила мардумни анинг нуцтасидек хак.

Хаво цилганда зулфунг халца домидин кунгул, билдим, Бу
цушнинг хам аёг, хам буйнида мухкам эмиш илмак.

Изин ердин кетар деб асрадим раглар кеби кузда, Олиб жон риштаси бирла аёги урнидин улчак.

Фалак зарфин туло берди цазо ул ой майи ишцин,
Бу майдин бизга, вахким, тегмади бир цатрадин купрак.

Лицо мумкин эса учмоц томугдин цочмаким булмас, Кишига хеч мацсуде муяссар чекмайин эмгак.

Чу булдум ишцида фоний, хадисин сурмангиз мендин Ки, цолмас зикри зокир булса мазкуринда мустахлак.

Тиларсен узлукунгнинг жузу жуздин мунфак эткайсен, Навоий назмининг жузвини цилгил жузви лоянфак.

**328**

Юзунг очиб не ажаб юз хонумонни уртамак Ким, булур бир шамъ ути бирла жахонни уртамак.

Чун кунгул сайд айладинг, жисмимга ут солмоц недур, Расм булмас цушни олиб ошиённи уртамак.

Заъфлиц жисмимни уртаб булма охимдин малул, Хосият жуз дуд не булгай сомонни уртамак.

Бил шафац утию анжум учцунидин гам туни
Ким, цилибтур майл охим сомонни уртамак.

Уртади кунглум тан ичра уцларингни уйлаким, Тушса ут ул навъи булмас найситонни уртамак.

Халц улуб ошиц санга мен уртанурмен, вах, неча, Элга солган ут била мен нотовонни уртамак.

Чарх охим уцидин юз минг тушукдур, эй кунгул, Уртамак ани хам улдур парниённи уртамак.
Невчун гул булди ут, ашжор утун, сунбул тутун, Истамайдур гар фалак бу бустонни уртамак.

Солма ут ушшоц жонига Навоий борида, Невчунким яхшидур аввал ямонни уртамак.

**329**

Халщ кунгли булмаган ул шухи кофир кунглидек, Уйлаким куфр ахлида куффори Хайбар кунглидек.

Гулбуни мехнат аро щонлиг кунгуллар гунчадур, Тандадур хар сари пайконинг анинг хар кунглидек.

Гарчи ул щад сарвдек раънодурур, лекин эрур, Анда багланган кунгул ханли сановбар кунглидек.

Лола щонлиг яфрогию тоза догин курки бор,
Бу сифат бирла шахидинг кунглаки гар кунглидек.

Захмлищ кунглум лабинг шавщида булмиш щон аро, Лаъли руммони била ёщути ахмар кунглидек.

Еармрав равшанравиш эл кунглидин файз истагил Ким, ёрутур дахрни хуршиди анвар кунглидек.

Сощиё, тутгил Навоийга лаболаб жомким, Багри доги захмлар булмиш саросар кунглидек.

**330**

Шикоф эмас буки куксумга солди тиги халок Ки, жони хаста гамингдин ящосин айлади чок.

Улусща ут солур эрсанг мени бурун урта, Нединки утни туташтурголи керак хошок.

Неким бошимда эди, учти, етказ ул чобук Ёнига богласа бори узилмагай фитрок.

Еамингни элга бериб йущки бизни шод эттинг Ки, элни шод этибон бизни айладинг гамнок.

Еамингдин охим ущи етти чархдин утти, Нишон эрур ети кавкабки, кургузур афлок.

Кунгул ути била захмин куруб не рахм эткай,
Узин чу догу алифдин аямас ул бебок.

Тиканда гул очилур андалиб янглиг анга Ки, ишщи улса табиат хиёнатидин пок.

Ич ул бехишт суйин муг сафолидинким, ацл Томуг утидин анинг рангин этмагай идрок.

Навоий ичти маю фориг улди узлукидин, Курунг не захрни дафъ айлади ичиб тарёк.

**331**

Танга тошу цулга тиш захмики солди телбалик, Фош цилди элга кунглаксиз бадан, енгсиз илик.

Гах жунундин банду гохи панд ила сухон анга, Бор эмиш савдои ишц ичра басе цоттиг ирик.

Хар эшицдин азм цилсам куйига боглицдурур, Бошиму ул остондур то очилгай бир эшик.

Рокиб улгач цилди шабрангини хар ён жилвагар, Соя гарчи куп зухур этмас, цуёш булгач бийик.

Дарди хажримни не билгай чун юр ашким сафхани, Ул мусофир сари гохиким рацам цилсам битик.

Лолагун майдин цизармиш кузларинг ул навъким, Лолазор устида хар ён агнамиш булгой кийик.

Социё махзун мен асру цилмагил гардунни зарф Ким, булур кечрак нашот улган замон согар кичик

Олам ахлига улумдин чора чун имкони йуц, Улма олам фикридин бу лахзаким борсен тирик.

Эй Навоий, ул Масиходам цуёш чун урди захм, Ани Исо игнасию мехр тори бирла тик.

**332**

Кочинг ул куздин, ангаким ул лаби хандон керак, Эхтироз эткай балодин гар кишига жон керак.

Захмлиц кунглумни айлар чок-чок ул цоши ё, Ахтарур гуёки гойиб айлаган пайкон керак.

Чархи кажрав узра сурма барцрафторингни ким, Ростлар кунгли фазосидин анга майдон керак.

Ул пари ищцида эрмастур малак хам махрамим Кимки ишци пок эрур сирри анинг шпнхон керак.

Заъфдин чицмас дамим нетиб огирлай итларин Ким, цуларга узри мардумлуг багрдин цон керак.

Дайри пирин хонацах кунжига, эй шайх, истама Ким, анинг базмига гардун тоцидек айвон керак.

Эй Навоий, ул пари ултурса хам оздур сени, Кимки инсондур, анинг махбуби хам инсон керак.

**333**

Неча булгай захмлиц кунглумни махзун айламак, Захми цонидин кузум ёшин жигаргун айламак.

Неча лаълинг хажридин цонлиг цадах ичкан сойи Согаримни ашк хунобидин афзун айламак.

Неча пинхон айлабон оразни андоцким пари, Бизни расвои жахон андоцки мажнун айламак.

Неча бир ой ищцидин, эй дард, мен саргаштани Кеча-кундуз бецарор андоцки гардун айламак.

Берди мухлик дард ищцу цуйди миннат жонима, Мунча булгай жавр ила ошицни мамнун айламак.

Кимки дунё ахли дунлардин тилар булгай халос, Шарт эрур аввал видоъй дунёйи дун айламак.

Эй Навоий, чун губори хажр ултурмас не суд,
Бир кузунгни Дажла цилмоц, бирни Жайхун айламак.

**334**

Ул париваш эрур андоц нозук Ким, цуёш партавидур жисмига юк.

Гарчи цотил кузидин улса тирик,
Тирилур нуши лабидин хам улук.

Кунглума уц узра уц отти кузунг, Не ажаб булса тешук узра тешук.

Котмангиз лаъли уза оби хаёт, Гарчи бу шарбат эрур асру чучук.

Шавщ утин гайр ила ёрутти чу ёр,
Кунглума тушти менинг асру куюк.

Хуллаи равза санга лойищ эмас Ким, булур жинс чу эскирди чурук.

Сощиё, бода лабингдек тутщил,
Кайфиятлиг доги гулрангу сузук.

То ичиб ани даме бехуд улай Ким,
ичимда гам эрур юз турлук.

Ташлаб узлукни, Навоий, щадам ур
Ким, йирощ йулдуру бу огир юк.

**335**

Чаманда сарвинозим жилва щилмощ айламас оханг, Жахон бустонидин, биллах, булубмен гунчадек дилтанг.

Мизожиким тилар хилват, худоё, булмасун офат, Бихилмен гар щилиб ишрат, ичар махфий майи гулранг.

Яшил яфроглищ ашжор эмас хажрингда, эй дилдор Ки, охим таффидин гулзор миръоти тутуптур занг.

Солибтур чорболиш гул, тутуптур чоргах булбул,
Не суд ул шах ичай деб мул, мушарраф айламас авранг.

Малолат булса жононда тикончa бордурур жонда, Агар хар гул гулистонда куринса бир харифи шанг.

Бу гулшанда гули раъно тукулмак вахмидин гуё, Жамолин кеч щилур пайдо дема булбулдин айлар нанг,

Навоий курмайин ани етибтур огзига жони, Магарким щилгай афгони гахи ул гул сари оханг.

**336**

Чаманда сабза манга ханжар улди сарви-хадант, Кунгулни олгали ул сарв щадди сабзоранг.

Агар гул исламас ул куркабой хайрат эмас,
Еанидурур туни юз пора элдин айлар нанг.

Кутарса махмили хуснунгни чарх бухтийсиг Ики ёнида муносибдур ою кундин занг,

Нафас-нафас цадах ичмасни жазм этармен, лек Нетайки, ишва цилур лахза-лахза социйи шанг.

Синуц сафол ила вайрон аро гадо Жам эрур, Ул анга жому бу Жамшид баглаган авранг.

Бу базм ичинда наво ул топарки хидматда, Кади хам улса доги кунгли холи уйлаки чанг.

Бадан аносирининг чоргохин эт хориж, Навоиё,
десанг айлай фалак сари оханг.

**337**

Йуц дахрда гарчи ёр сендек, Душман доги
цайда бор сендек.

Эй хаста кунгул, санга керак васл, Йуц хажрда
чунки зор сендек.

Не ишц аро хоксор мендек, Не хусн аро
шахсувор сендек.

Гулгун тун уза цора чавук нацш,
Очилмади лолазор сендек.

Гар дайри фанода жом чексанг, Йуц
шохи Жам иццтидор сендек.

Эй гул, тукасен хумордин цон, Ул наргиси
пурхумор сендек.

Йуц зулфига тушкали, Навоий, Ошуфтаи
рузгор сендек.

**338**

Куюнг, тиги куксум шигофини йирдег, Фирокида жоним
аросига кирдег.

Деманг хажр ути шархини нома ёзким, Куяр сафхаву хома
эрмас битирдег.

Кувонурмен ул ойни хар неча
курсам, Мени гарчи ул неча
курса йигирдег.

Буюргилки машшота холинг цуярга,
Кузум мардумин тиг учи бирла
цирдег.

Юзумда юрак кони дурдингки,
келдик, Ажал илги ул цонни андин
сийирдег.

Юзунг бирла жоно цуёшдек бир улгай, Куёш бирла зарра агар булса бирдег.

Айирмон сочинг банд-бандин кунгулдин, Агар банд-бандимни даврон айирдег.

Кошингнинг хаёлига жон риштасин кур Ки, ёпишти ёй узра мухкам сингирдег.

Навоийга хажрингда мотам суруди, Булубтур нашот ахли базмида йирдег.

**339**

Не хаёл эди янаким кунгул цуши сайдини хавас айладинг,
Баданимга хар саридин ходанг отибон анга цафас айладинг.

Кунгул ичра шуълаи ншцким етадур фалакка забонаси,
Таниму сунгакларим ул утингни ёцарга хору хас айладинг.

Куз ичиндаким тула цон эди, огиз ичра даги тутундек ох,
Ани дам-бадам цилибон фузун, муни хам нафас-нафас айладииг.

Етиб эрдим улгаликим тирилдим анинг жафоси хадисидинг
Нега уйцудин бурун ул фасонани, эй рафиц, бас айладинг.

Манга ишц аро улум эрди чорае хажрда бу не ранжким, Ани дафъ этарга фироц дарду гамимни чорарас айладинг.

Чу гум улди чоку хазин кунгул гами хажр даштида, эй фалак,
Йул озарга ахли саломат ул кунгул унини жарас айладинг.

Чу фироц шиддати, эй кунгул, гами ишц лозимаси эмиш, Не етишса чек чу бурун узунг бу балони мултамас айладинг.

Туну кун сабу чекиб, эгнинга сол узунгни халцаи дайр аро,
Чу белингга мугбачалар каманди хаёлини марас айладинг.

Чу замона ахли аро вафо тиладинг чек эмди, Навоиё, Аламу бало, не учунки эл ора йуц нима хавас айладинг.

**340**

Курдум огзингни манга цахр ила чун суз цотting,
Курмаганни бу газаб ичра манга курсаттинг.

Ишц пайконларини ёгдурубон буйла манга, Су
сепиб зухду салох уйцусидин уйготтинг.

Бул ажаб хол ила билмонки жунун дашти аро,
Мени мажнунгаму ё ани манга ухшаттинг.

Офият цушларининг жамияти цолгайму, Мунча
мен телбагаким тафрица тошин оттинг.

Доглар демаки цоцтурмоц ила куксума тош, Ишц
мисморларин кунглум аро урнаттинг.

Сотцун олдим гами ищцингни бериб жон нацдин, Мени
оламга бу савдо била охир соттинг.

Курубон куюнг аро зорлигим тунд булуб, Сургали
ташцари итларга мени судраттинг.

Бир замон дустца урганки, будур хосили умр Ким,
замон ахлига кунглунгни басе ургаттинг.

Эй Навоий, магар илгингни тутуб чеккай пир Ким, йигитлик
хумининг дурдига мухкам боттинг.

**341**

Эй кунгуллар зулф занжирида цайд этмак фанинг, Барчадин
анда муцайядроц вале кунглум манинг.

Су аро кун акси ё кук пардасинда мехрдек, Билгурур мовий
катон кунглак аро нозук танинг.

Бодадин ул юз не гуллар очти кур, эй богбон, Ичма кавсар
суйи мундоц гуллар очмас гулшанинг.

Важхи йуцтур тийра булмоц, эй кунгул, то ул цуёш, Юз
чицаргач булгуси кузлардин икки равзанинг.

Уртабон парвонани, эй шамъ, сунгра не осиг, Йигламоц
чирмаб цора мотамлиц элдек шеванинг.

Билки эмин сен риёий зухд ужби хавфидин, Эйки дайр ичра
фано майхонасидур маъманинг.

Ёрни кургач Навоий улди, ишц атворини Вомицу Фарходу Мажнун бори андин урганинг.

**342**

Тарарда тоб урар, турраи паришонинг Ки, обнус
тарог уйладурки мужгонинг.

Ичимга тушти кунгул изтиробидин куп захм Ким, анда хар саридин бош чицарди пайконинг.

Кунгулни, вахки, нетиб дафъа-дафъа сендин узай Ки, ацл купроц эрур лахза-лахза хайронинг.

Упар тахайюли дафъигадур синонларким, Шуоъ хатларидин чекти мехр рахшонинг.

Кунгул не навъ дам урсун фироцинг офатидин Хи, захми огзига мухр улди доги хижронинг.

Нетиб царор тутай, эй кунгул, ки цузгайдур, Ичимда сабр уйини хар дам охи пинхонинг.

Гам этти тийра мени жоми май эвур соций Ки, кузларимни ёрутсун бу барци рахшонинг.

Чу субх наргис очиб кузни тутти олтун жом, Сабух фавт уладур, нозанинлар, уйгонинг.

Навоиё, чу ганиматдурур йигитлик дами, Йигитлар илгидин ич токи булгай имконинг.

**343**

Манга бир лахза вафо айламадинг Ки,
хамул лахза жафо айламадинг.

Коматингдин манга ком эрди хиром, Вахки,
комимни раво айламадинг.

Отмоц уц элга хатодур, лекин Манга
отцанни хато айламадинг.

Элга лутфунг манга гар булса жафо,
Не жафоларки манга айламадинг.

Гарди рахшннгга бахо жон тиладинг,
Ани туфрощча бахо айламадинг.

Топмадинг мулки бащо то узни, Азими дашти фано айламадинг.

Юз вафо ваъда Навоийга щилиб, Охким, бирга вафо айламадинг.

**344**

Хизр хаттинг сабзаси, хайвон суйи нуши лабинг, Ул су мавжидин булуб бир давр тавщи габгабинг.

Ё жамолинг чашмаи хуршиду хар ён бир хубоб, Хар щулогинг дурри, яъни икки рахшон кавкабинг.

Рокиби не важхдин хуршид эрур наъли хилол. Гар эмастур тавсани гардун сабукрав маркабинг.

Эй кунгул, билким чекарлар гох, ё рабки, фигон, То малак хайлини ёлщитти фигону ё рабинг.

То дабистон майли щилдинг халщ улди гуйнё,
Кабр лавхига щилур ашъор лавхи мактабинг.

Кайт, эй суфики, пири дайр дурди жомига,
Булмогинг шориб агар софпй эмастур машрабинг,

Эй Навоий, борди кунглинг танни хам куйига сол
Ким, итига щалбинг оз булса етишкай щолабинг.

**345**

Чекиб кунглумни уздунг, андаким кунглум уйин буздунг, Бу мехнатхонани бузгон замон мендин кунгул уздунг.

Бузулди кунглум эмди гам сипохин чекма куп, эй хажр, Тузуклук курмагил харгиз, бу янглигким мени буздунг.

Бериб гам нащди айлаб дилраболиг ваъда щилдинг васл,
Карам щилдинг, йищуг кунглумни олдинг, лутф кургуздунг.

Согиндинг заъфу ул юз кузгусин еткурдунг огзимга, Улуб эрднм яна бу важх ила гуёки тиргуздунг.

Висолинг ваъдаси бирла фироцинг даштига солдинг, Етиб мавъид чу цилдим авд йиткон ерда тургуздунг.

Бало дардин манга тутмоц учун айирдинг, эй соций, Чу даврон базмида ахбоб учун ишрат майи суздунг.

Навоий жисмини хажр эмгакидин, эй ажал, цутцар Ки, ашки дурларию жонининг наццидурур муздунг.

**346**

Жисмимга варам хайъати хар ташки урдунг, Ул тошни гуёки хамул ерда ёшурдунг.

Кунглум бузулиб сабру хирад богладилар рахт, Чун мулкни буздунг, элини доги кучурдунг.

Эй ёр ити, узрумни цабул этки, танимда
Эт топмадингу эски сунгакларни кумурдунг.

Эй телба кунгул, чицмадинг ул зулф хамидин, Гуёки цоронгу кечада йулни итурдунг.

Кунглум уйида сенсену йуц кимса хамоно, Кирпиклар ила гайр хаёлини супурдунг.

Сендин юз эвурмак манга мумкин йуц, агарчи Хар саридин оллинггаки келдим, юз эвурдунг.

Матлубни бир дайри фано йулида иста,
Топилмади чун бодияда неча югурдунг.

Эй мугбача, дайр ичра мени маст эта курким, Жон цути кунгул цувватидур софингу дурдунг.

Бир курмагу улмак била, эй хаста Навоий, Ишц ахли орасинда янги расм киюрдунг.

**347**

Сарвга раъно хироминг бирла бедод айладинг Ким, цадингнинг цуллугидин ани озод айладинг.

Гул доги хуснунгга эрди хушачин юз важх ила, Курманин юз хирманин бир дамда барбод айладинг.

Куйма миннат бизга гамгин айлабон ишц ахлини, Бизни хам шод этмадинг, гар элни ношод айладинг.

Айладинг кунглум иморат партави рухсор ила, Каъбани бутхона цилмоглицца обод айладинг.

Айтмонким, умр утуб, согинмадинг бир дам мени, Катл этарда чун керак булди киши ёд айладинг.

Тслбалик ултурса хам буйнунгга цоним, эй кунгул, Бор экач одам нега майли паризод айладинг.

Йигламоцдин кур бул, эй куз, фироц айёмида, Не учун узни хублар хусинга муътод айладинг.

Бенасиб эрдинг фано онинидин, эй шайхким, Дуст васлин тоату тацвога нснод айладинг.

Эй Навоий, улдунг армон бирлаким, фарёдингга, Етмади ул нушлаб хар неча фарёд айладинг.

**348**

Ёраб, ул ойники эл кунглига маргуб айладинг, Гарчи ищцидин хароб эттинг мени, хуб айладинг.

Шох эсам ищц ахлига тонг йуцки, эй гардун, мени Ул шамол ахли шахи ищцига мансуб айладинг.

Не ажаб боштин аёгим дард булса, эй цазо Ким, нигоримни цадам то фарц маргуб айладинг.

Телбараб эрмишсен, эй роцим, хамул кундин бери Ким, жунунумни паризодимга мактуб айладинг.

Тухмати зухд айлабон, эй шайхи козиб, не учун Бегунах бизни харобот ичра маъюб айладинг.

Жон бериб булсам ажаб йуц толибинг, эй ищцким, Х,ар не матлубидур анинг бизга матлуб айладинг.

Эи Навоий, узни солдинг итлари хайли аро, Итни гуё одами хайлида махсуб айладинг.

**349**

Тийра цилмиш тун кеби офоцни охим менинг, То эшиттимким цилур шабгардлиц мохим менинг.

Тун цораснлек цора пашминадурму сайрида,
Ё тутубтур ул жафогар шухни охим менинг.

Учрамас хар куй бошида туруп йул асрасам, Равшан эрмас, вахки, шамъи бахти гумрохим менинг.

Ё цочар мендин халойиц танигай деб ногахон, Ёрутур чун тунни хар дам охи ногохим менинг.

Хидматида нега йул топмон экинмен тийра руз, Шоми мулкин чун мусаххар айлади шохим менинг.

Мен доги ахбобдек мацбули эрдим, охким, Жохи идбор улди ул ицбол ила жохим менинг.

Элга хар лафзи Навоий жонига бир дог эрур, Неча цуйгай багрима дог ул юзи мохим менинг.

**350**

Неча ул куй итларига еткай озорим менинг, Кош итлар туъмаси булгай тани зорим менинг.

Неча ул базм ахлига булгай фигонимдин малол, Кош алар цурбони булгай жони беморим менинг.

Неча нозук кунгли келгай ёрнинг мендин батанг Ким, фидо кунглига жону жисми афгорим менинг.

Неча ашким йиццай эл сабри биносин куйида Ким, уюлгай кошки, бу жисми хунборим менинг.

Йуцу бор элдур жунунум шайнидин озурдадил, Умр агар будур йуцум куп яхшиким, борим менинг!

Эй фано тиги, вужудум нацшин андоц айла хац Ким, замон авроцидин махв улсун осорим менинг

Социё, тутма Навоийга яна ишрат майи
Ким, эрур бадмаст ул мажнуни хамморим менинг.

**351**

Сннголи кунглум оцар хар лахза хуноби анинг, Шишаким синди, чицар турмай майи ноби анинг.

Солма ул куй ичра цошингга гирихким, шубхадур Тоат айлар ерда тушса эгри мехроби анинг.

Бахри ашким уйла дарёдурки даври чархдек, Булгали лойицдурур хар сари гирдоби анинг.

Уйла занжире дурур зулфунг цамар давридаким, Тушкудек булмиш цамар даврига цуллоби анинг.

Кил кеби жисмимки хажринг сузи ичра тулганур Утца тушкандин нишондур печ ила тоби анинг.

Уйла цурбондур анга кунглумки жон айлар фидо, Тиг олмастин бурун илгига цассоби анинг.

Пири дайр айлар сабух, аммо куз очмас мугбача, Айшни талх айламиш бизга шакархоби анинг.

Фацр эрур бир лафзу шархи ёзилур юз минг китоб, Не учунким хуш келур айтурда итноби анинг.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кунглум наво, Гуйиё жон риштасига тегди мизроби анинг.

**352**

Кунгулки хажр туни цуймади царорин анинг, Мунинг хам охи цора цилди рузгорин анинг.

Висол гулшани бирла куп улмагил машъуф, Хазони хажр чу барбод этар бахорин анинг.

Тутуб нашоту тараб чанг зулфин этма суруд Ки, бир-бир узгуси гам чанги тор-торин анинг.

Кадах нашоти учун давр ичинда цон ютцан, Чекарга билки кири айламас хуморин анинг.

Сипехр ком ила эврулмаса хазин булма, Кишига бермади чунким хац ихтиёрин анинг.

Агар бацои абад истасанг фано йули тут, Ёрут кузунгни цилиб тутиё губорин анинг.

Навоий, ул киши топти фарог оламдин
Ки, химмати кузи тенг курди йуцу борин анинг.

**353**

Ёр келса, дустлар, оханги рафтор айламанг, Инфиолимдин нафас урмоцни душвор айламанг.

Ёлгуз уйда цайда ёро боцмагим рухсорига, Холатим тагъйиридин сирримни изхор айламанг.

Токи кунглум изтиробию таним титратмаси, Сокин улмас, нукта айтурга мени ёр айламанг.

Соате чунким утуб бу навъ келсам холима, Суз аро ошицлиц алфозини такрор айламанг.

Чунки булса мултафит чун ер упуб улгумдурур, Хар жафо цилсам узумга манъ зинхор айламанг.

Эмдиким улдум таним ёр итларига ташлангиз, Лек агёрин бу маънидин хабардор айламанг.

Кайси ошицким Навоийдекдурур, эй ахли зухд, Ишц манъин айлабон кунглига озор айламанг.

**354**

Вахки, утлуц чехра очиб хонумоним уртадинг, Оташин лаълингдин отиб нукта жоним уртадинг.

Дема не цилдим, не цилдим нотавон кунглунг олиб, Уртадинг, эй цотили номехрибоним, уртадинг.

Ут уза цил тулгониб куйгандек ул юз шавцидин, Нечаким тоб урди жисми нотавоним уртадинг.

Кукда зохирдир шафацдин шуъла анжумдин шарор Ким ани, эй шуълалиц, оху фигоним уртадинг.

Бисмил этгач сайдни андоцки эткайлар кабоб, Захм этиб кунглумни чунким оцти цоним уртадинг.

Ургали, эй ишци золим, барци офат жонима, Хар не узлуктинки бор эрди гумоним уртадинг.

Эй Навоий, то белу огзи хаёли айладинг, Бору йуц, яъники пайдову нихоним уртадинг.

**355**

Эй кузу кунглум, сиришку охдин туфон цилинг, Жону жисмимнинг йицилгур кулбасин вайрон цилинг.

Килса бу иш кузу кунглум сиз доги, эй дарду ишц, Кузни кур айлаб, кунгулга дард ущин паррон щилинг.

Хар бахона бирлаким булса, хаётим щасрининг — Тощу айвонин бузуб, туфрог ила яксон щилинг.

Яъни айлаб мунча бедоду жафолар шаммае, Хажр дарди шиддатин мен хастага осон щишнг.

Зинхор ахбоб, ошищ булмангиз, гар сахв этиб — Булмощ истарсиз, бурун андишаи хижрон щилинг.

Дермен, эй ахбоб, тортай хажрдин бир тийра ох, Ер тубига ой ила кун кузгусин пинхон щилинг.

Хажрдин кунгли тула келмиш Навоий рахм этиб, Эй харобот ахли, бир мамлу щадах эхсон щилинг.

**356**

Май била майхонанинг хиштин тош узра хал щилинг, Чун хуморидин судоъ улса ани сандал щилинг.

Хар не щолса суда булгай хиштдин таъзим учун, Ип тощиб хар жонибидин буйнума хайкал щилинг.

Эй харобот ахли, сощий орази акси учун,
Соф щилмоглиг била май кузгусин сайщал щилинг.

Мугбача оллида чун булди сужуд этмак ишим, Майга мархун щилсангиз сажжодани аввал щилинг.

Сахл эрур жон нащдини сощий учун щилмощ нисор, Лек бир паймона тулдурмощ била асхал щилинг.

Масту мажнун чищмишам майхонадин, эй дустлар,
Комингиз гар хазл эса ийнак мени махзал щилинг.

Куйидин щавланг хавосу ащлни, эй дарду ишщ, Анда саргардон Навоийнинг вале анкал щилинг.

**357**

Бир ут эсаки манга журмсиз вафони кам эттинг, Юз утдур улки жихатсиз улусни мухтарам эттинг,

Бошимга тиг урубон нащди дард кунглума солдинг, Вафо таришида тащсир щилмадинг, карам эттинг.

Юзумни нацш этибон ашк тийра цонидин, эй ишц, Тошимда цонлиг ичим шархини ёна рацам эттинг.

Фасонаи гаму мехнат буюрдунг айламак азбар, Каноат этмай улусца мени фасона хам эттинг.

Кунгулда ищцим ути чун фалакка тортти шуъла, Бало ливоси бошига бу шуъладин алам эттинг.

Дедингки, фацр йулинда топилди мацсади аслий, Вужуд нацшини жон лавхидин магар адам эттинг.

Магарки ёр сени истар, эй шикаста Навоий
Ки, нацд жонни цилиб тухфа, фарцдин цадам эттинг.

**358**

Саманди ноз уза ул чобуки балога боцинг, Пари бошинда малак парридин утога боцинг.

Начукки цавси цузах даври мехр акси эрур, Топиб хам эгнидин айланган икки ёга боцинг.

Садоги жонибиким илгига синон тутмиш, Юз уц йилонию бир цотил аждахога боцинг.

Агар бу уцу синон урмогин инонмасангиз, Очиб танимни ададдин фузун ярога боцинг.

Бу шакл бирла жахон бузмоги яцин гар эмас,
Улуста хар тараф ошубу ибтилога боцинг.

Бу бог гулларини ерга сочмайин цуймас, Хазон елини курунг чархи бевафога боцинг.

Навоий улди жахон ахлидин наво топмай, Не булди бир назар ул зори бенавога боцинг.

**359**

Кунгулким хар ёнига наъл кестим булгали зоринг, Кушедур талланинг чамбарлари ичра гирифторинг.

Улус цатлидин ул куз нотавонроцдур, не хол эркин Ки, жон олган била майл айламас сиххатца беморинг.

Юзу зулфунг чу дин цасди цилур кофир десам тонма, Демон юз узра зулфунг, балки мусхаф узра зунноринг.

Кузи оллида, эй бодом, цилдинг ишва даъвосин, Магар кирпикларидиндур нишони жисми афгоринг.

Узунгни сотмогингда хусн савдосидин, эй Юсуф, Хабибим етса эрди не ушалгой эрди бозоринг.

Юзунг гул-гул булубтур бодадин, вах, кузгуга боцким, Не янглиг тоза-тоза гуллар очмиш боги рухсоринг.

Еамим айтурга ёре топмагандин социё, улгум, Манга бир журъа бирла ёрлиц цилсанг худо ёринг.

Агар рангин май ичсам, эй цазо наццоши, ёзгурма, Ихота цилмагон иш цуймамиш, чун даври паргоринг.

Навоийни адам водийсига солди фано сайли, Итурганлар ани ул сайлининг хошокин ахтаринг.

**360**

Донаи холинг била кунглум цушин ром айладинг, Гарди яздий меъжарингдин цасдига дом айладинг.

Сабзау гул истамон то вусмаву гулгунадин, Кошни айлаб сабзагун, оразни гулфом айладинг.

Хусн богида цадинг булмиш латофат гулбуни, Тунни гулгун, тугмани то гунча андом айладинг.

Коматим долу ёшим гулранг эрур то ноз ила, Долу гул теккан нихоли узра ором айладинг.

Юз уза очтинг сочинг зуннорин, эй кофир, магар Фош этиб куфрингни цасди ахли ислом айладинг.

Тонгла жаннат хуридин кеч, эй кунгул ноком ила Гар бу кун дунё аруси васлини ком айладинг.

Эй Навоий, зулфига булдунг паришон оцибат, Яхши жамъият бу савдодин саранжом айладинг.

**361**

Эй муганний, ёр базмида наво соз айласанг,
Жон фидонг улсун гамим шархидин огоз айласанг.

Уддек куймаклигим шарх эт лисони хол ила,
Нагмада удунг лисонин сехрпардоз айласанг.

Узга оламдин хабар деб бизни тиргуздунг не тонг, Бу рисолат бирла гар изхори эъжоз айласанг.

Розим ар созинг лисонидин баъидул фахм эса, Анга рухафзо унунгни доги хамроз айласанг.

Отланиб бошимни рахшингнинг аёги остига, Тиг бирла солгудек масти сарандоз айласанг.

Парда ёп роз узрау дохил бул ушбу базм аро Ким, эрур хориж агар бепарда овоз айласанг.

Чекмадинг лахне Навоий кунглун истаб айб эмас Англаб узунгни наво ахлига шахноз айласанг.

**362**

Вах, не рухафзо цаду дилкаш хироми бор анинг, Гуйиё жон гулшани ичра мацоми бор анинг.

Улмакимда бор анга гуёки уммиди хаёт,
Жон била бу ишда баским эхтимоми бор анинг.

Колди кунглум гам тунига, субх васл ахли цачон Айлагайлар фахмким, не тийра шоми бор анинг.

Жоним узра доглардин вах, цачон топцай хабар, Улки, гулбарг узра холи мушкфоми бор анинг.

Бели бирла огзидин кунглумга бор уммиди ком, Не дациц уммид ила нобуд коми бор анинг.

Топтилар рухи равоним парвариш хар лафзидин, Оллох-оллох, не равон парвар каломи бор анинг.

Сен харам азми цил, эй зохидки, кунглум маст эрур, Хоссаким майхонадек байтул-хароми бор анинг.

То кунгул дайр ихтиёр этти билибтур мугбача Ким, анинг васли сари савдои хоми бор анинг.

Эн Навоий, давлати зохирни доим топмогунг, Фацр ицболидурур, улким давоми бор анинг.

**363**

Ул пари бу телба бирла ошно булса не тонг Нотавон Мажнунга Лайлидин вафо булса не тонг.

Лаъли хажридин дамодам хаста кунглум цон ютар. Ул маразга буйла шарбат ё гизо булса не тонг.

Дема цотилдур лаби, узунгга цилма цасди жон, Буйла цотил оллида жоним фидо булса не тонг.

Чархдин куп булди охим дудига боис рациб,
Юзи анинг рузгориндек цора булса не тонг.

Зулфи зулмат шомию давлат тонгидур орази, Тийра
хажрим шомидин зулматзудо булса не тонг.

Касди дину горати имоним этмиш мугбача,
Эй мусулмонлар, ерим дайри фано булса не тонг.

Барча зийрак цушца чун ул зулф доми булди цайд, Эй
Навоий, анда кунглум мубтало булса не тонг.

## ЛОМ ХАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОИФИ «НАВОДИР»ДИН

### 364

Зихи нихоятинг охир келиб абад аввал, Вале
хабар бера олмай бидоятингга азал.

Не цудратинг жабалини цилиб тазалзул паст, Не
хикматинг цуёшига бериб завол халал.

Булуб сифатингга мазхар жамиъ махлуцот, Алар
муфассалу инсонни айладинг мужмал.

Жамол зевари цош айладинг, магар урдунг Бу
икки мисцал ила уйла кузгуга сайцал.

Фироц шомини ошицца айладинг тийра, Агарчи
анжумидин ёцтинг анда куп машъал.

Бахор мошитаси саъйи бирла кийдурдунг Чаман
аруси юзу цаддига хулийю хулал.

Сипехр сафхасин анжумдин айлабон афшон, Бу
сафха устига чектинг шихобдин жадвал.

Ёзарга матлаъи субх узра нурдин тугро
Куёш тилосидин омода айладинг зархал.

Навоий айлади хамдингга номалар ирсол. Ани
рад айламагил хацци Ахмади Мурсал.

### 365

Килса жонон оллида жоним туфайл, улмоцца майл, Кош юз жон улсаким, хар дам бирин цилсам туфайл.

Истаса куйган кунгул утлуц юзунгни цилма айб, Ихтиёри йуцтур айларда самандар утца майл.

Йул цилур жисмимда ашк, элтур сунгакларни узуб, Ер цозиб хошок оцизгандек цаён юзланса сайл.

Катраи сахбо Сухайлидин лабинг майгун эмас Ким, ацицедур буким ранг олур андин юз Сухайл.

Бир мулоиб хинду улмиш хар кузунгнинг мардуми, Кирпигинг хинд ахлидин хангома тузган икки хайл.

Такя цилма тацвию тоатца ким нафъ айламас, Фазлдин етмай башорат Бишр булгил гар Фузайл.

Шоми хажр эрмас шафац, балким Навоий гуссадин Йиглади цон анчаким гардунга рангин булди зайл.

**366**

Уйла булмиш гул юзунг ёди била цонлиг кунгул Ким, тушар хар цатра цон урнига андин барги гул.

Дема кунглунг борким жисм ичра хажринг тигидин, Поралар бор цон аро билман багирдур ё кунгул.

Сарвдек булса бу гулшанда ато, гулдек ано, Мумкин эрмас тугмоги сен сарви гулрухдек угул.

Куйдуму кул булдум, аммо жонда лаълинг шавцидур, Андоц ахгар хифзига бехад муносибдур бу кул.

Лаълинг оллинда санамлар лаъли ранг эткан билур Ким, ичар хино суйин булган замон гулранг мул.

Кисмдин ортуг тилаб хор этма узни, эй азиз Ким, цаноатдин дурур иззат, тамаъдин барча зул.

Дайр пири бирла май ичсанг, Навоий, асра дам Булса фахм ибриц унидин гарчи цулцул лотацул.

**367**

Менинг кунглумни ишц, ул гул юзин мул, Бу цилди дог-дог, ул цилди гулгул.

Бошимга чирмашур савдосидин дуд, Не
тунким айласам зулфин тахайюл.

Юзунг давринда зулфунгдин салосул,
Килибдурлар аён даври тасалсул.

Уцунгдин зор кунглум пар чицармиш,
Юзунгдек гулга хуштур буйла булбул.

Тахаммул яхши ул ойдин йуц афгон, Вале
афгон чу булсам бетахаммул.

Фано даштига цуйма тушасиз юз, Вале
тушанг керак булса таваккул.

Кадингнинг эътидолидин Навоий
Чекар гардунга ох этсанг таодул.

**368**

Оразинг шавци дамиким айланур цонлиг кунгул, Еунча
янглигдурким, анда чирмашибдур барги гул.

Англамон гулранг рухсорингда майгун лабмудур, Ё
томибдур офариниш базмида гул узра мул.

Айлади кунглум гадолицким дирам янглиг туган — Куйди
ищцинг ё закоти хуснунг эхсон цилди пул.

Телбараб цочцон цулунгменким, сочинг афъисидин Х,ам
аёгимда эрур занжиру хам буйнумда гул.

Кузларингким турки тожик улди кунглум мулкида, Зулм
этар ул навъким бир кишвар ахлига чугул.

Не тафовут сифла элдин хорлиг ё эхтиром Ким,
бахойимдин эрур тенг хохи иззат, хохи зул.

Нома куп ёзмиш Навоий кимса йуц махрам магар Ким,
алар ирсолига хам тенгри еткургай русул.

**369**

Демонким, мени ёд этиб шод щил,
Унутганларингни бирар ёд щил.

Сановбар санга бандадур сарвдек,
Бошингдин эрур доги озод щил.

Вафо йущтур ул шухда, эй кунгул,
Узунгни жафосига муътод щил.

Килур жонима хажр щасд, эй ажал, Бу
ишда анга сен хам имдод щил.

Манга ишщ аро улмак ойин эрур,
Ращибо, яна санъат иршод щил.

Паришонмен, эй ох, афлокдин Бу
абтар station варащларни барбод щил.

Чу буздунг кунгул кишварин зулм ила,
Сиришким суйи бирла обод щил.

Фалак давридин ранжамен, сощиё, Кел
эмди щадах даври бунёд щил.

Гар ул шух фарёдинга етмаса,
Навоий, шах оллинда фарёд щил.

**370**

Гар лабинг оллида даъво щилмади изхор лаъл, Буйни
невчун богланиб осилди мужримвор лаъл.

Гуйиё тути хатинг бирла лабингдин сурди нутщ Ким,
либос улди зумуррадгун анга минщор лаъл.

Йущ лабинг янглиг бири гуё демайким рух бахш,
Курмишам бориб Бадахшон мулкида бисёр лаъл.

Лаъл оллинда анингдекким эрур бещадр тош, Булмиш ул
янглиг лабинг оллинда бемищдор лаъл.

Лаъли жонбахшинг такаллум ващти бир-бир сочти дур
Оллох-оллох, ким курубтур буйла гавхарбор лаъл.

Кузларимдур бахру кон мехмоним улсанг бир кеча, Хам
дур эткайлар фидо оллингда, хам исор лаъл.

Бир цадах май бирла булди сурхру ахли хумор, Куп аро
гуёки махлул айламиш хаммор лаъл.

Лаългун май бошида булса кишининг, эй хариф, Нафъи
купракким тикилгай тожида шахвор лаъл.

Гар Навоийнинг сузи ширину рангиндур не тонг Ким,
эрур кунглида доим ул шакаргуфтор лаъл.

**371**

Уйлаким гулгул цилур хусн ахли рухсорини мул, Мулга
тушса оразинг акси очар юз анча гул.

Уйлаким булмас кунгул гулбундин узмак гунчани, Мен
хам ул нахли малохатдин уза олмон кунгул.

Гуйиё хуру малакдин хосил улдунгким, эмас Одами
хайлига мумкин сен паривашдек угул.

Ламъаи тигидин уртандим, агар цонимдин ул Занг
тутмиш ёрутурга хам мухайё булди кул.

Чун рациб огритти кунглумни анга дог уртадим,
Боглагандек эт жарохат айлаган устига пул.

Кирц ёшта фацр ойинин агар касб этмадинг, Арбаин
чекмак била ул хосил улмоцтин тунгул.

Эй Навоий, хуру кавсар тонгла тацво ахлига, Сен ганимат
тут бу кун гулчехра соций бирла мул.

**372**

Эй кунгул, ул оташин оразга куп урганмагил, Ногах
айрилса фироци утига уртанмагил.

Тут узунгга фарду бекаслик балою эмгакин, Ё бировга
урганиб айру тушуб эмганмагил.

Лозими ишц улди хижрон, булма ошиц кимсага, Эмдиким
булдинг тахаммул айлабон кунгранмагил,

Гул чогн гулбонг ишдур чекмак, эй булбул, санга Ою йил
фарёд цилмогни манга утканмагил.

Куз юмуб очцунча сол уйгонмас уйцуга мени,
Нолишимдин хажр шоми хар замон сесканмагил.

Истасанг ул мугбача бошингга еткургай цадам, Дайр пири
йулидин туфрогдек тебранмагил.

Эй Навоий, ёр агар дерким узунгни утца сол, Тан ёлонг айларга куйма жон учун куйманмагил.

**373**

Кунгул ичраки хар дам цон тукар ул кофири цотил,
Мусулмон булмасун гар булса рухулло сари мойил.

Самандар цуш булуб анцоча зури булса жазм эрмас, Була олмоглиги сузу гамим мактубига хомил.

Дедиким, жаврдин сунг васл эрур, юз тиги кин урди,
Висолин истагач, деди бу эрмас жаврга дохил.

Багир парголаси ранги не тонг гар ашкдин кетмас, Качон гул баргининг рангин цилур ямгур суйи зойил.

Деганким топти мажнунлуцца Лайло ошици шухрат,
Мени ищцингда кургач, билди Мажнун ёр эмиш оцил.

Агар ул цоши ё уц отса чекмон ох оллинда
Ки, охим дуди чоглиц хам уцига булмаган хойил.

Чу ушшоц ичра дермен дарси ищцин мехри тонг эрмас Ки, дерлар: илм бахс айлар замон рахмат булур нозил.

Кабул ахли цошинда истасанг мацбул булгайсен, Фано ицболи бирла аввал узни айлагил цобил.

Гадолиг айларам, эй мугбача, жоми майи лаълинг, Агарчи расм булмас жавхари жон нстамак, сойил.

Ажал гар сунгги дам булса бу дам коминг Хизр умри, Бу номаълум мавъидца бино цуйгон зихи гофил.

Навоий бир нафасда хажр зулмидин халос улгай, Агар ахволидин бир нукта сурса хусрави одил.

**374**

Эй кунгул, хар макр ила цочсанг улустин шукр цил, Хар вафога минг жафо тортиб цутулсанг муфт бил.

Эл тилдин курдум анча гуссаким, мингдин бирин Айтмощ булмас танимда хар сари му булса тил.

Нечаким оламда бедод улса олам ахлига, Гар муяссар булса юз онча тасаввур айлагил.

Жонинга билким жафодин узга етмас йилу ой, Жон фидо щилсанг вафосинда аларнинг ою йил.

Давр жоми захридиндур доги тиги щонидин, Сарву гул бу бог ароким булдилар ёшил, щизил.

Фащр водийсига кирган ташласун узлук юкин Ким, щилур йул щатъин осонрощ нсча булгон енгил.

Эй Навоий умр утуб хам масту хам уйщудасен, Хеч билмонким сени уйгон дейин, ёхуд ойил.

**375**

Ул защанни упаю гулгунадин наззора щил Ким, эрур бир олмаким ранги эрур ощу щизил.

Ожиз улгай зулфининг савдолари тащриридин, Гар щуруг жисмим тарог янглиг саросар чекса тил.

Неча узни ёшуруб чин юзга солиб гунчадек, Тангдилларга бощиб, хандон булуб бир хам очил.

Сочида шабнам бурунчак, эй кунгул, эрмас ажаб, Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб щилмагил.

То кийиб синжоби тун, гулгун утук щилдинг хиром, Йущ сенингдек кабки раъно хусн сахросида бил.

Раз щизи хамдамлигидин ою йил маст улмагинг, Неча булгай утти умр ар улмаган булсанг ойил.

Курмаган булсанг, Навоий, сарв уза гул, щил назар Ким, ул ой гулгуна суртуб, хилъатин щилмиш яшил

**376**

Куруди чеккали щондин кузум нищоб щизил, Бале, ёгинсиз улур чун булур сахоб щизил.

Кузумда лоладек ул юз гариб эрур щон ёш Ки, булса гул щизил, улмас анга гулоб щизил.

Бошим сипехрдек эврулдию цон ёшим сари боц Ки, хар замон югурур анда бир шихоб цизил.

Кузум цизарди, цизил ашк рангидин гарчи Кизил булур, сую, булмас анга хубоб цизил.

Кунгулни чуркади ишцинг валек эрур тула цон, Ёлинда куймишу кессанг эрур кабоб цизил.

Бу цонки водийи ишц ичра оцти булса не тонг, Самум рангидек ул дашт аро сароб цизил.

Не жилва эрди цизил тун билаки цон ёшдин, Либосин айлади ишцингда шайху шоб цизил.

Лабинг гамида Навоий узин тилар бехуд,
Не тонг май ичса анингдекки лаъли ноб цизил.

**377**

Касди жоним цилди хажр, эй цотили хунхор, кел, Кон тукуб жонимни олмоц истасанг зинхор кел.

Ашк дуррин кузда, жон нацдин овучта асрадим Ким, цачон келсанг, йулингда цилгамен исор кел.

Рухум айрилмиш бадандин гар тиларсен, эй хабиб, Айламак Исойи рухуллох дамин изхор кел.

Айтмон келгил доги цилгил таваццуф лахзае, Келгач-уц боргил, вале жонимни олгоч, бор, кел.

Жон етибтур огзима, дермен лабингга топширай, Лутф этиб цилгил мени жон бирла миннатдор кел.

Дайр аро май ичкали келгум десам, дер мугбача, Бут цошида бош цуйиб боглар эсанг зуннор, кел.

Жон Навоийни, Навоий жонни сенсиз истамас, Ани жоннинг, жонни анинг ранжидин цутцор, кел.

**378**

Сарвдек хазро либосинг бирла, эй нозук нихол, Тутиесен жилвагар, шаккар санга ширин мацол.

Огзингу белинг хадису рамзини билмай яцин,
Эл аро пайдою пинхон мунча тушти цилу цол.

Билгурур юзунг тахидин турфа хатти мушкбу,
Сабзадекким булгай анинг устида равшан зулол.

Иш аро топсам малолат сабрдин йуц хайрати, Дарддин беморга пархез эрур купроц малол.

Эй кунгул, гар тори жисмимда наво йуц не ажаб, Нола цилмас гарчи печу тоб урар саргашта нол.

Хасрат охидин фалакка ут солурмен хар нафас, Не экин хикмат буким топмас асоси ихтилол.

Бегунах туксанг Навоий цонини йуцтур гами Ким, сени курган дами цонин санга цилмиш халол.

**379**

Эй жамолинг равзаси фирдавс богидек жамил,
Лабларингнинг кавсари айнан тусаммо салсабил.

Истамас булса мухаббат ахли ёшин Дажладек, Невчун чекти цазо машшотаси оллингга нил.

Кузума йулунгда туфроглиц тиканким санчилур, Бор биайних сурма ул туфрог, тикан андоцки мил.

Барги гулдек хулла жисмингда сабо тахрикидин, Титрар андоцким кумуш устида бир муфлис бахил.

Эй кабутар, восил улдум, нома келтурмакни цуй Ким, харими ломаконда махрам эрмас Жабраил.

Оразинг ойина, юз махваш сафодин урса дам, Кузгу олким, кургузур юз важхдин равшан далил.

Эй Навоий, бода ол ич хосса бу шукронага Ким, саломатдур асолат гавхари саййиди асил.

**380**

Гулшанингдин елдек, эй раъно нихол, Мен
ёмон бордим, вале сен яхши цол.

Мен-мену бекаслигу айёми хажр, Сен
булу ахбобу даврони висол.

Сурма холимнинг сабодин гах-гахи,
Кунглунга ултурмасун гарди малол

Гар бузуц кунглумни мардуд айладинг, Бок
эмастур узгаларнинг кунглин ол.

Сигмайин куюнгда гар цовдунг мени, Асру
кенг сахродурур дашти хаёл.

Олам ахлида вафо мавжуд эмас, Х,ар неким
йуцтур, эрур топмац мухол.

Эй Навоий, хуштурур озодалиц, Кайд аро
хушлуцца йуцтур эхтимол.

**381**

Белинг солур димогимга тахайюл,
Берур зулфунг хадисимга тасалсул.

Буюрса гарчи ишцинг таркини ацл, Ул
ишни мен цила олмон тааццул.

Юзунг хажрида кунглум музтарибдур, Не
навъ эткай балиг сусиз тахаммул.

Не тонг сенсиз ютуб цон, гам есамким
Керак ул бодага мундог танаццул.

Кадинг титратти хокий пайкаримни, Киёмат
ерга солгандек тазалзул.

Эмас мониъ фано йулига фоца, Керак
рахравга зоди рах таваккул.

Навоий булбулу ёри гул улгай, Агар юз
поя цилгайлар таназзул.

**382**

Лаъли жонбахшингда бир гавхар агар топмиш халал,
Жавхари жоним цабул этсанг анга айлай бадал.

Кайда булгой жавхари жон хам бадал ул дургаким, Оби
хайвондин чицармиш ани гаввоси азал.

Ул не гавхардурки, жон мулки хирожи топцасен, Ацл
саррофи агар цилса бахосин филмасал.
Булди гар бир гавхар урни холий, аммо курки бор,
Нуктадин юз дурга хар соат мушарраф ул махал.

Лафзи дурборинг солиптур рахна гавхар силкига, Гар
инонмаслар десанг бир лафз улур бу нукта хал.

Чарх саррофи цошинда бирдурур дур бирла тош, Тошдек суз келса, дурдек лафз ила цилма бадал.

Эй Навоий, силкидин тушкан йироц дур бобида, Дурри маъни буйла назм этмак эмастур мухтамал.

**383**

Касди жон айлар дамодамким анга юз жон туфайл, Тифл учун гуё цилур хар дам чучуклик сари майл.

Гул юзунгдин келса ашкинг лолагун йуцтур ажаб Ким, бахор айёмида рангин келур, албатта, сайл.

Тушта куз суртар эдим юзунга гуё хат эмас, Булди мужгондин тикан бирла тула хуснунгга зайл.

Барцдин бир ламъау хошоку хасдин кух-кух, Ишц ёлгуз зухду тацво чирикидин хайл-хайл.

Ул саодат ахтарин кургач сиришким цон булур, Чун ацицеким ани рангин цилур тоби Сухайл.

Мазраи ишц ичра сочмоц цобилият донасин, Айлади кук тосидин гуё цазо дехцони кайл.

Зулфу юзи фурцати айёмидин сурманг хисоб Ким, Навоий кузига бирдек булубтур ёвму лайл.

**384**

Гар етар агёрдин юз минг жарохат, эй, кунгул, Чунки бордур ёр учун бор айшу рохат, эй кунгул.

Каъба истарсен мугилон чекса тнл цайгурмагил, Бемаломат топмади кимса саломат, эй кунгул.

Менмену ул ой гами сен хам агар мардонасен, Дарду гам чек, истама кому фарогат, эй кунгул.

Кимга еткай васл ицболи агар хижрон аро,
Сенда булса гам чекарга сабру тоцат, эй кунгул.

Хурдаи розингни асра гунча янглиг цон ютуб, Хар неча цилса жафо ул сарвцомат, эй кунгул.

Дема ишци сузи кам булгай бошнмга урса тиг Ким, бу судин сокин улмас ул харорат, эй кунгул.

Уртадинг охир Навоийни шарори ох ила,
Аига невчун мунча кургуздунг шарорат, эй кунгул.

**385**

Англадинг ё йуцмуким айлар сафар ёр, эй кунгул, Вахки, булдуц ёна хажри илгида зор, эй кунгул.

Ул худ айлар азму мен хам хастадурмен, хам гариб,
ъГох-гохи булгасен мендин хабардор, эй кунгул.

Не борурга цувватим бор, не турарга тоцатим, Бизни бу холатца сен цилдинг гирифтор, эй кунгул.

Бора худ олмон туруб хам чун тирилгум нуцтурур, Бас видоъинг цилдим андин цолма зинхор, эй кунгул.

Махрами гар булмасанг хуштур бу хамким, булгасен, Итларига хамнишину сохиб асрор, эй кунгул.

Гар булубон ногахон толиъ мусоид бахтиёр, Топсанг ул ой бирла сузлашгунча мицдор, эй кунгул

Илтимосим будурурким, барча элдин ёшурун Килгасен мискин Навоий дардин изхор, эй кунгул.

Булса сенлик васл йуцтур хар неча цилсанг талаб, Булмаса матлуб эрур ул дам талабгор, эй кунгул.

**386**

Эй латофат касбида хуснунгга хожатманд гул, Юз гулистон ичра йуц хуснунгга бир монанд гул.

Хилъати хазро била ул цомату рухсор эрур, Рост бир сарвеки цилгайлар анга пайванд гул.

Юзу гамзангдин, мужамдин цон ёш ар зояндадур, Йуц ажаб чун бор тиканга доимо фарзанд гул.

Жолалар эрмас гули садбарг узаким айламиш, Жисмини тишлар била хажрингда юз парканд гул.

Кайси важх ила юзунга даъво эткай чун эрур, Ганжи хуснунгдин мухащщар важх ила хурсанд гул.

Сарв сен, эй гулъузор, ар булса хушрафтор сарв, Гул сен, эй сарви равон, гар щилса шаккарханд гул.

Эй Навоий, гар сузунгни ёр эшитмас айб эмас, Тургони бирла щулощдур, лек эшитмас панд гул.

**387**

Эй манга сенсиз бахору богу бустондин малол, Кайси бустону бахору богким, жондин малол.

Сенсизин кунглум тонг эрмас булса жаннатдин малул, Не ажаб булбулга гулдин айру бустондин малол.

Булмаса кофир кузунг шайдоси мажнун кунглума, Ащлу донишдин танаффур дину имондин малол.

Ишщ тугёнида юз курсатса гулрухлар не суд
Ким, топар мухрищ иситщан мехри рахшондин малол

Куйдурурлар доги дафъ улсун малоли хажр деб, Вой ангакнм, вощиъ улган доги хижрондин малол.

Касрати пайконидин кунглум торищмас, гарчи бор, Эътидолидинки уткач оби хайвондин малол.

Базм аро хар дам щадах кунгли тула хуноб эрур, Мен кеби гуё анга хам етти даврондин малол.

Киблаи мащсад тиларсен дард ущидин гам ема, Истаган тавфи харам курмас мугилондин малол.

Чарх анжумдин щулощща пахталар тищти магар, Гам туни топмиш Навоий чеккан афгондин малол.

**388**

Кеча ул ой бирла эрдим, вах, бу тушдур ё хаёл, Туш эмас, чун йущтурур уйщу хаёледур мухол.

Ишщ изхор айлабон васлин тилар мунглуг кунгул, Бир гадо янглигки, айбин кургузуб айлар савол.

Ораз узра айн янглигдур узоринг узра куз, Наргис узра нуцта янглигдур кузунг устида хол.

Эгма цаддим заъфи хаддин ошти ул юз цошида, Нотавон булган кеби хуршид васлидин хилол.

Йиглабон ул сарвнинг йулига тушсам ноз этар, Су била туфрогдин бош тортцан янглиг нихол.

Хажр тигидин цуруц жисмим цаламдек булди шац, Лек бежон нолалар кунглумдадур андоцки нол.

Ком эрур жонимга ул олудалигдин пок лаб, Эй Навоий, улсам ичмон Хизр нуш эткон зулол.

**389**

Демаким, мастлигдин, цадди булмиш хар цаён мойил Ки, охим елидин хар ёндур ул сарви равон мойил.

Юзи оллида бош сожид, чучук нутцига тил зокир, Хати сабзига куз рогиб, лаби лаълига жон мойил.

Куюндек пуя бирла куйин истармен ажаб эрмас, Ватанга булса бир саргаштаи бехонумон мойил.

Иситсам хажридин мухриц ул утлуц юзни истармен, Неким заъфин фузун айлар, ангадур нотавон мойил.

Киличинг майли тонг йуц булса жони хоксоримга, Не ерким пастроц, су ул ён улгай бегумон мойил.

Махол умид ила кулбамда доим мунтазирдурмен Ки, шояд ул пари бу жониб улгай ногахон мойил.

Агар масжидда кирдим халцаи зикринг аро, эй шайх, Вале майхонаю мутриб сари мен хар замон мойил.

Неча гумрахга исён булса, лекин куптур уммиди, Агар туз йулга кунгли гох-гох улса нихон мойил,

Навоийнинг бузуг кунглини манзил цилди гам хайли, Нечукким тушкали вайронга булгай корвон мойил.

**390**

Анча булди тан уцунгдин ичкари, ташцари йул
Ким, ажал кирмакка, жон чицмоцдадур хар сари йул.

Доира атрофидин марказга чеккандек хутут, Тийр борони фалак кунглумга топмиш бори йул.

Уцларинг захм айлагандин танда хайли гам кириб, Уйла ерга еттиларким, йуцтур андин нори йул.

Куксума хажр ичра тирногларки чекти шохрох, Бу тараф солгай дедим ул шахсувор илгори йул.

Риштаи лаълинг хаёли куз сари келмаккадур,
Буки хар ён чекти ашким цатраи цонлари йул.

Кани муг куйики, пири дайр бирла мугбача,
Уйладурларким топар ул ён йигиту цори йул.

Гар Навоий кукси чокин тикти будур цасдиким, Топмагай дардинг ичидин чиццали тошцори йул.

**391**

Айлади кунглум цуши ул шом гису сари майл, Шаппарак янглигким ул цилгай цоронгу сари майл.

Лаъли хижронида рухсорин тилармен уйлаким, Бодадин махмур булгон, айлагай су сари майл.

Ишцима ушшоц ширкат цилмагайлар деб эрур,
Кунглума бир цотили бебок бадху сари майл.

Еайрдин кунглумни соф эттим юзунг акси учун, Гарчи худбинсен санга булмас бу кузгу сари майл.

Эшитиб ацшом кунгул афсонасин ушшоцдин, Килди мен бедилга навбат еткач уйцу сари майл.

Бу чаманда не вафо булгайки, хар ён гунчаси Зохир этмиш булбул ахволига кулгу сари майл.

Хар тараф мойилдур ул шуху Навоий мунтазир, Кулбаси ичраки шояд айлагай бу сари майл.

**392**

Не ажаб майл айласам йуцлуцца хар дам, эй кунгул Ким, йуц улсам йуцтурур йуцлар кишим хам, эй кунгул.

Фикр этиб билман не навъ эркин кунгул хуррамлиги,
Курмадим харгиз сени бир дам чу хуррам, эй кунгул.

Олам ахлига вафо куп цилдиму курдум жафо, Улфатинг бу хайлдин сен бори цил кам, эй кунгул.

Гар такаллуф цилмасанг сендин эди хар нечаким,
Жонима юзланди дарду мехнату гам, эй кунгул.

Кайдаким хусн ахлидин оламга тушти офате,
Ишцидин цилдинг мени расвои олам, зй кунгул.

Кузларим шуробасин, вахким, оциздинг юз сари, Бир
малохат ахли туккач гулга шабнам, эй кунгул.

Хар париким очти бир девонанинг цасдига зулф, Айладинг
занжирини буйнумга махкам, эй кунгул.

Уткан утти бори, эмди айла бу пандим цабул
Ким, яна цилма хавои жинси одам, эй кунгул.

Чун яна севсанг litbировни чун цориб тарк этти ишц, Бас,
Навоий узрини тутцил мусаллам, эй кунгул.

## МИМ ХАРФИНИНГ МАХБУБЛАРИНИНГ МАЛОХАТИ «НАВОДИР»ДИН

### 393

Зихи мулкунгнунг ун секкиз мингдин бири келиб олам. Бир
уйлук цул санга олам аро Хавво била Одам.

Бериб чун офариниш махвашига хикматинг жилва, Булуб
рухсори нилий бу мудаввар нилгун торам.

Гул ахмар, савсан азрац бу чаман ичра булуб андин Ки,
елдин тарбият кожин аларга еткуруб мухкам.

Нухуд фолин куруб анжумдин аввалги учи мезон, Чу
амринг чарх золин айлабон маккораи цадхам.

Чаманга оташин гулдин чу цуйдунг тоза цонлиг дог, Момуц оц
гулдин эттинг доги узра цуйгали мархам.

Чу ёздинг субхига ёрлиц босарга ол тамгасин, Шафацдин хал
цилиб шингарф цилдинг, мехрдин хотам.

Кусуф ичра цуёшни тобицун — наъл эттинг ой бирла, Хирад
вахм эттиким, хам жинс икки харф эрур мудгам.

Чу боглаб бир-бирига хикматинг бу коргах васфин,
Хирадпарвар мухандисларга сиррин айлабон мубхам.

Итингдур шохлар, йуцтур Навоий итча оллингда, Алар
иттин купу бу ит аёги туфрогидан кам.

**394**

Мен гадо махмуру пири дайр элинда жоми Жам, Айласам ибром, мендин камлигу андин карам.

Эй хушо, муг дайриким бордур анинг атрофида, Хар синуц сойил Жаму синган сафоли жоми Жам.

Яхшироц Жамшид булмоцин гадолиг дайр аро, Узга цилмоц яхшироцким, узгага цилмоц ситам.

Кайгу гар жон цасди айлар жоми май дафъин цилур, Гам нечаким мухлик улсун бор эса дофиъ не гам.

Эй харобот ахли, дунлардин мурувват истаманг, Доги хирмон жонда хушроцким, арозилдин дирам.

Шайх гафлатдин самад зикрин цилурдин яхшироц, Мугки дайр ичра дегай огохлик бирла санам.

Бир цадам нафс узра цуйгил бирни мацсадга дедим, Йул узун деб ема гамким, асл эрур аввал цадам.

Даъвии фацр этсанг, эй зохид, гум ул майхонадин Ким, бу йулда кимсага булмас вужуд улмай адам.

Буки ёр истар эмиш ищцу жунун ахлига цатл, Эй Навоий, шукрким ошиц мену девона хам.

**395**

Хам субхи оразингдур вардиятун-насойим, Хам шоми сунбулингдур мискиятуш-шамойим.

Вах, ул не хублуцтурким, цахр чоги сурса, Юз харфи номулойим, андин келур мулойим.

Бир кеча тушта курдум ул зулф бирла юзни, Бахтим кеби тилармен, булсам хамиша нойим.

Дар кун хаёлу доим будур мурод хамким,
Булсам цошида хар кун, боцсам юзига доим.

Кунглумдин олди ул куз орому сабр нацдин, Бир туркдекки олгай торож ила ганойим.

Суфий кузу кунгулни пок этмаса не осиг, Уткарса тунни цойим ё булса кунда сойим.

Юз ох, эй Навоий, ким ул цуёшца етмас, Гарчи
етар гамидин гардунга оху войим.

**396**

Не итни ул бути бегонаваш итики согиндим, Ит ошнога ёлингон кеби ул итка ёлиндим.

Юзи назораси дафъ айлади совуг нафасимни, Ёланг гадой кеби офтобруда исиндим.

Жунун йулида бу расвога ёпма пардаи исмат Ки, йул цолур агар андог огир либос ёпиндим.

Чу тиг чекти манга булди цатл давлати рузи Ки, эл цочиб, анга-уц мен заъфу хаста сигиндим.

Учурди шуълаи охимни тиги шукрки бори — Гудозу суздин андоцки шамъ гам туни тиндим.

Бурунги ком ажаб йуц гар улса Каъбаи мацсад, Талаб йулинда бу дамким фано самандига миндим.

Сочи кучгул цушининг хар бирига боглади торе, Навоий, эмди сен уткилки мен бу навъ илиндим.

**397**

Уртанур эл фурцатингдин навха бунёд айласам, Кузгалур олам укурмак бирла фарёд айласам.

Емрулур бошимга гуёким фалак гамхонаси, Ул цуёш хамхонам эрканни цачон ёд айласам.

Хажр бийми чун етар гамгин цилур беихтиёр, Васл умиди бирла кунглумни неча шод айласам.

Чарху анжумдин куюбмен айб эмас гар ох ила, Бу неча ахгар била ул кулни барбод айласам.
Дафъ этай дермен жахондин ашк ила гам туфрогин, Бу бузугни сайл ила истармен обод айласам.

Салтанатдин бода ортущдур манга юз щатлаким,
Хушрощ эл бедодидин узумга бедод айласам.

Эй Навоий, хажр аро етти ажал щилгайму сабр,
Ул Масихо ваъдаи васлини миод айласам.

**398**

Бу кун ахли жахондин хаста хотирмен жахондин хам
Демон ахли жахон бирла жахон, биллахки, жондин хам.

Мени жону жахондин хажр ващтиким малул эткай, Ватан
ё мулкдин худким десун, бал хонумондин хам.

Кунгулдин жонга еттим, эй ажал, неткай халос этсанг,
Мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин хам.

Не айрилмощ дурурким, ёр то айрилди, айрилмиш Кунгул
мендин, фигон кунглумдину утлар фигондин хам.

Манга жононсиз улмощ яхширощ, эй Хизр, юз щатла,
Кетурсанг мужда улмощ бирла умри жовидондин хам.

Нафас щатъ улди ул юз фурщатидин, кузгу келтурманг
Ки, мен эмди щутулдим ибтилосиз имтихондин хам.

Ёмон яхшига куп зулм этмагилким, гар будур даврон,
Кутулгунг, кимки андин яхширощ йущ, мен ёмондин хам.

Итига туъма, дарбонига булсун муттако улсам, Таним ул
куйдин олманг, бошим ул остондин хам.

Фащиху—Каъба, ринду — майкада, хушдур Навоийким,
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду андин хам.

**399**

Лоладек юзунг хаёлидин тула щондур кузум,
Балки лола жомидек щон ичра пинхондур кузум.

Ичида су теграсида ёш щобарган шакл ила, Сенсизин бир
тоза щуйган доги хижрондур кузум.

Ел хам эткан шамъ ути андоми бирла уртанур,
Йущ ажаб гар кеча тонг отщунча гирёндур
кузум.

Шохи маржондур цизил раглар, дури галтон сиришк, Бу
зарофатдин биайних бахри Уммондур кузум.

Хар ёрам жисмимда бир хайрон куз улмиш холима, Турфа курким, мунча хайрон кузга хайрондур кузум.

То тукар жонбахш лаълингнинг хаёлидин сиришк, Бахри ашк эрмаски, айни оби хайвондур кузум.

Куз назар йулин тилар тутцай видоъ ашкин тукуб, Куз юмуб очцунча юз кургузки, мехмондур кузум.

**400**

Кадингга туби улубтур мутию чокар хам, Бу ишга адл тонуц сарв эрур санубар хам.

Бир учигаки момуц чирмалибдурур бошогинг, Кунгул яросига булмиш фатилалиц мархам.

Кунгулки, охи тигидин царарди пайконинг,
Мени ул этти сиях рузу тийра ахтар хам.

Ёпишти цонима хажринг палоси, уйлаки бор
Шахидлицда кафан, хасталицда бистар хам.

Ишимни мугбачалар ишци ичра сурса фацих, Денгизки, боглади зуннору чекти согар хам.

Кунгулга шамъи жамолинг солибдурур бир ут Ки, тузмагай анга парвона, бал самандар хам.

Хумор заъфида май бахри ичра гар тушсам,
Еариц мумкин эрур булмогим шиновар хам.

Гадойи васлинг эрур булбул, айла рахм, эй гул Ки, бир царор ила цолмас гадо тавонгар хам.

Навоий айтса гах ёва, гох лол улса,
Не тонгки, музтариб айлабсен ани музтар хам.

**401**

Чу ёпса наъшим уза муг палоси идборим, Белин тонгорга палос узра яхши зуннорим.

Чекиб май ахли хароботу хирца чок айлаб,
Кутарсалар йигилиб наъш ила тани зорим.

Мугона навха била дайр сари азм айлаб, Чекиб
суруди фано ёр, балки агёрим.

Ясарда дайри фано даргахида цабримни,
Борисига будурур илтимосу зинхорим

Ки, дайр пирининг оллида бош цуюб, ер упуб, Ниёзлар
била арз этсалар бу гуфторим:

Ки, мен худ англамай иш сирридин хабар уттим, Иш ул
дурурки, гахи булмасанг хабардорим.

Кадам агар лахадим узра цуйсанг эрмас тонг Ки, булса
равзаи жаннат бу кулбаи торим.

Умидим охир эрур дайр пирининг карами, Гар
эмди мугбачалар бирладур сару корим.

Навоиё, боцибон фазл бахри мавжи сари, Худой
учун тилама тавба бирла озорим.

**402**

Кунглума ёр истабон мехнат келурни билмадим, Жонга
етмай ул хануз офат келурни билмадим.

Сувратин курмак таманно айлабон курмай хануз, Оллима
юз минг ажаб суврат келурни билмадим.

Мен юзин курмай хануз эл васл этар эрмиш тамаъ,
Кунглума мундоц цотиц холат келурни билмадим.

Курмай охир таркин эттим, вахки, мунглуг жонима Васл
етмай жовидон фурцат келурни билмадим.

Ишц куйида бало куп курмагин билдим валек, Ёр таркин
тутцуча гайрат келурни билмадим.

Реш этиб кунглумни улким, деди: мархам келтурай,
Мархам андин ништари хасрат келурни билмадим.

Ул рафицеким анга дедимки, жон айлай туфайл, Мунча
андин жонима вахшат келурни билмадим.

Кунглума асхоб зулми жанбида, во хасрато, Чарх нешин
мархами рохат келурни билмадим.

Ишц шахрохига кирмакни хаёл этмак била, Оллима юз водийи хайрат келурни билмадим.

Эй Навоий, цилмагунча мосиволлох таркини, Комим ичра журъаи вахдат келурни билмадим.

**403**

Зулмати хижрон цилур цатъи хаётим дам-бадам, Эй Масихи, Хизр пай бошимга еткур бир цадам.

Новакинг кунглум аро сингай дебон пайванд учун, Куз цораси обнусу цон ёшим булмиш бацам.

Бошда тигинг жон аро новакларингнинг шархини, Ёзарам доимки бор бу ишда хамдардим цалам.

Ёр келмиш цабрима, хар ён согинманг лолаким, Еайрини уртарга гайрат утлари урмиш алам.

Рух учар хар ён, вале уртар парки хижрон ути, Ох, агар ул тоири давлат бу уттин цилса рам.

Эйки, шохид, кузу зулфу огзига ошуфтасен, Бир тааммул айлаким, бордур бу мацсудинг адам.

Гар Навоий ишци ортар охидин сен вахм цил, Ким учурур шамъни гарчи ёрутур утни дам.

**404**

Лаълингки, согиндим ани жон розига махрам, Билмонки недин хат чицарур цонима хар дам.

Терлаб гул уза сабзанг улубтур тару тоза, Хат гарчи хамиша бузулур булса варац нам.

Бош саждага рогибдур, куз сурмага толиб, Йулунгда ажаб эрмас агар булса цадим хам.

Эл панд берур кунглума, сен новак отарсен, Неткай эдим ул захмга булмаса бу мархам.

Билгилки, кунгул шуъласин изхор цилибмен, Ул кунки, туташцай гам утидин бори олам.

Гар оцибат ахволига мен воциф эмасмен,

Кимдурким анга щолмади бу масъала мубхам.

Гар итти эса хаста кунгул гам ема, эй ащл, Гам
егали бордур, чу Навоий, санга не гам.

**405**

Хажридин куксумни дермен уйла афгор айласам Ким,
ичим холини тошимдин намудор айласам.

Чун мени мажнун шажар яфрогидин щилдим либос, Авло
улдурким гияхдин эмди дастор айласам.

Истарамким, рущъасин гамгин кунгул оромига, Риштаи
жонимга чексам, доги тумор айласам.

Хар сари му бир тил улмиш ишщим ищрорига, вой, Ким
инонгай эмди юз тил бирла инкор айласам.

Телба кунглум бехуду ёр ул тараф юзланди, ох, Дарк
щилмас нешлар санчиб хабардор айласам.

Хажр селоби бузар гар ашку жисмим туфрогин, Хар
нечаким сабр уйи тархига девор айласам.

Хажрдин куксум эрур озурда согар лойидин, Суртубон
мархам тилармен дафъи озор айласам.

Не щазодин келса таслим улмощ авло чунки йущ Суди гар
щилсам ситез, ар узни куп зор айласам.

Эй Навоий, майни то тарк эттим ортибдур гамим,
Истарамким эмди азми куйи хаммор айласам.

**406**

Борди ёру тузмон эл бормощща хам, турмощща хам, Чин
десам, рашк ултурур тангрига топшурмощща хам.

Курсам ул юз кузгусин тагъйир вахмидин эмас, Каттищ ох
урмощща хад, сокин нафас урмощща хам.

Ул паридин лутф агар зулм улса андощ телбамен Ким,
шуурим йущ севунмакликка, щайгурмощща хам.

Ултуруб ёнига мен киммен юзин упмощщаким, Йущ
хадим куйида ер упмакка, ултурмощща хам.

Нотавон жисмимда юз новак фироцинг хайлидин Ким, кучим етмас бирин тортарга, синдурмоцца хам.

Демагил ищцин нихон тутцил мени урёнгаким, Тиги захмин йуц нимам богларга, ёшурмоцца хам.

Тут Навоий, ищци зулмин хуш чу йуцтур ихтиёр,
Ул кунгул олмоцца хам, сен кунглунг олдурмоцца хам.

**407**

Ул цуёш юзлукни хар тун ёд цилмоцдур ишим, Уз-узумга то сахар бедод цилмоцдур ишим.

Баски, фарёд айламактин хар дам уздин борибон, Холима келгач, яна фарёд цилмоцдур ишим.

Телбалардек хар дам айтиб ул пари афсонасин, Топмайин мацтаъ яна бунъёд цилмоцдур ишим.

Ашк этиб сабрим уйин вайрону хар дам ох ила, Ул бузугнинг туфрогин барбод цилмоцдур ишим.

Нахли цаддин чун хаёл айлаб цуюб туфроцца бош,
Саждаи ул сарви хуризод цилмоцдур ишим.

Хажру шавцу чархи мухлик зулми ичра хар нафас, Узни юз бедод ила муътод цилмоцдур ишим.

Гамдин улмасликка боисдур мухол андишаким, Васл умиди бирла узни шод цилмоцдур ишим.

Вахки, ер тутмас неча хар лахза шайдо кунглума, Сабру тоцат шевасин иршод цилмоцдур ишим.

Йигласам таскин топар кунглум, Навоий войким, Ул бузугни сайл ила обод цилмоцдур ишим.

**408**

Гар анинг васлига хаддим йуц, эрур хуш ёди хам, Ул мени ёд этмаса, басдур анинг бедоди хам.

Бог аро рухсору цаддинг жилвасин то курдилар, Булди обу тобсиз гулбарги хам, шамшоди хам.

Лайлию Ширин булуб сендин хижил, мендин доги, Хам анинг Мажнунидур хайрон, мунунг Фарходи хам.

Оллох-оллох, не балодурким, лабу мужгон била, Ёлгуз эл тиргузгучи йуцким эрур, жаллоди хам.

Катл учун кунглумга кирди цурцамким утидин, Тошдек кунгли су булгой, ханжари пулоди хам.

Не бало берахмдур ул ойки, кунглумнинг анга Ёшурун охи асар цилмас, бийик фарёди хам.

Бандаю озодга бедод этар бу богнинг — Сунбулининг хиндуси хам, савсани озоди хам.

Килма зохир давлатию мехнатига эътибор Ким, анинг доги вафоси йуц, мунунг бунёди хам.

Бийми хажридин, Навоий, гар йуц эмин маргдек, Шукрким эрмас муайян маргдек миоди хам.

**409**

Кимсани дард ахли деб сирримга махрам айладим, Уз-узумни куч била расвои олам айладим.

Ахли роз эл оллида одам деса булмас мени, Менки уз розимга махрам жинси одам айладим.

Булъажаб сирримни махфий асрамоц душвор эди, Барча гар Фарход ила Мажнунни хамдам айладим.

Уз гамим ифшосидин оламниким цилдим цора, Иш узумга демаким, оламга мотам айладим.

Айладим жонимга юз бедод, лекин улмаги, Сиррим ифшоси била эрди, ани хам айладим.

Элга расво булмоги булдум не суд эмди, агар Юз туман мисмор ила огзимни мухкам айладим.

Кофири ищц улмоц эрмиш фош цилмоц сирри ищц, Номусулмонлицни кунглумга мусаллам айладим.

Шодмен ахли замон бирла замондинким, узум Айладим уз цисматим андух агар гам айладим.

Эй Навоий, дема сирринг кимсага мундоцки, мен Кимсани дард ахли деб, сирримга махрам айладим.

**410**

Дам-бадам хар кун ул ой бедодини ёд айларам, Кеча турлук-турлук уз жонимга бедод айларам.

Юз жафо цилса манга, бир цатла фарёд айламон, Элга цилса бир жафо, юз цатла фарёд айларам.

Зулфу юзи хажридин гам шоми анжум гулларин, Тунд боди охдин хар лахза барбод айларам.

Узни цатл уммидию агёр цатли биймидин, Лахзае шод айласам, юз лахза ношод айларам.

Комату рухсоридин буе топармен, эй рафиц, Буки хар дам гулшан ичра майли шамшод айларам

Сурманг, эй ушшоц, мендин нукта пири ишц деб, Негаким куймак била улмакни иршод айларам.

Эй Навоий, хар жафо келса ул ойдин элга хам, Рашкдин мажмуъин уз жонимга иснод айларам.

**411**

Эйки аввал цоматинг васфини шамшод айладим, Сарви жаннат булки, эмди сени озод айладим.

Узгаларни давлати васлингда хуш тут, чунки мен Хаста кунглумни гами хижрон била шод айладим.

Хох сен ёр ул манга, хох узгаларнинг ёри бул, Чун мен уз таъбимни бекасликка муътод айладим.

Мужда бер, эй шайхким, тортиб надомат охини, Булхаваслиц жузви авроцини барбод айладим.

Неча мен махрум улуб булгай анга махрам рациб, Шукрким, гайрат тарицин оцибат ёд айладим.

Ул вафосиз ищцини тарк этмагунча тинмадим. Не ёмон соатда бу шум ишни бунёд айладим.

Эй Навоий, хеч билмонким, уногойму кунгул, Анга мунча ажнабий сузларки иршод айладим.

**412**

Етти сузи хажру чектим охи дардолуд хам, Хаста жоним куйдию бошимга чицти дуд хам.

Ким вафо ахлин синуцтурса билурмен ончаким, Куп зиён цилмаса боре цилмагай куп суд хам.

Истаган Мажнун мазорин, келки андин кам эмас, Телба кунглумни ёшургон жисми гамфарсуд хам.

Анжум эрмас гам туниким, ишрат абвобин сипехр Михдуз айлаб, саросар цилди цийрандуд хам.

Муддаи куп кулма идборигаким, ёр оллида, Сен кеби мацбул эдим бир чоц мени мардуд хам.

Куп торицма, эй кунгул, ул шух хижрони аро, Шояд ушбу ишда-уц эрди экин бехбуд хам.

Эй Навоий, булмаса ёре фироцингдин малул, Айрилурда яхшироцким цилмасанг падруд хам.

**413**

Яна фироц утига тушти тоблиг кунглум,
Тараххмеки циладур хароблиг кунглум.

Согинса гунчанг учун цонга эврулур хар дам, Бу юз жарохат ила печу тоблиг кунглум.

Фироцу дард цачон тузса базм кулбам аро, Берур кузум майи лаълу кабоблиг кунглум.

Эрур шарораки хуршид сари боргай тез, Юзунг висолига жахду шитоблиг кунглум.

Юзунгни курдум эса су била балигдек улур, Карорсиз таниму изтироблиг кунглум.

Фано ели цаниким очса чехраи мацсуд
Ки, тан губорида булмиш хижоблиг кунглум.

Навоий гам едию улди доги топти висол, Не топмасун бу сифат хурду хоблиг кунглум.

**414**

Кеча куйдурди фалакни шуълаи тоби табим,
Кундуз ул ойга ета олгайму, ё раб-ё рабим.

Еткурур жонимга офатлар узори узра хол, Рост андоцким, цорариб суга тушкай кавкабим.

Айтдим бошимни фитроцингга чец, эй шахсувор, Деди: бош асрардек эрмас тезликдин маркабим.

Туфрог улдум, ишц, агар цилсанг иморат яхшидур, Хишт цуймоцца фано майхонасида цолабим.

Дахр бозорида умре ишц таврин касб этиб, Ацлу дин нацдинки олдурдум бу эрди максабим.

Маст агар сажданг цилурмен ёпма юз, эй мугбача, Не учунким дайр пири мазхабидур машрабим.

Эй Навоий, тоза жон топтим хамоно огзимга Дурд жомидин томизди социйи нушин лабим.

**415**

Хажри мундоцки, узар бир-биридин пайвандим, Кургай эл хар итининг огзида бир паркандим.

Тори умрум ажал илгидин узулса гам эмас, Тори зулфунгга агар мухкам эрур пайвандим.

Коматинг хожат эрур жонга раво цил аниким, Ноумид улмасун оллингда бу хожатмандим.

Кузга десам, нега ёшингни назардин солдинг, Дерки, гаммоздурур гарчи эрур фарзандим.

Социё, ут кеби боданг била кулбамни ёрут Ким, хумор ичра ул ут хасратидин уртандим.

Айлайолмон сафари дашти фано узлук ила, Эй Навоий, негаким асру огирдур бандим.

Носихо, ошицу девонамену масти хароб, Санга не от цуяр эл, буки дегайсен пандим.

**416**

Нуши лабини хар неча сурдум, усанмадим, Ичмак била хаёт зулолини цонмадим.

Зохид дедики, рахн этибон хирца дайр аро,
Килмишсен анда бутца доги сажда, тонмадим.

Муг пири май бериб, тилади жонни мугбача, Хар неки дедилар цилуридин тожонмадим.

Сархайл эдим бу кеча харобот ахлига,
Ул салтанатни лек узумга инонмадим.

Ацл этти манъ мугбачаю дайрдин басе, Куп угди хуру равзани, лекин беганмадим.

Шукр, эй кунгулкн, булмадим афлок жавридин, Ошуфта холу жохига доги цувонмадим.

Азм эттим, эй Навоий, ул ой сари бу кеча,
Махвашлар очти шуълаи рухсору ёнмадим.

**417**

Бацо дашти нечук цатъ улмасун айлаб мурур айём Ки, хар манзил анга бир кундуру, хар дам анга бир гом.

Булур манзилда турмоц муддате гом урмамоц куп вацт, Бу манзил цатъию бу гомдин булмас даме ором.

Ажойиб цатъи бир манзилда гомидурки, урнидин, Киши тебранмайин хам цатъ улур, хам солилур ноком.

Бу янглиг манзилу гоми зарурий чун эрур воциъ, Хам авло Каъбаи мацсуд сари богламоц эхром.

Сулуку сайрким курмишки гар чилланишин цори Ва ёхуд чилла ичра тифл тенгдур анда субху шом.

Эрур бу турфаким мундоц сулуку сайр аро солик, Эмас уз ихтиёри бирла не огозу не анжом.

Бу андин турфароцким, етмайин мацсадца мингдин бир, Бу йул цатъида туфрог улдилар нул топмайин итмом.

Мусофирким бу йул оллига тушкан тарфатул-айни, Агар уз холидин гофил булур, булгай багоят хом.

Илохий, йул эрур бехад цотиц, манзил йироц асру, Навоий бирла сен булсанг, етар манзилга аввал гом.

**418**

Тишларимдин ики дандонаки чарх айлади кам, Рахналар булди ажал киргали жон чиццали хам.

Хар бино рахнасини тутса булур турфа буким, Мумкин эрмас бу ики рахнани цилмоц мухкам.

Турфароц буки неча цилса риоят тукулур, Бу фано рахнасининг икки ёнидин хар дам.

Демаким, булди ажал кирмак учун рахнаву бас, Ангача йул будурур киргали минг турлук гам.

Юз ситамдур манга тиш рахналаридин, гуё, Тишни синким дедилар, бор эмиш ул сини ситам.

Йуцки тиш сини ситам булдию бас, кузда доги Колмади нури ани доги дегил айни адам.

Тиш ики рахнасидин хасрату гам дуди чициб, Тутти гуё куз ики кузгусини занги зулам.

Тийралик бирла шикастики тишу куз йулидин, Манга юзланди, демак булмас ани курмак хам.

Бул, Навоий, сафар охангига омодаву чуст Ким, булар барча ажал пешравидур фафхам.

**419**

Менки хар дам, дустлар, бедод этардин зор эсам, Дустлар айб этмасунлар душманимга ёр эсам.

Жон фидо цилсам, цилурлар дустлар душманлигим Не ажаб гар дустлуц ойинидин безор эсам.

Дустларга цилмангиз таклиф, эй душманларим, Заъфдин огзимга су томизгудек бемор эсам.

Ёгдурурлар тош цотиц сузлар била, вах не ажаб, Сангсор улгон кеби боштин аёг афгор эсам.

Душманим жон олса хуштур, дуст миннат цуйса йуц. Не ажаб душмандин ар жон бирла миннатдор эсам.

Фориг айлар бу балолардин даме бехушлуц, Бас, тонг эрмас сокини сарманзили хаммор эсам.

Давр аёгидин мени тиргуз дамодам, сощиё Ким, улармен давр зулмидин даме хушёр эсам.

Дилбарим Лайли сифатдур англангиз, эй ахли ишщ, Бу сабабдиндур агар хажрида Мажнунвор эсам.

Эйки, айтурсен Навоий халщдин озурдадур. Юз туман озор курдум, бор экин мен бор эсам.

**420**

Каю манзилки анда хосил улгой лахзае комим, Бу хасрат ултурурким, не учун йуштур дилоромим.

Качон гул бирла сарв андомига бощсам чаман ичра, Бузар кунглумни ёдимга кириб сарви гуландомим.

Тахаррук тощали лаълинг била гунчанг такаллумда, Не жоним ичрадур таскину не кунглумда оромим.

Фирощинг зулмидекдур шоми хажрим муддати, яъни Давосиз дардим ул янглигдурурким, субхи йущ шомим.

Кунгул олдурмасунлар хусн боги гулларин кургач, Сабо лутф айлабон ишщ ахлига еткур бу пайгомим.

Харобот ичра ищщу мастлигдур холим огози,
Не булгай билман, эй пири харобот, анда анжомим.

Риёйи хонащахга келмасам, эй шайх, тут маъзур Ки, гом ургон сойи ул ён кейинрак сирилур гомим.

Сизу нуши висол, эй дустларким, сощийи даврон Фирощу дард захридин тула щилмиш менинг жомим.

Навоий, мен киму софий тараб манлу таманноси,
Мущайяд чун эмас мундощща масти дурдийошомим.

**421**

Май учун дайрдадур оромим,
Дайрнинг эски сафоли жомим.

Дайр пири щулидин бир согар Гар
етар, умрдин улдур комим.

Ёща чоку ялангоч бошу аёщ,
Булъажаб хол ила субху шомим.

Уйнатиб мугбачалар масту маланг, Куфр
помоли булуб исломим.

Жоми расволиц ила хар дам улуб, Олам
ахлига салойи омим.

Менмен узлук юкидин эмди халос, Негаким
цолмади нангу номим.

Эй Навоий, кирингиз дайрга деб, Тацво
ахлига етур пайгомим.

**422**

Не янглиг дей цошинда арзи холим Ки,
цолмас ани кургач дер мажолим.

Хаёлим васлдур гар топмасам хам, Тутар
хушхол доим бу хаёлим.

Кунгулни куп малул этканда хижрон, Висолинг
ёдидур дафъи малолим.

Топиб жон соя гуё цолмас андин, Хиром
этканда ул раъно нихолим.

Колибмен гам юки остида ул навъ Ки,
тебранмаклик эрмас эхтимолим.

Фалак зулмин десанг курмай, май ичкил Ки, бас
мазлумкуштур чархи золим.

Узин гар ултурур гамдин Навоий, Дема
муфритким, улдур эътидолим.

**423**

Утуб санамлар аро бир-бирига куз солдим, Сенинг жамолингга еткач кузум, боциб цолдим.

Не тиг солмоц эрур чун юзунгга куз солгоч, Бошимни даги бурунроц аёгингга солдим.

Не утдурур буки етмиш экоч эриб оцти, Урарга куксума ердин не тошким олдим.

Сариг узору цуруц жисмима фироц ели
Етиб сомонни совургон мисоли цузголдим.

Кадам яна талабингда бошимдин иткумдур, Нединки пуя урарда цадам била толдим.

Не булди цофиласолор узлукум юкидин Халос цилсаки, бу йулда асру товшолдим.

Навоиё, дема жисмингда мунча захм недур, Фироц хайли цитолида буйла тугролдим.

**424**

Зихи бихишти жамолинг келиб менинг чаманим, Хату юзунг бу бихишт ичра сабзаву суманим.

Хатинг вафосида улдум, не тонгки хашр куни, Вафо хати била нацш улса сарбасар кафаним.

Не навъ мур кеби судрай узни куюнг аро Ки, мур судрагудек булди заъфдин баданим.

Еаминг нечукки кунгул кунжини ватан цилмиш, Еамингда гушаи вайронаедурур ватаним.

Гар улмасам итинг ул зулф тобидин недурур, Ер узра судраладургон буюндаги расаним.

Кадахга садца булуб бода шамъидин куйсам, Эмас гарибки, парвонамен, эрур бу фаним.

Навоиё, манга васли махол эрур баским, Муяссар улса йироцтин наззора анлаганим.

**425**

Йуц дема, гар огзингни десам нуцтаи мавхум Ким, анча догн булмади ацл оллида мафхум.

Рухсоринг уза хатму экин ё цалами сунъ, Кун сафхасига тун рацамин айлади марцум.

Жонимга кузунг зулми эмас зулм, будур зулм Ким, мен туратургоч тилагайсен яна мазлум.

Тонг йуц агар ул юз ёритур тийра уюмни, Мехр улди чу мавжуд цилур сояни маъдум.
Хуш ахли сени билмасу мен телба билурмен
Ким, келди пари шеваси девонага маълум.

Май важхи бер, эй шайх, манга чун дираминг бор Ким, бухл эрур барча милал оллида мазмум.

Лаълинг майи ёдидин эрур маст
Навоий, Йуц даврда андоц яна бир
фосици махрум.

**426**

Карог эрмаски, цилмишмен кузум сайли йулин мухкам, Сиришк эрмаски, ул йул беркимай цилмиш тарашшух нам.

Итининг гар аёги куйди утган чогда цабримдин, Сунгаклар туфрогимдин куйдуруб айланг анга мархам.

Кунгулдур ул паридин, ишц мулкининг Сулаймони Ки, хам бор охидин ел хукмида, хам догидин хотам.

Куёшнинг цурбидин ойким хилол улгай эрур андоц Ки, бир махваш санга еткач, ер упмакликка булгай хам.

Париваш тифллардин хар замон ортар жунунумким, Берурлар хушу ацлим цушларига тош отардин рам.

Улустин чицтиму хар дам цочармен соядин хам, вах Ки, ногах ул цуёш сиррин десам ул хам эмас махрам.

Шикоф эрмас цаламдаким фироцим шархи ёзгондин, Ёца чок айлабон чирмаб цора булмиш анга мотам.

Бу эрса майки куйдурди вужудум кишварин атри, Яцин
бил, социёким, жом сиррин билмай утмиш Жам.

Май ич дахр ичраким иш сирридин англай десанг рамзе,
Эрур хар зарранинг мохияти хуршиддин мубхам.

Сахар кун ашхабига чун керактур поймол улмоц, Фалак
майдонига хар тун цамардек сурди тут адхам.

Навоий дарди холидин дам очмас булса, айб этманг, Не
дам очсун бировким, топмади оламда бир хамдам.

**427**

Сарви озодимни бог ичра хиромон истарам, Сабзасин
сарсабзу гулбаргини хандон истарам.

Дард жононимда, балким юз алам жонимдадур, Йущки,
жононимга, бал жонимга дармон истарам.

Тийрадур вайроним онсиз, вах, яна бир щатла хам Ул
щуёшни байтул-эхзонимда мехмон истарам.

Нафъ этар булса хино янглиг кафи пойингга
щон, Чок этиб куксум ани багримда пинхон
истарам.

Эй Хизр, хайвон суйи тут дам-бадамким ёр учун, Садща
щилмощлищ учун хар лахза бир жон истарам.

Муждае бергил мизожи сиххатидин, эй табиб Ким, бу
пайгоминг учун жонимни щурбон истарам.

Ущ кеби щаддин куруб афтода чун кур
улмадинг, Эй Навоий, кузларингда нуги пайкон
истарам.

**428**

Чу бердим жонни, щилма зулм расму щатл ойин хам,
Катилинг булдум, урма новаки гам, ханжари кин хам.

Лабинг шавщида бир девонаи бандий наботи Миср,
Сочинг савдосида бир пустпуше нофаи Чин хам.

Юзунг васфин деб уткан тун дури ашким тукар эрдим,
Тутуб тог кейнин ой кирди, щаро туфрощща Парвин хам.

Лабинг хушум олиб щон ёш юзумга тукса, айб эрмас,
Мукайййиф лаъл майдин маст улур эл чехра рангин хам.

Чу сен сархуш чищиб кунглакча рахшингга бериб жавлон,
Булуб шайдо кунгул бехол ащли маслахатбин хам.

Кунгул сузин щиличинг щилди кам, не айб ох урсам, Су
ургоч утща ортар дуд топса шуъла таскин хам

Жамолннгга нихоят йущлуги ишщим кебидурким, Эмас
мумкин демак мищдорин этмак, балки тахмин хам.

Неча насринбару гулрух эсанг щилгил вафо майли Ки, гул
хам бевафолиг курди бу гулшанда, насрин хам.

Навоий маст бутща сажда щилса не ажаб, эй шайх Ки, чун
дайр ичра кирди ащл учти бошидин, дин хам.

**429**

Яна ишщ аро зордурмен, хазин хам,
Бориб ишщ торожига ацлу дин хам.

Бадан дарддин ранжаву хаста доги, Кунгул
хажрдин зору андухгин хам.

Юзунгдин чаманда су бориб узидин,
Кизармиш уятдин гули оташин хам.

Еаминг тошидин йуцки, захм улди бошим,
Йулунг туфрогидин ёпилмиш жабин хам.

Кузунг Чин газолию остида холи, Анинг
нофасидин топиб мушки Чин хам.

Булуб сожид ул бутца ширк ахли йуц-йуц,
Демон ширк ахлики ахли яцин хам.

Навоий жахондин не нафъ олса булгой Ки,
зиндоне эрур марг айлаб камин хам.

**430**

Тоцибон жон риштасин руцъангни тумор айладим,
Захмлиц куксумга анднн дафъи озор айладим.

Кунглаким ёпншти цонлиг танга андоцким тери, Баски тошлар захмидин жисмимни афгор айладим.

Оразинг хажрида цонлиг кунглум улди лоладек, Догидин савдои ищцингни намудор айладим.

Жонинг олгум деб эдинг, мухликдурур дарди фироц, Колмасун кунглунг сенинг аввал хабардор айладим.

Хирцаву дафтарни келтур, майга рахн эт, эй рафиц, Хонацахдин мен чу азми куйи хаммор айладим.

Дазлати фацру фано вобастаи тавфиц эмиш, Булмади хар неча жидду жахд изхор айладим.

Эй Назоий, фацр йулинда уро олдим цадам, То солиб узлук юкин, узни сабукбор айладим.

**431**

Содаваш ёрим багоят пурфан эрмиш англадим, Ошкоро дуст, пинхон душман эрмиш англадим.

Мен муцайяд хажр зиндонидаю ахбоб ила
Хар кун ул гулрухца азми гулшан эрмиш англадим.

Менки бу хижрон тунида улдуму булмас сахар, Шамъи мехр охим утидин равшан эрмиш англадим.

Дам-бадам охим утиким чицти кунглум захмидин,
Уцидин бу кулба равзан-равзан эрмиш англадим.

Лаълидин эл жон тилаб, мен жон бериб мардудмен, Хотирига цайси иш мустахсан эрмиш англадим.

Бу чаманда кунглакин гул чок айлардин иши, Булбул ахволига хар кун шеван эрмиш англадим.

Эй Навоий, буки кунглумни бирав сайд айламиш, Гам ема, ул чобуки сайдафкан эрмиш англадим.

**432**

Ёр маълум айламиш ошицлигу шайдолигим, Вахки, зохир булди расволиц уза расволигим.

Ул паридин айру бас девоналигдин девмен, Заъфу цовмоглиг эмас куйида нопайдолигим.

Туфрог улдум, ул цуёш хажриндаву суд этмади, Чархи сойирдек ани истан жахонпаймолигим.

Гарчи тушти шамъдек бошимга ут, буйнумга тиг, Булмади кам шоми хижронингда побаржолигим.

Хусн аро чун уйла фард улдунгки, йуц хамто санга, Ишцинг ичра хуш келур дахр ахлидин яктолигим.

Социё, май берки бу дайри кухан авзоида Булди уз нодонлигимни англамоц донолигим.

Эй Навоий, куп нихон тутцум ва лекин оцибат, Ёр маълум айламиш ошицлицу шайдолигим.

**433**

Нега цон ёшим оцизди дилситоним билмадим,
Не гунох айлаб эдимким, тукти цоним билмадим.

Озди кунглум сайр этиб чиццунча ул ой куйини, Кайда цолди ул заифи нотавоним билмадим.

Демадингму, дема, рашкимники боцтинг гайрима,
Билмадим, эй кофири номехрибоним, билмадим.

Сургали келганда заъфимдин узумдин бормишам, Чун суруб цупти, не янглиг чицти жоним билмадим.

Ул пари то жилва цилди борди кунглум, вах, цаён Булди ул овворaи бехонумоним билмадим.

Дустдин билдим нишон, то топмадим уздин нишон Лек уздин токи бор эрди нишоним билмадим.

Эй Навоий, ёр кунгли мехрму цилди аён
Ё асар цилди анга утлуц фигоним, билмадим.

**434**

Кон ютуб умре жахон ахлида бир ёр истадим, Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб, согиндим, ёр эрур, Эрмас эрди ёрлигда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йуцтурур мутлац вафо, Вахки, умри улча йуцтур согиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, вах, гафлат курунг Ким, пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ищцимни, кунгул, куз бирла фош этмак не тонг Калби тардоманни чун мен сохиб асрор истадим.

Шайх бирла хонацахдин чун ёруглуц топмадим, Дайр пири хизматига куйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафице топмадим, бу гуссадин, Узни бекаслик балосига гирифтор истадим.

**435**

Лола руюм бордию ищцин нихоний асрадим, Кузда цон кунглум аро догин нишоний асрадим.

Айлади бир ох дуди бирла элга ошкор,
Ищц утин нечаки кунглумда нихоний асрадим.

Хар замон кунглум халок улса не гам, чун жон аро,
Лаблари шавщидин оби зиндагоний асрадим.

Зойил эрмас ищц бир соат кунгулдин, войким, Ани жонимга балойи жовидоний асрадим.

Булса мехмоним ити, кунглумни щилса туъма хам Айб эмас невчунки, мундощ кунга ани асрадим.

Нащди жонимни бериб май келтурунг, эй дустлар Ким, ани ичмак учун бир дустгони асрадим.

Хонумоним гар щора булди, Навоий, не ажаб, Мен чу бир тун ул кузи, щоши щорани асрадим.

**436**

Чун улармен бир нафас ул дилрабони курмасам, Не хаёт имкони булгай бир кун ани курмасам.

Кунглум ичра топилур гам новакидин юз нишон. Ущидин хар кун танимда юз нишони курмасам.

Кунгул итти, кузни доги истарам ашк этса кур Ким,
тилармен харгиз ул юзи щорони курмасам.

Согинурмен куфри зулфи можаросидин басе, Гар даме ул
шухи кофир можарони курмасам.

Ким вафо гул чехралардин курдиким, мен кургамен,
Булмас ушбу айб ила ул дилрабони курмасам.

Х,ар бири юз миннат айларлар, эрур бу хам жафо, Олам
ахлидин не кунким, юз жафони курмасам.

Эй Навоий, не балодурким, улармен щайгудин, Гар даме
оллимда ул шух балони курмасам.

**437**

Лаълича эмас огзи щилур ващт такаллум, Гуёки
щилиптур бу хижолатдин узин гум.

Х,айвон суйининг гулгулию рашхаси янглиг, Лаълингга
гахи щах-щахадур, гох табассум.

Ишщ ичра нечукким менга йуц сабру тахаммул, Хусн
ахлида йуц сен кеби бемехру тараххум.

Кайтарма, инон зулм этиб, эй шухки, цуймиш Йулунг
аро туфрог уза юз ахли тазаллум.

Майдонда бировни, деди, ултургум уруб тиг, Еткунча
менинг бошима ултурди таваххум.

Чун бода йицор даврда не софу не дурдий, Чун
давр утар хох аламу хох танаъум.

Булбуллар олур нолани таълим, агар этса Бог
ичра Навоий уз-узи бирла тараннум.

## НУН ХАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «НАВОДИР»ДИН

**438**

Эй кунгул, айлама дахр эски работин маскан Ким, работ
улмади харгиз сафар ахлига ватан.

Навсафарсен сену мацсад йироцу маркаб — ланг, Йул
махуф, айлама зинхор ора ерда маскан.

Йул билур цофиладин тушмагил айруким, бор Бу
биёбон аро хам гул купу хам рахзан.

Йул эрур жодаи шаръ доги тушау су, Санга
ойини убудият, анга фарзу сунан.

Йул билур цофила ул навъки дилбар васлин,
Тилабон цилди бори узига йул цатъини фан.

Эй хуш, ул рохрави гармки, бу йул цатъин,
Барци хотифдек этар дахрни айлаб равшан.

Ишц водийси ажаб водий эрурким, хар мур Анда
шерафкану хар пашша эрур пилафкан.

Социё, узлук ила мушкил эрур цатъи анинг, Дермен
уздин борайин жомима цуй дурдийдан.

Уйла утким, киши ичкач бошидин чиццай дуд, Куйгай
андин хираду донишу бал жон била тан.

Еайр нацшидин этиб лавхи замирин софий,
Ёр цолгай доги ул балки бири сирру алан.

Эй Навоий, тиласанг фацр йулининг цатъи, Урма ул сари
цадам фонийи махз улмас экан.

**439**

Ончаким Ширину Лайлидин сенинг хуснунг фузун,
Менда хам Фарходу Мажнундин фузун ишцу жунун.

Гам эмас чун хоки рохидин топармен жон иси, Гарчи
мухлик гам юки цаддимни айлабтур нигун.

Зулфунг оллида фусунгар кузларинг хар гушадин, Гуйи
ул мушкин йилон цайдига айларлар фусун.

Ёгдуруб новак бузуг кунглум иморат айладинг, Гуйиё
пилпуш этиб цуйдунг анга хар ён сутун.

Лабларинг хажринда гирён кузларимнинг цонлари,
Катрае гар томса бир дарёни айлар лаългун.

Хусн айёмида хуш тут зарраларни, эй цуёш Ким, бу
кунларни багоят цисца айлар чархи дун.

Бошим узра фурцатинг тошини курсанг билгасен, Нуцта зохир айламиш гуё Навоий узра нун.

**440**

Бенавомен айру хайли хамдаму хамроздин,
Заъфлиг ул тор янглигким, узулгай создин.

Колдиму ноз уйцусинда туну кун кофир кузунг, Ё
очилмас нотавонлар сари айни ноздин.

Суз демай жон бахш лаълингким улукни тиргузур, Курса
Рухуллах ани дам урмагай эъжоздин.

Хеч жониб куйидин кунглум цила олмас хаво, Уйла цуш
янглигки цолмиш булгай ул парвоздин.

Новак андоз улгали кофир кузунг, эй цоши ё, Кимсага
жон цолмагай фахм айладим андоздин.

То сиришким цилди сиррим фош куздин солмишам,
Эхтироз, эй дустлар, вожибдурур гаммоздин.

Чарх уртангай цуёш утига курганни десам, Ул
цуёш бедодию чархи жафопарвоздин.

Курцутуб элни тамуг, лекин мени цисми азал,
Элга вахм анжомдин, аммо манга огоздин.

Дахр аро не купка чун топцунг бацони озга, Эй
Навоий, озу куп суз дема купу оздин.

**441**

Улча кунглум курди, ожизмен ани изхордин,
Ул цуёш рафторидин ё чархи кажрафтордин.

Сарсари хижрон эсар, вахким, сочинг савдосида, Нотавон
кунглум осилгондек дурур бир тордин.

Тукти захмимдин багир цонини хижрон нолиши,
Уйлаким сицмоц била эл су оцизгай нордин.

Рост ул янглигки сурган ердин ургай сабза бош, Чицти
пайконинг учи хар ён тани афгордин.

Менда биймн хажр, дерлар найлали чоранг дегил, Халц сургондек васият нацл этар бемордин.

Кофири масте йулум урмишки, дайр улмиш ерим, Дайр, аро хам балки чицмон кулбаи хаммордин.

Чун мен улдум кофири ишц, эй мусулмонлар, денгиз Ким, не чорам булгай эмди бут била зуннордин?

Шайх имонин менинг куфрум била тенг тутмасун Ким, яциндур куфрдин хам кечкамен бу ордин.

Эй Навоий, билки булмас чехраи мацсудни Пардадин курмак, хусусан пардаи пиндордин.

**442**

Гарчи тукти цон кузум сенсиз хамон кунглум хамон, Не кунгулдин бир замон чицтинг, не куздин бир замон.

Чун танимни хажр ути куйдурди, ох урсам не тонг, Дуд цилмаи найлагай ахгар уза тушкан сомон.

Хажр утининг дуди куз очмоцца цуймас, охким, Куз юмуб очцунча хижрон зулмидин топмон омон.

Дахр аро яхши-ёмон ичра басе цилдим назар, Дилбаримдин яхши йуц, андоцки йуц мендин ёмон.

Вахшатим дашт узра зохирдур жунундин ончаким, Вахшким Мажнунга ром эрди, эрур мендин рамон.

Социё, хижрондин улдум, айлагил бехуд мени. Куй тулаким, бода ёхуд захр эканни толгамон.

ЭЙ Навоий, бир замон гар васл топсанг айш цил Ким, замонга мумкин эрмас хеч ким булмоц зимон.

**443**

Лаъли шавциндаки богланди кузум устида цон, Ангадур суцбаи пинхон, мунгадур доги нихон.

Заъфим андоцки бузуц ичра хануз улмай мур, Уйига судрабу йуц менда цутилмоц имкон.

Не ажаб кунглум уйин бузса сиришким югуруб, Гунчанинг гунбазини ёшлар этарлар вайрон.

Гуссадин чангдек ар нола цилурмен не ажаб, Эгри цадим аро хар гуша эрур бир пайкон.

Йуц ажаб, етмаса фарёдимаким, куйи аро, Юз фигон ичра нетиб анга етишкай бу фигон.

Оташин гул била булбул дай улуб кетса нетонг, Буйла куп ут била кул ёд билур бу бустон.

Гар Навоий деди хажр утида ишцинг гиласин, Айлама айбки, дер, мухриц иситцон хазаён.

**444**

Коматингдек боги хусн ичра йуц сарви равон,
Оразингдек худ цони сарф узра аргувон.

Сийми соид кургузуб кунглум олди ул цуёш, Кучлук анинг панжасию мен багоят нотавон.

Гам юкидин мен кеби цадди хам булмоц не тонг, Хар цориким дилбари булгай анинг навжавон.

То цароцчи кузларинг дин йулини урдилар,
Зухду тацво мулкидин келмади бир корвон.

Нацди жон истаб мени цийнаса кофир кузунг, Неткамен бермайким ул турк мастедур авон.

Дахр элидин зинхорким вафо цилмон тамаъ Ким, тамаъдин кимсага юзланур доим хавон.

Эй Навоий, гуйиё келгусидур ёрким, Утрусига куз ёшинг турмайин булди равон.

**445**

Куйи туфрогига дафн айланг таним цилмай кафан, Токим ул туфрог бирла топсун омизиш бу тан.

Чоклик кунглум аро хаттинг хаёли не ажаб, Мур хайли ер шикофида цилур купрак ватан.

Юзу зулфи хажридин гул утдуру сунбул тутун, Айтцил, эй богбон, не навъ гашт айлай чаман?

Кофири ишц улди деб шаръ айласа цатлимга хукм, Дайр даргохида зунноримни-уц айланг расан.

Ишц журмига агар дузах насибимдур не тонг, Хажр утига куймак улмиш чун манга оламда фан.

Хонацахда тацви ибрицига май солдим нихон, Айладим байтул-нашот, уйким эди байтул-хазан.

Эй Навоий, май хумига сол мени майхонада, То фарогат бирла ул хплватда тортай дурддан.

**446**

Куруг жисмим утундекдур бало даштида цацшалган,
Анга утканда хижрон корвони ахли ут солган.

Эмас гам шоми бу янглиг цоронгу, билки субхи гам
Кулумдур, балки хижрон тундбоди бирла цузгалган.

Кунгул бирла царору сабру хушу ацлим олмишсен, Чу еттинг, жонни таслим айлайинким будурур цолган.

Бало дарёси эрмастур жахонни бузгудек мавжи, Эрур ашким суйи охим ели эсканда чайцалган.

Фирощннг ранжидин булгач халос улсам ажаб эрмас,
Огир уйщуга боргондек щатищ эмгакда тавшолган.

Айирма бир-биридин жон била кунглумни рахм айлаб,
Берурмен жонни хам олгил, чу сендурсен кунгул олган.

Фано дайрида гар дин нащди барбод улди, топщум йущ
Ки, жамъ улмайдурур харгиз харобот ичра сойголган.

Кил узлук даштини тай истасанг мащсадда осойиш, Не тонг тинса харам ичра биёбон щатъида толган.

Каромотин деди шайху Навоий тарки ишщ этти, Анинг доги сузи куп чин эмас, гар мен дедим ёлган.

**447**

Килмагай гардун щуёшща мужтамиъ хар кавкабин,
Курса ул ой орази даврида тавщи габгабин.

Лабга майдин рангу майга лаълдин жонбахшлищ,
Бермаса гулранг майдин не учун олмас лабин.

Уйла майдон ичра кирмиш тунд ул чобуксувор Ким,
дегайсен чарх уза секреткусидур ашхабин.

Ишщким ёзди хуруфи дард куксум лавхида,
Ошкор этти бало атфоли лавхи мактабин.

Кечалар ул бут лаболаб май ичар гавго била Гар
эшитмас не ажаб дард ахли ё раб-ё рабин.

Не тафовут шурб щилса дурд ёхуд софни, Дурдкашким
ишщ аро софи щилибтур машрабин.

Борибон жонон вафосинда Навоий булди гард, Рух
айрилгон замон туфрощ щилди щолабин.

**448**

Донаи холинг тераргга щуйма кунглум булбулин — Ким
тиларким упса бу тазвир ила хуснунг гулин.

Еофил ул сайёдким, кунглум щушин сайд айламиш,
Оразу хол узра ёймиш халща-халща кокулин.

Демаса сунбул щорариб, гул щизарсун не учун,
Тарщатур жаннат гули узра муанбар сунбулин.

Неча куйсам ёрур ул юз, гуйиёким цилди ишц Шамъи
миръоти учун парвона жисмининг кулин.

Йуц ажаб мен цон ютуб эл ичса согарким, алар
Мул тиларлар лаълидек базм ичра мен лаълинг мулин.

Демаким, дайр ичра не ошуб эди шархин дегил, Риндлар
гавгосин айтай ё сурохий гулгулин.

Умр утуб, бир дам Навоий топса враслингни не тонг,
Йилда бир ой васл ила гул хушдил айлар булбулин.

**449**

Гул эмаским цон этиб афлок бахтим ахтарин, Килди тиги
зулм ила юз пора анинг пайкарин.

Булбул эрмас, чицти куксум чокидин кунглум цуши
Хажр уци пайконлари бирла ясаб болу парин.

Сабзадин эл равшан айлаб кузу лекин мен куруб, Кузда
хижрон хайли захролуд цилгон ништарин.

Ул сочиб сариц, цизил гул яфрогин бустон аро, Ох ила мен ёрутуб хижрон шарору ахгарин.

Не бахор улгайки, эл гулгун цадахдин масту мен Бир тула наргис кеби курмай нишотин согарин.

Хуснунг авроцига, эй гулшан, цувонма асруким, То хабар топцунг совурмиш тонг ели гул дафтарин.

Эй Навоий, майдин осойиш эрур бу важх ила Ким, бахо бермак керак сен ацлу дониш гавхарин.

**450**

Кузумга хажрда бирдек цоронгудур туну кун, Манга фироц туни хох цисца, хох узун.

Нетиб кунгулда хаёлингни ёшурайки, эмас Бу уйни хар сориким айласам назора бутун.

Унунгни бир эшитибмен валек йиллардур
Ки, йуц дамеки цулогимга келмагай ул ун.

Тамом юз очибон фурцатимни васл эттинг, Кеча тонг отцуча равшан булур ой улса тулун.

Яраларимда момуглар эмаски, хажр илги, Бу васлалар била тан хирцасига тикти юрун.

Бу арсада цаю мансуба дафъини цилайин, Солур сипехри мулойиб чу хар дам узга уюн.

Навоий улди фироцингда ул сифат расво Ки, цайда турса улус жамъ улур назора учун.

**451**

Лаъли оц уй углари цонлиг мужам булмиш яцин, Анда мардумлуц цилиб кир, эй махи хиргахнишин.

Хирмани хуснунгда зулфунг сунбули ёнида хол, Мехр тобидин цороргон лулиедур хушачин.

Чун нигин ичра хамиша хат ёзилмоц расм эрур, Сабзада гунчанг кеби хат ичра ким курмиш нигин.

Лаълига рухум учар, лекин улармен рашкдин Ким, анинг сари санга рухул-амин эрмас амин.

Зулфининг хар чинида юз фитнадур дин ахлига, Аргадол ичра цароцчи айлаган янглиг камин.

Фацр аро андоц дацойиицдурки, ишц англар ани Ким, анинг даркида аъмо келди ацли хурдабин.

Эй Навоий, байтул-ахзон келди, хар байтимки бор, Назм этарда хам узум махзуну хам нолам хазин.

**452**

Уюй олсам эшикинг туфрогини ёстанибон, Салтанат тахтига чицмоц тиламон уйгонибон.

Ит кеби хар неча цавсанг урубон тошу кесак, Ёна келгум эшикинг туфрогини ёстанибон,

Васлинга хуй бериб цовма эшикдин мениким, Кунгул узмаклик иши саъбдурур урганибон.

Номаи хажрим анга етмадиким, элтур цуш Йицилур ерга хаводин цаноти чурканибон.

Васл ила уйла сабукборки, хажринг юкини, Тортмишмен мени дилхаста басе эмганибон.

Хар не хац амридурур шукр ила цилким, цилмоц Бандадин яхши эмас хужа иши кунгранибон.

Тонг цуши тортар эса кеча тонг отцуча наво, Эй Навоий, цилур ул ишни санга утканибон.

**453**

Хатингким мехр уза чекти саводин,
Хамоно мушкдин цилмиш мидодин.

Сочингда чун гирихдин узга йуцтур, Не навъ
андин тилай кунглум кушодин.

Ажалдин йуц малолим мундин узга Ки,
цобил цуймагай цилмоцца ёдин.

Булур кунглум уйидин хайр барбод,
Качонким фикр цилсам хайрбодин.

Муроди гар эмас дилбар муроди,
Илохий бермагил ошиц муродин.

Салохин гар курар зухд ичра зохид, Риёву
ужбдинкурмас фасодин.

Навоий топмаса юз цатла улгай. Исинг
бир цатла хар соат сабодин.

**454**

Килди айшим субхини ул шух лаъби тийра тун, Тифл
уйнаб ут учургондин сунг улгондек тутун.

Бошин айландургай элнинг цилсалар наззораси, Купса
мен саргаштанинг туфрогидин ногах цуюн.

Зулф аро солди гирих узра гирих улмай нетай Ким,
хаётин торига тушти тугун узра тугун.

Хажр жисмимда сунгакларни ушотиб куйдурур, Яъни ут
ботроц ёнар, купрак ушотилса утун.

Нахли цаддинг кийди сариг хулла андин сунг яшил,
Норбундекким хазон цилгай кукармастин бурун.

Социё, тонгла хумор ултурмоги имкони бор,
Рух топмоц рохдин боре ганиматдур букун.

Дема кунглунг мазраъида ишц тухмин эк нихон,
Эмдиким хирманга ут тушти цолурму ёшурун.

Хар юрунда бир дирам тикмиш мураццаъ ахли зухд, Хар
тугун узра менинг хирцамда тушмиш бир юрун.

Эй Навоий, зулфининг таърнфига туштунг магар Ким,
сузунгнунг тори хам булди паришон, хам узун.

**455**

Тамуг утига унаб, хажринг утига унаман, Бошим борурга
чидармен, фироцинга чидаман.

Бало бошимга басе келди, цуймадим ишцинг,
Кес эмди ани, йуц эрса булар билан кесаман.

Аёгннга буки цилмон нисор жон нацдин,
Хдцоратидин уёлурмен, эй бегим, аяман.

Бу вахмдинки, булур захм бас латофатдин,
Хаёл бирла доги лабларингга тиш цадаман.

Куруб заиф мени тухмат этма жаврунггаким,
Ёдотти хажр мени йуцса жаврдин ёдаман.

Тугандим уйла фироцингдаким чекарга фироц, Демонки васл нишотин кураргa хам яраман.

Лабинг жавобидаким, ваъда цилди монгсизмен, Йуц эрса умри абад муждасида олдараман.

Мени киши демаса эл малул невчун улай, Киши хисобида мен хам узумни чун санаман.

Навоиё, санга курмон раво анинг васлин Ким, асру яхшидур ул дилрабо, сан асру ёман.

**456**

Не тонг булсам сияхруз ул цуёшдин айру, эй гардун Ки, хажрим шоми циш ацшомларидек булди рузафзун.

Сиришким цонидин хар сабзаким бутмиш, цизил бутмиш, Улус бошига пар санчар масалликким булур гулгун.

Гадолар зарц учун бир телба махбус айлаган янглиг.
Мени олиб юрурлар Вомицу Фарход ила Мажнун.

Кизил тун бирла ётмиш масту бир мисраъ масалликдур
Ки, ёзмишлар дурур шингарф ила ул цомати мавзун.

Йилон афсун цилурдин банд улур зулфунг, не воциъдур
Ки, цилмиш юз кунгулни банд зохир айламай афсун.

Янги ойни цошинг гуё цулум дебтур хилол отлиц, Кади таъзим учун хамдур, булуб бу нуктадин мамнун.

Кизил когаз аро руцъамки сориг ришта чирмабмен, Не очмоцдур сиришку заъф шархи англагил мазмун.

Риёий шайхдурким шайтанатдин тавци лаънатдек, Солур уз буйнига тасбихни хар лахза ул малъун.

Закоти хусн учун, эй мугбача, лутф айла бир согар Ки, дунё бирла диним йуцлугидин булмишам махзун.

Фано шоли чубулгон риштасин тутцил ганиматким, Эрур ут риштаи зар бирла буткан атласу уксун.

Навоий хирцасин таън этма, эй ринди хароботий Ки, махмур улса, улдур важх майга цилголи мархун.

**457**

Гар улсам зарра-зарра ул цуёш тиги жафосидин, Тажовуз цилмагаймен заррае анинг вафосидин.

Хадангинг токи цонлиг куз цораси ичра ер тутти, Эрур милики чицмиш лоланинг доги аросидин.

Ёрур холинг хаёлидин оцарган кузларим гуё, Куюбтур килки сунъ ул нуцтани кузлар цорасидин.

Тешилгай тешадек Фарходнинг багри, анга етса, Униким чирманур тог ичра афгоним садосидин.

Балоедур цора зулфунг ёйилгон дахр аро андоц Ки, ер остида эл озод эмас анинг балосидин.

Казо онча цуёш келтурсаким, тулса фалак жавфи, Эмас юздин бири Юсуф узоримнинг бахосидин.

Танимга тийриборонингни шикоят айламон юз деб, Насибим мунча-ущ эркандур анинг щоши ёсидин.

Агар тиг урса ул щотил, буюнсунмай нетай охир, Не янглиг кимса буйнин тулгагай хащнинг щазосидин.

Сафолим ичра булса дурд, оламни багишлармен, Салотин урганинг шавкат фано дайри гадосидин.

Навонй бенаволищ бирла жон берса ажаб эрмас Ким, ул оромижон огох эмас бу бенавосидин.

Гар ул огох эмас булса керак огох шохеким, Куёш келди бир олтун хишт даргохи асосидин.

**458**

Вахки, вахшу тайр уюмаслар гамим бедодидин, Кеча ит афгонидин бнл, субх щуш фарёдидин.

Чищса тубидин щуёш кургузмагай бу лутфким,
Англадим юз жилва щилган щоматинг шамшодидин.

Гарчи хар дамким согинсам. шавщидин жоним чищар,
Истамон жонимни гофил бир дам анинг ёдидин.

Гам сахобидин ёгар Мажнунга мехнат ёмгури, Дуди охи чищти гуё хотири ношодидин.

Деб эдинг, хажримдин улсанг тиргузай бир тиг ила, Орзу ултурди, вах, уткармагил миодидин.

Ростлищ озодалар ойинидур фахм айлагил, Бу чаманнинг сарви бирла савсани озодидин.

Шайх агар масжидща, мен майхонага борсам не тонг, Эй Навоий, хар кишига чора йущ муътодидин.

**459**

Утда щил янглиг танимни хажр утининг тобидин,
Билмасанг фахм эт гул узра сунбулунг щуллобидин.

Калб эрур кунглумга боглабтур сочинг зуннорини, Турфа буким бир нафас щочмас щошинг мехробидин.
Хаста кунглум гар лабинг уннобини истар не тонг, Нега айрилган жихатсиз хаста уз уннобидин.

Оразингнинг мусхафи тафсири бас душвор эди, Равшан улди холу хаттинг нуцтаву эъробидин.

Сокин улдум дайр аро, то бода ичкан мугбача Жонима ут солди оташнок лаъли нобидин.

Шоми хижроним висол ахлига бехад цисцадур, Ани сурдиклар Навоий дидаи бехобидин.

**460**

Кунгуллардин куруб зулфунг аро утлуц асар хар ён, Туну анжум дема билгил тутун ичра шарар хар ён.

Еараз улдурки, ишцннгдин галатца солгамен элни, Буким истаб суманбарларни солурмен назар хар ён.

Пари рухсоралар тоши мени девона давринда,
Сочилгондек дурур нахли маломатдин самар хар ён.

Дема куйидин эл кетсунки банд этмиш чибин янглиг. Улусни сузда лаълинг нушидин оццон шакар хар ён.

Улус цонини туфроцца тукарни сурма, куз солким, Улар цон бирла туфрог ичра бир хунин жигар хар ён.

Бузуц цабримни курган уцчи дуконига ухшатцай, Фироцинг уцидин анда куруб пайкону пар хар ён.

Ул ой хуснига ищцингни ёшургил дема, эй носих Ки, тутмиш олам ахли ичра шухрат бу хабар хар ён.

Маю маъшуц учун пуямга кулманг, эй салох ахли, Югурмай неткамен, чекса цазо бирла цадар хар ён.

Сени истарда мумкин йуц, Навоий, мултафит булмоц. Нечаким жилва цилса ноз ила бир сиймбар хар ён.

**461**

Вах, не хуштур шахсуворим келса майдон соридин.
Кирпиким бирла оритсам гардни рухсоридин.

Уйлаким етмиш фалак тоцига цуйсам тоц уза, Дуди охимдек цора парни олиб дасторидин.
Ёшибон заррин камар нозук белин цилсам халос,
Тортибон гулгун цабо сарви сахи рафторидин.

Х,ар аёгидин утук тортиб, аритсам юз била, Тер гулобин ул хино ёццан кафи гулноридин.

Неча согар бирла сархуш булса, лекин журъае, Лутф этиб хам хуш зойил айласа бу зоридин.

Маст улуб эл ётсаю мен юз аёгига цуюб, Узни цутцарсам замоне Хизр умри оридин.

Дахри фоний, эй Навоий, туштурур ёхуд хаёл, Давлати боций умидинг булса кечгил боридин.

**462**

Мохиён хавзида ёру хажрида мен цайгудин,
Музтарибдурмен йироц тушкан кеби балиц судин.

Куз йулида телмуруб кунглум согинур, ким мени,
Истамоцца келгуси хар кимки чицса утрудин.

Гар жахоноро эмастур жаннату кавсар бу хавз, Бас ушоц тоши нединдур лаъл бирла инжудин.

Турфа балиглар су ичра хар тараф чирмашцани, Мавж зохир булди пулод узра гуё кузгудин.

Оригида су уни кулмак садосидур, магар Ким, су узидин борур айлаб фарах ул кулгудин.

Суйи захру балиги чун ханжар улди дахрнинг. Не хаёт уммиди бу ханжар била ул огудин.

Чун Навоий цилди куздин хавзу кирпикдин балиг, Куз тутар ул ён келиб цутцорсанг ани цайгудин.

**463**

Йуцтурур бир дамки улмон фурцатинг бедодидин, Ох агар жон топмасам хар лахза васлинг ёдидин.

Сарв титраб ерга цуйди юзни савсан, гуйиё, Бир насим эсди чаман сари цадинг шамшодидин.

Эй кунгул, ул гамза оллинда хазин ноланг не суд,
Куш цутилмас дардлиг афгон чекиб сайёдидин.

Катлни ул куз ажалдин урганиб эрди, валек, Юз маротиб эмди уткармиш ишин устодидин.

Кайгулиц булсанг тула ичкил цадахниким бу сайл, Дарду гам цасрин йицар ичкач ани бунёдидин.

Топмагунг бу бог аро якранг бирла якзабон, Не гули раъносидин, не савсани озодидин.

Гар Навоий кургузур узни такаллуф бирла шод,
Бетакаллуф жонга етмиш хотири ношодидин.

**464**

Ул сабабдин тийрадур кунглум уйи хижронидин Ким, эмас тобон кузум шамъи анинг тобонидин.

Бошига десамки эврулуб упай тобонини, Войким, хар дам аёг тортар бу саргардонидин.

Чун тикондин айру эрмас дойимо гул яфроги, Не учун олур кафи пойин кузум мужгонидин.

Кирпигимдин захм улуб гуёки ёцибдур хино, Ё цизорибтур кафи пойи сиришким цонидин.

Килмамиш тирногларин рангинки пайдодур асар, Куз цораси хар бирига саждалар цилгонидин.

Чехраи мацсуд курди улки цилди тутиё, Гармрав сохиб назарлар сохати майдонидин.

Келмаса равшан зулол, албатта, булур чашма кур, Бас аёц чекма Навоий дидаи гирёнидин.

**465**

Ацлу, жону, кунглум ул ой фурцати озоридин, Бори бир-бирдин малул улмишлару мен боридин.

Шоми хажрим тору бепоёнлигин англай десанг, Фахм улур ялдо туни янглиг сочинг хар торидин.

Бордур андоцким бузуг кунглумда хар ён цону дог. Лолаларким, чицти вайрон масканим деворидин.

Ул пари кунглум цуши цонин оцизган фахм улур,
Очсалар буйнумдаги дафъи жунун туморидин.

Еунчаи васлим очар шамъи фироцим тиндурур, Х,ар насимеким келур гулрух бахорим саридин.

Дахр боги лола бирла сабзасидин кечки, йуц — Еайри цону захр бу шингарф ила зангоридин.

Эй Навоий, нуцтаи айш истасанг майхонада, Бош кутарма май тагори давраи паргоридин.

**466**

Менки хар соат чекармен юз жафо агёрдин, Не ажаб гар юз бало хар лахза курсам ёрдин.

Кимки ёр истар, не тонг агёрдин курмак ситам, Гулбун ичра гул терар эл нешлар ер хордин.

Кимки юз минг зорлиглар тортибон топмиш висол, Туфрог уп оллида мен хижронда улган зордин.

Ошици содиц вафо бирла жафони толгамас, Хуш келур кунглига хар неким келур дилдордин.

Чарх даврин уйла паргор урди меъмори цазо Ким, цадам чицмоц эмас мумкин хати паргордин.

Гар десанг махмурлиц дардисаридин улмайин, То тириксен бош чицарма кулбаи хаммордин.

Эй Навоий, гар тиларсен ёр васлин топцасен, Кеч ики оламдину цул торт йуцу бордин.

**467**

Мехр эмас машъал ёрутцон цалъаи афлокдин Ким, фалакка солди ут рухсори оташнокдин.

Ищцдин куйди танимда хар чурук булгон сунгак, Ким курубтур мундоц авж олмоц чоцин хошокдин.

Бас муносибдур тикар холатда куксум чокини, Ип сувурмоц кунглаким жайбига цилган чокдин.

Саргаронмен ищцдин чопсанг бошимни богла берк Ким, чопарда рахш узулуб цолмагай фитрокдин.
Гар газаб вацти щулига туштуму тиги яланг, Бок эмас олманг мени ул щотили бебокдин.

Маст агар майхонада улдум мени, эй дустлар, Май била юб боглангиз наъшим белини токдин.

Дема поко-пок кеч мендин, Навоий, негаким Покликдин булмагай кечмак сенингдек покдин.

**468**

Бир паривашким кунгул девонадур савдосидин, Гар эрур бандангки озод улманг истигносидин.

Ошищ улса шоху маъшуци гадо, билким чекар, Ишщ гавгоси ани хайлу сипах гавгосидин.

Ошищ улгон аждахо булса забун улмощ керак, Жавр тортиб ишщ куйи муринing изосидин.

Не хавоедур хавои ишщким хар пашшаси, Туъма айлар ащлу тащво Кофининг анщосидин.

Ишщ аро шоху гадо тенгдур, гадо балким фузун, Гар гадолиг айлар улса ишщнинг ягмосидин.

Кимкн раънолищ била ошищ булуб истар висол, Тортингиз отига хат ишщ ахлининг асносидин.

Ишщ атвори Навоийга мусалламдур, ким ул, Юз бало чекти доги улди анинг ихфосидин.

**469**

Мен киммену щилмощ хавас ул шух либосин, Ит билса керак муггтанам идбор палосин.

Гул жилва щилиб базм аро булбул ичи щондур, Уз холинг ила щилма кунгул холи щиёсин.

Мажнунвашим илгида щадах, жабхасида хай, Бу ащл уйин буздию ул зухд асосин.

Лаълинг гами кунглумни далер этти куярга, Май айлади зойил ичидин шуъла хиросин.

Гам мазраъида кунглуму ул щош хаёли,
Дехцонки мудом асрагай узи била досин.

Уз бошинг ила цуйма цадам фацр йулига,
Топмагуча бу мархаланинг рохшуносин.

Шохидни цуйиб, истама зохидни, Навоий Ким,
бу саридур хусн хат, ул сори махосин.

**470**

Тирик цолсам гар узни базми вaслинг ичра солгаймен, Фироцинг шиддатин де олмасам худ ниглай олгаймен.

Кабо бир цатла васли хилватида мени, эй гардун, Неча хижрони зиндонида ул ойнинг цабалгаймен.

Жунун тоши бошингга ёгди деб таън этма, эй носих,
Тасаввур цилмаким, бу сарзанишлардин уёлгаймен.

Нигоринг гар борур, бот келгусидур, ема гам дерсиз,
Хамоно согинурсизким, мен ул келгунча цолгаймен.

Мени даврон бузубтур, сиз ясай олмассиз, эй ахбоб,
Менга не журм азалда чун бузуц мундоц ясалгаймен.

Агар ахбоб теъдодин цилурсиз булмогум сонда, Манга
бас бу шарафким, итлари ичра саналгаймен.

Сабухи васл аро тут бир цадах, эй социйи даврон, Неча
хижрон туни махмурлиц бирла цинолгаймен.

Улармен ё етармен мацсадимга ёнмоц имкон йуц, Бадан
заъфи била йул шиддатидин гарчи толгаймен.

Кунгул уздум, Навоий, куйи тавфидин не тонг, эмди,
Эришса итлари ул куй аро кунглумни солгаймен.

**471**

Ёр ила агёр озоридин андоц зормен
Ким, тани зорим кеби боштин аёц озормен.

Ёр зулми тигидин кунглум кеби мажрухмен, Эл жафоси
тошидин багрим кеби афгормен.

Ёр холим англамоц уммидидин навмидмен,
Халцнинг юз мехнату пайкоридин нокормен.

Гам емак булмиш ишим, йуцтур вале гам ер кишим,
Турфа ишким, гарчи бегамхормен гамхормен.

Жон талошурмен не дардим билгурур, не сиххатим, Не
улукмен, не тирик, не сог, не бемормен.

Гар бошим олиб жахондин чицсам эрмастур ажаб Ким,
малул ахли жахондин улча дерсан бормен.

Эй Навоий, умр агар будур ажал рахм айлабон, Келса
жоним олгали жон бирла миннатдормен.

**472**

Туфрогимдин ахли ишц этса тануре шодмен Ким, ичимда
ишц ути ёнмоц била муътодмен.

Одамилигдин мени шод истаманг, эй дустлар Ким, мени мажнун пари хижронидин ношодмен.

Ишц аро цоздим бало тогини тирногим била, Уйла согинмангки Ширин ошици Фарходмен.

Шоми хажр ул куй аро, эй сарсари хажр, эсмаким, Уйла туфрогменки субх анфосидин барбодмен.

Зулму бедодингдин элга оху афгон солма куп, Зулм агар сен айлагунг мен цобили бедодмен.

Гар бериб цуллуцца хат бир согар ичтим дайр аро, Килмангиз айбимки олам фикридин озодмен.

Эй Навоий, ишц аро гардунга сунмасмен буйин, Лекин ул хуршид агар тиг урса хам мунцодмен.

**473**

Тушта лаълин курдум уйгонмай дебон цайгудамен, Урма дам, эй субхким, бир дам чучук уйцудамен.

Кузгуда то курдум ани цилмагил аксим гумон Ким, кириб цилмоцца васлин жустужу кузгудамен.

Ногах ул цотил нишон айлаб бир уц отцойму деб, Куйида йиллар сунгакдек жисм ила утрудамен.

Ишц бахрининг нахanги деса булгай негаким, Ашк дарёсин чекиб гардунга мен ул судамен.

Холима кулмакка хар захмим бир очилган огиз,
Турфаким мен хам алар кулгусидин кулгудамен.

Хар балият уциким чархи муцаввасдин келур, Гуйиё менменки олам ахлидин цобудамен.

Эй Навоий, ул пари ишцида махрам йуцидин, Телбалар янглиг уз-узум бирла гуфтугудамен.

**474**

Ул ой фироц ила цисмим гам этса найлагамен,. Висоли гайри ичин хуррам этса найлагамен.

Мангаки тори вафо суст айлади, улдум, Рациб бирла ани махкам этса найлагамен.

Хазину ошицу зор этти найладим охир Ки, ишц тиги цатили хам этса найлагамен.

Меники хамдам эдим, цовди, найлай олдимким, Рацибни узига хамдам этса найлагамен.

Чу махрами мен эдим, цилди зулм ила махрум, Висоли махрумин махрам этса найлагамен.

Сипехр мехрин агар мендин этти кам, не илож, Тахайюл уйлаки мундин кам этса найлагамен.

Демангки иста ижозат борурга куйидин, Дебон, замини сиях, мулзам этса найлагамен.

**475**

Оразингни туш куруб то субх тиндим уйцудин, Чун куз очтим уйцудин кун чицмиш эрди утрудин.

Суда булгон жилвагар оё цуёш аксимудур, Ёхуд ул ой зохир айлабтур жамолин кузгудин.

Кеча баским холима гах кулдиму гах йигладим, Тун асардур йигламоцдин, субх доги кулгудин.

Сурманг, эй васл ахли, мендин шодлигким хажр аро, Узни харгиз курмадим бир дам цутулган цайгудин.

Чунки урдунг тиг уц хам ёгдур эмди хар неча
Ким, ёгин нафъ айламас, улким халок улгай судин

Халцаи дарс ичра гавгодин димогим топти заъф, Май тутуб соций даме цутцор мени бу ёргудин.

Эй Навоий, жон олиб деди берай коминг валек Дам ура олмон анга холи бу олгу бергудин.

**476**

Зарварацтин ё кеби цошингда зеварму экин? Ё магар мушкин хилол устида ахтарму экин?

Ел учургон парниён хар ён бурунчак азмидин, Ул пари учмоцца эгни устида парму экин?

Титрагуч гавхарлари бошингда эркин, ё магар Ой бошинда хайъати Парвин мусавварму экин?

Кузгу ичра оразинг аксиму эркин жилвагар, Ё зулол ичра курунган мехри анварму экин?

Сочбогинг ургонмудур сиймин танинг даврида печ, Йуцса хуснунг ганжига чирмашцан аждарму экин?.

Бу чаман гулбунларида хор эканму ё магар, Зор булбул жонининг цасдига ништарму экин?

Эй Навоий, мен худ ул ой васлидин новмидмен, Билмон узгаларга бу давлат муяссарму экин?

**477**

Не бахор улгайки бир гул хажридин бадхолмен, Уйлаким булбул хазон фаслида гунгу лолмен.

Тифл тошидин йицилгон цуш кеби хажр илгида, Куз юмуб, бошим солиб, огзим очиб бехолмен.

Гул кеби юз пора хунолуд булган жисм ила, Дард ила мехнат хужуми базмида помолмен.

Ул махи гулгун цабо бирла тилаб хамранглик, Еута еб гулранг ашким бахри ичра олмен.

Ёгдururлар тош мени мажнунни цавлаб кубакуй, Бир париваш хажридин бозичаи атфолмен.

Берма панд, эй шайхким, ишцида фоний булгали, Журму тоат фикридин озоду форигболмен.

Эй Навоий, хажрдин эрмаски то ёр оллида Муддаи ахволи хуштур, мен хароб ахволмен.

**478**

Мовийи бехол кунглак, вах, не фаррухфол экин Ким, танингга суртулур бу важхдин бехол экин.

Сунбулунг ошуфтаю савдойи улмиш мен кеби, Чун менингдек бош аёгингга цуяр помол экин.

Мушки зулфунг атридур шамшод боши узра шам, Каддинг остида хами шамшод тарфи дол экин.

Донае тушмиш ики товус аро улким дедим, Вусмалик икки цошингнинг уртасида хол экин.

Каффадур гардуни хам хажрим юкини чексалар, Арз жирми ул тарозу ичра бир мисцол экин.

Улки маънидин хабар топти яна дам урмади, Англамон ахли жадал ичра не цилу цол экин.

Сувратин Лайлию Мажнуннинг деди кургач хирад Ким, Навоий бирла ёри шаклидин тимсол экин.

**479**

Чок-чок эттинг кунгул комини хосил цилмайин,
Кескулоттинг нотавон сайдингни бисмил цилмайин.

Х,ажр уцининг манзили булмоц кунгул не судким,
Еткач-уц утти хадангинг анда манзил цилмайин.

Тушмасун хар куз юзунгга, элга хам ут тушмасун, Чицма уйдин парда утлуг юзга хойил цилмайин.

Гарчи хажри рузгорим тийра цилмиш, эй сипехр, Махфилим ёрутма ани шамъи махфил цилмайин.

Ул пари мажнунидур кунглумни зинхор, эй хаким, Банд цилма зулфи цайдидин салосил цилмайин.

Дахр иши олудалигдур, эй хушо, ул покрав
Ким, утар бу жифага кунглини мойил цилмайин.

Эй Навоий, шарт цилдимким цутилсам хажрдин, Неча кунглум десаким ишц орзу цил, цилмайин.

**480**

Ошиц улдум, неча жавр ахли замондин тортайин. Улким ошуби замондур бори андин тортайин.

Ёр ила агёр зулми хаддин утти, вах, неча
Васл учун жавру жафо яхши ёмондин тортайин.

Хажр гирдобидадур кунглум каманди васл бер, Ким солиб ани бу бахри бекарондин тортайин.

Сен танаъум гулбунидин уз фарогат гунчаси, Мен бало пайкони жисми нотавондин тортайин.

Боргали куйига энгимдин чицар гуё цанот, Жавридин десам аёц ул остондин тортайин.

Мехмоним булсанг оллингда ходис тухфаси, Неш тандин-уц кунгулдин, нола жондин тортайин.

Эй Навоий, неча цилгайлар этакдек поймол, Мен доги эмди этак ахли замондин тортайин.

**481**

Чехра ёптинг хаста жонимни анга зор айлабон, Зулф йигдинг телба кунглумни гирифтор айлабон.

Гар муродинг цатл эса жон топшурай, олгил равон, Рахм этиб ултурма йиллар хажрингга зор айлабон.

Дема жавримдин агар ул цочса кимга жавр этай Ким, цочарда азм цилгумдур хабардор айлабон.

Сузки лаълингдин эшитсам уйлаким оби хаёт, Конмон, эй жон, то тирикмен ани такрор айлабон.

Дема мажнун ул пари ищцида менмен дашт уза, Нола чеккан тош ила куксумни афгор айлабон.

Фацр куйида гадолиг гарчи фахримдур валек, Салтанат арз этсалар майл айламон ор айлабон.
Куйи азмида Навоийга наво етса не тонг
Ким, щилур булбул наво оханги гулзор айлабон.

**482**

Шоми хижрон зулматида оби хайвон истаман, Не учунким сенсиз, эй умрум хуши, жон истаман.

Чун тилар кунглум самандингнинг изидин топса наъл, Гайри кунглум сохати рахшингга жавлон истаман.

Чун ущунгдин хар бощщдур щатра су, эй щоши ё, Сендин утлущ кунглума жуз тийр борон истаман.

Истасам лаълинг майин хар дам берур хуноб чарх, Мен худ уз комим била май урнига щон истаман.

Ул париваш тифл тоши таяда дермен тутса ер, Йущса куп девоналигдин узни урён истаман.

Ёр кунглум бузмощ истар, мен хам истармен бузущ, Эл ёшурсун ганж деб бу уйни вайрон истаман.

Эй Навоий, кургач эл хайронлигин улсам, не тонг, Менки гайратдин анга узумни хайрон истаман.

**483**

Коши ёсинму дейин, кузи щоросинму дейин, Кунглума хар бирининг дарду балосинму дейин?

Кузи щахринму дейин, кирпики захринму дейин, Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?

Ишщ дардинму дейин, хажри набардинму дейин, Бу щатищ дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин, Бирининг щайди, яна бирнинг адосинму дейин?

Турфа холинму дейин, щадди нихолинму дейин, Мовий кунглак уза гулранг щабосинму дейин?

Чарх ранжинму дейин, дахр шиканжинму дейин, Жонима хар бирининг жавру жафосинму дейин?
Эй Навоий, дема цошу кузининг васфини эт,
Коши ёсинму дейин, кузи цоросинму дейин?

**484**

Куз охим ути сори шоядки солмагайсен,
Солсанг тамуг утини огзингга олмагайсен.

Дашти висол цадрин Мажнундек англа, токим Зиндони фурцат ичра мендек цабалмагайсен.

Деди, сахар келурмен, гам шоми бехуд улдум, Чиццунча мехр, эй куз, уйцуга цолмагайсен.

Эй тонг насими, ул ён бормай даминг тутулди, Холим демакка борсанг ногох толмагайсен.

Эй куз, суголди ашкинг саъй айлагилки ногах, Сен хам ул ой жамолин курмай суголмагайсен.

Муг дайри, эй муганний, хуштур валек ичмон, То нагмаи мугона базм ичра чолмагайсен.

Гар десанг, эй Навоий, фацр ичра йулни озмай, Кузни тикиб йулунгга хар сори солмагайсен.

**485**

Кимса мендек ишц аро бесабру ором улмасун, Ёр анга бир сен кеби бадмехру худком улмасун?

Гарчи хижрон шоми уткач субхи васл уммиди бор, Шоми хажримдек кишига субхсиз шом улмасун.

Дема, ашкинг нега гулрангу кузунг гулфом эрур, Хеч кимнинг ёри гулрую гуландом улмасун.

Ишц аро Фарходу Мажнунни манга ухшатмангиз Ким, алар хам мен кеби расвои бадном улмасун.

Хонацахдин ташналаб еттим, карам цил пири дайр Ким, тагор улсун ичар зарфим менинг, жом улмасун.

Богласам дайр ичра зуннор, эй мусулмонлар, не тонг, Кофир ул янглигки холо ахли ислом улмасун.

Гар фано бустонига айлар хаво кунглунг цуши, Эй Навоий, олам асбоби анга дом улмасун.

**486**

Лабларинг шарбатини чашмаи хайвонму дейин? Демасам чашмаи хайвон, не дейин, жонму дейин

Тун кунумким ёруг ул юздин эрур, вахки, ани Мохи анварму дейин, мехри дурахшонму дейин.

Кулубон жилва цилур чогда цаду огзин анинг, Сарви раъному дейин, гунчаи хандонму дейин?

Еамзаи цотил ила кофири хунрез кузин Душмани жонму атай, офати имонму дейин?

Ишц дардини десам саъб мени айб этманг, Ишци минг мушкил эрур зимнида осонму дейин?

Ацл агар ишц утидин цочса, нечук манъ цилай,
Шуъладин саъи цилиб цочса биров, ёнму дейин?

Ичмагим зохид агар билди, Навоий, найлай, Сурса суз уйла киши оллида ёлгонму дейин?

**487**

Неча ул чехрани куз лавхида тасвир этайин, Ани курмакка бу суврат била тадбир этайин.

Неча тун тонггача курмакка цуёшдек юзини, Юз тахайюл цилибон, борига тагйир этайин.

Неча уйцу йуцу васлин ясагон туш курубон, Боринг уз кунглум учун топцали таъбир этайин.

Неча йуц ерда хаёлингни тааццул цилибон, Фурцатинг шархи гамин оллида тацрир этайин.

Неча хад сизгали йуц ерда санга холимни, Номалар килки тахайюл била тахрир этайин.

Май бер, эй барахман, ар мугбача ишцида кунгул Булса бадмаст фироци била таъзир этайин.

Эй Навоий, дема жон бергилу илгин упгил, Мундоц ицбол илик берса не тацсир этайин.

**488**

Ишц аро мен кеби йуц бесарусомон булган, Хонумон бузган алохону аломон булган.

Ох дуди била ишц утини зохир цилган, Лек ул дуд аро ахгар кеби пинхон булган.

Тийр борони бало ишц анга ёгдурган, Танида хар сари муй урнида пайкон булган.

Сарсари охи била нахл умиди синган, Сайли ашки била сабри уйи вайрон булган.

Пора-пора жигари дард утидин уртанган, Катра-цатра юраги хажр утидин цон булган.

Ишц дарёси ани мардуми оби эткан, Хажр сахроси аро гули биёбон булган.

Тонг йуц улдум эса ишц ичра жахон расвоси, Кимдурур ошиц улуб оцили даврон булган.

Социё, бодаки ё васли керактур, ё май, Махлас истар эса побастаи хижрон булган.

Мизбонлигда Навоий не ажаб жон берса
Ким, улук тиргузур эрмиш анга мехмон булган.

**489**

Булди аёгинг цора зийнату пероядин, Уйлаки булгай цора шамъ туби соядин.

Зулфунга товус пари холинга олтун варац, Мусхафингга булди зеб ушр била оядин.

Лайлию Ширинга хам айла гахи илтифот, Бекага чун йуц гузир уй цизила доядин.

Кузидин эл уртамак касб этар ул турфа цош, Уйлаки ут олгай эл ёццали хамсоядин.

Васлга йул бермасанг, ищцни тарк эт дема, Суд чу йуц ноумид айлама сармоядин.

Иззу шараф пояси узра внсол истаган, Топмагай уткармайин узини бу поядин.
Васл тамаъ айласанг хажр била бийм этар,
Вой Навоий санга, утмасанг ул воядин.

**490**

Кургузур агёр юз тухмат нихони найлайин,
Ёрким сурмай инонур, бу балони найлайин?

Юз жафо элдин чекиб буким жафогарликка от,
Эл аро пандо цилибмен бу жафони найлайин?

Кимки дарди булса ёр айлар даво, мен ёрсиз
Дард аро улдум, бу дарди бедавони найлайин?

Дам-бадам цонимга тонуглуц берур куз, эй кунгул,
Билмон ул тардомани юзи цорани найлайин?

Юз вафо айлаб халойицца, курубмен минг жафо,
Айламай холицца эмди илтижони найлайин?

Эй Навоий, чун ватанда бир дами хуш урмогим —
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?

**491**

Бало дашти аро Мажнун менингдек курмамиш даврон,
Куюндек хар замон бир курмаган водийда саргардон.

Не андуху малолимга балият даштидек гоят, Не
савдою жунунумга маломат бахридек поён.

Тунум дайжур, узум ранжур, ичим гамноку багрим чок,
Тилим лолу таним бехол, ишим афгон, сиришким цон.

Заифи дарди гам пеша, нахифи мехнат андиша,
Залили бесару сомон, цатили ханжари хижрон.

Фигонимдин фалак гамгин, сиришкимдин жахон рангин,
На дардим утига таскин, на хажрим дардига дармон.

Бошим гам тошидин ёра, таним хажр уцидин пора,
Кунгул бу ёрага чора топарга топмайин имкон.

Кузум намлиц, буюм хамлиц, ичим андуху мотамлиц, Не
хамдамлиц, не мархамлиц топиб бу мехнати пинхон.

Манга не ёру не хамдам, манга не дуст, не махрам, Манга
не чора, не мархам, манга не сабру, не сомон.

Хам ахволи табохимдин, хам охи умр кохимдин, Хам
утлущ дуди охимдин щорариб кулбаи ахзон.

Фалак рахзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Колиб жон хисравидин тан, чищиб тан кишваридин жон.

Навоий булса мехнат куп, ичакур жоми ишрат куп, Неча
булса суубат куп, щилур вахдат майи осон.

**492**

Нола номащдур тонг эрмас мени махжурдин, Не
учунким хажр бедоди утар мащдурдин.

Телбаликда ишщнинг маъмуримен, эй офият, Барча расволищни тут маъзур бу маъмурдин.

Гар десанг хуру пари васлига куз солмай, валек, Боглай олмасмен назарни сен кеби манзурдин.

Улсалар ахли ниёз имкони йущтур гайри ноз, Зохир улмощ шаммаи ул хуснига магрурдин.

Фосищу зохид демаким эсти эрса гам ели,
Совурур гарди фано вайронаю маъмурдин.

Сарнавиштинг хар не булса курмакига чора йущ, Кимса бош чекмак не мумкин оллига мастурдин.

Эй Навоий, ёрга хар кимсаким зокирдурур,
Рози эрмон зикр щилса гайри ул мазкурдин.

**493**

Ёрни дерларки чекмиш юз жафо мен зор учун, Булса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун.

Ёрким ёри учун чекса жафо бил ани ёр, Улса
оздур кимса андощ ёри мехр осор учун.

Ёрлищ кургузди мен жон бирла миннатдорлищ,
Жонини хащ асрасун бу зори миннатдор учун.

Мен не щилгаймен анга лойищ магар минг сарву гул,
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун.

Ростлищ бирла равишким анда бордур, кимда бор,
Хуб экандур улмаким ул цомату рафтор учун.

Улмаким беморлицдин сахлдур чун тиргузур Ани, ё
рабким, саломат асра бу бемор учун.

Эй Навоий, йуц эди оламда ойини вафо,
Хац насиб этти санга сенда бу маъни бор учун.

**494**

Хамул тогеки толиъ булмиш эрди ул цуёш андин, Куёш лаълича бордур бошима хар пора тош андин.

Оти туйногидин мехробваш из цайдаким курсам, Мухол улгай агар олсам бошим бор неча бош андин.

Кузумга уйцу гам шоми нетиб киргайки мардумни, Яциндурким оцизгай сайл руди бирла ёш андин.

Кунгул цони агар тутти кузумни айб эрмастур, Нединким булди олам ичра кунглум сирри фош андин.

Кавокиб наргисию чархнинг цавси кунгул хушин, Не олсунлар, чу олмишлар ани бир кузу цош андин.

Жунун афгонидин тог ичрадур нолам харошида, Анингдекким садо фарёдига тушмиш харош андин.

Кунгул бир ойни истай борди, жон цолди улум холи, Бу хам айрилмагай эрди бу цаттиц йулда кош андин.

Багир парголасин айлаб гизо, цонин цилиб шарбат, Таваццуъ цилма олам ахлидин утса маош андин.

Навоий мукнати цон ёш ила бир ерга еттиким, Булубтур лаъл фарш офоц аро хар ён тутош андин.

**495**

Адаб сиёсати чекти кузумга мужгондин, Синонки бахра далирона олмагай андин.

Не кузки тенгри билурким, кечурмадим харгиз Кунгулда беадабона хаёли жонондин.

Вале не судки, ул шух беадаблиг ила Малул этар мени юз цатла хар нафас жондин.

Гараз манга чу анинг зотидур тафовут йуц, Гули висол била тоза доги хижрондин.

Париму ёки малак, йуцса рухи покмудур Ки, зохир улмади мунча латофат инсондин.

Не тарки ишц учун афсона дерсан, эй носих, Кунгулни мен уза олмон, чу кунглум олгондин.

Навоиё, санга бастур хаёли ошиц эсанг, Киши висол тамаъ цилмас оби хайвондин.

**496**

То мухаббат дашти бепоёнида оворамен, Хар балият келса ишц ошубидин бечорамен,

Эл нетиб топцай мениким мен узумни топманом, Буйлаким ишцу жунун сахросида оворамен.

Кайси захмимга цилурсен чора чун мен, эй рафиц, Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.

Ох дуди ичра бир учцун кеби курган мени, Билдиким хижрон тунига кавкаби сайёра мен.

Кеча уртансам, сахар фарёд цилсам, не ажаб, Ишц аро парвонаву булбулга чун хамкорамен.

Эй харобот ахли, гар сиз маст улуб, мен булмасам, Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.

Эй Навоий, борди деб ахбоб таъжил этма куп, Ит кеби мен эришиб ул корвонни борамен.

**497**

Оху вовайлоки ишцингдин жахон шайдосимен, Хам жахон шайдоси, хам ахли жахон расвосимен.

Курса хуш ахли юцар мендин жунун холимга боц Ким, хирад ахли улуснинг боиси савдосимен.

Ким жунун ахли аро нодонроц ул, донороц ул, Ишцу дард ицболидин ул хайлнинг доносимен.

Олами савдода тинмай пуя урмоглиц била, Подшохи ишцнинг пайки жахонпаймосимен.

Курмакимдин ацли кулга юзланур савдои ишц, Эй кунгул, шахси хираднинг мояи васвосимен.

Дашти савдода хавои ишцу мехнат гардидин, Бесарупо пуялар бирла цуюн хампосимен.

Эй Навоий, холима эл йиглару ул ой кулар, Шукрким бир навъ ила анинг нашотафзосимен.

**498**

Лабингким улук тиргузур жонму эркин?
Агар жон эмас оби хайвонму эркин?

Юзунг шуъласи устида анбарин дуд Ки,
жамъ улди зулфи паришонму эркин?

Бало сайлидин ишц даштида Мажнун Менинг
телба кунглумча вайронму эркин?

Кирор куфру дин ахлин ул шух, билмон
Ки, кофурму эркин, мусулмонму эркин?

Килур телба мардумлиги элни оё,
Париму экин, ёхуд инсонму эркин?

Вафо ахлини куп цилур цатл гардун,
Шафацму эркин ё цули цонму эркин?

Дедилар, биров солди давронга ошуб,
Навоий ул ошуби давронму эркин?

**499**

Чун хаёлингда кунгул бехол эди уз рашкидин, То не хол
улгай висол ичра анга куз рашкидин.

Васлида чун узни махрам курмай улдум, гайрни— Курса
махрам найлагай улким улар уз рашкидин.

Суз дегон эрмишки бир суз деб улукни тиргузай,
Эй кунгул, мен худ дами нацд улдум ул суз рашкидин.

Гул цизил, сариг эмас гулшанда сен курган замон, Оц гул
эрдиким неча ранг улди ул юз рашкидин.

Мехри тобон рашкдин ботти куруб чехрангда хуй
Ким, цуёшца курди мунча тоб юлдуз рашкидин.

Лутфу цахри сарбасар мухликдурур ул шухнинг,
Булмади улмак мени махзунга ёлгуз рашкидин.

Ул цуёш чунким булур кундуз аён, ацшом нихон, Кеча
хажридин Навоий улди, кундуз рашкидин.

**500**

Эй цуёш, ейдинг туман минг зарра бу гамнокдин, Баски
оттинг сарнигун туфрог уза афлокдин

Кушца утдин рам булур, юз войким, кунглум цуши Узни асрай олмас ул рухсори оташнокдин.

Эй мусулмонлар, манга чун зулму жавридур мурод, Бок эмас айрилмасам ул кофири бебокдин.

Пок тенгри ишц аро пок айлаган шукронага, Тортарам юз тухмату минг гусса хар нопокдин.

Ишц куйдурган замон ох урмасам эрмас ажаб, Барц уртар чогда чицмас дуд хам хошокдин.

Ултурур чобуксуворим, мен цуярмен ерга бош Ким, бошимни цилмагай махрум ул фитрокдин.

Кунглакимда цон не тонгким багрима юз чокдур Ким, тарашшух айламас бал цон оцар хар чокдин.

Бода тафрихини ёцути муфаррих бермади, Хуша лаълу дур магар еткурди дехцон токдин.

Эй Навоий, мохвашлардин чу йуц толиъ манга, Бежихат не шиква айлай анжуму афлокдин.

**501**

Юзинда май гулидур ё юзин кургузди кузгудин, Ваё жаннат гули аксини зохир айлади судин.

Юзунгга чун таважжух айладим, цолди цора цайгу,
Кейин тушкан кеби соя курунгач мехр утрудин.

Тушумда дедиким куксунгга бир уц урсам илгим уп,
Курунг толиъким ул уц еткач-уц сескандим уйцудин.
Дема хижрон туни мухлик гамимдин субх саргарди,
Хамоно бул-ажаб холим куруб заъф этти кулгудин.

Бор эрди хуснунг афзун гам туни чун чехра кургуздунг,
Курунур шамъ равшанрощ зухур эткач щоронгудин.

Дема менсиз нечукдурким сени ултурмади щайгу, Санга йущтур хабар мен худ улубмен ушбу щайгудин.

Кадах наззораси хушумни зойил щилса айб эрмас Ки, шохид акси хар дам жилва айлар ушбу кузгудин.

Бу гулшандинки булбул зог ила тенгдур, фирощ авло,
Нетай ул ердаким йущтур арабга фарщ хиндудин.

Навоий Каъба щасдин айласун, эй шайх, дей олсанг Ки,
имкон йущтурур топмощ киши дайр ичра мащсуди.

**502**

Чоклик куксум эшикдур, жисм уйи байтул-хазан, Ул
эшикнинг халщасидур наълу гулмехи туган.

Гул юзунг шавщида тиги ишщ ила булсам шахид,
Булгусидур хурлар гулгунаси щонлиг кафан.

Аргадол ичра щарощчи махфий улгондекдурур, Фитна
хайлига панах зулфунг доги чину шикан.

Чугз ташбихин манга, эй хусн ганжи щилмаким, Мен
ватан бузмишмен, ул щилмиш бузуг ичра ватан.

Судраманг ул куйидин юз захм ила мен хастани Ким,
ёпишмиш остони фаршига щонлиг бадан.

Уйла, эй булбул, бахор улмиш хазон бирла щарин Ким,
дегайсен бир гули раъно булубтур бу чаман.

Юз хиял щилдинг Навоий щатлига, фарёдким, Айладинг
бир тиргузур учун юз ултурмакни фан.

**503**

Хаёлинг келса кунглумга булур озурда мужгондин,
Харамга азм щилган уйлаким хори мугилондин.

Ущунг кунглумга тегмасдин губоре эрди кунглумда,
Губори ултуришмиш то су септинг анда пайкондин.

Кузум хуноби лаълинг шавцидин бахр улди тонг эрмас,
Чициб гулгун бу дарёнинг сахоби ёгса цон андин.

Хатинг нацши бузуг кунглумда айлар цасди жон, вахким,
Булур неши бало хар сабзаким буткай бу вайрондин.

Чаман туфрогин, эй ахбоб, аритманг зор жисмимдин,
Либосин суймангиз хазл айлабон мажнуни урёндин.

Лабинг васфида жонбахш улса анфосим тонг эрмаским,
Дамим ул дам насимидурки эскай оби хайвондин.

Сочинг сарриштасидин бир гирих кунглумда жам улди,
Бу жамъият эрур кунглумга ул зулфи паришондин.

Не гулгун согаре мумкин, не гулрух социе мавжуд,
Жихат будур: Навоий гар тилар кетмак Хуросондин.

Буюрди шайх паймон майдину муг тутти паймона Ризо
йулида не паймонадин цочтим, не паймондин

**504**

Агар ищцинг хавосида ёгар хар жола тош улсун, Нишона
хар бирига дермен ушбу хаста бош улсун.

Юзунгнунг мехридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тула булсун филурий, хар филурий бир цуёш улсун.

Ситам зангин темурдек кунглидин, вахким, цира олмас,
Нечаким нолаи зоримда сухондек харош улсун.

Куёшни булмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих, Огиз
гар зарра, Чулпон — куз, янги ой анга цош улсун.

Агар пайконларинг куз истабон топти кунгул, гам йуц,
Келиб йиглар махал ул цатра сулар кузга ёш улсун.

Сипохи хуснунга бир махчаси рахшон алам булгай, Куёш
кузгусига охим сутуни гар тутош улсун.

Кунгулда сирри ищцин асрай-асрай улдум, эй соций,
Кадах тутким, харобот ахлига фош улса фош улсун.

Кунгулга жон била бир догинг оздур, цуй яна бир хам.
Неча икки гадога бир дирам узра талош улсун.
Уларда тенгдурур шох айласун гулшан гулин мафраш, Вагар
гулхан кули узра гадо сохибфирош улсун.

Навоий ашк дурридек тиларким кузда ер бергай,
Агар ищцинг хавосида ёгар хар жола тош улсун.

**505**

Хущщаи лаълингда куптур хурдаи маъич нихон,
Ушбу маънидин ани гуёки дерлар хурдадон.

Хуш ила сабрим сипохи уйларин куйдурди ишщ, Хар янги
догим ул уйлар урнидин щолмиш нишон.

Кузда ашким щонидин хар сори кургил щатралар,
Нущталар янглигки щуйгайлар щачон ёзилса щон.

Тиг чун бошимга еткурдунг таващщуф щилмаким,
Су мащом этмас бийик ердин щуйи булмай равон.

Бир момущ тищщан щулощдур хар ярам мархам била, Хаста
кунглум баски ущи захмидин тортар фигон.

Жоми дурд бирла йищ, эй сощийи даврон, мени
Ким, улармен ишщ куйида согалсам хар замон.

Эй Навоий, эмин эрман зухд аро мундин нари,
Дайрни маъман щилай, гар умрдин топсам амон.

## ВОВ ХАРФИНИНГ ВИЛОХАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВА^ОЕЪИ «НАВОДИР»ДИН

### 506

Фалакдин гар манга хар лахза юз щайгу келур утру, Агар хар
щайгудин сунг бир севинмак бор, эмас щайгу.

Ва гар хар тийраликка бир ёруглущни инонмассен, Йиги
кур чархдин хар шом доги субхдин кулгу.

Камол истар эсанг сидщ ахлидин щилма кунгул тийра
Мукаддар айламас хуршид субх анфосидин кузгу.

Сафо ахлига гулрухлар хаёлидин тагайюр йущ, Качон гул акси
тушмаклик била гулранг булгай су.

Тиларсен гафлатингни рафъ этиб огохлар нащлин Ки,
гофил элга ул афсоналардин кам булур уйщу.

Бацо нацди хаётингга чу эрмас бир замон маълум, Дирам
нацдига умрунг хар замон сарф этмагил асру.

Жунун занжирида ошиц ёнида хийлагар зохид, Киши
курса тасаввур айлагай шер оллида тулку.

Кунгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен гофил,
Торицма хажридин купким эмассен ёрдин айру.

Фанонинг хам фаносин истагил васл эрса комингким, Бу йулда восил улмакнинг тарици ушбудур ушбу.

Кетур бир бода, эй социйки, ичсам цолмагай боций, Фанодин бал, бацодин хам замирим лавхида белгу.

Навоий дайр аро маст улса, шохдин панох андин Утарда тутцуси, албатта, бир согар чициб утру.

**507**

Каён цилса хаво ул турфа цуш уйцум олур цайгу, Вагар кулбамда бир тун цунса худ куздин учар уйцу.

Фироцинг шомида субхи висолинг ёдима киргач, Келур хар лахза тинмай йигламоц ичра манга кулгу.

Куёшим сарвдек цад бирла хар ёнким цилур жилва, Аёги остида, вах соядур ё сунбули гесу.

Янги жон топцамен булса лабинг оби хаётидин, Уларда огзима чун томизурлар пахта бирлан су.

Лабингнинг холидин жон истадим, ул олди жонимни, Гунах мендиндур, андин йуц чу ишни акс этар хинду.

Кул улдум холу зулфу цаддинга гар жаврдин цочсам, Эрур куксумда хар ён дог ила наълу алиф белгу.

Кадах миръоти рух, эй социю махмурлуц ранжи, Мени ултурди, бовар цилмасанг цуй огзима кузгу.

Чу даврон бевафодур неча сохиб жох эсанг, эй шах, Гадолар хотирин асраю магрур улмагил асру.

Ичар эрмиш ул ой ушшоц ёди бирла согарлар, Сени ул эл туфайли, эй Навоий, ёд цилгайму.

**508**

Оху ашкимдин шикоят айламиш ул тунд ху, Не дей олгайменки бир огзида утдур, бирда су.

Жон физо васлин цилурмен ком мухлик хажр аро, Жон берур эл айлагандек умри жовид орзу.

Муддаиларнинг хужуми бул-ажаб холимгадур, Ногахон цилган кеби кургач гариб итлар гулу.

Мену кунлар юз бало сен ком ила юз айш сур. Мену тунлар уйцусизлиц, ноз ила сен хуш ую.

Социё, чиний идиш бирла такаллуф цилмаким, Бетакаллуфларга хушроцдур сурохидин сабу,

Хуру жаннатдин муродим давлати дийдор эрур, Ёрсиз богу канизи беш эмастур улу бу.

Ишц даштига фанодин нори эрмиш юз хатар, Эй Навоий, ёр ишцида бериб жон булдиму.

**509**

Кунглуму багримни гамзанг тиги айлар ков-ков, Йуц ажаб гар цон оцар икки кузумдин нов-нов.

Хайли хаттинг чергаси юз даври узра гуйиё Ким, ики мушкин газолинг сайд этарга булди ов.

Ишцинг ути шуъласин муфрит тилар мажнун кунгул, Уйлаким девоналар доим тилар цилмоц олов.

Ишц бошимдин чицориб узлукумни урди тиг, Ани боштин сов этиб, бошни танимдин цилди сов.

Зохидо, ишцингни ёшур дерсен, андин сунграким, Холима ташниъ ила солдинг бари оламга чов.

Кайда мумкиндур алифдек чицмоц элдин хоссаким, Кун аро олти жихатдин цолмишам андоцки вов.

Эй Навоий, тиг тортиб, чобукум жавлон цилиб, Бошима еткач, дедим: тарк эт урушни, деди: ёв.

**510**

Сипехри ойинагун гар дамимдин улди цоронгу, Асар йуц эмди дамимдин цуюлса огзима кузгу.

Фироц базмида эрмас сурохий огзида цул-цул Ки, цилди цах-цаха бирла гариб холима кулгу.

Сипехр бахрига боцсанг юзунгга акс дурур мехр, Курунур икки цуёш чун булур цуёшца су утру.

Юзунгда цатраи хуй хол нуцтасинму ёшурди, Ваё чумуб нафас асрар хаёт суйида хинду.

Нетиб хабиб висолин тамаъ цилай мени шайдо Ки, телба беадабу тунд хуй эрур пари асру.

Ёруц гар улмади шамъи муродинг, айтма куп суз, Киши цазо била булмас урушмоц айлама ёргу.

Навоий, истар эсанг ёр лаъли комини, жон бер, Узунг де элга тирилмаклик улмагунча булурму.

**511**

Кад эрмаски, сарви хиромон эрур бу, Лаб эрмаски, гулбарги хандон эрур бу.

Кунгул ичра ул ой менгининг хаёли, Гумон цилмаким доги пинхон эрур бу.

Багирдинки куксумга пайкон тиралмиш, Еаминг уцидин нугн пайкон эрур бу.

Кузум бахрида цатрадин дур топилса, Ажаб булмагай бахри Уммон эрур бу,

Бузулган кунгул мулкига цилма хайрат Ки, то сайли гам етти вайрон эрур бу.

Халок айласа гам туни жонни хар дам, Не тонг, эй кунгул, шоми хижрон эрур бу.

Еамим хаддин утти кетур, социё, май Ким, ул мухлику оби хайвон эрур бу.

Саломат хавасланди шайху согинди Ки, зухди риё янглиг осон эрур бу.

Замон ахлида йуц вафо, эй Навоий, Тилаб йуцни топмоц не имкон эрур бу.

**512**

Кофургун либос аро ул сарвиназ экинму? Ё шамъи хажр дафъига шамъи тироз экинму?

Катл айларида дахр эли бош цуйдиларму эркин? Ё циблаи жамолига эл саждасоз экинму?

Елму нихолларни чаманда хам этти ёхуд Ул
сарвиноз оллида ахли ниёз экинму?

Куз бахру кони булди нисор анга нацди жон хам, Буким тараххум этмади, билман бу оз экинму?

Ягмо солурга хар тараф отланди ул ситамгар, Кунглум вилояти сари бу турктоз экинму?

Ушшоц ищц бодиясин цатъ этарда оё,
Маъшуц куи цасдлари ё хижоз экинму?

Кунглунг, Навоиё, сочидин кеч, етар юзига Ацшом цорангу, йулда нишибу фароз экинму?

**513**

Лабингга то етибтур бармогим хайратдин эркинму? Ки, тишлармен ани хар лахза ё лаззатдин эркинму?

Чацилгач барци хуснунгким, халойицнинг кузи ёрур, Менинг уртанмагим ул шуъла ё гайратдин эркинму?

Сочинг рангу исидинким, димогим булди ошуфта, Бу савдодинму эркин, йуцса ул накхатдин эркинму?

Насиме еттиким рухумни цилди тоза, вах, билмон Ки, анинг куйидин ё равзаи жаннатдин эркинму?

Танимда тошлар зарби, ичимда нешлар захми, Жунун бедодидин ё ищц аро шиддатдин эркинму?

Тамуг ути бу янглиг тез экинму, эй кунгул, ёхуд Анга мунча харорат шуълаи фурцатдин эркинму?

Буким олам аро ищцим сузидин узга суз йуцтур, Утум таъсиридин эркинму ё шухратдин эркинму?
Ичимда заъфедур, соций, цадах бер, гарчи билмонким, Хумор осебидин ё давр аро мехнатдин эркинму?

Фано лофин уруб узни улусца айламак мухтож, Бу даъво ичра кизби махз ё химматдин эркинму?

Мену муг дайриким, хар сойил анда шах сари боцмас,
Дегин, эй шайх, химматдинму ё шавцатдин эркинму?

Навоий кунгли ёниб ишцидин куймакни бас цилмас,
Надоматдин анга ё эртаги одатдин эркинму?

**514**

Олди чун илгига ул хури суманбар кузгу,
Аксидин цилди аён рухи мусаввар кузгу.

Жавхари хуснин агар кунглида цилмайдур нацш, Не учун
топти жавохир била зевар кузгу.

Уйлаким ой цуёш оллига келиб булди мунир,
Рубаруюнгда цилур узни мунаввар кузгу.

Оразинг ойинаси хажрида куксум булмиш, Хар
тараф эски тугон бирла саросар кузгу.

Ой сари боцмаю хуршидни миръот этким,
Кургузур эгри эмас булса мудаввар кузгу.

Тиласанг файз кунгул айла хавотирдин пок,
Айламас акс цабул улса мукаддар кузгу.

Майда соций юзи, соций юзида май курдум, Эй
Навоий, бу сафо цайда топар хар кузгу.

**515**

Юзунг баёзида ул холи мушксо хинду,
Еариб тушти Хутан кишвари аро хинду.

Не хол эрурки кунгулни рабуда айлаб олур, Киши
бу навъ цачон курди дилрабо хинду.

Кора кузунгки вафо айнидин манга боцмас, Ажаб
эмастур, агар булса бевафо хинду.

Тутуб цуёш уза маскан солур жахонга бало,
Юз узра холинг эрур воцеаи бало хинду.

Кунгулни олса малохат била тафовути йуц, Хитоий улсину
ё армани ва ё хинду.

Тенг улди булбулу зог ушбу бог аро, яъни Фасохат ичра качау юзи цора хинду.

Навоий этти узин уйла турк хиндуси Ки, ахли Чину Хито булдилар анга хинду.

**516**

Агар ошиц этса висол орзу, Аён этмиш
улгай мохол орзу.

Анга баски цилгай агар берса даст,
Йироцтин курарга жамол орзу.

Куруб огзим, истармен ул чехрани, Сусиз
айлагандек зулол орзу.

Суга, йуцса кузгуга солгил назар, Гар этсанг
узунгга мисол орзу.

Хам ошуфта, хам тийрадур булгали
Замиримга ул зулфу хол орзу.

Куёшдек манозил тай этмак керак, Не
рахравки цилгай камол орзу.

Навоий тилар эди шоми цошинг, Улус
айлагандек хилол орзу.

**517**

Кузумдин учти яна ёрсиз бу шом уйцу, Яна тонг отцуча
булди манга харом уйцу.

Мен уйцудин тунгулубменки ёр кетса учар, Чу келди хаста
кунгулдин чицар тамом уйцу.

Эл уйцусин агар ул шух этмади торож, Ики
кузинда недур ноздин мудом уйцу.

Не цушдурурки учиб ишц хою-хуйидин, Куз
ошёнида цилмас яна мацом уйцу.

Кузунгга суди учун нацди жон берай, гар ул Кузумга куз
юмуб очцунча берса вом уйцу.

Тушунгга киргали ул шухи масти хоболуд, Тилармен
айлагамен туну кун илтизом уйцу.

Бировга давлати бедор ёр эмас, эй шайх Ки,
шархи воцеа айларга цилди ком уйцу.

Фасона боиснигафлатдур элга воиздин, Нединки келтурур
афсонаваш калом уйцу.

Навоий айласа куз тутиёси гарди фано, Зиёни
йуц анга булса алад-давом уйцу.

**518**

Эй йулунгда подшоларга гадолиг орзу,
Уйлаким булгай гадога подшолиг орзу.

Уцлар урди зухду тацво жонига усрук кузунг Ким, яна
булмас кишига порсолиц орзу.

Топсам ул бегонаваш бедодидин махлас яна, Килмагаймен
хубларга ошнолиц орзу.

Лаълидин ком истадим, жонимга етти юз бало, Лек
жонимдин кам улмас бу балолиг орзу.

Эврулуб ул тифлваш бошига ою кун цилур, Ул анолиг
орзу, бу бир атолиг орзу.

Андоц олди дилраболар кунглини ул дилрабо Ким, парига
эмди булмас дилраболиг орзу.

Куйида жоним фидосидур, бу маъни бирлаким, Оллида
доим цилурмен жон фидолиг орзу.

Гар замон ахли жафосига чидарсен иста ёр, Чун топилмас,
истама ани вафолиг орзу.

Давр элида чун сафо йуц базм давринда магар, Жом
ичинда май не цилгай сен сафолиг орзу.

Кайси гумрах комили рахбар аёги туфрогин, Тутиё
цилдики, цилмас рахнамолиг орзу.
Эй Навоий, дахр богида чу йущ баргу наво, Барги фащр эт,
истама узни наволиг орзу.

**519**

Фирощинг ичра ишим изтиробдур асру, Тараххум айлаки,
холим харобдур асру.

Кузумдин ашк туганди, кунгулдин ут учти, Гамингда бу
ики беобутобдур асру.

Фирощинг утида ранжимга йущ хисоб, улма Билурга
ранжаки, ул бехисобдур асру.

Жамол даврида ушшощ кунглини асра Ки,
хусн хайлига ойин шитобдур асру.

Бирорта шифтаи жону кунгулга рахм айла Ки, бу
харобдур, ул бир ябобдур асру.

Ангаки масжид аро етмади кушод, не гам, Етишса
майкадага фатхи бобдур асру.

Навоий андин эрур гусса туфроги ораст Ки, кунглин
олгали олижанобдур асру.

**520**

Кад эрмас равза сарви нозидур бу, Калом
эрмас, Масих эъжозидур бу.

Дедим: ишщингда улмак топтим анжом, Кулуб дерким,
хануз огозидур бу.

Берур щатлимга огзи ваъда пинхон, Менинг
бирла нихони розидур бу.

Килур щаддинг хавоси кунглум, эй сарв, Бийик химмат
щуши парвозидур бу.

Гамингда май берур кунглумга щувват Ки,
фурщат ахлининг дамсозидур бу.

Фано даштига кунглум чекти тиндим, Улустин,
вах, не дилкаш ёзидур бу.

Юзунг богига булбулдур Навоий, Наво
щилса, анинг овозидур бу.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ХАЛОКАНГИЗЛИГЛАРИ «НАВОДИР» ДИН

**521**

Юсуф эрмас чу малохатда жамолингга шабих, Хуснушта
ани малих улмагай этсам ташбих.

Одам асроринing ижмолини цилдинг тафсил,
Мундин эркинки дединг алваладу сирру абих.

Чун берур бог гулу шура тикон, сен очибон,
Лутфдин гул нечаким хори жафо урса сафих.

Восил улди нафасинг рухини англаб ориф, Шаръ
тузди, чу анинг зохирини билди фацих.

Андаким сен чекибон иззу назохат этагин, Йуц
жанобингда малойикка махалли танзих.

Хам цамар шацчнн ишорат била айлаб зохир, Хам шажар
машшин иродат била айлаб танбих.

Кимки сендин эвуруб чехра цора топиб важх
Ким, хадисингга цилиб таън дебон бетавжих.

Ой тулуъ этса булур мехри жамолинг зохир Ким, булур
фахм жамил оллигаким келди карих.

Гар Навоий сари махшарда назар айламасанг, Сацару
нордек улгай анга хулду мофих.

**522**

Тикмагаймен тиги захмин улсам ул озор ила,
Булса Исо игнаси Марям игирган тор ила.

Доглар шаклин киши куксумда курса фахм этар Ким,
балони анда тикмишлар магар мисмор ила,

Кук равоцинда цуёш васфини цилманг, чунки мен Куйида
хурсанд улубмен сояи девор ила.

Юзу зулфи ищцида кофир, мумин ё ахли дин, Буйлаким
музхаф хамойил цилмишам зуннор ила.

Сабзаи хат ёрутубтур оразинг миръотин, ох, Кузгуга
бу навъким бермиш жило зангор ила.

Согинурлар цон ила булмиш мунаццаш кисватим, Хар
ён этсам азм бу урён тани афгор ила.

Давр аёгин, социё, хуш тут, дамеким йуцтурур,
Хушлугум давр ахли, балким гунбади даввор ила.

Бору йуцнинг мехнатин чекмас бу давлат басдуруд Хар
киши оламда цониъ булса йуцу бор ила.

Кукка еткай боши цуйган лахза шох оллида бош, Гар
Навоий ичса май шохи фалак мицдор ила.

**523**

Ингали куктин балолар зинадур цилсанг нигох, Хажр
утидин тортсам тобу шиканлик дуди ох.

Зулфининг хар халцасида бир шикандур уйлаким, Хафс
занжирида хар тавъ ичра бир ахли гунох.

Буки охим тийр борони борур гардун сари, Гам сипохи
ингали кунглумга улдур шохрох.

Тиг сурмай нетсун ул цотилки турмай икки куз, Конима
дорил-цасоси ишц аро булди гувох.

Буки урдунг бошима хар тук хисоби тиги жавр, Булса
булмас хар сари му булса бир тил узрхох.

Дайр аро жон бер Масихи дам била, эй мугбача Ким,
хумор ултургудек холимни айлабтур табох.

Кирпигингдин цочти юз сари Навоий тонг эмас,
Хордин гар цилса гул цолцонини булбул панох.

**524**

Гулгун енг ичра илгин ул мушкбу газола, Ё
ранг цилди мушкин ё цулга тутти лола.

Ошуфта сочин ул гул йигдию тишлаб урди Гарчи
цилур паришон сунбулга етса жола.

Санчилмамиш гажакким жону кунгул чекарга, Ойирди
икки цуллоб ул анбарин кулола.

Юз давридa цирондур ё анжум инжусидин,
Гардун териб мудаввар цилди цамарга хола.

Ёглиц иликда тах-тахким нацши хат ёзилмиш, Жавру жафо фанида ёздинг магар рисола.

Раззоц хацни англа хар вацту хар маконда, Хар кимга рузи улса хар хонда, хар навола.

Фарёдинга ул ой чун етмайдур, эй Навоий, Недур фалакка хар дам еткурмак оху нола.

**525**

Гар дурдии хум булсун агар соф пиёла, Ичкум чу азалдин, манга бу булди хавола.

Тан шишасида умр майи уксуса гам йуц, Эй социйи гулчехра, тула айла пиёла.

Сен май ичибу рост цилиб соз ила оханг, Мен цон ютубу тортибон афгон била нола.

Юз тацвию зухд ахлин этар масту паришон, Ул наргиси сармасту ул ошуфта кулола.

Гулгашти чаман хуштур агар социю мутриб, Бу келса тута-тутаву ул бир чола-чола.

Лаълинг майидин бизга жигархорлиц улмиш, Йуц чора насиб улса кишига бу навола.

Ул зулфмудур икки кузунг авжида ёхуд
Гулзор ичида мушк сочар икки газола.

Холоки муяссар булур ул май била хушхол, Невчунки рацам цилмадилар умрга хола.

Дайр ичра Навоийга цилур мугбачалар зулм, Гар пири харобот тутар жоми адола.

**526**

Мен нетиб ищцида оцил булаю фарзона Ким, паривашлар эрур хасратидин девона.

Чоклик куксум аро телба кунгул турмас хеч, Гарчи Мажнунга ватан лойиц эрур вайрона.

Шамъ гирдида магар сояси рашкидин эрур, Айланиб буки цанотин эвурур парвона.

Ошно айламак ул ойни не мумкинки, сипехр Мехр ойинндин айлабтур ани бегона.

Достонимни деманг ёрга, невчунки гахе Йиглатур, гарчи гохе кулдурур ул афсона.

Еарци май булсам анингдек бу фано дайри аро Ки, хубоб уйидин-уц булса манга майхона.

Бир цадах бирла Навоийни бу дам тнргузсанг, Нетти, эй мугбача, тулгунча анга паймона.

**527**

Зихи гул ичра кулар чог этиб аён гунча, Чу ёпилиб цила олмай киши гумон гунча.

Куларга хублар огзидин огзинг улди цариб Ки, цилмпшам очилурга яцин нишон гунча.

Агарчи гунча аро гул нихон эрур доим, Вале юзунг гули ичра эрур нихон гунча.

Куп улдн хуццаи лаълингда хурдаи маъни, Каю чаманда булур мунча хурдадон гунча.

Булурму огзинг ила тенгки риштаи дури бор, Нечаки жолага цилсун узин макон гунча.

Варац-варац эмас огзида баргиким, огзинг Чу нукта сурди ютар лахт-лахт цон гунча.

Май ич бахор, хусусанки лаългун майлиц, Сурохи уртага келтурди хар цаён гунча.

Замона богида кунглум ажаб тутулмиш, лек Ажаб эмастурур очилса ногахон гунча.

Навоий улмаки мумкин эмас, агар ичса Хаётбахш лабинг бодасини цонгунча.

**528**

Сипехр сацфига олтун сутун булур, эй мох, Дамеки чархца чексам гамингда шуълаи ох.

Дедимки: ултурасен ишщ аро недур гунахим, Дедики: ишщдин ортущ яна булурму гунох.

Демаки тоза тугонлар гувохи ишщинг эрур, Юзи щоралиги ёлгон булурдин улди гувох.

Кузумга кирди хаёлинг сиришк касратидин, Качон ёгинда щилибтур киши булутни панох.

Чу куйди гайр хаёли кунгулга тушти хатинг Ки, сабза хуш кукарур дашт аро, чу куйса гиёх.

Фано йулидин агар ёнса рохрав не ажаб Ки, йул махуфдурур анда йущтурур хамрох.

Навоий ар деди, жуз хащ вужуди йущ, эй шайх, Не ёзгурурсен ани лоилоха иллаллох.

**529**

Килмагил боргали шитоб яна,
Солма кунглумга изтироб яна.

Келдингу кулбам улди щасри бихишт, Килма
ани чищиб хароб яна.

Хар дам охим ели чу элтур ани,
Солма рухсор уза нищоб яна.

Лаби лаълингга ухшамас ёщут, Яна
дур тошу лаълиноб яна.

Сощиё, тут щадахки, ранжи хумор
Киладур жонима азоб яна.

Майкада боглищ эрди туктум ашк,
Ончаким булди фатхи боб яна.

Ич Навоий, щадахки тузди наво,
Базм аро уд ила рубоб яна.

**530**

Ёраб, ул юзни даме кузумга пинхон айлама, Ё кузумни андин узга юзга хайрон айлама.

Чехрасига мизбон улсун кузум, ул чехрани

Кузларим уйидин узга уйга мехмон айлама.

Очмайин зулфи паришон кунглума чектурма ох,
Етмайин охим ели зулфин паришон айлама.

Жонима лаълидин узга лаълдин берма хаёт, Лаълига
жонимдин узга жонни цурбон айлама.

Бошима куйидин узга куйни цилма ватан, Куйида
бошимдин узга бошни галтон айлама.

Эй кунгул, давр ахлидин минг йилчилик йул гуша тут,
Ё алардин етса юз минг гусса афгон айлама.

Истасанг, эй гул, Навоийдек хуш илхон булбуле,
Гунчадек кунглун маломат хоридин цон айлама.

**531**

Очиб куксум шигофин айладим кунглумни наззора,
Эрур юз пораву гам тигидин минг ёра хар пора.

Не тош урён танимга урди куксум чокига солдим, Мени
бедил кунгул касб эттим, анинг кунглидек хора

Таним чун ишц асири айладинг, манъ этма охимни, Чу
цил ут узра тушти, дуд цилмоцтин эмас чора.

Утарсен уйнай-уйнай, мен гадойи хаста йул узра,
Колурмен бир циё боцмоц учун ёлбора-ёлбора.

Улумдин хажр душвор улмаса дард ахлига невчун,
Ажал Мажнунни асраб айлагай Лайлини овора?

Киши май ютса, кунглум ани цон ютцон гумон айлар,
Су ичканни май ичкан согинурким, булса майхора.

Кунгул саргашталикдин булди йуц огзинг кеби, гуё
Ани чарх айлагандур гунча йунмоцлицца инкора.

Малак таслими шайтон кибридекдур буки, ацл узин
Килиб маъмури амр истар аморат нафси аммора.

Навоий куксини чок этти хажр андоцки фахм эткай,
Тахайюл хайъатин кунгул аро ким цилса наззора.

**532**

Яна зулфунг бузуглуц солди кунглум хонумонинда,
Йилон андоцки солгай цузголон цуш ошёнинда.

Не цотилдур кузунгким, тукса цон Бахром шаклидур,
Таммул цилсалар мацтулнинг хар цатра цонинда.

Бихамдиллах, кузу кунглумда сен йуц эрса топилмас,
Сенингдек гавхари покиза олам бахру конинда.

Жахон ахлига жон хар нечаким топмас омон сендин,
Сен, эй жону жахон, ё рабки, булгил хац омонинда.

Юзунгким булди майдин лаългун, улмиш ики зулфунг
Ул ики ломдекким лаълинг бор икки ёнинда.

Начук сиррин дей огзингнингки танда гунчадек кунглум Эрур пинхон ул пинхон анинг сирри нихонинда.

Ёзилгон жон анингдекким алифсиз, нуцтасиз булмас,
Эрур холу цадинг нацши бу зору хаста жонинда.

Замони хуснга чун булмади расми вафо харгиз, Вафо расмин ганимат англагил хуснунг замонинда.

Не хуснунг нисфича Ширину Лайли хуснида мумкин,
Не ишцим жузвича Фарходу Мажнун достонинда.

Муруват рангию инсоф иси куз тутмагил элдин, Бу рангу буйлуц гул йуц чу олам гулситонинда.

Килур куйида ит цатли Навоий телмурур махрум,
Нединким эрмас ул ёр оллида бу хайл сонинда.

**533**

Манга май улмади рузий тараб аёгинда,
Тарабдурур ича олсам итинг ялогинда.

Куп огзин очцилу май тобидин мулохаза цил,
Хаёт суйи начукким Хизр булогинда.

Фироц кунжида топсам цадах, булай бехуд, Нединки кунглум очилмас фарог богинда.

Тагорлиц май эрур хавзи кавсар, эй
зохид, Чибинлар улди малойик анинг
цирогинда.

Буюрди тавба йигитликда ищцу майдин шайх, Киши
чекарму риёзат нишот чогинда.

Вафо насими тамаъ цилма гулдин, эй булбул Ки, йуц
Масих дами эски дахр богинда.

Навоий улмагуси хонацах сари мойил,
Нединки майкада атри дурур димогинда.

**534**

Худхуд элтур дардлиг пайгомим ул ой цошига,
Санчибон худранг руцъам пайк янглиг бошига.

Бас муносибдур сен урганмак учун, эй навхагар,
Байтларким ёздилар дард ахли цабрим тошига.

Холини чеккан мунажжим хукмин айлар цон аро,
Кимки кургай аксини боцса кузумнинг ёшига.

Юз ажаб суврат курар курган юзунгнинг сувратин,
Чехра очмоц хатм булмиш сувратинг наццошига.

Хар тун ацшом пардаи жондин цилай дермен цанот,
Бошига эврулмак учун куйининг хаффошига.

Шайхца тасбихининг хар донаси бир цайд эрур,
Хатмдур озодалиг гуйи фано цаллошига.

Мехмон булсанг Навоийга нисор айлар учун, Обру
булгай кузининг мардуми дурпошига.

**535**

Фигонки, умрум утар туну кун хаёл била,
Хаёл орасида юз мувахиш эхтимол била.

Ул ой хаёли била телба булмишам кечалар,
Жавоб бирга эшитмон туман савол била.

Чу топмон ул гул исин субху шом булмишмен, Гахи
сабо била вахшатда, гох шамол била.

Мисоли мумкин эмас тортмоц мусаввири ацл, Йуц эрса цониъ улур эрдим ул мисол била.

Хаёл ила доги густохлицца захрам йуц, Мену фироц, манга, вах, не иш висол била.

Май ички, умри абад топсанг арзимас ангаким, Даме замона аро булгасен малол била.

Чу ишщу май мени холимга щуймас, эй носих, Нетиб сало тарищин тутай бу хол била.

Чу булди дайри фанонинг гадойи айб этманг, Агар май ичса Навоий синущ сафол била.

**536**

Номаи шавщум киши арз айлай олмас ёрга, Бас галат булгай жавоб этмак тамаъ мен зорга.

Рашкдин дерменки, панжамни солиб тошлай чекиб, Куйида хар неча шакли чексалар деворга.

Истарам хар халщаси булгай менинг буйнумга тавщ, Гар тушар юз халща банди зулфидин хар торга.

Зарнишон тиги керак буйнумга османг зинхор, Заъфарон бирла щилич шакли чекиб туморга.

Оразу зулфунг гамидин кофири ишщ улгали, Бутща бош индурману сунмон буюн зуннорга.

Гам хуморидин басе бадхол улубмен, эй рафищ, Чек мени хар хол бирла кулбаи хамморга.

Мунча хориж нагмаким даври мухолиф кургузур, Эй Навоий, топмадим бирин бощиб адворга.

**537**

Лаъли серобингдин ул янглиг келур жон огзима Ким, агар худ томизурлар су тотир щон огзима.

Новакингдин кунглум андощ тулдиким чекканда ох, Зор кунглумдин келур хар лахза пайкон огзима.

Бодаи хажр андощ аччигдурки, ани ичкали Захр улур гар худ етишса оби хайвон огзима.

Васл нушин чунки тотмай мен мазощим тонимас, Лек англармен етишкач захр хижрон огзима.

Гарчи куп щон ютмишам айлар талофи барча умр,
Умр утуб бир етса ул гулбарги хандон огзима.

Жон бериб ул заъфни топманки жонбахш эрнидин, Касби цувват шарбате еткурса жонон огзима.

Давр аёгин, социё, тутгонда лаълинг цил газак Ким, майи еткурмамиш жуз захри даврон огзима

Багриму кунглум аро мундоцки солди лаълинг ут Дам ерига гайри ут келмак не имкон огзима.

Эй Навоий, ишц дарди курган эл жонин олур, Уз улар дардим демакта келса афгон огзима.

**538**

Чицти пайконинг кунгулдин охи дард олуд ила, Шуъла уттин айрилиб андоцки чиццай дуд ила.

Юз цуюб туфроцца гард олуд этар юз ахли дин, Х,ар цаён юз цуйсанг ул рухсори гард олуд ила.

Зулфи савдоси мени суду зиёндин цилди фард, Мену ул савдо, ишим йуцтур зиёну суд ила.

Айш равшан субхи васл ахлига булсун, чунки мен
Мехнат ичра урганибмен шоми цийрандуд ила.

Русса гардидин етар эл жонига фарсудалиг, Х,ар цаён майл айласам бу жисми гамфарсуд ила.

Буд ила нобуд чун хузну тарабца арзимас, Шод булма буд ила, гам хам ема нобуд ила.

Майга оханг эт, Навоийким, муганний хар замон Айш тахрисин аён айлар лисони уд ила.

**539**

Мушкин хатинг ул юз кеби гулгун варац ичра, Тун анбари гуёки сочилди шафац ичра.

Жон сабзаи хаттингга фидоким курунур хуш, Зангор ила хат хайъати гулгун варац ичра.

Бог ичра келурсен деб эрур мунтазир ийнак, Гуллар солибон нацдини хар ён табац ичра.

Хижлатда не терларки кавокибдин оцизди, Ой курди чу хуршиди жамолинг арац ичра.

Олди сабаци ишц юзунг лавхида кунглум, Хар кун уцугон нуктаси йуц мосабац ичра.

Уммидики хац эткай анинг саъйини ботил, Хар кимки нихон айлади ботилни хац ичра.

Ишц утида гар ацлни хас деди Навоий, Йуц кимсага суз масъалаи муттафац ичра.

**540**

Истарам етсам цуюндек гул узорим цошига, Оллида туфрог улуб эврулсам анинг бошига.

Хора узра лола буткондек эрур хар ерда цон, Боцсалар жисмимга отцан хар маломат тошига.

Кузларидин ёш оцизган, балки цон беихтиёр, Хар кишиким солса куз гирён кузум цон ёшига.

Ишц дашти зогининг минцоридур ёцутранг Гуйиё тушкан дурур лаълинг халоки лошига.

Кузларим цилсун хадаф, кирпикларим этсун цалам, Булса дур боисти зебо сувратинг наццошига.

Куп тажаммул сотмагил, эй чархким, хар кавкабинг Бир дирамча йуцтуру дайри фано цаллошига.

Хар гухарким васфида сочти Навоий назмидин, Ул пари девона деб бир тош отар подошига.

**541**

Фироц солди бир ут жисми нотавонимга Ки, уртанур киши сурмоцца келса ёнимга.

Не айб зор таним куйса доги хас янглиг, Бу шуълаларки анинг хажри солди жонимга.

Тахайюл айлади Фарходу Вомицу Мажнун, Чу боцтилар аламангез достонимга.

Анинг туфайли санамлар юзун курармен, лек Муни ким айта олур шухи бадгумонимга.

Кунгул шикоятидин юз рисола ёзмишмен Ким, айлагай бу рисолатни дилситонимга.

Ичурди мугбача дайр ичра оби оташранг Ки, шуъласи анинг ут солди хонумонимга.

Не суд элни кар этса Навоий афгони, Чу ёр солмади харгиз цулоц фигонимга.

**542**

Хдргиз эрмас хусн ул мехри жахон оройча, Мехр анинг оллинда, мехр оллинда булгай ойча.

Бир-бири узра неча ё кургузур цавси цузах, Бошца-бошца эрмас ул икки муанбар ёйча.

Огзига еткач шакар су булди не навъ, эй кунгул, Бас була олгай шакар ул лаъли шаккархойча.

Гар муфаррих улса ёцути лабинг жонбахш эрур, Ул була олгайму ёцути муфаррихзойча.

Лайлию Ширин ситам айларда уз ушшоцига Харгиз эрмас эрдилар ул шухи бепарвойча.

Гар фарогат мулки истарсен май ичким, булмади Еамсиз улмоцлицда шах ринди цадахпаймойча.

Укма булбулники, ул гул хажрида хар кечалик Ноласи эрмас Навоий тортцан бир война.

**543**

Кунглумда дог шамъи жамолинг хаёлида, Андоцки хол хар сори парвона болида.

Йилда беш-ун кун улди нихол узра гул, валек Гул келди турт фаслида цаддинг нихолида.

Шарбатдурур лабингки чучук жон эзилдн куп, Сероб улурда чашмаи нушунг зилолида.

Хижрон маризидур кунгул, эй рахмсиз ажал, Бир доги етмадинг бошига, бу малолида.

Ут узра тушти нуцтаи анбарки чицти дуд,
Тук ким зухур цилди юзи узра холида.

Даврон фалакка чекса сени эмин улмагил
Ким, еткурур завол цуёшнинг камолида.

Тацвойи зохирига, Навоий, не эътибор,
Хайрондурур чу ацли, кул анинг маолида.

**544**

Эй сабо, холимни арз эт гул рухи таннозима, Эгма цаддимнинг саломин айт сарвинозима.

Айт: куптин купу оздин оз ашким шархини, Дарду сабрим нацди садцанг боцма купу озима.

Чунки улгум ёшурун ишцим баён цил шаммае, Воциф этма лек ишц ахлин бу махфий розима.

Новакандозимки элни йицти куп андозадин, Вахки, эмди тортмиш новак менинг андозима.

Ул кабутарга фидо жонимки, шавцум номасин Килса таслим элтибон шухи кабутарбозима.

Чангдек гам базмида цаддим хам улди, эй рафиц, Ашк хар торидин ортар нолае бу созима.

Эй Навоий, ишц аро цочма балодан зинхор, Чунки ошицца балокашлик келибтур лозима.

**545**

Кузларида ишцдин су эрди уйцу урнида Турфа курким хажрдин цон булди ул су урнида.

Кимгаким кирпик уцин ёгдурса ул гул рашкдин, Жисмим ичра бир тикондур хар сари му урнида.

Гайр нацшидин цилибмен пок кунглум сафхасин, Тут ул ой оллида, эй машшота, кузгу урнида.

Шахсуворимнинг аёгин упкали розидурур, Ой била кун хар бириси бир тепингу урнида.

Изтироб этса цошинг кургач не тонг шайдо кунгул, Телбаким курди янги ой ултурурму урнида.
Дахр бустони аро барщу булутдин англадим, Йигламощ юз щатладур бир щатла кулгу урнида,

Эй Навоий, дерсен: ул щоматни кунглунгдин чищар, Не нихол ултуртайин ул сарви дилжу урнида.

**546**

Ёрдин яхши эмас айламаги ёр гила,
Йущса ул ёрдин эрди манга бисёр гила.

Буки агёрга мендин гила изхор этти, Хар неча айласам изхор яна бор гила.

Курубон гайрига лутфунгни агар дам урмон, Дема, йущтур гилалик, айламон изхор гила.

Куп жафосидин агар улсам эрур турфа буким, Яна мендин щилур ул шухи жафокор гила.

Хирща куйдурди хумор утига щилма, эй шайх, Ани щилсам гарави кулбаи хаммор гила.

Чун азал щисматидин хеч нима хориж эмас, Айламас фощасидин вощифи асрор гила.

Эй Навоий, десанг ойини ризо хосил этай, Ёрдин хар не келур айлама зинхор гила.

**547**

Илтифот этти букун мен щулга ул шох узгача, Узгача англабмен уз холимни биллах узгача.

Гох узумдамен, гахи бехолменким, ул пари
Гох яхшидур мени мажнун била, гах узгача.

Холим улса узгача Фарходу Мажнундин не тонг Ким, эрур Ширину Лайлодин бу дилхох узгача.

Гар дамнмдин чищса ут демангки, тортар хар дам ох,
Куйгай охимдин фалак, дам узгадур, ох узгача.

Не ажаб гар узгача сайр этса хайратдин сипехр, Юзни
май таъсиридин щилгонда ул мох узгача.

Васли холимга берур тагъйир андощким булур, Бу
замонда улки топщай давлату жох узгача.

Мехр зохир айласа, айлар Навоий вахмким,
Чарх даври цилмагай ул ойни ногох узгача.

**548**

Вахки, умрум барча зойиъ булди эл коми била, Бодаи
ноб урнида хуноба ошоми била.

Кимса юз йил комронлиц цилса билким арзимас, Дахр
аро бир лахза булмоглиц биров коми била.

Захрни уз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса хайвон шарбатин нокомлиг жоми била.

Юз дилором айлагандин равза хабси, яхшироц Булмоц
уз вайрони ичра кунгли ороми била.

Эй кунгул, эл субхи айши сари боцма, хуй цил Фардлиц
вайронида мехнат цора шоми била.

Кушца юнг маскан аро хушроц дурур озодлиг,
Булганидан банд аро сайёди ипак доми била.

Булмоц итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироц,
Танни цилгунча самин нокаслар инъоми била.

Жоху маркаб бирла, эй ким, бормадинг мацсад йулин,
Катъ улур бетушалиг зоди фано коми била.

Эй Навоий, хузн ила уткар царилиг мехнатин, Чун
йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

**549**

Мехрида мен хастанинг хар лахза холи узгача, Лек ул
бадмехрнинг хар дам хаёли узгача.

Гулбун улди паст вард асру бийик, биллахки, бор,
Сарви гул руйим цадининг эътидоли узгача.

Бог нахлининг цадингдек бошида гул бутмамиш, Хусн
богининг булур эрмиш нихоли узгача.

Хар замон лаълинг майи ёди кунгулни маст этар, Ани
хар дам айлар ул фикри мухоли узгача.

Эй мусаввир, айласанг тацлид жонон сувратин,
Чекмагил жонким эрур анинг мисоли узгача.

Гар гули раъно цизил, сариг курунур важхи бор, Хар
дам айлар ани чехранг инфиоли узгача.

Тацви ахлидек бориб муг дайрида йул топмадуц,
Социё, май тутки бу цатла борали узгача,

Хонацах ахлига, эй зохид, мени ухшатмаким,
Зухд эли бор узгача, ринд лоуболи узгача.

Икки дунёдин кечиб ёр истаган топмиш висол, Эй
Навоий, келки йуцтур эхтимоли узгача.

**550**

Солиб цон онча цуйдунг дог бу жисми фигор ичра Ки,
онча дог ила цон булмагай бир лолазор ичра.

Кушеким тушса, охим гирдбодидин чица олмас, Биров
янглигки цолгай эшики боглиц манор ичра.

Ики рухсори икки зулф ёпцондин нихон эрмас,
Начукким шуъла дуд ичра цуёш ёхуд губор ичра.

Юзунг шавцида ашким кузлар ичра жола богланмиш,
Ёгин ул навъкимдур боглагай абри бахор ичра.

Колибтур анбарин зулфунг ичинда богланиб кунглум,
Кийикдин цатра цон цолгон кеби мушки тотор ичра.

Кизиц кунглумдаги пайконлари дардин не фахм эткай,
Ангаким цатралар хайдиндурур утлуц узор ичра.

Чу улдум хасратидин шояд улган чогда кургаймен,
Мени судранг гадолар куйида бир рахгузор ичра.

Гар ул шах базмида бир журъа май топмон ажаб эрмас
Ки, май шухи кириптур ширадин мухкам хисор ичра.

Мениким айламиш ул мугбача ишци майи махмур,
Магар хам дайр пири чора цнлгай бу хумор ичра,

Вафо айларда элга рузгоринг айлама зоеъ
Ки, улким сен тиларсен йуцтур ахли рузгор ичра.

Навоий, гар фалак даври санга еткурмас ул ойни, Не
чора чун сипехр эрмас кишига ихтиёр ичра.

**551**

Ваъда айлаб васл жисми нотавоним уртама,
Келмагунгдур, интизор утига жоним уртама.

Ишц утинг уртади басдур яна жоним аро,
Доги хижрон хар дам, эй номехрибоним, уртама.

Жонни олдинг, солма охир нотавон жисмимга ут,
Накди жон ягмога борди, хонумоним уртама.

Новакингнинг касратидинким, найистондур кунгул, Ут
олиб кирма цамишца, найситоним уртама.

Жонима ут солди ишцинг, бал жахоним уртади, Рахм
этиб мундин нари жону жахоним уртама.

Хар нафас кундурма бир ут бирла, эй гардун, мени
Куйдурурга хар дам айлаб имтихоним уртама.

Килма нисбат хублар бирла Навоий деб мени, Тухмат
айлаб хар замон, эй бадгумоним, уртама.

**552**

Вахки, келтурдунг фироцингдин балолар бошима, Ул
балолардинки цочтим, келди алар бошима.

Захм агар булса бошимнинг хар туки сойи не тонг,
Мунча тошким ёгдурурлар дилраболар бошима.

Сарв цадларнинг таманноси бошимдин чицмагай, Кахр
этиб, эй шайх, синдурсанг асолар бошима.

Курмайин кузлар цачон келди бошимга юз бало, Кур, нелар келтурди бу юзи цоролар бошима.

Ишц аро гах-гахки эл пандига бош индурмадим, Келди турлук-турлук андин можаролар бошима.

Муддаолар бошима тушкунча хар дам ацлдин, Келса хушроц ишц тигидин яролар бошима.

Куйида улди Навоий, цочти андин итлари,
Йуц эди улганда ёру ошнолар бошима.

**553**

Мен улсам айламанг ул тифлга хабар ногах Ки, вахм улуктин анга цилмагай асар ногах.

Тутай фироц туни гайридин нихон узни,
Нетай чицар эса ох утидин шарар ногах.

Нетайки, багрим эрур пора-пора, вах, найлай, Югурса ашк ила парголаи жигар ногах.

Дедики, шом келай кунглум ичра утдурким, Бахона цилмагай ул шамъи сиймбар ногах.

Жахонни куйдурур охим ути бало булгай, Бу утдин этмаса мажнунвашим хазар ногах.

Замона богида эктинг нихоли мехр валек,
Нетарсен улса надомат санга самар ногах.

Навоий, улча керак айладинг не цилгайсен, Ишингни адл била сурса ёр агар ногах.

**554**

Дайр аро то айладинг кунглумни зор, эй мугбача, Куфр ила зуннор цилдим ихтиёр, эй мугбача.

Демаким, гар истасанг кунглумни, бутга сажда цил,
Сен боринда бутца худ, не эътибор, эй мугбача,

Дайр пирининг муридимен, сенинг хам ошицинг,
Йуцса дин ахлига дайр ичра не бор, эй мугбача.

Ахли ислом ичра ногах чицма сархуш дайрдин, Юз халал дин ичра цилма ошкор, эй мугбача.

Кеча шамъу май била цошингга келгумдур дединг,
Субх булди неча тортай интизор, эй мугбача.

Туррани ошуфта этма очибон маргуласин, Килма
кунглумни паришон рузгор, эй мугбача.

Хашр субхигача маст улгум гар этсам бир сахар, Бодаи
лаълинг била дафъи хумор, эй мугбача.

Дайр пири савлати манъ этмаса хар дам цупуб,
Бошингга эврулгамен девонавор, эй мугбача.
Маст агар улсам асога боглабон зуннорни, Кил алам
куйинг аро айлаб мазор, эй мугбача.

Бузма кунглум кишварин бедод бирлаким, эмас Хусн
мулкининг биноси пойдор, эй мугбача.

Асру гамгиндур Навоий май тила, эй пири дайр, Бул
анга социйлиц айлаб гамгусор, эй мугбача.

**555**

Кошининг ёйи чекилмиш зулфи чавгонигача, Зулфи
чавгони доги гуйи занахдонигача.

Демангиз мушкин булутким булди кук тоци цора,
Баски охим дуди борди чарх айвонигача.

Ичкали сузон кунгул цонин уцунг очти огиз, Ут тушуб
суфоридин кул булди пайконигача.

Куп ёшурдим холим, охир чок этиб куксумни ишц,
Ошкор этти кунгулнинг доги пинхонигача.

Булмасун дарде итинггаким багирни ташлагач, Еди хар
ёндин узуб ердин ялаб цонигача.

Тушти гуё булбул афгони муассир гулгаким, Чок-чок
этти гирибонини домонигача.

Булганингда мехмон улса Навоий, не ажаб, Чекти
чунки оллинга бору йуцин жонигача.

**556**

Гули рухсоринг аро булгали пинхон гунча, Рашкдин богда пинхон ютадур цон гунча.

Гунча сероб булур, лек огизу лаълингдин,
Ошкор айлади сарчашма хайвон гунча.

Топмай огзингни овунмоц тиласам гулшан аро,
Санчилур кунглума ул навъки пайкон гунча.

Куз ёшимдин агар огзингда эрур кулгу не тонг, Чун булур неча булут йигласа хандон гунча.

Гул юзи васли ила кунглум очилмас, гарчи Дард богида ани айлади хижрон гунча.
Очмади жуз гули дард ончаки бедил булбул,
Килди куксида кунгул урнида пинхон гунча.

Дустлар васл утин истарга Навоий бормиш,
Фош щилманг бу хадисини анинг ёнгунча.

**557**

Топиб хаёти зулоли хатинг щорасинда,
Ёзилди ояти рахмат юзунг сафосинда.

Ики лабинг ёпишурлар, гар оби хайвондин
Рутубат улмаса ул иккининг орасинда.

Не нутщ ила не адо топти рухбахш лабинг Ки, рухи нотища ожиздурур адосинда.

Фирощ бийми дурур чоклик кунгулда не тонг, Гар улса улки щилич захмидур яросинда.

Кузунг отиб манга новак хато щилур амдо,
Тириклигимга хатодур анинг хатосинда.

Дедимки, умр вафо щилса дахр хам щилгай,
Валек бахсдур ул иккининг вафосинда.

Наво минг айласа булбул Навоий ортущ эмиш Ки, мунглар улди ададсиз мунунг навосинда.

**558**

Гар неча чавгонга бирдур гуй эл майдонида, Неча гуй улмиш тугундин хар сочинг чавгонида.

Уйла аблащ тунд сурдиким, кира олмас щуёш, Тун била кундин щилиб маркаб анинг майдонида.

Хар тараф бощсангки кунглум щони щайнар гуссадин, Бу харорат рашк утидин тушти кунглум щонида.

Сарсару бахр оху ашкимдин таажжуб айламанг Ким, йулущмайсиз хануз ул иккининг тугёнида.

Хажр аро гамгин эсам тонг йущки, васлида анинг Неча топтим шодлигким, топщамен хижронида.

Кузу кунглумдин ущин чеккан щора топсанг башощ, Куз саводию кунгул дудидурур пайконида.

Эйки, дерсенким фалакдин курмайин саргашталик, Давр аёгин солма илгингдин анинг давронида.

Бевафолиг тонг эмас элдинки дехцони азал, Экмади асло вафо нахли жахон бустонида.

Эй Навоий, тут бутун бу ахд аро паймонани, Чун бутунлук йуцтурур эл ахд ила паймонида.

**559**

Булсам ул цотил шахиди хасрату хирмон била, Бир цилич тортинг мазорим лавхи узра цон била.

Бир фатила англагил мархам била ул шухдин, Жонга хар момуцки чирмангон келур пайкон била.

Чексалар тандин уцин чун ул чицар, жон хам чицар, Уйдин эл чиццан кеби таъзим учун мехмон била.

Коши гар кунглумда куймак боисидур, айб эмас, Ёй агар булса булур ут барги хам цурбон била.

Ишц даштининг сумумидин дегай булмиш цуюн, Хажр утин боштин аёц курган бу саргардон била.

Дузах ахли гам емангким, дуст рахми келгудек, Келгум ул ён оху ашкимдин ажаб туфон била.

Эй Навоий, итларига туъмадур боис улуб, Ёр агар истар кунгул таслим цилгил жон била.

**560**

Эй нихоли цоматинг сарсабз жон бустонида, Жилвасидин вола улмоц сарву туби шонида.

Кошларингдур гуйи икки хиндуий оташпараст, Майл цилгон саждага утлуц узоринг ёнида.

Улсам олманг ул париваш тошларинким тутти ер Ким, эрур жонлар бу мажнуннинг тани урёнида.

Колцигай хар сари гардун бир мужавваф гуйдек, Хажр шоми тушса ашким сайлининг тугёнида.

Лаъли хажринда багир парголасидур истасанг, Куз ёшимнинг лаългун хар цатра томган цонида.

Чун фалак давронига йуц эътимоде, эй цуёш, Мехр кургузмакни хуй эт хублиц давронида.

Базл илгин юцори сойил цулин кургил цуйи, Тенг булурму термаку сочмак хирад мезонида.

Шоми хажр эрмас хамоноким, чу золимдур сипехр, Тушти мазлум охи анинг кулбаи эхзонида.

Ул Масих анфосца ёцмас Навоий, не осиг,
Нагмаи Довуд агар зохир цилур афгонида.

**561**

Доги цонин кургузур Мажнун мазаллат шолида,
Холидин хумрат кеби парвонанинг хар болида.

Заъф кургилким цаламда ноллар сицци кеби Неча мендек хам сигоолур анинг хар нолида.

Сувратин когазда кургач, бордим уздин, вах, узин
Кургач улгум, чунки бехудмен анинг тимсолида.

Хар дам узга шакл бирла жилва айлар, вах, не тонг, Бор эса кунглум гахи беолу гах уз холида.

Ваъдаи цатл эттию эхмол этар ултурди фикр Ким,
тараххум ёхуд истигномудур эхмолида.

Субхидам кирдим харобот ичра чицти пири дайр, Бор эди юз файз анинг рухсори фаррух фолида.

Эй Навоий, ул йигит ою цуёштин тугдиму, Ким анга лойиц бу волиддур даги ул волида.

**562**

Саводи холи анинг хатти мушкбор ичра,
Магарки зог ёшунмиш бинафшазор ичра.

Дегайки, гулшани жаннатда очилибдур гул, Кишики май гулини курса ул узор ичра.

Жамоли кузгуси ичра сариг юзум акси
Ажаб хазоне аён айламиш бахор ичра.

Кошинг хаёлини хоки танимда англамас эл, Хилол руъяти мушкулдурур губор ичра.

Лабингда жисми заифим сузи эрур ул навъ, Киришта уткарилур лаъли обдор ичра.

Фидоси мугбачанинг нацди дину имоним, Майи мугона манга тутса бу хумор ичра.

Демак не суд Навоийга уртагум доги, Чу
куйди жони анинг доги интизор ичра.

**563**

Рузгорим чун цорорди шоми хижрони била, Эл кузин ёрутса найлай мехри рахшони била.

Не лабидин ком эрур мумкин, не андин кечмаким, Кимса мендек булмасун дармонда уз жони била.

Юзга солса кунглум ахволин манга йуцтур гунох, Куз ёшимким булгошиб чицса багир цони била.

Рахм кургузгай азоб айлар малак, гар ошицинг Кирса дузахца яролиг жисми урёни била.

Олти ойлиц Нух туфонича бузгай дахрни, Олти кун цолса кузум ёши бу тугёни била,

Хусн богинда куруб зулфу цадингни богбон, Чекти хижлат сунбулу сарви хиромони била.

Эй Навоий, умри боций истасанг хац бирла бул, Боций улким вола улма олами фоний била.

**564**

Ул учуг эрмас цабарган лаъли рухафзосига, Шишада хайвон еуйи солмиш улус эхёсига.

Не учун шамъ оллида саргаштадур парвона, гар Садца цилмас узни анинг цомати раъносига.

Онча ул ой куз царортибтур менинг цонимгаким,. Сурма чекмак хожат эрмас наргиси шахлосига.

Боцмас истигнодин элга, вах, не эрким ишцидин,
Юз туман хайли бало хар дам кунгул ягмосига.

Топмаса лаъли майига бодапаймолиг кунгул, Хуштурур наззора хам лаъли щадахпаймосига.

Хусн аро маглуб анга Ширину Лайло уйлаким, Ишщ аро Фарходу Мажнун хам анинг шайдосига

Оху вовайлодин улдум, оху вовайло агар
Бощмаса ул шух кунглум оху вовайлосига.

Суфи ибн-ул ващтдур гар истасанг осудалиг,
Эй кунгул, куп илтифот этма замон абносига.

Богладим зуннор, аммо щилмадим маълумким, Исо айлар ищтидо бу дайрнинг тарсосига.

Гар Навоий улди ишщи тигидин зинхорким, Куйгасиз туфрощща юз холин дебон мирзосига.

Улки тущщиз чарх айвони узун куп курди паст, Чун назар солди бийик даргохининг кирёсига.

**565**

Нилдин бехол холинг лаъли сероб устина, Тухми райхон тушти гуё шарбати ноб устина.

Соч ила щошинг аро жабхангни курган согинур Ким,
тукулмиш щадр шоми нури мехроб устина.

Ул щуёш хажринда заъфим уйладурким улгамен Соя
тушса ногахон бу жисми бетоб устина.

Кон ютар эрдим гамингдин, хажр анга щилдинг фузун,
Найлай улмай захри чун щуйдунг бу хуноб устина.

Кунглум ичра ёралар чун бутти щуйди доги ишщ,
Хозин ул янглигки босщай мухр абвоб устина.

Хатту холингдин юзунг мохияти равшан булур,
Сафхадекким, нущта бирла булгай эъроб устина.

Итларинг гавгоси тонг йущ, чун Навоий берди жон,
Кимки улди жамъ, улурлар хайли ахбоб устина.

**566**

Юз бало тоши агар ёгдурса дилбар бошима, Шод
улурмен барчаси гар текса яксар бошима.

Мазраи жонимда тухми шавц ила мехр экмишам, Йуц
ажаб гар цунсалар хайли кабутар бошима.

Хажр тиги цилди гар юз пора бу мажнунга бош, Турфа
курким ул пари савдосидур бир бошима.

Хар туки сойи бошимнинг бир уци пайконидур, Гам
туни монанд булди чарху ахтар бошима.

Икки бошим булмаса икки кунгуллук ёрни,
Севмагайменким бало урсун мукаррар бошима.

Чун узум севдим сени дарду гамингдин шодмен, Гар
кузу кунглумгадур, гар жонима, гар бошима.

Сабзаи хаттингга булдум садца ушбу важхдин,
Гуйиёким эврулур бу чархи ахзар бошима.

Май тагорин сипцариб дафъига цолцон айлайин,
Фитналарким ёгдурур чархи ситамгар бошима.

Гам цуёшидин куюб эрдим Навоий, солмаса Зилли
раъфат шахриёри додгустар бошима.

**567**

Холин упсам не учун манъ цилур жонона, Ким курубтур киши мур огзидин олмоц дона.

Тийр борони гаминг йицти бузуг кунглумни, Ёрга майл этти ёгин касратидин вайрона.

Кадди хажриндаки куксумда алифлар кестим, Булди андуху бало кулбасига дандона.

Жаннату хурни зухд ахлига кечмай нетайин, Басдурур чунки манга мугбачаву майхона.

Эй пари, телбамен андоцким узумни тониман,
Уз-узидин чу мени цилди гаминг бегона.

Келди зеб ахлига раънолигу ушшоцца суз, Ул бири чун купалакдур, бу бири парвона.

Зулфи савдоси Навоийни чицарди элдин,
Телба эттию аёгида анинг завлона.

**568**

Буки мен махруму эл махрамдурур жононима,
Мунграниб бекаслигимдин ут тутошур жонима.

Гарчи вайрон этти ацлу хуш ила сабрим уйин, Кош бир цатла етишса кулбаи вайронима.

Эй балият новаки, ул фитна куздин айрилиб Ким, хавоийсен келиб, сен доги ултур ёнима.

Катлим истаб цонлиг ашким сайлидин утти рациб, Не учун, ё раб, кирар эркин гунахсиз цонима.

Колгали хайрон санга, ёпилмади хайрон кузум,
Уйцудур бир хайли хайронлардин ул хайронима.

Кунглума киргач гаминг туксам багир хунобини, Не ажаб, гулранг май матлуб эрур мехмонима.

Куфр ила булди бадал диним магар, эй мугбача,
Риштаи зуннор пайванд айладинг имонима.

Ишц даштида бало гарди манга чун парда бас, Атласи гардунни ёпмасмен тани урёнима.

Эй Навоий, то сени танибмен афгондур ишим, Жонима рахм эт, мени сен бори эмди тонима.

**569**

Ёцар улсанг итинг илгига хино цоним ила, Куйки аввал супурай гардини мужгоним ила.

Ашк ултурди мени хашр элига, вой, агар Чексалар арсаи махшарга бу туфоним ила.

Байтул-ахзон била Яъцубни Юсуф гамида Курмаган хажрида курдег мени вайроним ила.

Дашт аро гар ёвумас кунглума гардун, не ажаб, Була олмас бу алохону аломоним ила.

Панахим гайри цуюн булмагаю тог этаги, Мени саргаштани курган тани урёним ила.

Сарв оёгики ботибдур суга найлаб цилгай, Жилваиноз менинг сарви хиромоним ила.

Жонда пинхон дурур ул ою эшитмас нетайин, Неча ёлборса кунгул нолаи пинхоним ила.

Тийрамен дуди гунах бирла магарким улсам, Дузах ути ёругай шуълаи исёним ила.

Эй Навоий, мени жон олгали жонон тиламиш, Айларам азм анинг куйи сари жоним ила.

**570**

Яна ишц илгидин холим уланди зорлигларга, Фироц ошубидин цолди ишим душворлигларга.

Кузидин жуз бало пайкони етмас гарчи цолмишмен, Огизга цатра су томузгудек беморлигларга.

Хурар ит кеча тонг боши, уюр мендек цачон тушмиш, Кеча тонг отцуча фарёд ила бедорлигларга.

Жафони чунки нохамвор этар ул цотили бебок, Танимда захмлар дол улди нохамворлигларга.

Анингдек зухду тацво йулини урдунг чициб усрук Ки,
тушти юз менингдек порсо хамморлигларга.

Кузу зулфунгдин андоц куфр шойиъдурки ер хасрат,
Белин тацвига цилгон махкам эл зуннорлигларга.

Биров узни фалак озоридин озод
цилдиким, Фано туфроги ичра тушти
беозорлигларга.

Десангким, хар замон бир ёрнинг душманлигин
курмай, Замон ахли била юз майл кургуз ёрлигларга.

Навоий ашк дурру лаълидин не васл топцайким Бу
давлат етмади Корун масаллик борлигларга.

**571**

Маст отланди ул ой цилмай хабар ахбобца,
Гарца майлик шиша янглигдур кунгул
хунобца.

Бир тараф гуё узин солмоц хаёли бор эди,
Йуцса невчун солди юз фосид хаёл ахбобца.

Не эришмоцликка хаддим, не турарга тоцатим, Йуц
манга ёлгуз бу шиддатким бори асхобца.

Хар бири бадхол бир ён тарцашиб тушти ва лек,
Нотавон жисмим цоронгу уйда печу тобца.

Ул кеча то субх не дейким не утти хажридин, Пайкари
бехолга ё дидаи бехобца.

Социё, гам шомида улдум сабухий бода тут, То даме
машгул этай узни рахици нобца.

Эй Навоий, андин улса махласим бермай кунгул, Хеч
банди зулфи дилкаш турраси цуллобца.

**572**

Эй кунгул, хажрим балосин арз цилдим шохима, Ваъда
цилдиким, мени цушцай париваш мохима.

То паёпай булгай, ул афтодаларга дастгир, Умру
давлат, ё раб, афзун цил дамодам шохима.

Дема хижрон бийми чун кетти недур утлуц даминг,
Васл умидидин ёруглуглар етибдур охима.

Зулмати хижронда итмиш кунглум, эй барци висол,
Ламъа солиб гах-гахи йул кургуз ул гумрохима.

Кунглум истар эрди ул ойни, берай юз муждаким,
Еткурур янглигдурур гардун мени дилхохима.

Истарам ишщин нихон булгай эл ичра киргали,
Эътимодим йуц нетай бу нолаи ногохима.

Васли юзидин манга жоми жахонбиндур кунгул, Даври
жоми етса тонг йуц хотири огохима.

Буки васл ицболида мумкиндур осеби фироц, Васл
етмай кунглума солур тараддуд вохима.

Эй Навоий, айтцил ул шахга шайаллохким, Васл
мулкин айлади инъом шайаллохима.

## ЛОМ АЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «НАВОДИР»ДИН

### 573

Лабинг фикри багримни цон цилдило, Чу
цон цилдн, куздин равон цилдило.

Юзумни демайким, бари ер юзин, Хамул
цон нчинда нихон цилдило.

Деди кунглунг эттим нишон васл учун,
Фироци уцига нишон цилдило.

Кунгулким бузулди тилаб ганжи васл, Ани
чугзи хажр ошён цилдило.

Кунгул бирла куз сиррини, эй рафиц,
Яна оху ашким аён цилдило.

Вафо ахлини чарх беком этиб,
Жафо хайлини комрон цилдило.

Навоийга гар тавба яхши эди, Яна
таркини ул ёмон цилдило.

**574**

Ошно ёрим яна бегоналиг фан цилдило, Узни уз ёрига
хар фан бирла душман цилдило.

Ваъдаи хамхоналиг айлар эди ул, булмади,
Хонавайронлар сари куйини маскан цилдило.

Деди, лаълимдин цилай жонинг иложи, цилмади Еамзасин
жонимга, охир новакафкан цилдило.

Гулшани васлин манга зиндони хижрон айлабон,
Муддаига хажр зиндонини гулшан цилдило.

Ишц ути уртаб мену парвонани хижрон туни,
Булбул ул мотам аро то субх шеван цилдило.

Эй кунгул, ул турфа цуш мойил бизинг сори булуб, Еайри
богу гулшанин охир нишиман цилдило.

Куйганин айтиб Навоий, бовар этмас эрди халц, Ёрутуб
хажр утин ул даъвони равшан цилдило.

## Ё ХАРФИНИНГ ЯГМОЙЛАРИНИНГ ЮЗ КУРГУЗМАКЛАРИ «НАВОДИР»ДИН

**575**

Зихи тажаллий хуснунг келиб жахонорой,
Жамиллар санга ойинаи жамолнамой.

Жамол бирла жалолиятингдин улди бу
навъ, Сахар узори уза шомй зулфи
анбарсой.

Бу тийра дахрни гар ошищ этмасанг
булмас, Аруси мехри фалак мазхарида
жилванамой.

Басати оламоро гар сен улмасанг босит, Кунгулга
щайда булур Зухра лахни бастфизой.

Чаман аройиси зебига булди хуснунгдин,
Зулол ойинадору насим нофакушой.

Сенинг хаёлинг ила хонащахда хой ила хуй, Сенннг
висолинг учун дайр ичинда нолаю вой.

Навоий улди гули хамду шукрунга булбул,
Ани бу бог аро лутф айлаб айла
нагмасарой.

**576**

Топмадим ахли замон ичра бир андощ хамдаме Ким,
замон осибидин бир-бирга айтишсощ гаме.

Кимки даврон согаридин дам-бадам хуноб ичар, Гам
йущ ар хар дам гамин айтурга топса хамдаме.

Чарх узукнинг халщасидур, лек хар кавкаб анга,
Катл учун остида щилгон захр пинхон хотаме.

Йущ фарогат дахр ароким, шомдин сочин
ёйиб, Ёгдуруб ашкин тутар холингга хар тун
мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Хащ магарким ком учун боштин ёротщой оламе.

Йущ вафо жинси бани одамда, бул новмидким, Сен
вафо курмак учун халщ улгуси йущ одаме.

Нукта нозук булди асру булгай эрди
кошки, Шаммае бу рамздин зохир
щилурга махраме.

Дарди захм улмиш ичу тошим, цадах цуй огзима,
Социё, куксума лойидин доги ёц мархаме.

Давр аро сухбат бу янглигдур Навоий тонг эмас,
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

**577**

Не бир субх ул цуёшнинг илгидин ичтим тула жоме, Не ёттим
маст рухсорим аёгига цуюб шоме.

Не бир цуш харгиз ул гулшан сари еткурди пайгомим. Не бир ел
харгиз ул гулдин манга еткурди пайгоме.

Уцунгдин минг тушуклук кунглак ичра толпинур кунглум,
Хамул цуш мисликим ани муцайяд айлагай доме.

Начукким тутмадинг, эй умр, вайроним аро ором, Еамингдин
тутмади жон хам бузуг жисмимда ороме,

Хамул кундин сариг чехрамда гулгун ашкдур, эй шайх Ки, бир зарбафти гулфомий кийиб чицти гуландоме.

Югурдунг Каъбаи мацсад тилаб куп, лек тинмайсен, Чицарсанг узлукунгнинг дайридин узни эрур коме.

Навоий, тонгла хуру софий кавсардин ортугдур,
Букун ул мугбача ишцида булсанг дурди ошоме.

**578**

Чехра курсатгилки жон бермоц тарицин курсатай,
Ишц атворини даъво цилган элга ургатай.

Курсатиб юзким, дединг: цилма кунгулни музтариб, Гаржавоб истарсен онча турки, ани тухтатай.

Бахтим уйгонмас бу нафхи сурдек фарёд ила, Менки марг уйцуси босцонларни дермен уйгатай.

Мехр ила васлинг куни бир субхдек кулдур мени,
Неча хажринг тунлари кузни фалакдек йиглатай.

Риштаи ашким керишдур эгма цаддим ёсига, Ох уцин гам шоми бахтим кавкаби чиццач отай.

Кунглума холинг хаёли кирса мардумлуц цилиб, Куз уйида ани мардумлар ичинда асратай.

Келки гамзанг игнасига тоцибон жон риштасин, Кунглаким чоки кеби кунглум шикофин тевратай.

Бир цадах май бирла тиргузгил мени, эй мугбача, Дайр эшикинда неча махмур, улук янглиг ётай.

Эй Навоий, шарбати лаъли эрур жонбахш, лек Заъфдин улсам, не хадким дегамен ани тотай.

**579**

Ёр тандин жоннм айрилгунча зулмин цилмоги, Эрмас онча саъбким, мендин узи айрилмоги.

Гар тутулмоц истамас кунглум цушин, бас негадур, Донаи хол узра зулфи домининг очилмоги.

Боглайин дермен кунгул тоатца цуймас, найлайин, Хар нафас кунглумга ул бут гамзаси сончилмоги.

Кирпики ёнмиш кунгуллар илгали цуллобдек, Буйладур ул шухнинг кунглумни кузга илмоги.

Васлидин, вах, не суз айтайким, эмас мумкин, валек, Холи аз айше хам эрмас хар замон айтилмоги.

Хар кишиким дайр ичинда гойиб этти нацди дин, Эй мусулмонлар, анинг мумкин эмас топилмоги.

Чок этиб куксин Навоийнинг, куруб кунглида ут, Деди: беважх эрмас эрмиш мунча афгон цилмоги.

**580**

Вахки, диним кишварин торож цилди кофире, Куфр элига хомие дин ахлига ягмогаре.

Чобуке, нушин лабе, раъно цаде, хоро диле, Махваше, Ширин узоре, гулрухе, сийминбаре.

Жон берурда лаълидин Исо сифат жононае, Кунгул олурда юзидин Юсуф ойин дилбаре.

Зулфи кузларни цора цилмоцца шоми фурцати, Шом фурцат дафъига рухсори мехри анваре.

Хам гулистон сайрн ичра сарв цоматлиг гуле,
Хам шабистон базми эхёсида шамъи анваре.

Оллох-оллох, буйла офатнинг гирифтори булуб, Найлагай бир мен кеби зори заифи абтаре.

Не царору сабру не тобу тавон, не тоцате,
Не кунгул, не жону не руху равон, не пайкаре.

Социё, дилдорим ул янглиг мени бедил бу навъ, Рахм этиб тутцил манга айлаб лаболаб согаре.

То булуб бехуд Навоийдек цилай девоналиг Ким, тараххум цилмаса, цилгай тамошо ул пари.

**581**

Не ажаб гирён кузум гар булмас уйцу манзили Ким, етшимас бахрнинг бир ерга икки сохили.

Эйки курдунг жонима фурцат куни юз минг бало, Билки эрмастур булар хажрим тунининг дохили.

Деманг ул оразда бурцаъдур ва ёхуд йуцтурур, Ё эмастур гояти равшанлигидин хойили.

Дафн этар чогда ичимдин чекмангиз пайконларин Ким, бу жавхарлардурур нацди хаётим хосили.

Хар тараф чун тиг чекти рашкдин булдум халок, Элга жон берди ва лекин булди жоним цотили.

Ишц майли чунки хижрон сари эрмиш, хуш ул Ким, бурундин булмади кунгли биравнинг мойили.

Гар жунун ахли аро айтур Навоий дарси ишц, Не ажабким улдурур девоналарнинг оцили.

**582**

Бас ажабдур, икки лаълин курсангу огзин доги, Гунча булмоц бир-бири узра ики гул яфроги.

Мил агар булса уцунгдин йуц ажаб, эй цоши ё, Чун кузумни сурмадон этмиш аёгинг туфроги.

Гарци ашк улдум кунгулда гавхари ишц уйлаким, Бахр аро дур маскани булгай болигнинг цурсоги.
Йуцки тигинг тукти цоним, балки чекти дам била, Ул ики аждарки курсатмиш циличинг болчоги.

Чицти цон тукмакка ул кофир шафоат цилмангиз, Эй мусулмонларки, мумкин йуц тараххум цилмоги.

Бодаю ишцу шабоб айёмию, фасли бахор, Панд нетсунким эрур ошуфталигларнинг чоги.

Воиз айлар васфи жаннат ичра кавсар бодасин, Бул Навоий маст, хохи мундоги, хох андоги.

**583**

Жисми ул гулнинг цизил тундинмудур гул хирмани, Ё солиб рухсори бир хирманга ут уртар мани.

Оташин гул жисмида андоцки су музмардурур, Уйладур гулгун тун ичра оби хайвондек тани.

Гуйиё гул ичра савсан барги айлабтур нихон, Йуцса гулгун тун ичинда кунглакидур савсани.

Катл учун ол айлади тун, йуцса ул цаттолваш, Гарца булмиш цонга, баским булди цон тукмак фани.

Оташин гулму экин, гулбунда хар ён ё магар, Ишц сузидин тушуб ут, куйди булбул маскани.

Гул сочиб юз йил агар гулранг май нуш айласанг, Арзимас бир кун тикон нешига даврон гулшани.

Гул эрур юз хурдаси бирла гадойи жандапуш, Эй Навоий, муфлиси цониъни бил шохи гани.

**584**

Кунгулнинг чокидин гар булса жоннинг вахмию боки, Не тонг, эй гулки, кунглак чоки эрмастур кунгул чоки.

Улук ушшоц бахри ишц атрофида тонг эрмас, Эрур хасларки сурмиш хар тараф бу бахр кулоки.

Бало сахросида, эй ой, таним уртарга саъй этма Ки, бахр ичра чоцин тушса куяр бу дашт хошоки.

Бошим аввал ити оллига сол, эй чархким, туйсун Ки, цоним бирла рангин булмасун ул шух фитроки.
Буким ул шух элни ултурур бу рашкдин оё, Билур эркинмуким эрмас тирик бу зори гамноки.

Булур хусн ичра бир аники ахли ишц дарк айлар, Йуц эрса зохиди беишцнинг йуц мунча идроки.

Начук хар зарра бу доир фалакдин мехр куз тутцай Ким, анинг давридин саргашта булмиш мехр афлоки.

Тирилдим бодадин цайгум кетиб, эй богбон, гуё Ки, хайвон суйидин шодоб булгондур анинг токи.

Навоий назм аро тиги забонин уйла сурдиким Пичоц топмас уятдин узни ултурмакка Саккокий.

**585**

Кош санчилса ики кузума куюнг тикани, Кирпикинг игнаси бирла чицарур булса ани.

Чицмагай туфроги булгунча гадоларга ватан, Хар гадоким эшикинг туфроги булмиш ватани.

Захмдур лола кеби догларнинг дудидин, Ханжари ишц шахиди уза цонлиг кафани.

Пуршикан зулфунг аро туштиким, эй ахдшикан, Юз шикан солди кунгулларга анинг хар шикани.

Туну кун зулфу юзунг шавцидадурмен, негаким, Гулшани хусннинг ул сунбулидур, бу сумани.

Бода цон, нагма фигон, сури азо, айш бало, Кургасен жилва агар айласа ишц анжумани.

Хуснидин булса Навоийга гадолиг, не ажаб Ки, будур асру фацир, ул доги бор асру гани.

**586**

Оразинг хажрида зор эрдим цуёш ботцон чоги Ким, сабо пайки манга еткурди бир гул яфроги.

Тулди шавцинг гавхаридин бахри ишц ичра кунгул, Гуйиё булмиш менинг кунглум садафнинг цурсоги.

Ерга томгоч ашки хайвон чашмаси булмоц не тонг,
Кайси куз ичраки ер тутса аёгинг туфроги.

Суртсам мужгон кафи пойингга куп вахм этмаким, Килмади афгор гул баргини булбул тирноги.

Нетиб асрай узниким холимнн ул чиццон замон, Англатур ёнимга ултурганга кунглум солмоги.

Ёшим эллик булди юз хасрат есамким суди йуц, Узни майдин хуш тутай чун утти умрум хушроги.

Эй Навоий, Вомицу Фарходу Мажнун бордилар, Булма гофил, дам-бадам цилгунг азимат сен доги.

**587**

Неча йилда цилмади кунглумга ишци шиддати, Улча цилди хаста жонга неча кунлук фурцати.

Хажр бедоди аро хар кун яциндур улгамен, Дустлар бехад цотиц эрмиш йироглиц мехнати.

Богни цуйким кунгулнинг ул цаду юз хажрида, Сарв ила хам унси йуц гул бирла доги улфати.

Сен билу жисмим неча дог уртар эрсанг, эй сипехр Ким, кунгулга басдур ул бадмехр доги фурцати.

Эй кунгул, даврон элига чунки йуц хусни вафо, Кайда бас хусн ахлига булгай вафонинг нисбати,

Истасам жоми мугона тутса гохи мугбача, То тирикмен айлагумдур дайр пири хидмати.

Эй Навоий, чарх золининг фирибин емагум, Ёр агар булса менинг бирла эранлар химмати.

**588**

Уйла хижрон тийрадурким, зулм экоч ул ой фани, Ёцибон кундуз чарог истаб топа олмон ани.

Лаълинг уммидида мунглуг жоним улмиш бир гадо Ким, мунунг йиртуц тунидекдур анинг захмин тани.

Ул куз оллида мукаххал кузлари хусн ахлининг, Кулга булгонгон сурук девоналардур гулхани.
Огзи жон щасди щилур, жонга таваххум йущ ажаб, Хавфи купрощдур анингким, махфий улса душмани.

Келса тонг йущ гох пири дайру гахи мугбача, Риндким кунжи харобот улгой анинг маскани.

Яхшироцдур курмаган оламда хусн ахли юзин Ким, санамлар ишщининг бу келди важхи ахсани.

Эй Навоий, ком топмай гар мен улдум ишщ аро, Кимки топса ком анга гохи согиндургил мани.

**589**

Чун суз айтурсен лабинг титрар газаб щилгон чоги, Рост андощким сабо тахрикидин гул яфроги.

Кимки курди сувратинг когаздаги суврат кеби, То щиёмат огзи ичра щолди хайрат бармоги.

Баски куз ощу щаросин суртмишмен, шавщдин, Хам щора, хам ощ улубтур бодпойинг туйноги.

Не ажаб щон тукса тигинг ким, анинг ошомига, Огзин очщон икки аждар зохир этмиш болчоги.

Бошима туфрог совургондинму чехрам гард экин, Ё фалак ёгдурмиш устимга мазаллат туфроги.

Деди, лаълимни сурарсенмуки, топщайсен хаёт, Бир хаёти тоза худ еткурди анинг сурмоги.

Дайр пири хидматига улки дер, бел богладим, Чин дегай ул ващтким, зуннор булгой белбоги.

Менки эллик йил чекиб гам, топмадим хушващтлищ, Топщаменму умрнинг эмдики утмиш хушроги.

Эй Навоий, олам ахлидин вафо щилдинг тамаъ, Мен эдим сенинг кеби, мен янглиг улгунг сен доги.

**590**

Ким экин ул куй аро деб, келса андин ит уни, Ит уни вазни била кунглум солур хижрон туни.

Демангизким, шоми хажрингнинг нечук поёни йущ, Субхи шамъин тийра анлар гам тунининг шудруни.

Шоми хажримни цора цилмоц не хожат, эй сипехр, Рузгоримдин цорарацдур чу хажримнинг туни.

Ишц ицболидин андоц кимиёедур юзум, Ким цилур касби иёр андин цуёшнинг олтуни.

Дард кургим истаса келмак гамим сурмоцца ёр, Рози эрмонким, сиришким сайлининг бор уз куни.

Дахр бустонига зийрак цуш, не цилсун майлким, Гунча жуз цонлиг кунгул очмас бу гулшан гулбуни.

Гам Навоийнинг кузин цилмиш булутким заъфдин, Истар огзига томизгайлар момуг бирла суни.

**591**

Юзи давринда цironму зохир этмиш ул пари, Ё цуёш бирла цирон айлабтурур юз Муштари.

Йуцса анжум халца урдилар тамошо цилгали, Жилваи хусн айлаганда офтоби ховари.

Бу бахона бирла рухсорига еткайменму деб, Риштан жоним аро тортилди ашким гавхари.

Гул уза шабнам эмас ул юзда дур монандиким, Инфиолидин ботибтур терга гул барги тари.

Жолаларнинг лолазор ичра йуц онча зебиким, Лолагун рухсоринг атрофида дурлар зевари.

Дур била фахр этмаким, ул беш эмас бир цатра су, Панд дурригa цулоц сол, эй санамлар сарвари.

Юзи васфида Навоий доги айлабтур цирон, Назм силкигаки чекмиш дурри маъни хар сари.

**592**

Насли одам булмади харгиз мухаббат мазхари, Ул нимаким билмагай одам, цачон билсун пари.

Хублар хуснин цазо машшотаси куп цилди зеб, Анда юз минг хайфким, йуцтур вафонинг зевари.

Мен кеби айлаб вафо, курган жафо топилмагай,
Ахтарилса сарбасар ахли мухаббат дафтари.

Эй кунгул, жинси башардин сен вафо куз тутмаким, Йуцтурур бу хайл зотида мухаббат жавхари.

Эйки дерсен, мехр шамъи бирла кулбангни ёрут, Хам магар ани ёрутцай шамъи мехри ховари.

Гуссадинким жон олиб парвойим этмас мугбача, Бехуд улмоц истаб улдум дайр пири чокари.

Эй Навоий, гар десанг курмай жафо булмоц керак — Хублардин, балки мутлац насли одамдин бари.

**593**

Кон айладинг кунглумни нихони, Кургил
ики кузумда нишони.

Тушти фигонга кунглум ул ойдин, Тонг йуц
етишса кукка фигони.

Хажринг тунига тушкали кунглум, Булмиш
кузига тийра жахони.

Хасрат гули хамул дам очилгой
Багримнинг томса куйида цони.

Хар кимсага не тухмат этайким, Иткан
кунгулни олди фалони.

Айларда ишцинг шархини тахрир, Сигмас
цалам тилига баёни.

Хусрав, Навоийё, сени курса, Шахни дегай,
Маликшахи соний.

**594**

Кунгулга иткали андин топилмади хабаре, Топилса хам анга
мендин топилмагай асаре.

Кадингки нахли балодур ситам ёгар андин, Не булгуси самари,
булса ул сифат шажаре.

Не шоми фурцат экин, вахки, умр утуб андог, Тулуъ цилмади
хуршиди васлидин сахаре.
Гузарда курмак учун заъфдин йицилмишмен, Гадоий хастадек
ул куй аро тутуб гузаре.

Итингки бор анга ушшоц багридин туъма, Килай
деганга ани мехмон керак жигаре.

Оцар цадахга, томар ерга боданг, эй соций, Хумор
ахлига тегмасму хеч оцар-томари.

Фироц утида Навоийни, эйки, куйдурасен, Чу ишцинг айлади
хасча анга не бас шараре.

**595**

Ит кеби неча самандинг сунгича пуя урай, Ногах утсам боцибон
сен яна уткунча турай.

Чунки еттинг куруб ул чехрани бехол булуб, Узга келгач яна ул
рахш сунгинча югурай.

Турт аёгланиб итинг хайли аро мен мажнун,
Гар кесак отсанг упай, гар сунгак отсанг кумурай.

Уйцунга мониъ агар булмаса ул куй ичра, Югуруб итлар ила
кеча тонг отцунча хурай.

Субхидамким уюр итлар манга чун йуц уйцу, Посини мехр ила олам ёругунча етурай.

Ишц куйида агар шери жаёндур итдур,
Тонг йуц ар фахру мубохот ила бу нукта сурай.

Нетти итликка Навоий кеби цойил булсам, Элга куз йуцмудурур гарчи ани мен ёшурай.

**596**

Хунфишон кузни юбон оц этти ашким касрати, Гарчи кетмас лоланинг судан саводу хумрати.

Шуша олтунлар эрур дурри висолингга бахо, Кохи аъзом узра эскирган алифлар хайъати.

Тушта васлин кургали, вахким, ажал уйцусига, Бордиму кунглум аро цолди ул уйцу хасрати.

Гарчи оллимдин утарсен хар замон майдонда, вой Ким, эрур мониъ юзунг курмакка рахшинг суръати.

Тиги зулмингдин эмастур захмлар кунглумдаким, Чоклар цилди бу уйнинг хажр утининг шиддати.

Буки хоким жохилу махкум эрур олам анга, То хакими сунъининг не эрди эркин хикмати.

Эй Навоий, кузга кунглумдин адувроцменки, бор Манга кунглум мехнати, кунглумга кузнинг офати.

**597**

Гул ёпиштурдингму юзга шухлицтин хар сари. Ёхуд очилмиш узоринг богида май гуллари.

Келгач ул юз оллима, цолур цора цайгу кейин, Соч тушкандек кейин хуршид булгоч илгари.

Булмиш ул ой хажрида ранжим фалак жавфи тула, Узга ранж улса, магар булгай фалакдин ташцари.

Дема мендин бул йироцким, тушмишам андоц йироц Ким, эмас мумкин яна булмоглигим мундин нари.

Тонг эмас пайваста цошлар оразинг устидаким, Ёйни пайваста мусхафтин цуярлар юцари.

Зулм ила бедодидин махлас не мумкин, эй кунгул, Чунки цувватлиг йигитдур ёру мен ожиз цари.

Эй Навоий, хажр аро билмон сенинг холинг недур, Ёрдин айру хаётимдин туюбон мен бари.

**598**

Суз вафодин демаким, ул эрмас ахли хусн иши, Жавр кам цилким, вафо сендин тамаъ тутмас киши.

Ишц аро таскин таваццуъ тутма кунглум сузига Ким, харорат дафъини цилмоц эмастур ут иши.

Чекти саф кирпикларинг кунглум сипохи оллига, Синдурур юз цалбни лекин аларнинг сончиши.

Совуг ох утлуг кунгулдинким чекармен турфа кур Ким, хавоий ишнинг мамзуж эмиш ёзу циши.

Термагайсен жолани гулбарги ичра, эй бахор,
Зохир улса ёр лаъли дуржидин дурдек тиши.

Нури ботин ичра, эй солик, тилар булсанг камол, Кил щуёш янглиг манозил щатъи щилмощ варзиши.

Чекти оллингга Навоий ащл ила хушу хирад, Турк чексун жисм аро гар хаста жондур щолмиши.

**599**

Тог аро Фарходу хар ён сурма щилган тошни, Кузга
чеккан не ажаб юз мил ощизмащ ёшни.

Ахли ишщ ул куй аро саргаштадур жодуларинг, Сехр ила гуё бу навъ айландururлар бошни.

Кукта хар ой бир хилол, ул машщдурким килки сунъ, Айламиш сизгонда ул икки мущаввас щошни.

Эй сабо, ушшощ нащди жонларин еткур йигиб, Кайда
топсанг ул мущомир шеваи щаллошни.

Келди Чин нащщоши ул юз нащшини щилмощща тарх, Чехра очиб нащши девор айладинг нащщошни.

Кимни мендек хонащахдин сурдилар ахли салох, Мугтанам тутдик фано дайри аро авбошни.

Лаълини кавсар майига гарчи ташбих айладинг, Эй Навоий, бордурур бу майда узга чошни.

**600**

Хаёл улгон киши ишщ ичра фахм айлар хаёлимни, Билур хижрон аро бехол булган саъб холимни.

Кунгул боги ародур нахли щадди, лек щурщармен Ким, ул иссиг хаво сулдурмагай наврас нихолимни.

Эрур хижрон туни бас тийра, эй гардун, дурахшон щил, Саодат матлаидин ахтари фархунда фолимни.

Не заъф улгайки бир щил гар щаламдин устига тушкай, Нихон щилгай мусаввир тортгон щилдек мисолимни.

Куруб хандон лабин огзим очилди буки улмаймен, Килурмен дафъ кулмак бирла гуё инфиолимни.

Хацорат бирла боцма шайху муг дайри сари юз цуй, Боц ул куй итлари силки аро жоху жалолимни.

Навоийдек агар нафс итлигидин цилмагаймен рам, Качон гардун манга ром айлагай раъно газолимни.

**601**

Неча тиг урдунг кунгулга тийра охи итмади, Кимса уттин дуд чиркин су била оритмади.

Бош цуярмен шукрдинким цилмайин бошимни гуй, Чобукум майдонга харгиз рахшини секритмади.

Хохи тиги жавр ё тиги забон бирла рациб, Илтифоте цилмади кунглумгаким огритмади.

Айлади юз цатла су, бир цатла цон кунглумниким, Урмади бир тиг ани юз цатла то инжитмади.

Килмади махбус кунглум кулбасида гамни ишц, Рахналарни то маломат тошидин беркитмади.

Эй хуш, ул цушким тегиб жисмига хар бир тикан, Эл цулогин ноладин булбул кеби ёлцитмади.

Бахри ашк ичра Навоий собит эрди тогдек Ким, эсиб бир ел танининг тахтасин цолцитмади.

**602**

Сарсари охимдин ул ой фурцатида гам туни, Уйцуга цуймас халойицни эшикларнинг уни.

Ишц утин Фарходу Мажнун рухи билгай чарх уза, Хар бирига етса охим утининг бир учцуни.

Буки дерлар кимиёдур ишц, бовар цилмасанг, Килгуси юз важх ила собит узорим олтуни.

Орази гулгул булуб майдин оцизди цон ёшим, Кур, не гуллар очти ул бустони офат гулбуни.

Эйки, дузах утину махшар кунин шарх айладинг, Учрамайдур жонингга ишц утию хижрон туни.

Шохиди мацсуд хусни жилвагохинг жом эмиш, Истасанг мацсуд иликдин цуймагил ул кузгуни.
Чун Навоийга ики лаъли майидин тутса цуш, Коривор жон истасаким, жон бериб топти муни.

**603**

Менмудурменким, кунгулдин айрумен жондин доги, Оллох-оллох не кунгул, не жонки жонондин доги.

Ул пари зуннори зулфин богламай девонамен, Булмишам бегона, яъни ацлу имондин доги.

Хонумондин хам тушубтурмен мени бедил йироц, Кунгул отлиг хам алохону аломондин доги.

Хар замон кирса бузуг кунглум аро ёру диёр, Олам ахли сицтатурмен оху афгондин доги.

Эй ажал, жон бирла миннатдормен цилсанг халос, Интизори вcase

Кузларим боги сочарда ашк гулгун оштилар, Бу бири айнул хаёт, ул бир гулафшондин доги.

Кимки истар жонига даврон жафоси етмагай, Кунглини даврондин узсин, ахли даврондин доги.

Дахр чун бузди мени мен хам мукофот айладим, Уткариб охимни барц, ашкимни туфондин доги.

Эй Навоий, кунглунг ар итти ани ёзгурма куп, Бу эмиш тацдир, эмас сендин доги, андин доги.

**604**

Дашт уза саргашта мажнуннунг таку пуй урмаги, Йуц ажаб, чун мумкин эрмастур цуюннинг турмаги.

Ёзгурур хар дам мени ул цотил ултургум дебон, Ултурур хар дам мени балким анинг ёзгурмаги.

Кукни охим уцлари гар цилмамиш юз минг тешук, Недур анинг шуъласин бас чархдин ошурмаги.

Ул пари лутф айлабон девоналар кунглин олур, Не ажаб ушшоци бедилнинг кунгул олдурмаги.

Социйи давроига майли цатл агар йуцтур, недур,
Хар замон ахбобнинг паймонасин тулдурмаги.

Богбони дахр хар нахлки пайванд айлади, Хуб эди гар
булмаса эрди яна синдурмаги.

Демангиз ищцин Навоий халцдин тутсун нихон, Олам ахли
билди эмди не осиг ёшурмаги.

**605**

Неча нихони ишорат рациблар сари, Куз учидин
назаре хам гариблар сари.

Тиканлар ичра булур гул не тонг, гар ул гулрух Хам этса майл
хамиша рациблар сари.

Бу важхдинки даво дардманларга етар, Насиби
васл керак бенасиблар сари.

Юзум сенинг сари булгусидур, бихамдиллах, Мухаббат ахли
борурда хабиблар сари.

Не айб телба кунгулни цочурса носихлар, Булурму
тифлга рагбат адиблар сари.

Чу хусн даври вафосиздур, эй гули раъно, Кил
илтифот гахи андалиблар сари.

Навоий, чу эрур хажр дардидин аламинг, Тазаллум этма, гар улсанг табиблар сари.

**606**

Сахар ховар шахи чарх узраким, хайлу хашам чекти, Шиои хат била кухсор уза олтун алам чекти.

Казо фарроши чекти субхнинг сиймин супургусин, Музаххаб парларин андоцки, товуси харам чекти.

Китоба сунъи килки сураи ваш-шамс тафсирин, Фалак тоци хавошисида зархалдин рацам чекти.

Муаззин Каъба тоци узра гулбонги самад урди, Барахман дайр айвонида оханги санам чекти.

Ёца чок этти гохи субх ул мотамгаким ошиц,
Бу мухлик шоми хижрон ичра юз хуноби гам чекти.

Замоне кулди ул гофилгаким даврон ситам тигин, Анга урмогни англаб узгага тиги ситам чекти.

Хушо, улким мунунгдек чог вафосиз умрни англаб, Сабухи жомини ахбоб бирла дамбадам чекти.

Маоний ахли гохи нукта узра цилу цол этти, Таганний хайли нагма ичра гохи зеру бам чекти.

Агар кунглида бир гул хажридин хори фироц улса, Бахона йигламоцца бир неча жоми алам чекти.

Вагар худ васли ицболи муяссар булса бир соат, Фаридун тахти узра базм тузди, жоми Жам чекти.

Булуб матлуб рухсорига махву жомдин сархуш Юзин туфроцца цуйди бошини оллига хам чекти.

Не давлатдурки, бу холатда андоц борди уздинким, Бацо ицлимидин рахтини то мулки Адан чекти.

Навоий шояд ул рахравга бу мацсад насиб улгай Ким, ул дашти фано цатъ эткали йиллар цадам чекти.

**607**

Чарх агар солса йироц юз йил висолингдин мени, Ойира олгайму бир соат хаёлингдин мени.

Белу огзинг зикру фикри бирла булсам не ажаб, Шавц бир дам гофил этмас цилу цолингдин мени.

Янги ойдур мужиби савдою мен девонамен,
То фалак солди жудо мушкин хилолингдин мени.

Элга юз очиб цоронгу цилма оламни манга, Тийра цилмаглиг недур шамъи жамолингдин мени.

Жон багишлаб элга лаълингдин, мен улдум ташна лаб, Вахки, цилдинг цатл жонпарвар зулолингдин мени.

Бастаи зуннор цил бир риштага, эй пири дайр, Хар сари тори чубулгон эски шолингдин мени.

Эй Навоий, ёна ишц айлаб тахайюл зинхор, Килма хар дам ранжа бу фосид хаёлингдин мени.

**608**

Йуц вафо ахлида бир зори паришон мен кеби, Бевафовашларни севмакдин пушаймон мен кеби.

Жон бериб бу хайл учун бирдин вафое курмаган, Барчадин навмид уз холига хайрон мен кеби.

Хонумонидин кечиб Мажнунки тутмиш эрди дашт, Кайда бор эрди алохону оломон мен кеби.

Туттилар ахли жунун вайроналик ул жамъдин Ким,
паришонлиглар ичра булди вайрон мен кеби.

Хазлу завц айларга туттунг дашт, бир суз цот манга Ким, тилаб топмас киши гули биёбон мени кеби.

Билмайин хусн ахлидин цилдим тамаъ расми вафо, Йуц алардек бевафо, андоцки нодон мен кеби.

Эй Навоий, сен доги цилсанг тамаъ сайри Хижоз Кил Ироц оханги, тарк айлаб Хуросон мен кеби.

**609**

Киши кетурса манга сарви гулузоримни, Анга фидо
цилайин жони хоксоримни.

Ёшургай ахли бацо оразики гарди фано, Чу ел совурса
адам куйида губоримни.

Йул узра онсиз эмаским бузулмагай кунглунг, Наззора цилсанг утарда бузуц мазоримни.

Чу зулфунг эрди кунгул рузгори, вахки, сипехр Корартиб айлади ошуфта рузгоримни.

Рациблар тоши ё итларинг тишидин эрур, Улук йул устида курсанг тани фигоримни.

Мени чу майкададин ваъз жашнига тиладинг, Тахаммул айла дамеким ёзай хуморимни.

Дема Навоийгаким берма ихтиёр элдин, Муни деким манга ким берди ихтиёримни.

**610**

Гулшан ичра махфий ичсанг бодаи гулфомни,
Чирма наргис гунчасидек пардаларга жомни.

Ёр зулфида нихон айш айлаган янглиг кунгул, Сен доги ишрат учун тутщил ганимат шомни.

Кил шабистон тунларин майдин ёруг, андощки чарх, Мехрдин махмурлущ бирла утар айёмни.

Гар тарищи эътидол осон эмастур, хуштурур, Дайр аро тарк айламак ойини нангу номни.

Маст чок айлаб ящо, йиглаб замон бедодидин, Бир щадах майга сотиб даврони нофаржомни.

Чун харобот ичра кирдинг маст булким, мугбача, Махрами базм айламас жуз ринди дурдошомни.

Зухдунга магрур улуб куп щилма исъёнимни таън. Не учун, эй шайхким, билмас киши анжомни.

Мен — мену дайри фано, суфию кунжи хонащах Ким, тилар ул кавсару мен бодаи гулфомни.

Эй Навоий, дахрдин куз тутма жуз нокомлищ, Ком ким топмишки, сен топщайсен андин комни.

**611**

Чун аён щилди лабинг аксини жом, эй сощий, Бодадин жон иси касб этти машом, эй сощий.

Мастлищдур манга хам майдину хам аксингдин, Нелар айлар щайдахи ойинафом, эй сощий.

Кайфиятдин эмас эл боши щуйиким, щиладур Хуснинга базм элининг ишщи салом, эй сощий.

Гарчи биз щон ютадурмиз лабинга етса щадах, Санга булсун тарабу айш мудом, эй сощий.

Куйма уй азмигаким, энди булибсен сархуш, Килма базм ахлига ишратни харом, эй сощий.

Лабинг упмакка не хаддим, газак эткан щандинг Огзима етса бу басдур манга ком, эй сощий.

Ваъда щилдинг чу сабухигаву маст улмишсен, Уюсанг нетти бизинг бирла, бу шом эй сощий.

Билгали куфрдурур ниятинг айлабдурмен,
Хонацахдин чицибон дайр мацом, эй соций.

Гар Навоий деса ичманки, цилибмен тавба, Йицибон бугзига цуй бир тула жом, эй соций.

**612**

Лахза-лахза чунки ортар ул пари зеболиги, Дам-бадам афзун булур мажнун кунгул шайдолиги.

Халц куп парвосидин жон топцонинму айтайин, Ё аниким не цилур жонимга бепарволиги.

Итти шахлар кунглини огзи угурлаб оцибат, Айлади пайдо бу шахкорини нопайдолиги.

Гарчи расво эрди Мажнун, чун менинг расволигим Булди афзун, эмди курунмас анинг расволиги.

Майда соций зулфу юзи гар курунмас, бас недур, Дайр пирининг кеча-кундуз цадахпаймолиги.

Жаннату дузахга чекмас, лутфу цахринг булмаса, Гар мунунг муминлигидур, гар анинг тарсолиги.

Лайли майни то майи лаълига ташбих айладинг, Эй Навоий, андин улди бу нишотафзолиги.

**613**

Огиз ичра тилингдек гунчада гул барги тар булгай, Вале бу шарт илаким, барги гул ичра шакар булгай.

Кадингга сарви раъно ухшагай, лек ул замонким сарв Хиромон булгаю гул бергай, ул гулдин самар булгай.

Юзунг давpига ой даврини ташбих эткамен, вацте Ки, анда хол ила хат фитнаи даври цамар булгай.

Кузунга ухшагай наргис, агар циймоч улуб оци, Мудаввар асфари ичра, цоралигдин асар булгай.

Хатингга цадр шоми ухшагай бу шарт бирланким, Тажалли нуридин ул шом аросинда сахар булгай.

Чу минсанг ашхабинг ул дам, цуёш булгай санга монанд
Ки, берса кукбузин жавлон жахон зеру забар булгай.

Манга ишцингда Мажнун бирла Фарход ухшагай ул чог Ки, бу булгай жахон расвоси, ул мундин батар булгай.

Хабардор ани билгил, эй кунгул, бу давр жавридин Ким, ул тун-кун харобот ичра масту бехабар булгай.

Дедим, назм ахлининг сархайли ким булгай, деди хотиф, Навоий булгай, улким сен тилайдурсан агар булгай.

**614**

Кунгул ут берки, бир гул хажридин куксумга дог уртай, Фатила чирмаб, ой давpича солиб, анда ёг уртай.

Эмас мумкин газолим мултафит мен уйлаким лола, Неча багримни цон айлай, неча кунглумга дог уртай.

Анингдек тийрадур шоми гамимким булмагай равшан, Агар хуршид шамъи янглиг анда юз чарог уртай.

Чицинг Фарходу Мажнун, ишц ути лофидин урмай дам Ки, хижрон сузидин бир ох тортиб, дашту тог уртай.

Эмас кулбамни харгиз ул цуёш ёрутцудек, эй чарх, Узумни шамъдек хар тун неча бошдин аёг уртай.

Мени дузах сари бошлангки, ташлаб сарнигун узни, Бу янглиг хажр ути бедодидин истаб фарог уртай.

Неча ул шух элга нушханду лоба цилмоцдин, Ёгимни хой-хой айлай, ичимни лог-лог уртай.

Бу гулшан гулларида чунки йуц буйи вафо, невчун Тилаб ани таманно утидин хар дам димог уртай.

Замон ахлин вафосиз дебки, цилдим достонлар сабт, Навоий бир кишида гар вафо топсанг сурог уртай.

**615**

Неча килки тахайюл бирла бир сиврат нигор айлай, Анга ошиц ясаб, кунглумни умдо бецарор айлай.

Неча чирмаштуруб бир зулф савдосин димогимга, Узумни ахли савдодек паришонрузгор айлай.

Неча бир сарвдек щомат хавоси бирла хар соат, Жахонда оху афгондин щиёмат ошкор айлай.

Неча бир лоларух доги гамин истаб таним узра, Куюб юз дог ани щонлиг ёшимдин лолазор айлай.

Эрур бас тийра шоми ишщ, ё раб, хусн шамъин ёщ Ки, жон бирла кунгул уртанмагин парвонавор айлай.

Неча гам дашти ичра бир пари мехрида соямни, Жунундин бир замон щовуб, гахи андин фирор айлай.

Неча анжум била чарх офатидин чарху анжумдек, Хавони охим утидин тула дуди шарор айлай.

Чу хеч иш ихтиёри кимсада йущтур, щуй эй зохид Ки, тарки ихтиёр этмакни мен хам ихтиёр айлай.

Навоий, бода бахри бегаронига мени солгил
Ки, гардун бахрининг мавжи балосидин канор айлай.

**616**

Неча кургузсам ниёз, ул шух ноз айлар, нетай? Жавр куптин-куп, тараххум оздин-оз айлар, нетай?

Мен ниёз айларда истигнодин этмас ноз хам, Ноз хам хайф элга изхори ниёз айлар, нетай?

Эл билаким лаълидин жон истар, айлар ихтилот, Жон бериб лаълига мендин эхтироз айлар, нетай?

Васли шоми бода янглиг маст этиб ахбобин, Шамъдек то субх ишим сузу гудоз айлар, нетай?

Жаврини чекмакта мен мумтозмен ахбобдин, Лутф ващти ул тарафни имтиёз айлар, нетай?

То хащищий ишщ мастимен кунгулни щовмушам, Аниким андишаи хусни мажоз айлар, нетай?

Мен хусайний мазхаб ар хамрох эмасмен, йущ ажаб Чун Навоий хар дам оханги Хижоз айлар, нетай?

**617**

Руза булдию манга ичмак-емак кам булмади, Ичмаким жуз щон, емак жуз гуссаву гам булмади.

Элни сероб айлади ишрат зулоли шоми айш, Еайри куз селобидин эрним менинг нам булмади

Эл янги ой курдию мен курмадим цошинг хамин, Элга байрам булди, аммо бизга байрам булмади.

Олам ошуби учун майдонга кирдинг секретиб, Ул замон ким цолдиким расвои олам булмади.

Янги ой булгач аён тутцил хилоли жомким, Жуз бу иш имосига цадди анинг хам булмади.

Хажр зиндонидин озод эт мениким, йуц букун Хеч зиндонийки махлас бирла хуррам булмади.

Эй Навоий, ийд улуб эл ичтилар май дам-бадам, Бизга жуз хуни жигар жоми дамо-дам булмади.

**618**

Куз ёшим галтон борур ул орази дилжу сари, Тифлдекким агнабон майл айлагай кузгу сари.

Ул бути зебо гар истар ашким оцса айби йуц, Зиннат ахли майл этарлар доимо инжу сари.

Хол ширинлигни лаълингдин магар касб айламиш Ким, эрур кунглум багоят мойил ул хинду сари.

Хажр даштида кузи сори борур шайдо кунгул, Телба сахро сайрида борган кеби оху сари.

Хар сари майл этканингдиндур хасаддин улмаким, Ёлгуз андин йуцки кунглум мойил улгай бу сари.

Оби хайвондек чучук лаълинг муяссар чун эмас, Хажридин хар лахза кунглум тортар аччиг су сари

Ул махи хиргахнишиннинг остонин мендин уп, Эй Навоий, хар цачон майл айласанг урду сари.

**619**

Нотавон наргисидек айлади бемор мени, Сунбули доми аро цилди гирифтор мени.

Ёр куйида гар улсам гам эмас ултурадур,
Куйидин буки цовар хар нафас агёр мени.

Дард тогию бало даштида курким, цилмиш Ишц Фарход ила Мажнунга намудор мени.

Тонгдин оцшомгача ноз уйцуси ичра ул куз Вахки, цилмиш кеча тонг отцуча бедор мени.

Куйдуруб хар сари дудумни паришон цилди, Дуддек зулф ила ул ут кеби рухсор мени.

Куфр зулфи расанинким белима боглади руст, Тортти дайрга ул халцаи зуннор мени.

Хонацах ахлидин асру мутанаффирдур табъ, Пири дайр айлагали воцифи асрор мени.

Чун фано дайрида узлуктин огирроц юк йуц, Шукрким ишц ути цилди сабукбор мени.

Дема, эй шайх, Навоийгаки, чиц майкададин, Чицайин цуйса гар ул дилбари хаммор мени.

**620**

Эй цуёш, невчун цошингдин соядек сурдунг мени, Равшан айлаб жумлаи оламни, куйдурдунг мени.

Куйдуруб, эй ишц ути, гардунга совурдунг кулум, Пояда охир бу янглиг кукка еткурдунг мени.

Хажр ути тоби яна бехол цилди нечаким, Эй насими васл, уз холимга келтурдунг мени.

Ишц манъида сузунг чун хашв эди булдум хамуш, Килма, эй воиз, гумонким йулдин озгурдунг мени.

Найладим, эй ищцим, булдум улум муставжиби, Ким, бу янглиг хажр жаллодига топшурдунг мени.

Васлинг эттинг ваъда, аммо хажринга цилдинг асир, Кукка чектинг, лек ерга оцибат урдунг мени.

Эй Навоий, васл агар рузи эмастур чора йуц, Килмадинг деб саъйи бас, не ишга ёзгурдунг мени.

**621**

Бор эди ул хамки бир чог бизга ёре бор эди, Куллий ар ёр улмаса филжумла боре ёр эди.

Васлдин бутцормаса таскин берур эрди суруб, Хаста кунглум дардиниким хажрдин афгор эди.

Мен агар махрум эдим, махрам хам эрмас эрди ул, Кунглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.

Шамъ агар ёрутмаса куйдурмаса хам яхшидур, Не улусца улфат андин, не манга озор эди.

Гуйиё шукр этмадимким, онсиз улмишмен бу дам, Ул цуёшимни ёшурган чархи кажрафтор эди.

Чарх билмонким манга бу узрни тутти раво, Йуцса мехр ахлига ул то бор эди, гаддор эди.

Ёрсиз деманг Навоий маст эмиш, эй ахли хуш Ким, анга то хажр бор эрди, цачон хуш ёр эди.

**622**

Яна лаълинг гами ашкимни жигаргун цилди, Хам жигаргун ани, хам бизни жигархун цилди.

Мазхари хусну жамол улди юзунг андоцким, Шод этиб олам элин, тек мени махзун цилди.

Сочинг афъиларидин йуц кузунга хеч газанд, Сехр ила то бу йилонларга не афсун цилди.

Хусни Ширин била Лайлидин агар ортуг эмас, Нега юз хастани Фарход ила Мажнун цилди.

Сайли ашким гамида сарсари охим бирла, Даштни
бахр этибон, тогни хомун цилди.

Кули булдим негаким, мугбачаи бодафуруш Мени махмурни бир жом ила мамнун цилди.

Эй Навоий, демаким цилмасун ул ой ошиц, Хозир ул эмди нетай, хозир улуб чун цилди.

**623**

Йуцтур андуху малолат утига хас мен кеби,
Бедилу бечораву бемору бекас мен кеби.

Эйки Мажнун васфин эттинг, улмади ёр оллида, Мен цилиб юз жон фидо ул булмагай, бас, мен кеби.

Дема парвона куяр мендекки суз шамъ узрадур, Не учунким ул доги гам шоми куймас мен кеби.

Турки анжумга дедим хусн ичра сен, ё ул фузун, Деди, ким булгай анга юз банда чаркас мен кеби?

Кошларинг ёйига цурбон цилгали йиллар тилаб, Топмагай бир бу кухан тоци муцаввас мен кеби.

Эйки дахр ахли, вафоси йуц дебон озурдасен, Ошнолигни алардин сен хам эт бас мен кеби.

Эй Навоий, ищцни хар ким ёрутмоц истаса, Ер юзинда топмагай тутруц учун хас мен кеби.

**624**

Чок булгоч кунглум олди шухлар филхол ани, Еунчадекким аввал очилгач узар атфол ани.

Хажр аро огриц кунгул цолмиш ики зулфунг аро, Дарддекким цопсамиш хар саридин бир дол ани.

Боги рухсорингдадур кунглум цушиким цилди сайд, Дом бирла дона янглиг зулф бирла хол ани.

Тушкали куюнгга кунглум айладинг туфроцца паст, Тушса ут бир ерга, эл цилган кеби помол ани.

Сувратингдин ацл мажнун булгали бир тифл эрур Ким, цилибдур музтариб когазда бир тимсол ани.

Дахри дунни айла рад невчунки цилмайдур цабул, Улки дахр ахлига муцбил айламиш ицбол ани.

Гар Навоий давр аро бехол эрур соций, не гам, Келтурур уз холига бир жоми моломол ани.

**625**

Очмагай эрдинг жамоли олам оро кошки, Солмагай эрдинг бори оламда гавго кошки.

Чун жамолинг жилваси оламга солди рустахез, Килмагай эрди кузум ани тамошо кошки.

Булмагай эрди кузум утлуг юзунг курган замон Ишцинг ути шуъласи кунглумда пайдо кошки.

Айлагач ишцинг балоси зор кунглумни хазин, Килмагай эрдинг мени махзунга парво кошки

Тушмагай эрди фирибомез лутфунг билмайин, Нотавон кунглумга вdanslingдин таманно кошки.

Лутф ила кунглумни вaslingдин талабгор айлабон, Килмагай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Бевафолиг англагач ишцингни кунглум тарк этиб, Килмагай эрди узин оламда расво кошки.

Эмдиким девонаю расвои олам булмишам, Васл учун мумкин йуц ултургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда, Нечаким десанг агар ёхуд магар ё кошки.

**626**

Ёрдин айрилса цотилмаглигин билмас киши, Билсаким, чун айрилур, цотилмас, айрилмас киши.

Кимса улса ёридин айрилмагай, юз войким, Айрилурда буйла хижрон шиддатин билмас киши.

Васл цадрин билмайин улдум гами хажрида, вой Ким, висол айёми хажр андишасин цилмас киши.

Хажр биймидин улубмен, социё, тут жомким, Кузга маст улган замон Жамшидни илмас киши.

Мендин эрмас, хажрдиндур хар тараф багримда чок, Йуцса тиги цатл ила уз багрини тилмас киши.

Ёшурун дардимни цилмай ошкор улгумдурур, Охким, оламда ахли дард топилмас киши.

Туйди жонидин Навоий хажр аро тут, эй ажал, Уйла майким чун ичар то хашр ойилмас киши.

**627**

Баски кунглумни фалак мажруху вайрон истагай, Истарам улмакни андощким, улук жон истагай.

Фурщатинг ошубидин истар кунгул щуймощ туган, Кимса андощким яра манъига щолщон истагай.

Хажрким жоним тилар хар дам азоб айлаб эрур, Золимеким щийнаб элдин нащди пинхон истагай.

Булмасун ошищ менингдекким, куруб дилдорини, Узгаларга мултафит хар лахфа хижрон истагай,

Вах, неча мехнат тоши атфолдин ёгдургали, Ишщ шахру куй аро жисмимни урён истагай.

Ул пари ушшощига рахм этса этсун ушбу бас Ким, мени девонаву расвои даврон истагай.

Ущларингдин улганимдин сунгра топщай щатл учун, Туфрогимдин чарх агар юз щари пайкон истагай.

Килсун осон узлукидин булса бир душворлиг, Хар киши даврон гами душворин осон истагай.

Эй Навоий, сен кеби махрум щолгай, кимки ул Олам ахлидин вафойи ахду паймон истагай.

**628**

Фирощ ашкидин, эй куз, даме очил боре, Бошимгаким щадам урмиш назора щил боре.

Келибдур ул пари, эй бе шуур телба кунгул, Келиб узунгга не дейдурмен англагил боре.

Жахон халойищи жаврунгдин улди, эй бадмаст, Булар тафарружига бир нафас ойил боре.

Иёдатимга менинг, эй Масих, чун келдинг, Дам урмай улма равон нуктае дегил боре.

Буким жахон аро расвомен айламон тахсин, Сенинг гамингдин улубмен бу навъ бил боре.

Неча улусща маю бизга захр сощийдур, Дедингки мастмен, ар чин дединг, ёнгил боре.

Навоий улгусидур илтифотинг озлигидин Чу курмагунг яна бир цатла кузга ил боре.

**629**

Гул эмас хар ён юзунг даврида оро цилгали, Халца урмишлар жамолингга тамошо цилгали.

Оразинг Чин нацши зулфунг мушку харён хол эрур, Хинд эликим Чинга келмиш мушк савдо цилгали.

Юз уза огзинг угурлаб нацди дин булди нихон, Чекти хаттинг хайли саф угрини пайдо цилгали.

Килгали ищцингни пинхон айладинг куксумни чок, Дема пинхон цилгаликим ошкоро цилгали.

Эйки, сурдунгким цачондин сен жунун ошубида, Ул пари хайли гами кунглумда гавго цилгали.

Бодага рахм айлаганда офият дасторини, Йирттим бир гушасидин бодаполо цилгали.

Йул чицармон тийра шомимдин Навоийдек, вале Мунтазирдурмен хидоят барци бир чоцилгали.

**630**

Эй кунгул, васлидин ул ой бизни навмид этмагай, Жонимизга фурцат андухини жовид этмагай.

Касди жон айларда лаълига татаббуъ цилмагай, Кунгул уртар чогда рухсорига тацлид этмагай.

Васл уммиди била ушшоцини цилганда шод, Еуссалиг кунглумни хажри бирла тахдид этмагай.

Тушта курдум оразин кунглумни барци ишц ила, Ул цадар гарм эттиким, туш вацти хуршид этмагай.

Итларинг синган сафоли тушкач илгимга, кунгул Онча фахр эттики, жоми бирла Жамшид этмагай.

Дурри вахдат топмагай харгиз фано гирдобидин, Соликеким узни гарци бахри тажрид этмагай.

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин Ким, Уторид шеъридин чарх узра Нохид этмагай.

631

Сурмангиз ашким суйинким муттасилму келгуси, То кунгул ишц утидин куйгуси ул су келгуси.

Зулфунга еткач кунгул бехуд йицилди атридин, Билмадим ул шомга кирганга уйцу келгуси.

Тийра булди ламъаи пайконинг уткандин кунгул, Чун цуёш боргуси, оламга цоронгу келгуси.

Хаддин утти оразим, кургач лабинг хандонлиги, Билмадим бу заъфарондин мунча кулгу келгуси.

Чицти кунглумдин хавосу ацл ишцинг оллига, Куйса юз мулкига шохи халц утру келгуси.

Социё, тут майки узлук нацшидин булгум халос, Хар цачон илгимга ул рахшанда кузгу келгуси.

Эй Навоий, улма хар дам ул мусофир ой учун, Гам ема шах ёнгусидур тонгла урду келгуси.

**632**

Ахли дил оллида дилдор илтифоти камлиги, Онча саъб эрмаски, хар ноахл ила хамдамлиги.

Гар угурлуц истамас лаълинг доги жон нацдидин, Бас недур угри кеби пайваста цошинг хамлиги.

Зулфи торин торта олмас кимса кунглумдинки бор, Беркроц жон риштасидин хам анинг махкамлиги.

Уйлаким тун дудини охим паришон айлади, Тонг елидиндур муанбар сунбулунг дархамлиги.

Хар не эл кунглуга хуррамлиг, менинг кунглумга гам Ким, гамингдин булмиш ул девонанинг хуррамлиги.

Социё, май берки, дардим зохир айлай маст улуб Ким, ичим цон айлади иш сиррининг мубхамлиги.

Гар Навоий айлади бадмастлиг, эй пири дайр,
Сен карам кам цилмагилким, куптур анинг камлиги.

**633**

Бормагил щахр била багрим этиб щон эмди, Ё бу бедил сари, ё лутф сари ён эмди.

Ущларингдин куз аро куп тикон эрди щочтинг, Келки, щон ёшим ани щилди гулистон эмди.

Деди, хижрон аро фарёдинга еткум бир кун, Заъфдин, охки, мумкнн эмас афгон эмди.

Катлдин куп мени щурщутмагил, эй мухлик ишщ Ким, ани хажр щилибтур менга осон эмди.

Билди махмурлугум тутти щадах сощийи давр, Шах мени денгки, эрур комима даврон эмди.

Бодадин ком, лабинг бодасидин жон топтим, Сощиё, йущтурур улсам доги армон эмди.

Эй Навоий, дема тарк айлаки куптур гами ишщ, Менки чектим гамини, тарк не имкон эмди.

**634**

Неча мен мехнат чекиб, ул ой танаъум айлагай, Ошкоро йигласам, пинхон табассум айлагай.

Жавридин ул навъ хушменким улум холи булуб, Вахм этарменким, куруб ногах тараххум айлагай.

Нукта сургач лаъли улгонлар топар умри абад, Умрида Исо щачон мундог такаллум айлагай.

Тиги зулми тегмагидин айласа эл кунгли бим, Тегмасун гайрига деб, кунглум таваххум айлагай.

Дема зулмум куп етиб кунглунг тазаллум айламиш Ким, агар оз етса шоядким тазаллум айлагай.

Эй кунгул, бир лахза хижрон шиддатига арзимас, Гар висол ичра киши юз йил танаъум айлагай.

Ёр базмига чу йул топмас Навоий не осиг, Дилхарош афгону гар дилкаш тараннум айлагай.

**635**

Истадим ёреки кунглум дам-бадам шод айлагай, Билмадим жонимга бедод узра бедод айлагай.

Лаъли анфосидин очилгай хаётим гунчаси, Йуцки умрим хирманин бир дамда барбод айлагай.

Васл ила йиццай кунгулдин дарду гам бунёдини, Йуцки, хар дам узга хижрон тархи бунёд айлагай.

Шамъи рухсори ёрутцай тийра кунглум кулбасин, Йуцки, зулфи дуди ани мехнатобод айлагай.

Риштаи жонимдин очцай нуги мужгони гирих, Х,ар бирин цатлимга йуцким неши пулод айлагай.

Х,еч гулга булмасун мойил бировким сарвдек, Десаким узни хазон давридин озод айлагай.

Куп Навоий ноласин манъ айламангким, токи ул Ёрини ёд айлаган, албатта, фарёд айлагай.

**636**

Гулшани куюнгдин айру боги ризвонни нетай, Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай.

Нахли цаддинг чун эмас гирён кузумда жилвагар, Жуйбор атрофида сарви хиромонни нетай.

Ул итингга булмаса туъма, бу оллингда фидо, Заъфлиц пайкарни найлай, нотавон жонни нетай.

Лаългун ашким лаби хижронида айб этмангиз, Куз йулидин тукмайин багримдаги цонни нетай.

Зулмати хажрида чашминг васфин этма, эй Хизр, Менки умримдин туюбмен, оби хайвонни нетай.

Догима мархамни куп таклиф цилмай, эй рафиц, Туттум ул догим унгарди, доги хижронни нетай.

Ёрдин айру бузуг кунглумга цилдим хайрбод, Эй Навоий, уйла ганж улмай бу вайронни нетай.

**637**

Чу цуйдум ишц, уят хар бедилу девонадин доги,
Демай Фарходу Мажнун булбулу парвонадин доги.

Чу мен бегона булдум ишц бирла ошнолигдин, Бу ишга ошнолардин уят бегонадин доги.

Бу ишниким мен айлабмен, мени цилмоц булур ихрож, Ватан маъмурасидин хам, бузуг кошонадин доги.

Чу зухд эттим хавас, йуц айб пири дайр агар дерким, Ковунг ани фано дайридину майхонадин доги.

Менинг жонимга утканларни шарх этсам улус улгай Ки, жон цотилларидин кечтиму жононадин доги.

Манга зулм онча утти ишцдинким, таркини туттум, Огиз мухр айладим ул бобда афсонадин доги.

Тазарв ойинлар этса жилва гулшан ичра йуц улким, Назар солмайки, чицмай чугздек вайронадин доги.

Фалак жомидин онча захр нуш айлабмен, эй хамдам Ки, майдин элни юбмен, согару паймонадин доги.

Навоий, тарки ишц эттим деса бутмангки бутмаслар, Киши хар суз эшитса усругу девонадин доги.

**638**

Чархким ою цуёши бору юз минг анжуми,
Поймолу тийра туфрог эмгагидин не гами.

Богбон гулшанда юз минг гул билаким айш этар, Не гами гул хажридин булбулнинг улса мотами.

Шахга шавкат оламию бандадур юз мохчехр, Хажр аро билмас гадонинг бор не мухлик олами.

Эй рафиц, олгил ярам момуцларин, булгил бихил,
Улгудекменким, тикондур захмларга мархами.

Мен башар жинсига жон уйнаб вафое курмадим, Кочмай одам хайлидин хар кимки булса одами.

Мен чу зохир цилмадим не навъ улусца булди фош, Ишц аро ошуфта кунглумнинг бу сирри мубхами.

Эй Навоий, ишц сиррин хеч махрамга дема
Ким, бунинг хам махрами булгай, анинг хам махрами.

**639**

Агар ишц айлади бечора бизни Ва лекин цилди хажр овора бизни.

Не ишцу хажр балким рашк тиги, Дамодам цилди пора-пора бизни.

Бу ишдур турфаким хар кимга бир тиг Ки, урди айлади юз ёра бизни.

Мену Фарходдин Мажнун узулмас, Нединким топти ул хамкора бизни.

Вафо цил багри тошимким, хац этмиш, Жафо тортарда санги хора бизни.

Жахон шухин талоц этсанг не тонгким, Чицарди элдин ул маккора бизни.

Навоийдек юзунг бир курдук, итти Жахон расвоси бир наззора бизни.

**640**

Гулбун узра субхидам хар сари гул барги тари, Хар шажар узра магар цунган дурур хайли пари.

Су аро тушмиш цуёш акси йуц эрса гайбдин Кирди гулшаннинг тамошосига мехри ховари.

Мактаб атфоли кеби булбуллар улмиш наъразан, То насими субх элидин очилур гул дафтари.

Гул аруси хусн мулкида эрур сохибцирон, То юзи даврига зийнат берди шабнам гавхари.

Жола бирла нилуфар бир навъ тутмиш зебким, Собиту сайёра бирла гунбади нилуфари.

Ул киши умри бахоридин терар гулбарги айш Ким, кафида лолагун май бирла булгай согари.

Дустлар бирла тутуб ишрат бахорин мугтанам, Бир нафас ссуда булгай жони мехнатпарвари.

Кимгаким бир дам бу ком улса муяссар яхшироц, Булгуча юз кари анинг хукмида олам кишвари.

Эй Навоий, фацр мулкин тут ганим зинхор Ким, гинову салтанатнинг куптурур дарди сари.

**641**

Чехра ёпиб мени куйдурма, ахи, Важхсиз жонима ут урма, ахи.

Даме ултурмас эсанг ёнимда, Боре эл ёнида ултурма, ахи.

Шишадек кунглум аро гар майи васл, Солмас эрсанг ани синдурма, ахи.

Узгалар сари боциб тишлама лаб, Захмлар жонима еткурма, ахи.

Зулфи савдосина чирмашма кунгул, Юз бало бошима келтурма, ахи.

Эй куз, ул шухца чун хуш келмас, Куп анинг жониби телмурма, ахи.

Ёзугум бор эса цатл айла узунг, Хажр жаллодига топшурма, ахи.

Социё, тинмогим истар булсанг, Май ичардин мени тиндурма, ахи.

Юз жафо тоши Навоийга уруб, Ит деб оллингдан ани сурма, ахи.

**642**

Кунгулнинг хажр аро жондин малоли Ки, йуц сенсиз тириклик эхтимоли.

Кадидин сарвига етти хижолат Ки, тузлукда йуц эрди эътидоли

Хаёли бас чу йуц вослига хаддим, Висоли булмаса бори хаёли.

Нихоледур цади тубидин ортуц, Агарчи йуцтурур туби нихоли.

Янги ой шомга майл айлагандек,
Уланмиш зулфига мушкин хилоли.

Лаби жонбахш суз айтурда цолмас Масихонинг дам урмоцца мажоли.

Не гам, соций, агар худ жоми Жам йуц, Етар майхонанинг сингон сафоли.

Мени бехол цил бир май биланким, Кунгулнинг узгадур хар лахза холи.

Навоий, сен чу хижрон лойицисен, Пишурма васл савдои мухоли.

**643**

Социё, йуц гаму дардима хадде, Вацт эрур май била цилсанг мададе.

Мехнатим тогича йуцтур Ухуди, Ани тортарга менингдек ахаде.

Тут манга бодаи жоми азали Ки, берур цатраси умри абади.

Буйла дардимни магар андоц май, Дафъ цилгайки анга умр фади.

Бодаким ани чун нуш этсам. Хар замон Хизрга булгай хасади

Ки циёмат куни кавсар майини Ичкали хам бу май улгай санади.

Ажаб иш цилди Навоийки, бу навъ Май, ичиб
бизга сало айламади.

**644**

Кунглум олгон дилбарим дилдорлиг билмас, нетай, Билса гамгин айламак гамхорлиц билмас, нетай?

Хуснига боцтим кузумнинг мардумига урди неш, Махвашим ойини мардумдорлиг билмас, нетай?

Дема усрукдур кузум, цилма тазаллум оллида, Куз юмуб очцунча ул хушёрлиг билмас, нетай?
Ул пари пайкарга ёщмас зорлиг бирла фигон, Телба кунглум юз фигону зорлиг билмас, нетай?

Одамивашлищ пари рухсорлардин хуб эрур, Чун бу ишни ул пари рухсорлиг билмас, нетай?

Эйки дерсен дайр пирига недин булдунг мурид, Шайхи хийлат пеша жуз маккорлиг билмас, нетай?

Масту бехуш улмогим тун-кун, Навоий, сурмагил, Чархи жаврандиша жуз гаддорлиг билмас, нетай?

**645**

Ёна нихон щиласен бизга щасду кин боре, Ращиб ила буласен ёру хамнишин боре.

Дедингки, ишщим ичинда тарищи тащво тут, Бу сузни деб оласен ёна нащди дин боре.

Бу ваъда бирлаки ишщ ахли хузнин уксутайин, Алар орасида щилдинг мени хазин боре.

Дедингки, кел санга эхсон щилай, чу мен келдим, Кошингдадур гириху манглайингда чин боре.

Жамол гулшанида элга сен гули хандон, Бу хасни уртагали булдунг оташин боре.

Шиор айламасанг нащшбанд ойинин, Риёву зухд била булма нащшбин боре.

Фано йулига чу кирдинг, Навоий, урма нафас, Бу дашт туфрогига суртмай жабин боре.

**646**

Ишщ аро холимга бир хамдам тараххум щилмади Ёр холим билмади, гар билди, кузга илмади.

То ул ой агёр ила нуш айлади жоми висол, Кайси хижрон нешиким багрим аро санчилмади.

Не ажаб гар билмасам холимни бу гамдинки, ёр Улгали еттим гами ишщида холим билмади.

Кон ёшимнинг саргузаштин ким ёшурсун эмдиким, Колмади ерким, бу рангин можаро айтилмади.

Хусн богидин вафо варди тавацщуъ цилмангиз Ким, бу гулшан гулбунида буйла гул очилмади.

Ишщим ихфосини, вахким, цилмадим харгиз хаёл, То ул ойнинг хуснидек олам аро ёйилмади.

Эй Навоий, сендин уту су ародур халцким, Ёгмади ашкинг суйи то ох ути чоцилмади.

**647**

Сен зулоли васл ичиб, мен захри хижрон ичкучи, Огу ичкондин не воциф оби хайвон ичкучи.

Ул юзин гулранг этиб мен ашк хунобин тукуб, Ким эрур ул бодаи гулгуну мен цон ичкучи.

Ичса гулгун бода оламдур гулистон юзидин, Буйла йуц олам гулистонида имкон ичкучи.

Давр аёгин ичмайин давронга солдинг рустахез, Курмади давр ичра сендек ахли даврон ичкучи.

Ошиц улмай сизки дерсиз тавба цил, эй ахли зухд, Нетсун ичмай жони махжур улса жонон ичкучи.

Бода шухидин агар нолон булубмен айб эмас Ким, эрур кунглумни олгон шухи нодон ичкучи.

Эй Навоий, ёр мехмон булса, май тутцач, сумур, Мизбон зохид хуш эрмас, булса мехмон ичкучи.

**648**

Йуц манга хад васл алфозин тилима сургали, Тенгри халц этмиш мени хижрон гами ултургали.

Ишц утига истасанг тутруц етар хасдек таним, Шуъла ёцмоц истасанг ушшоцни куйдургали.

Тун цоронгу маст отланди, кунгулнинг шуъласин Айлабон машъал борурмен уйига еткургали.

Телба кунглумни суро келдию ул иткан эмиш, Ани мен худ бормогим, биллах, топиб келтургали.

Ёшурун эрди гамим, вахким, бало тоши ёгар,
Бошима ишци нихонин эл аро билгургали.

Бегунах цонимни тукти ишц эмди не осиг, Келсалар Фарход ила Мажнун анга билдургали.

Гар Навоий тутса тог авжин жунундин, эй сипехр, Санг борон хожат эрмастур ани индургали.

**649**

Неча хажрингда чекиб ун йиглай, Хар кеча йиглаю хар кун йиглай.

Кеча фарёдима еткай деб ул ой, Осмондин ошириб ун йиглай.

Хар тараф зохир этиб кавкаби ашк, Кун тулуъ эткуча хар тун йиглай.

Ашкдин кирпик уза ул хат учун Ёгдуруб сабзага шудрун йиглай.

Чарху анжум сари охим утидин, Юбориб дуд ила учцун, йиглай.

Чарх бедодидин ул мушфиц ёр, Бир замоне мени цуйсун, йиглай.

Дема васлимда Навоий йиглар, Васл мумкин эса невчун йиглай.

**650**

Лабинг Масиху анинг нутци нуктапардози Ки, рухи цудсий эрур бу Масих эъжози.

Хатингни Хизр демонким, бу сабза хар гияхи — Хизрдурур лабинг оби хаёт дамсози.

Хавои ищцида кунглумда хуш цолмадиким, Бу телба цушнинг эрур ул хавода парвози.

Кадах бу дайрда андозасиз тутунгким, бор Бошимда мугбачалар шури ищци андози.

Не сог улайки, чу боргумдур улмайин маълум — Бу корхонанинг анжоми бирла огози.

Навоий истади бехуш узинки ахли хирад,
Фалакнинг улмади бу ищда махрами рози.

Анга бу баски жахон мулкин олди суз бирла,
Чекиб сипохи маоний дами фусунсози.

Бу важх бирлаки Сохибцирон дебон лацабин,
Атади хусрави Сохибцирон Абулгозий.

Янаки нутц илаю рух ила етурди анга Фуюз
орифи Жомию ринди Шерозий.

МУ
СТ
АЗ
ОД

Дин офати бир мугбачаи мохюлицодур,
майхораву
бебок Ким ищцидин анинг ватаним
дайри фанодур,
сармасту
ёцом чок. Хам туррасининг дуди вараъ
белига зуннор
мен кофири
ищци. Хам юзи мажус ути кеби
шуълафизодур,
мен
уртанибон пок. Ул чехра фуруги
тушубон зор танимга
бир навъ
куяркким. Хар кимса ани курди
согиндики ёнодур

ут ичида
хошок. Хайвон суйи жонимни олур
лаълидин айру
ул журъаи
майким, Тегмиш анга майгун лаби
жонимга даводур
не захру, не
тарёк. Бу навъки айлар, майи васли
хавасидин
махмур
булубмен. Мушкилки ёзилгай бу
хуморики мангадур
согар булуб
афлок. Сойилмену мацсудум эрур
нацди висолинг
бухл
айлама, жоно, Ким барча мазохибдаки
ишц ахли аролур,
мазмум
эрур имсок. Хажрингда юзи саргорибон
дам ура олмас,
бечора
Навоий. Гуёки хазон фаслида
бебаргу наводур
ул булбули гамнок.

## МУХАММАСЛАР

### 1

Маснади хусн узра токим курмишам ул шохни, Тийра айлабмен фигондин нилгун хиргохни, Эй сабо, арз айла ногах курсанг ул дилхохни, Куктадур хар дам фигоним кургали сен мохни. Даъвии мехрингга тонуц тортадурмен охни.

Эй губори маркабинг кун кузгусининг сайцали, Нечаким мен бир гадо, сен подшохдурсен бале, Йуц ажаб сен хусн шохин майл цилсам севгали, Сен кеби султонни севмак хаддим эрмастур, вале Бу балолиг ишц фарц этмас гадову шохни.

Хирманиваслинг тула сенда, эй халц ахсани, Сабзаи хаттинг томошосинда, эй куз равшани, Сунбули зулфунг хаёлотида, эй жон гулшани, Донаи холинг таманносинда, эй гул хирмани, Рахм цилким, чехраи зардим ёшурди кохни.

Зулфу юзунг курдию куйди кунгул хасрат била, Васлинг уммидига жон цилди фидо рагбат била, Сенда йуц эрмиш

вафою мен куюб мехнат била, Зулфунгу юзунг фироцинда туман хасрат била, Хайфким зоеъ кечурдум мунча солу мохни.

Эйки, йуцтур хусн ицлимида сендек подшо, Ошицингнинг неча тутцайсен мунунгдек бенаво, Нечаким булди эшикингда Навоийдек гадо, Кавма Лутфини эшиктин, бер закоти хусн анго, Кайда этсун сен гани боринда шай лиллохни.

**2**

Охким, волих мен ул сарви хиромондин жудо, Кузларим гирёндур ул гул барги хандондин жудо, Бенаводур жон даги ул хури ризвондин жудо, Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо, Айламас тути такаллум шаккаристондин жудо.

Вах, неча ишц ути жисмимда сунгакни уртагай, Кунглаким жайбига ут солгай этакни уртагай, Телбалик охим самодин то самакни уртагай, Ул цуёш хажрида цурцармен фалакни уртагай, Хар шарореким булур бу утлуг афгондин жудо.

Вахки, багрим тукти кузлар йулидин паргола куп, Куз хам ул гул хажридин ёгдурди гулгун жола куп, Заъф этибмен щонлиг ашким баски тукти лола куп, Дема хижронимда чекмайсен фигону нола куп, Жисм айларму фигон булган нафас жондин жудо.

Килгали махрум жоми васлидин жонон мени, Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени, Хар замони ултурур гам захридин хижрон мени, Хажр улумдин талх эмиш мундин сунг, эй даврон, мени Айлагил жондин жудо щилгунча жонондин жудо.

Багрима, эй хори хижрон, хар замон санчилмагил, Эй кунгул, юз жавр етса кузга гайрин илмагил, Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмагил, Булса юз минг жоним ол, эй хажр, лекин щилмагил,. Ёрни мендин жудо ёхуд мени андин жудо.

Жонни андощ хуснунг ути шуъласи кул щилдиким, Жисм анингдек ламъаи рухсоринга ёщилдиким, Шархи холига аларнинг бу ращам ёзилдиким, Васл аро парвона уртанди хамоно билдиким, Килгудекдур субх ани шамъи шабистондин жудо.

Ошищеким булгай ул бир шухи гулрухсорсиз, Уйла булбулдурки щолмишдур гулу гулзорсиз, Вой ул бедилгаким, щолгай тирик дилдорсиз, Бир иёсиз ит булуб эрди Навоий ёрсиз, Булмасун, ё рабки, харгиз банда султондин жудо.

**3**

Булмагай эрди жамолинг мунча зебо кошки, Булса хам щилгай эдинг кузлардин ихфо кошки, Килмагай эрдинг улус щатлин таманно кошки, Очмагай эрдинг жамоли оламоро кошки, Солмагай эрдинг бори оламга гавго кошки.

Эмдиким очтинг жамолу халщ ила щилдинг ситез, Кургач ани хайли ишщинг тортибон юз тиги тез, Килдилар кунглумни хижрон ханжаридин рез-рез, Чун жамолинг жилваси оламга солди рустахез, Килмагай эрди кузум ани тамошо кошки.

Очгоч ул юз шуъласин махзун кунгул топмай омон, Бор эди ул шуълани курмак хамон, куймак хамон, Сахв эди сендин вафо щилмощ таманно мен хамон, Булмагай эрди кузум утлуг юзунг курган замон,
Ишщинг ути шуъласи кунглумда пайдо кошки.

Чун сенинг ишщинг менга булди балойи ацлу дин, Ваъдаи васл айладинг юз лутф ила, эй махжабин. Эмдиким булдум гирифторинг цилурсен цатлу кин, Айлагач зулфунг балоси зор кунглумни хазин, Килмагай эрдинг мени махзунга парво кошки.

Кунглум олганда дединг, сендин даме айрилмайин, Жон нисорим айласа ишщ ахли кузга илмайин, Дам-бадам лутфунгни эрмас эрди бовар цилмайин, Тушмагай эрди фирибомез лутфунг билмайин, Нотавон кунглумга васлингдин таманно кошки.

Кунглум олдинг чехра бурцаъдин намудор айлабон, Сунгра жаврунг не эди жонимни афгор айлабон, Эй цуёш, аввал вафову мехр изхор айлабон, Лутф ила кунглумни васлингдин тамаъгор айлабон, Килмагай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Эй цоши ё, ишщинг уцин кунглум ичра беркитиб, Дер эдинг цилгум вафо сарвацтинга гохи етиб, Телбараткач зулм цилдинг, ваъда ёдингдин кетиб, Бевафолиг англагоч ишщингни кунглум тарк этиб, Килмагай эрди узин оламда расво кошки.

Васли савдосида менким бастан гам булмишам, Уйлаким Мажнун бало хайлига хамдам булмишам, Вахки, расволицца оламда мусаллам булмишам, Эмдиким девонаю расвойи олам булмишам, Васл чун мумкин йуц ултургай бу савдо кошки.

Дема кунглум кош итса зулфи анбар сойида, Ё агар жон махв булса лаъли шаккархойида, Ё магар бошим эмасму рахши хоки

пойида, Эй Навоий, бевофодур ёр, бас, не фойда, Нечаким десанг агар ёхуд магар, ё кошки.

МУСАДДАС

Дахр аро чун цайгусиз йуц хеч ишрат, эй рафиц, Айш субхин истама бешоми офат, эй рафиц, Ким эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиц, Шуълаи ишрат цани бедуди мехнат, эй рафиц, Кимки васли ичра ёцсанг шамъи улфат, эй рафиц, Куз тут ул шамъ утидин-уц доги фурцат, эй рафиц.

Бевафодур бу цадимий давр уза бу эски тоц, Курсанг анда нуши ишрат неши гам зимнида боц, Ким ичарга васли жомин зохир этти иштиёц Ким, анга талх этмади дарди фироц охир мазоц, Васл софий мумкин эрмас, чунки бедарди фироц, Зинхор ул бода сари цилма рагбат, эй рафиц.

Офият сарманзилидин узни махжур этмагил, Хублар куйи сари майл улча мацдур этмагил, Айласанг ул ой гамидин узни ранжур этмагил, Васли уммиди била кунглунгни масрур этмагил, Васл йуцким, ишц лафзин тилга мазкур этмагил, Хар нафас курмай десанг юз навъ шиддат, эй рафиц.

Гар саломат куйининг асбобин истарсен тукуз, Хонацах сахни ичинда зикр охангини туз, Масжид айларга иморат дайр деворини буз, Ишц куйи туфрогига хар замон еткурма юз, Шухи чобуклар губори тавсанига солма куз, Юзда истар булмасанг гарди мазаллат, эй рафиц.

Бир цуёш ишцига гардун айлабон махрам сени, Зарра янглиг айласа саргаштаи олам сени, Кочма ул утдин неча кул цилса хам хар дам сени, Офият фикрига солса зухду тацво хам сени, Куйма хар бемехр утига, гар десанг хар дам сени, Килмагай кул шуълаи андуху фурцат, эй рафиц.

Тори ишцингни десангким чарх даври узмасун, Хаста кунглинг жуз навоий дарду мехнат тузмасун, Жон уйида гайри жонон ишц ултургузмасун, Чарх умрунг цасрига десанг халал кургузмасун, Боцма гулдек юз уза хай шабнаминким бузмасун, Ацл ила сабринг биносин сайли офат, эй рафиц.

Офият базмида гарчи жоми васлинг тулмаса, Зухд бедоди бошингдин бир нафас уксулмаса, Шайх айлаб юз жафо, бир цатла узрунг цулмаса, Буйла утлардин керак барги умидинг сулмаса,
Гар солиб юз минг балога мендек узни, булмаса Ишцсиз бир дам санга хам сабру тоцат, эй рафиц.

Айтмон бир сарв цадду мохи рухсор истагил, Айш сози, цотили шухи ситамкор истагил, Тош багирлиц рахмсиз хунрези айёр истагил, Лек дермен, дахр аро ёри вафодор истагил, Токи мумкиндур кезиб бир мехрибон ёр истагил, Багри тошларни северга цилма журъат, эй рафиц.

Арзимас фикр айламакка дахри бехосил гами, Хулладек хилъат сузи ё равзадек манзил гами, Бода ич десангки кеткай даври мустаъжил гами, Истабон цатлингни ногах ищцнинг мушкил гами, Гар Навоийдек бошингга тушса бир цотил гами, Анда доги кургасен не булса цисмат, эй рафиц.

ТАРЖИЪБАНД

Жахон цасригадур су узра бунёд Чу йуц бунёди андин булмогил шод.

Не шод улгай киши бир цасрдинким, Ани тенгри яратмиш мехнатобод.

Эмастур цаср балким цосиредур Ки, тацсир айламас айларга бедод.

Тириклик цушларига ёйибон дом, Тенгиз амвожидин андоцки сайёд.

Кийиб цатл айламакка лоладин тун, Киёдин тиг тортиб мисли жаллод.

Эмас цотил париваш дилбаредур Ки, жавридин цутилмас одамизод.

Фунуну лобаси андоц муассир Ки, мум айлар кунгул гар булса пулод.

Вале не ишвасига эътимоде, Не анинг ваъдаи васлига бунёд.

Висоли куз юмуб очцунча охир, Фироци куз очиб юмгунча барбод.

Кунгул цуйма ангаким боци эрмас, Инонмас булсалар айлай цасамёд.

Бацосиздур жахон раъноси валлох, Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон шухидин олмиш хац вафони, Не
олмацким анга бермайдур они.

Буким йуцтур вафоси бас эмастур Ки, дарду
мехнатидур жовидони.

Бу мехнатлар била истар ани халц, Фахум
лояърифу хозал-маоний.

Тикондин гулга хар дам еткуруб неш Ки,
айлар лаългун жисмини цони.

Сабо кожин уруб савсанга андоц
Ки, щолиб куклуги андин нишони.

Чощин тигидин айлаб пора-пора,
Чаманда гунчанинг кунглин нихони.

Ёгиннинг йиглабон андин нафири,
Булутнинг титрабон андин фигони.

Еалат щилдим бу тухматдин баридур,
Жахон раъно аруси дилситони.

Ки, хащ тащдиридиндур олам ичра,
Ёмону яхшининг яхши ёмони.

Жахон фониндурур, эй хожа, зинхор Ки,
сен бощий тасаввур щилма ани.

Кунгул берма ушул раъногаким, хащ
Эрур бощию, бощий барча фоний.

Бащосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йущким мосиваллох.

Жахонким зохир айлар лолаву бог, Эрур
ул бог зиндон лоласи дог.

Арусидур фусунсоз ул дилошуб, Иши
кургузмак элга лобаву лог.

Кишиким санди доми булди, бордур
Анинг оллида минг булбулча бир зог.

Ёщибон оташин гул жонига ут, Куяр
ёмгирдин ул ут устига ёг.

Куруб наргисни савсан гунчасидин,
Чекар анинг кузи щасдига бормог,

Хазон бедодидин ел саъйи бирла Сочар
шамшоду гул бошига туфрог.

Таадди бирла насрин яфрогидин Ясар
гулчехрасин йиртарга тирног.

Жафоси ёсидин ёгдурди пайкон, Гумон
щилма шажар жисмида яфрог.

Начукким бустоннинг йущ вафоси,
Хусусанким хазон ели эсар чог.

Анинг хам нисбатин гар истар эрсанг,
Анингдекким хазон айёмида бог.

Бацосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон раъносидин булгил мужаррад Ки,
цилмишлар цабул ахли ани рад.

Начук мацбулунг улгай улки, булгай
Анга мардудлуг асбоби бехад.

Агар хикматда ул, миццор булким
Уцусин Бу Али оллингда абжад.

Вагар булсанг фасохат ичра навъе Ки,
назминг айлагай Хдссонни бехуд.

Тамаввул касратидин булсанг андог Ки,
Корун даргахингда айлагай кад.

Шижоат даштида рахшингга булса,
Рикоб упмак учун Рустам нигун цад.

Скандар янглиг олиб бахру барни, Бало
яъжужи учун богласанг сад.

Анингдек булса тахтинг рифъатиким,
Гухарлиц айласа тожингга фарцад.

Жахонга чун бацо йуцтур бу барча Неча
кундур вале эрмас мухаллад.

Таманно айласанг бир навъ ицбол Ки,
булгай хам мухаллад, хам муаббад.

Демон ёлгуз жахондин айла тажрид,
Неким хац гайридур булгил мужаррад.

Бацосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон раъноси бирла цилма пайванд, Эр
улсанг бул анинг хажрига хурсанд.

Эрур олам уйи рахравга зиндон,
Анинг хар цайди йул манъига бир банд.

Ушотмоц истасанг бу бандларни,
Муцайяд булма анда ушбудур панд.

Жахон нуши аро цилмиш нихон захр,
Сен ани нуш этарсен, уйлаким цанд.

Топиб лаззатким айларсен табассум,
Эрур ул захрханд, эрмас шакарханд.

Гараз ирфон экиндурким адамдин, Сени
мавжуд айлабтур худованд.

Куюб кунглинг аро нацди амонат, Малак
булмай санга бу ишда монанд.

Сени гофил цилиб асли ишингдин,
Сарову богу рогу завжу фарзанд.

Узунгга келсанг оздур, гар узунгни Бу
гамдин айласанг парканд-парканд.

Жахон жохилга махбуб улди, лекин
Анинг оллинда ким булган хирадманд?

Бацосиздур жахон раъноси валлох
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон жоми туладур захри цотил, Анга
майл айламас ким булса оцил.

Ажаб ишдурки мундоц захр ичарга,
Жахон ахли эрур жон бирла мойил.

Ажброц буки ичкан сою булмас, Бу
захр ичканга ичмак хирси зойил.

Гаробат курки, гар юз мингни хар кун,
Килур ул захр улган элга дохил.

Яна юз минг дурур ичмакка машгул, Яна
юз минг ани истарга шогил.

Магар бу захрдин цутцаргай элни Фано
тарёки бирла пири комил.

Вале Коф устида ул кимёгар,
Ани курмакка Анцо парри хойил.

Жихатсиз, эй кунгул, севдунг жахонни,
Менинг пандимдин айлаб узни отил.

Чу бердинг барча сармоянгни барбод,
Пушаймон булмогинг эмди не хосил.

Магар ёдингда йуцтурким, санга мен
Дедим юз цатла к-эй мажнуни гофил.

Бацосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон айёрасидин тут канора Ки, макру
фаннига йуцтур шумора.

Аёг илгидаги зарринаси ут, Туни зар
басмаси андин шарора.

Булубон рух тутисига сайёд,
Иши цилмоц ани цасдига чора.

Бу ишга гурди Яздий меъжари дом,
Ичинда дона инжу гушвора.

Назар мацсуд рухсорига солмоц Тилар
булсанг анга цилма назора.

Чекибон кун шиоидин синонлар,
Килайин деб улус багрини ёра.

Анга хино шафац рангидин айлаб, Кеча
нушодиридин ани цора.

Йироц бул, эй кунгул, бу дилрабодин Ки,
сенсен шиша, анинг кунгли хора.

Бориб хуш-хуш анга сайд улганингдин,
Килай дермен ёцамни пора-пора.

Дединг кечмоц начук булгай жахондин,
Не хожат хайр ишига истихора.

Демон ёлгуз жахондин тут каноре Ки,
тутцил мосиваллохдин канора.

Бацосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

Жахон шухин арусе цилгил ихсос Ки,
киймиш тун била кундин кишу ос.

Бу рангомезлигдин ганжи Корун,
Кишида булса тутцай ганж ифлос.

Тириклик мазраи цасдига хар ой, Аён
айлаб янги ой шаклидин дос.

Фалак бирла шафац эрмаски, цилмиш
Мухайё дам-бадам цон туккали тос.

Эмас цон бодадурким бехуд айлаб,
Йицарга элни цилмиш чархдин кос.

Согинма бодаи лаъл аниким, бор Улус
цонига рангин булган олмос.

Бу цон тукмак била кимдурки йуцтур,
Анинг савдосидин кунглида васвос.

Бу пандимни эшит сен доги, эй дуст,
Иродат юзидин тут поси анфос.

Жафоларким мен онглабмен жахондин,
Вафо сендин манга голибдурур ёс.

Валавхозал маоний анта цултум, Тацулу
иъламу ё айюханнос.

Бацосиздур жахон раъноси валлох,
Жахон раъноси йуцким мосиваллох.

## ТАРКИББАНД

Дахр богики жафо шориидур хар чамани, Жуз вафо ахлига сончилмади анинг тикани.

Кимдаким доги вафо курса шахид айламаса, Лоласининг не учун цонга буялмиш кафани.

Поймол этмаса андинки келур мехр иси, Оёг остида недин цолди гиёхи дамани.

Сафхаи хотири пок улмаса барбод андин, Бас, не соврулмоц эрурким курар анинг самани.

Ростлар булса анинг арсасида бархурдор, Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани.

Гар яцин ахлини Мансур кеби цатл этмас, Бас нединдур шажару сунбули дору расани.

В-ар камол ахли жалойи ватан эрмас андин, Нега туфрогдур ул акмали даврон ватани.

Бахри урфон дури Саййид Хасан улким афлок, Етти дуржи аро бир курмади андоц дури пок.

Золи гардун кишига майли вафо айламади, Кимда-ким курди вафо, гайри жафо айламади.

Кайси бир васл кунин мехр ила цилди равшан Ким, яна хажр туни бирла цора айламади.

Кайси давлат цуёшин чекти камол авжи уза Ким, яна ер тубида маскан анга айламади.

Кайси лабташнага тутти цадахи соф нишот Ким, яна цисми анинг дурди ано айламади.

Кайси дилхастага еткурди фарогат нуше Ким, насиби яна юз неши бало айламади.

Хар дил озурдагаким новаки зулм этти кушод, Гарчи бор эрди хато, лек хато айламади.

Чекти бу зулмин анинг барча халойиц, лекин Чора бу дардга жуз ахли фано айламади.

Хосса ул фони давронки, булуб восили хац,
Куймади кунгли аро гайри хаёлин мутлац.

Гарчи ул равзаи ризвон сари рафтор этти, Хажридин умрни ахбобца душвор этти.

Гарчи хуро юзи шамъи била ёрутти кузин, Мотами бизга ёруг дахр юзин тор этти.

Гарчи учмог сари азм этти, вале оламни, Вахки, томуг утидин элга намудор этти.

Гарчи ул борди бацо мулкига, лекин юз алам Сугидин чархи фано ахлига изхор этти.

Халцаи зикр дема фацр элига шому сахар Ки, азосида бу эл навха падидор этти.

Фацр хуршиди фано шоми уёцти не ажаб Ки, цуёшини фалак доги нигунсор этти.

Учти ул шамъи валоятки, фалак мотамида, Кора кийдию дури ашкини ийсор этти.

Гарчи фацр ахлига бу навъ азо кам тушти, Мени савдозадага узгача мотам тушти.

Эй фалак, айтким ул солики атвор цани, Фацри атвори аро кошифи асрор цани?

Ташлаб узлукни фано бодиясин цатъ эткан, Ушбу йул холидин огоху хабардор цани?

Фацр манзилларининг рахрави бал рахбари, Ходийи ахли фано муршиди ахрор цани?

Шаръ цонунини диццат била маръи тутцон, Солики жодаи Ахмади, Мухтор цани?

Курб айвонига тацво йулидин гом ургон, Восили боргахи Кодиру Гаффор цани?

Бу цадар манзилату цурбу буюк поя била, Узини тутцучи туфрог ила хамвор цани?

Мени мотамзадага хам ота, хам муршиду пир, Балки хам гамхуру хам ёвару хам ёр цани?

Сенсизин дахр элидин асру малолим бордур,
Кошки келсангу курсангки, не холим бордур.

Сангаким, равзаи ризвонда фарогат булгай, Дахр вайрон чамани ичра не улфат булгай.

Сенки, кавсар суйидин цилгасен узин сероб, Бу сароб ичра санга цайда ицомат булгай.

Сенгаким, хайли малак булса мусохиб мунда, Девваш халц цачон цобили сухбат булгай.

Фацр тутцонда деб эрдинг санга хам еткурайин, Манга хар файзки бу куйда цисмат булгай.

Булубон кошифи асрори илохий бординг, Мени махрумга жахл ичра не холат булгай.

Бор умидимки мадад рухунг ила цилгайсен, Хар цачон оллима даврон аро шиддат булгай.

Харгиз эткайму эдим давлати васлингни тамаъ, Билсам эрдики сунги андухи фурцат булгай.

Дустлар, бир-бириигиздин тиламанг жоми висол, Десангиз ичмали хижрон цадахин моломол булгай.

Манга зулм улди фалакдинки чу булдунг бемор, Керак эрдики мен улсам бошинг узра гамхор.

Шарбатинг эзсам эди шираи жоним цушубон, Ичурурга цилибон жахд неким мумкин бор.

Хам гизо мен керак эрдики тутуб оллингда, Рагбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.

Гах бошингни тузатиб, гох аёгингни ёпиб, Эврулуб бошинга фарзандлиг айлаб изхор.

Гар цазо етса цилиб хуй ила оламни цора, Ёца йиртиб этибон тош ила куксумни фигор.

Навхалар тортибу наъшинг кутариб эгнимга, Бош яланг айлабу бехудлуг этиб мажнунвор.

Тарк этиб олам ишин цабринг уза сокин улуб, Курсатиб элгаки не навъ керак эрмиш ёр.

Чора йуцтур чу бу навъ эрмас экандур тацдир,
Мумкин эрмас киши тащдирга бермок тагъйир.

Дустлар, дахр вафосини хаёл айламангиз, Буржу кохига
тамаъ гайри завол айламангиз.

Турфа махбубдурур умру вафоси йущ анинг, Андин истарга
вафо фикри махол айламангиз.

Хар киши комил эрур, бас анга хащ бандалиги, Мундин узга
тамаъи касби камол айламангиз.

Йущ жамол ичра вафо хуснига доги бунёд, Еаррои хусн
булуб арзи жамол айламангиз.

Олами фоний учун ранжу машащщат чекманг, Мол учун гам
емангиз, фикри манол айламангиз.

Ишщ дардига Навоий кеби магрур улманг, Узни хар махваш
учун шифта хол айламангиз.

Турк пири кеби оламдин этакни силкинг, Дустдин гайри
таманнои внсол айламангиз.

То саломат бу хатар манзилидин солиб ком, Маъмани васлга
булгай тута олмощ ором.

## КИТЪАЛАР

### 1

### ХАК; ТАОЛО ХОНИ ИНЪОМИЮ КАРАМИ ОМИ БОРИДА УЗГАДИН НИМА ТИЛАГОННИНГ ТАМАЪИ ХОМИЮ ЗОТИ НОФАРЖОМИ

Тенгри хонин очуц ацида цилиб,
Халцдин рузий истаган гумрох.

Уйладурким тенгиз цирогинда,
Руза очмоцца кимса цозгой чох.

### 2

### МУХАММАДНИ ТЕНГРИ ТАОЛО АЙНИ МУХАББАТДИН ЯРАТЦОНГА ДАЛОЙИЛ ТУЗМАК ВА ШАВОХИД КУРГУЗМАК

Мухаммадни яратти, чунки хац айни мухаббатдин,
Киши вазнин мувофиц, чунки даъво этса содицдур,

Бурунги икки харфи хар бирининг доги бир келди, Талаффуз
холатида улки собиц, йуцса лохицдур.

Учинчи икки харфи бирла туртинчи ики харфи, Тааммул
айлаган махраж хам англарким мувофиццдур.

3

ХУКАМО КАВЛИ ТАРЖИМАСИ ШОХНИНГ ДАРЁГА МУШОБАХАТИДА ВА НАФЪУ ЗАРАРИДА

Хикмат ахли шохни дарёга ташбих эттилар
Ким, хам андин куп зиёнлар элга, хам куп суд эрур.

Гах топар гаввос бир соатда юз дурри самин, Гах
наханг огзида юз хасрат била нобуд эрур.

4

ФАХМСИЗ МУЛОЗИМЛАР ГАФЛАТИДА ВА АЛАР БИЛА МАОШ УТКАРМАК МЕХНАТИДА

Йулдин озди хар мулозимдинки, гафлат айладинг, Будур ойин
гар гадолигдур ишинг, гар шохлиг.

Уркудар элдекки чицти кеча йулдин маркаби, Куз
юмуб очцунча чунким цилмади огохлиг.
Олам ахлида мулозимлар эрур хайвон кеби, Кайси гафлат
англагоч зохир килур берохлиг.

**5**

МУТАКАББИР МАНЗУРНИНГ ХУСНИ ЧОГИДАКИМ ИСТИГНОСИ ДАРДНОК КИЛУР ВА ХУСНИ КЕТКАНДА МУЛОЙИМАТИ ХАЛОК

Хуб экан чогдаки мустагний эдинг, келмас эдинг, Утти
чун хублугунг жавр манга еткурма,

Куп келур вактда оз келмакинг эмгатти мени, Оз келур
вактда куп келмак ила ултурма.

**6**

МАЖОЗИЙ МАХБУБ ИПЩИ ТАРЦИДАКИМ ХУБЛУГИ МУЖИБИ ЙИГЛАМОКДУР ВА СА^ОЛ ЧЩАРМОГИ МУЖИБИ КУЛМАК

Чу хусни вактида ул ойга зор ошик эдим, Куруб
жахон эли йиглаларлар эрди холимга,

Сакол чикаргонида тарк килмасам ишкин, Улус
кулар хам анинг, хам менин саколимга.

**7**

ОЛТУН, КУМУШГА ХИРС МАНЪИКИМ ТУТМОГИ ИЛИКНИ КОРА КИЛУР ВА МУХАББАТИ КУНГУЛНИ

Куп олтун, кумуш сари кул сунмогил Ки,
тутсанг кафингни кора занг этар,

Кунгулда доги майлини асрама
Ки, кунглунгни доги хамул ранг этар.

**8**

МАЪНИ АХЛИДИН ГАДОЛИГ БАШОРАТИ ВА СУВРАТ АХЛИДИН ШОХЛИГ ИШОРАТИ

Ахли маъни гурухида зинхор,
Х,еч ор айлама гадолигдин

Ким, буларга гадолиг ортугдур, Ахли
сувратка подшолигдин.

**9**

ПОКРАВ НИСО ТАЪРИФИДАКИМ ИНСОН ОНСИЗ ХОЛИДУР ВА ОЛУДАВАШ РИЖОЛКИМ НУРСИЗЛИКДИН ДАЖЖОЛИ БЕМИСОЛДУР

Юз туман нопок эрдин яхшироц Пок
хотунлар аёгининг изи,

Лут углин курки солди тийралик
Динга нафс илгида табъи ожизи.

Дахр аро ёцти сиёдат машъалин,
Покравлицтин расулуллох цизи.

**10**

БИЗНИНГ ШОХ ХОНГА ЛАЪЛГУН АЁГ БЕРГАНДА АЙТИЛИБДУР ВА ХАВОДИН СИЙМИСУДА ЁГАРДА РАКАМ КИЛИБДУР

Фалак сочти хон бошига сийми ноб, Бизинг
шох аёгига лаъли музоб.

Фалак бирла шах цадру жохи аро, Тафовут
нисоридин этгил хисоб.

**11**

БУЙНИГА ЯШМ ОСИЛГОННИ ДЕБДУРКИМ ШИФО УЧУН ЭМАС, БАЛКИ ФАЛАКДИН МУТААДДИД ЖАФО УЧУНДУР

Буйнума яшм осилгондин эмас, Буки
заъфимга даво булгай фош,

Ип била боглади буйнумни фалак, Хар
цадам урмоц учун куксума тош.

**12**

РУМ ТУХФАЛАРИНИНГ УЛАШИНГОННИ ДЕБТУРУР, БАЛКИ ШОХ ПОЙАНДОЗИДЕК ТАЛАШКОННИ АЙТИБДУРУР

Тухфаларким юборди цайсари Рум, Бурса
жинси фаранг дебоси,

Турфа кургилки зумраи ислом, Анга
солди фаранг ягмоси.

**13**

УЗ НАЗМИДИН КУРГАН МАЛОЛАТЛАР ШИКОЯТИ ВА КУНГУЛ УТИДИН ЖОНСУЗ ХИКОЯТИ

Не назмики утлуг кунгулдин чицардим,
Дедимким, менинг хотиримга ёрангай,

Манга онча ут солди хар байтким, табъ, Гар
оби хаёт улса андин усонгай.

Тилармен ани мен доги утца солсам Ки,
цайдинки келди хамул сари ёнгай.

**14**

ХУСН АХЛИНИНГ КУНГЛИ НИСЁНИ ВА ВАФО АХЛИ АНДА УНУТУЛУРИНИНГ БАЁНИ

Жон басе цилдим фидо ул хусн миръоти учун, Ох
куп чектим вафосида апинг шому сахар.

Хар нафаским хизматидан гойиб улдум уйла бил Ким, мени умрида ул бадмехр курмайдур магар.

Уз-узум бирла дер эрдимким недин бу навъ экин, Айлабон огах хирад деди менга, эй бехабар,

Мунда рамзедур дациц, аммо цилай равшан санга Ким, латофатда сафо кузгусидур ул сиймбар.

Англаким то кузгунинг оллида сен, кунглида сен, Чунки бординг оллидин, йуц кунглида сендин асар.

**15**

ДЕВОНДА МУХР БОСКОНДИН НАФСИГА ШИКАСТ ЕТМАГАН УЧУН МУХРГА ШИКАСТ БЕРГАНИ

Чун манга лутф этти шах девонда мухр, Бу
эди элдин цуйи мухр урмогим

Ким, гурури нафси саркаш манъига,
Барчадин булгай цуйи ултурмогим,

Чун шикасти нафс хосил булмади,
Мундин улди мухрни синдурмогим.

**16**

ХИЛВАТДА ФАЛАК ЖАФОСИНИНГ ОЗОРИ ВА АНЖУМАНДА УЛУС БЕДОДИНИНГ ИЗХОРИ

Байтул хазанга кирсам улустин цочиб даме,
Атрофдин губори малолат манга ёгар,

Силкай деб ул губорни чицтим чу кулбадин, Эл
жавру зулмидин бошима юз бало ёгар.

**17**

ХУБЛАР ХУСНИ ШАРХИДАКИМ МАШШОТА САЪЙИ БИЛА АФЗУН БУЛУР ВА ОРОЙИШ БИЛА САФОСИ ГУНОГУН

Не тонг улса фузун жамолу сафо,
Хублар цирцон замон бошлар,

Шамъ нури ёругроц улгондек,
Учни кимса чун ола бошлар.

Сартарош анию муни фаррош
Бир-биридек олиб-олиб тошлар.

**18**

БИРОВГА ВОБАСТА ЭМАС КИШИ МАДХИДАКИМ УЛ БЕПАЙВАНДЛИГ МУЖИБИ САОДАТМАНДЛИГДУР

Дахр аро ани дегил давлатманд
Ким, биров сари эмас дилбаста.

Хаста булмас чиройин курса читуц,
Жони чицмас ани кургач хаста.

Минг балодин деса вораста булай,
Кимса цилдик узини вораста.

**19**

ХАЙРОБОД БАНДИ ХАЁЛИДИН ХАЛОС БУЛГОНИ ВА УЗЛУК БАНДИ МАЛОЛИДИН ХАЛОСЛИГ ТИЛАГОНИ

Чу Хайробод бандин узлугум бирла ясаб эрдим, Мени
андин халос этти иноят айлабон шохе,

Не булгай узлукумнинг бандидин доги халос этса,
Хацицат кишвари сари хидоят айлаб огохе.

**20**

ОРИФ КУНГЛИН ДАРЁГА НИСБАТ БЕРУРКИ, АНДА ХАР НЕ ТУШСА СИНГУРУР БАЛКИ ИТИРУР

Эрур орифка ганжи файз етса, Иши дам
урмайин ани ёшурмок,

Куёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмок.

**21**

ШОХНИ АЖДАХОГА НИСБАТ КИЛИБТУРУРКИМ ГАНЖ УМИДИ ХАМ АНДИН БОРУ РАНЖ БИЙМИ ХАМ

Жахон ганжига шох эрур аждахо Ки,
утлар сочар кахри хангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур, Маош
айламак аждахо комида.

**22**

ФАКР ТАЪРИФИДАКИМ РИФК БИЛА МУВОФЩДУРУР ВА ФАКИР ХУРУФИ РАФИК БИЛА МУТОБЩ

Айни рифк айла гумон, факрни анинг бирдур, Харф хам
иккисига яхши гар этсанг таххик,

Жамъи хам бирдурур инак фукарову руфако, Сийгаи
муфради хам айни факир улди рафик.

Бор ишорат ангаким рифку мавосодур иши Хар
мухолиф эл ила факрга топкон тавфик.

Поя мундин бийик улмаски рисолат хатми, Факрнинг
нисбатида фахрга килди тасдик.

**23**

УЙ КИТОБАСИГА СУЗ БИТМАК ВА ИЗОРАСИГА НИМА БОГЛАМОК

Уй ичра хам китоба хам изора
Заруратдур туганган чогда килмог.

Йук эрса ул уй ухшар бир кишига Ки,
анда булмагай иштону белбог.

**24**

ВАФО БОЗОРИНИНГ КОСИДЛИГИДА ВА ВАФОЖУЙЛАР ХАЁЛИНИНГ ФОСИДЛИГИДА

Кимгаким цилдим вафо, вахким, жафо подош эди, Олам
ахлида вафо мавжуд эмас беиштибох.

Орзу цилдим вафо ахлин курай деб, топмадим, Хох зохид,
хох фосиц, хох сойил, хох шох.

Топмогидин ноумид улгонда ацли хурдабин,
Истабон худбин мени кузгуга цилди рубарох.

Бевафолар орази янглиг топиб кузгу анга, Хар
нечаким эхтиёту саъй ила цилдим нигох.

Курмадим невчунки тийра эрди кузгу, негаким Хам
вафосизлар гамидин баски тортиб эрдим ох.

**25**

## УЛ МАЗМУНДАКИМ АНДОККИ КОЗИЙ РИЁЗИЙ КЕРАКМАС, РИЁЗИЙ ХАМ КОЗИ КЕРАКМАС

Риёзий булса цозий, бас, ажабдур,
Керакким фицх илмин билса цозий.

Анга чун фицхдин асло хабар йуц, Не
янглиг бас булур цози Риёзий.

**26**

## ИМОРАТ ТОКИ КИТОБАСИДАКИМ КОШИКОРЛИГ КИТОБГА САРЛАВХ БУЛГОНДЕК МУНОСАБАТИ БОР

Хар иморатким туганди гарчи шухедур жамил, Булса
кошикорлиг айлар жамолин бирга ун.

Бу яциндурким жамол ахли ёлонглицдин басе,
Яхшироцдур булса коши нацшлиц эгнида тун.

**27**

## ИККИ МАНОРНИНГ МУШОБАХАТИДАКИМ ШАРЪ БУСТОНИДА ИККИ САРВЕДУРУРЛАР ХАМКАД ВА ИККИ АЛИФДУРУРЛАР ХАМ АДАД

Бизнинг иморат ичинда тузолган икки манор Ки,
цуббалардин эрурлар сипехр сонида.
Ики аго-инндур тавъамон гумон цилгил Ки,
фарц йуц орада булсалар намоянда.

Замона золини курким не навъ бикр улгай Ки,
мундоц, икки угил андин улди зоянда.

**28**

## БАШАРИЯТ МУКТАЗОСИДАКИМ КИЛГОНИ МАРГУБДУР ВА КИЛГУЧИНИНГ УЗ ОЛЛИДА МАХБУБ

Башар хайли анга мажбул эрурлар Ки,
булгай хар бир уз оллинда махбуб,

Ажаб йуц неча цилса номулойим
Кишига келса уз махбубидин хуб.

Ва лекин лозим эрмас буки булгай,
Анинг маргуби доги элга маргуб.

Хам андоцким киши фарзанди булгай, Неча
манкуб эса оллинда матлуб.

Кишига айта олгаймуки, булсун Санга хам
ёру матлуб ушбу манкуб.

Хунар ахли ани дегилки булгай, Узини
цилса уз оллида маъюб.

Чу уз айбига воциф булди айбин,
Начук цилгай хунар урнига махсуб.

**29**

ФУЗУЛ ЭЛ БОБИДАКИМ БОР ИШГА ДАХЛ КИЛУРЛАР ВА ХАР ХОРИЖ ИШГА ДОХИЛ ДУРУРЛАР

Фалонга ажаб хол эрурким халойиц Не
цилса алар бирладур можароси,

Сола олмас эл ошига бир нухуд, гар
Тузулмас анинг бирла ул эл ароси.

Казон йуцки ул анда кафлиз эмастур Ки,
булсун юзига цазонлар цораси.

**30**

ХУШКСОЛ ТАЪРИФИДАКИМ ЧАШМАЛАР АЙНИ КУРУБ ШАММАЕ СУ КОЛМАДИ

Хушксол улди бу йил ул навъким гард ичра эл, Бир-бирин
курмас агарчи, ултурурлар рубару.

Далуга кирмак цуёшнинг чашмаси не судким, Томмади ул
далу ила ул чашмадин бир цатра су.

**31**

ИССИГ ЕЛ ВАСФИДАКИМ БАХР СУЙИ АНДИН К^УРУР ЭРДИ ВА СУ ТУБИНИНГ ГАРДИН СОВУРУР ЭРДИ

Бу ёз урдуда ел андоц эсарким, Самум
андин була олгай нишона.

Исигдин хишти хона элни уртар,
Булубтур хиштхона дошхона.

**32**

ЖАВШАН БОБИДАКИМ ДИЛОВАРЛАР ЖИСМИНИНГ ХИСОРИДУР ВА ЖОНСИПОРЛАР ЖОНИНИНГХИСНИ ПОЙДОРИ

Разм майдонидаким икки тарафдин ахли харб, Бош ила жон
таркин айларлар ажаб хангомадур.

Кийнаварлар анда жавшан кийсалар тан хифзига, Жисм
сандуци учун гуёки оханжомадур.

**33**

ЖУКИ ШОХНИНГ КАСРИДА ШОХ, ЖУКИ МАСКАН ТУТКОН БОБДА

Дахр жукиликларидин турфа иш, Чехра
кургузди бизинг шах асрида.

Ким фусуну лаъб бирла тутти ер, Шох
Жуки шохи Жуки цасрида.

**34**

САРКАШ МАНЗУРНИНГ ХАТТИ ХАМ УЗИДЕК БОШ ТОРТКОНИДА ВАФОГА ТАРГИБ КИЛМОК

Хаттинг йуц эрканида цочтинг онча мендинким, Хаттинг
бош урди юзунг гулшанида сабза мисол,

Мулойимат цилакур, йуцса мен доги цочцум, Утуб чу бир
неча кун ушбу сабза булса сацол.

**35**

УЛ ХАЙСИЯТДИНКИ МОЛ ВА ЖОН ДЕБТУРЛАР. СИЙМФИШОНЛЩ ЖОНФИШОНЛЩЧА ДУШВОРЛИГИ

Сиймни сочкучи мингдин бирдур,
Узгаларнинг иши келди термак.

Ул жихатдин будурур одатким, Юлмок
осондуру мушкил бермак.

**36**

САФИХ ЗОЛИМНИНГ МАХРАМЛИККА ВА АБЛАХИ НОДОННИНГ ХАМДАМЛИККА ЯРАМАСЛИГИДА

Сафих золим ила булма хон уза хамдаст,
Муносиб улмади ит чунки хамтабакликка.

Узунга аблахи нодонни айлама хамроз Ки, яхши
эрмас эшак доги хамсабакликка.

**37**

МУХТАСИБНИНГ ТУРКАН МАЙИКИМ ЕР КОНИ БУЛУБТУР ВА ХУНХОРА РИНДЛАР ИЧИБ МАСТЛИГ КИЛГАНИ

Мухтасиб хар сари май тукмакка борса шахр аро, Риндлар
хам айлабон пайравлигу хамдастлиг,

Майи кул улгоч, тортибон барча кирогинда чукуб Каф
сочиб хар сари бухтидек килурлар мастлиг.

**38**

ПАХЛАВОН МОТАМИНИНГ САРГУЗАШТИ ВА МАНЗУР САБЗХАТ ФИРОКИНИНГ САРНАВИШТИ

Пахлавон эрди менинг ёриму бир шух анисим Бири
улдию бири итти, ишим булди таассуф.

Ровиё хажрларидип манга йуктур кеча уйку, Кисеаи
Х,амза дегил гохшо гах киссаи Юсуф.

**39**

УЛ БОБДАКИМ ЖАХОН АХЛИ БЕВАФОДУР ВА АЛАРДИН ВАФО КУЗ ТУТМОК ХАТОДУР

Агар оцил эсанг, узгил жахон ахлидин улфатким, Алардин жуз
жафо келмас, агар юз йил вафо цилсанг.

Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор, Хатосиз цасди
жонинг цилгусидур, гар хато цилсанг.

**40**

ЁМГУР ДУОСИ КИЛГАНЛАР АХВОЛИКИМ КУЗ ТУТКАН ЁГИНДИН АШКЛАРДИН УЗГА КАТРАЕ ТОММАДИ

Бордилар ёмгур дуосин цилгали ахли риё, Мен ниёз
ахли эдим, даъви камитин сурмадим,

Ёмгур иккидур: бири маъхуду ул бир куз ёшим, Куз
ёшим йуц эрди, то ул ойга куз олдурмадим.

Тенгри ёмгур бермадиким, сузсиз эрди талаб, Манга
кулгу келди, ашким ёмгурин ёгдурмадим.

**41**

ЮКОРИ УЛТУРМОК ТАЛАШКУЧИЛАРКИМ ХИНДУИ ДИДБОН АЛАРДИН ЮКОРИРОК ДУРУР УЧАР КУнгуз ИЛГАРИРОК

Юцори ултурурни ким тиласа,
Кишиликдин ани йироц билгил.

Ултурур сафда юцорилицдин, Ултурур
сафда яхшироц билгил.

**42**

БАДОВОЗ МУКРИ УНИДАКИМ ЖАМОАТКА ПАРИШОНЛИГДУР ВА ЖАМОАТКА КЕЛГАНЛАРГА МУЪЖИБИ ПУШАЙМОНЛИГ

Шайхи муцри саловати вацтида эл
Масжиди жумъани солиб чицадур.

Элни жамъ эткали эмас бу саловат,
Гуёким саловати тафрицадур.

**43**

НОКАС КИШИ БУЛМАСЛИКДА ВА НОЖИНС КИШИ ЖИНСИ БУЛМАСЛИКДА

Нокасу ножинс авлодин киши булсун дебон, Чекма
мехнатким, латиф улмас касофат олами
Ким, кучук бирла худукка неча цилсанг тарбият, Ит
булур, доги эшак, булмаслар асло одами.

**44**

УЗИНИНГ КУФРИ НИХОНИЙСИН ОШКОРО ВА ФИСКИ ПИНХРНИЙСИН ПАЙДО КИЛГАНИ

Фосиц мену кофири них они,
Каъба сафари эрур манга хайф.

Узни буки яхши кургузурмен,
Биллахки, менга калисо хайф.

**45**

БУ ЙИЛ ХУРОСОН РОКИБЛАРИНИНГ ЖАХОНПАЙМО МАРКАБЛАРИ БИР ПУЯ БИЛА ЖАХОНДИН КЕТКАНИ БАЛКИ ЯНА ЖАХОНГА ЕТКАНИ

Бу йил цазодин ажал даштига хиром этти,
Неким улус аро бор эрди ханг сайли хиром,

Сипохи эл аро чун яхши от цолмади хеч, Эрур
бу кун алар андоцки зумраи бадном.

**46**

ШАРБАТИЙНИНГ КУЛОГИ ОГИРЛИГИГА КИТЪА ДЕМАК АГАРЧИ БУ ХАМ АНГА ОГИР КЕЛУР

Шарбатий гар булди эрса оцибат,
Зотида лекин карам бордур амин,

Ушбу икки важх ила эрмас ажаб, Гар
анинг отин хитоб этсам карим.

**47**

ЗИЁРАТГОХНИНГ ОРИГ ТУФРОГИ ИБОДАТ БОИСИ ДЕМАК БУ ХАЙСИЯТДИНКИ НАМОЗ ФАРОИЗИДИН БИРИ ОРИГ ЕРДУР

Кубур тавфи намозу ниёз боисидур, Бу
важхдинки мазорот улур ибодатгох

Ажаб йуц эрса зиёратгох ахли обидким,
Ибодат эткали хуш ердурур зиёратгох.

**48**

МАХМУД САЙЁДНИНГ САНЪАТ ДОМИ ВА ФИРИБ ДОНАСИ БИЛА ВАХШИЙ КУШЛАРНИ САЙД КИЛГАНИ

Ишида фард эрур Махмуд Сайёд Ки, куп
шахбозларга домидур цайд,

Денгиз сайёдларнинг шохи ани
Ки, шах кунгли цушини айламиш сайд.

**49**

ХУКАМО КАВЛИНИНГ ТАРЖИМАСИ ИНСОНИЯТ БОБИДА

Тавозуъ яхши, аммо яхшироцдур Агар
даъб этса ани ахли давлат.

Эрур хам афв хубу хуброц ул
Ки, зохир булгай эл топцанда цудрат.

Ато хам турфа ишдур турфароц бил, Агар
йуцтур анинг ёнида миннат.

Хаким инсони комил дебтур ани Ки,
булгай зотида бу неча хислат.

**50**

УЗИНИНГ ЭЪТИБОРИДИН КЕЧКАНИГА ЭЪТИБОР КУЙМАЙ ИХТИЁР ТАРКИНИ БЕИХТИЁРЛИККА ХАМЛ КИЛГАНИ

Куюб аморату бебоклик бихамдиллах, Ки, фацр
куйи насиб этти кирдикор манга,

Эшикда тарк этибон ихтиёру мулкда хам Бу
навъ мартаба лутф этти шахриёр манга.

Гар ихтиёр ила цуйдум уз ихтиёримни Валек
йуц эди хам мунда ихтиёр манга.

МУАММОЛАР 1

ОДАМ

Кон тукар юздин дамодам ашку вахким, хар замон Богланиб
охимдин айлар кукка майл ул катра кон.

2

АХМАД

Майда икки юз агар кургузмаса ул махжабин,
Дурд дардин истабон жон бермагай ахли якин,

3

БОКИЙ ВА БОКИР

Жаннат гулию насринига булсанг мушток, Гах ёр
юзига, гах кафи пойига бок.

4

БАХО

Дайр аро кир, пандни гуш айлагил,
Бода бешак соф эрур нуш айлагил.

5

ТАКИЙ

Мустаким эрди кунгул ишкингда, эй ороми жон,
Уртанур ул мустакимим эмди гамдин хар замон,

6

ТОЖ

Юз кунгул сайдин ажал домидин озод айлади, То
жамолинг тоблиг зулфини барбод айлади.

7

САМУД

Танимда доглар узра гамннгки уртади дог, Куринди
узгача ул догдин танимда фарог.

5

ЖУНАЙД

Ох уцин жондинки чексам ул париваш ёдидин, Колмас ул
ёдимда хам фарёд анинг бедодидин.

9

ЖАЪФАР

Жонондин айру топти кунгул, умрдин малол, Уздин кечибтур
эмдию айлар вафо хаёл.

10 ХАСАН

Кошинг гушаси чеккали гамза досин, Янги
ойнинг устида кургузди ёсин.

11

ХАМЗА

Ёшун, эй гулки, ул гулрух жамоли Эрур хам
содаву хам тоза холи.

12

ХОЛИД

Нуцтаи мушкинки ул юз узра булмиш жилвагар, То хисобин
англасун эл юз ёшур, эй сиймбар.

13

ХУСРАВ

Ул нихолеким цадингга йуц шабих, андоц нихол Бошида
кургузса юз хуршид улур сендин мисол.

14

ДОВУД

Ут тушти вахм дуди аро фурцатидин, То
куйдию уртанди кунгул хирцатидин.

15

ДАРВЕШ

Хар не топсанг давр аро, соций, аёцца сол ани, Юз
курардин утти иш тут эмди моломол ани.

16

ЗУННУН

Васл саъйидин эмиш ишц ахли ичра можаро, Завцдин курким
юзум олтундек улмиш ишц аро.

17

РУСТАМ

Нечаким ёр ситам эткан ила узди вафо, Един
этканча оти вирди забон булди манго.

18

РАЖАБ

Ою цуёш айлади юзунг била даъво, Бизга
алардин ажаб куринди бу маъно.

19

ЗАЙНИ ВА ЗАЙД

Куз учи цоши ёсидур сохир, Ани ёд
ол алардин, эй сомир.

20 ЗОХИД

Ой юзинда холини кургач, ул ой топти жамол, Охир ул юздинки ёпти, вахки, пинхон булди хол.

21 САЪД

Бу гулшан ичраки йуцтур бацо гулига сабот, Ажаб саодат эрур чицса яхшилиц била от.

**22**

САЛМОН

Килур эсанг манга сомон аё рафиц хавас, Анинг аёгига еткур менинг бошимнию бас.

**23**

ШОХ

Жон цуши чу булди донаи холига зор,
Шод улдию халца айлади зулфини ёр.

**24**

ШУКРИЛЛОХ

Кора эрди кузум хажрингдин, эй мох, Яна курдум юзунгни шукриллох.

**25**

СИДДИК

Юзунг била юзума кош булса уйла висол Ки, булмаса ораларинда гайри ул хату хол.

**26**

САФИ ВА САФО

Касди жонимга чу мужгонинг икки саф тузди. Бири цош ёси, бири гамзанг уцин кургузди.

**27**

ЗИЁ

Гул авроцин сабо цилди паришон,
Кабул этти нечаким топти имкон.

**28**

ТОХИР

Гирихни туррадин то очти мохим,
Паришон цилди филхол ани охим!

29

ТОЛИБ

Огиз лабига чу цуйдум яна талаб цилайин Ки, гайри нацши кам улгой яна тараб цилайин.

30 ЗАХИР

Халц ичра зухури хусн ул сийминбар, Кургузди ваё булди циёмат яксар.

Ким жилвагар эрди гар кичик, ёхуд улуг, Бир-бир харакатин айлади зеру забар.

31 ОМИР

Жумлаи ашёга булдум ошицу ошуфта хол, Оламу одам юзин чун цилди миръот ул жамол.

32 ОДИЛ

Х,ам цоши бирла орази хуш эрур, Х,ам кузи бирла цадди дилкаш эрур.

33 ГАРИБ

Чок багрим тарфин айладинг икки парканд, Бирини ташлабон охир бирин эттинг пайванд.

34

ГАЙБИЙ

Сузга эвурди икки лабингни такаллумунг, Ё барги гулни ики айирди табассумунг.

35

ФАРХОД

Хар кеча кунглум гаминг тогида фарёд айлагай, Уйлаким фарёд-фарёдини Фарход айлагай.

36

ФАРРУХ

Гар юзунгдин хусн элн юзинда бир хол этса фош, Ул арода бесарупо заррадек киргай куёш.

37 КУБОД

Сочинг губори гахи юз ёпар, гахи юз очар, Не зулфдурки ёпар ойни, чунки мушк сочар.

38

КОСИМ

Рухсораси узра, эй кунгул, хол недур, Зулфи аёги остида помол недур.

Кани ани курган сени курса мени хам, Ким ойидин айру элга ахвол недур.

39

КАМОЛ

Юзинким катра хай сероб килмиш, Гуледурким су ичкандин очилмиш.

40

КОКО

Жон килгай икки юзунг гули сори шитоб, Гар булмаса икки сунбулунгдин куллоб.

41 ЛОЛО

Сабодин курди чун машшота икки зулфини дархаму Анингдек учларин кестики катъ улди гирихлар хам.

42

ЛАТИФ

Саф чекти хар тараф юзидин кирпик, эй кунгул, Ул шаклну куруб хираду сабрдин тунгул.

43

МУХСИН

Мажлисда шайх бу кеча куп шайн бошлади, Синдурди шамъу нуклни хавз ичра ташлади.

44 МУРОД

Лутфунг ели чун эсти бу мардудка филхол, Идбор нихояткa етиб келди юз икбол.

45

НЕКИПАЙ

Укунгга тан, ваъдангга жон хуш килмиш эрди хотирин Кести чу пайконинг бирин, куйдурди пайгоминг бирин.

46 НОСИР

Курунса кузга ногах-ногах ул ой, Кузум хайрон колур юзига, эй вой.

47 ВАЛИ

Чу ул ойга кул улди бу гамкаш, Кулидин юз ёшурди ул махваш.

48 ВАРКА

Жавр ила цахрингки хаддин ошти багоят,. Вахки, не бор ибтидо анга не нихоят.

**49**

ХУМОМ

Ул шух онча жаврда кургузди эхтимом, Ким от чицарди, балки анга ушбу эрди ком.

**50**

ХИЛОЛ

Кунглум халок булди, чу ищцингни бошлади, Охир бошинда хар неки бор эрди, ташлади.

**51**

ЮСУФ

Сайр ичра цачонким юзунгга етти цуёш, Тер оциб, анинг чехрасидин борди ёш.

**52**

ЮНУС

Зулф очмаки юзунгдур манга шамъи мажлис, Махв цил тун рацамин кун юзидин, эй мунис.

## ТАРИХИИ, АДАБИЙ ВА МИФИК ШАХСЛАР НОМИ КУРСАТКИЧИ

Аёз—газал 200, 6.
Анас — газал 51, 6; 223, 3; 234, 1
Анцо— таржиъбанд 65.
Афлотун — газал 128, 3.
Афридун — газгл 69, 5.
Ахмад— таркиббанд 4, 4.
Ахмади Мурсал — газал 364, 9.
Бахром —газал 532, 2.
Бишр—газал 365, 6.
Бу Али — таржиъбанд 38.
Бузар —газал 223, 3; 234, 7.
Вомиц —газал 341, 7; 456, 3; 541, 3; 586, 7.
Гадоий — газал 400, 8.
Довуд — газал 287, 6; 560, 9.
Ёфас —газал 89, 3.
Жамшид (Жам) — газал 8, 3; 69. 5: 89, 4; 123, 6; 127, 5; 131, 7; 134, 7; 168, 6; 225, 1; 238, 7; 336, 4; 337, 5; 394, 1; 2; 3; 4; 426, 8; 605. 8; 630, 5; 642, 7; 650, 9.
Жибрил — газал 242, 6; 284, 5; 379, 5.
Жуки — цитъа 33. Зол — газал 275, 6. Зулайхо — газал 303, 4. Иблис — газал 262, 6.
Искандар (Скандар) — газал 30,6; 62,2; 89,4; 178,3; таржиъбанд 42, 69, 2.
Исо (Масих, Рухуллох) — газал 3,2; 6,4; 33,9; 78,4; 141,3; 150, 4; 176, 3; 183, 1; 191, 5; 193, 6; 197, 6; 215, 2; 224, 2; 225, 2; 228, 3; 242, 4; 245, 2; 246, 7; 262, 4; 284, 1; 287, 6; 301, 9; 302, 4; 304, 4; 331, 9; 373, 1; 377, 3; 403, 1; 440, 3; 520, 1; 522, 1; 523, 6; 533, 6; 580, 3; 597, 7; 634, 3.
Карх —газал 111, 6.
Лайли (Лайло) — газал 2,7; 3,5; 43,6: 59,5; 238,3; 326,3; ЗПЗ, 1; 373, 5; 408, 3; 409, 3; 419, 8; 439, 1; 478, 7; 531, 5; 532, 9; 542, 5; 547, 3; 564, 6; 622, 4.
Лутфий — мухаммас 1, 5.
Мажнун — газал 2, 7; 3, 5; 23, 5; 38, 7; 43, 6; 45, 5: 56, 2; 59, 5; 75, 5; 91, 2; 124, 1; 127, 6; 128, 4; 138, 5; 192, 4; 197, 5; 238, 5; 254, 6; 304, 4; 308, 1; 3; 325, 6; 326, 3; 341, 7; 363, 1; 373, 5; 408, 3; 409, 3; 419, 8; 439, 1; 442, 5; 456, 3; 458, 4; 478, 7; 485, 4; 498, 3; 526, 2; 531, 5; 532, 9; 541, 3; 542, 5; 561, 1; 564, 6; 586, 7; 602, 2; 603, 3; 612, 4; 613, 7; 619, 3; 622, 4; 623, 2; 639, 4; 648, 6; мухаммас 5, 8.
Мансур — таркиббанд 1, 6.
Мусо — газал 6, 4; 51, 5.

Мухтор — таркиббанд 4, 4.
Марьям — газал 19, 4; 522, 1.
Мухаммад— цитъа 2, 1.
Махмуд — газал 200, 6.
Махмуд Сайёд— цитъа 48, 1.
Нух —газал 5, 7; 8; 89, 3; 106, 6; 563, 5.
Одам —газал 89, 3; 339, 1; 393, 1.
Парвез —газал 193, 8; 204, 6; 209, 5.
Рустам —газал 275, 6; таркиббанд 41.
Риёзий — цитъа 25, 2.
Саййид Хасан — таркиббанд 1, 8.
Салмон — газал 51, 6.
Саккокий — газал 584, 9.
Сом — газал 89, 3.
Сулаймон — газал 426, 3.
Султон Хусайн Бойцаро (Абдулгозий, Сохибцирон Абулгозий) газал 35, 7; 238, 7; 650, 8.
Сухайб — газал 51, 6.
Сухайл — газал 383, 5.
Суруш — газал 262, 6.
Узро — газал 38, 7.
Фаридун — газал 69, 5; 238, 7; 606, 8.
Фарход —газал 3, 5; 43, 6; 45, 3; 5; 56, 2; 75, 5; 127, 6; 138, 5; 193, 5; 8; 197, 5; 204, 6; 209, 5; 228, 5; 230, 2; 247, 3; 264, 6; 296, 5; 299, 6; 301, 4; 308, 3; 341, 7; 408, 3; 439, 1; 456, 3; 457, 4; 472, 3; 485, 4; 532, 9; 541, 3; 547, 3; 564, 6; 586, 7; 599, 1; 602, 2; 614, 4; 619, 3; 622, 4; 637, 1; 639, 4; 648, 6; муаммо 35.
Фузайл — газал 365, 6.
Халлух — газал 111, 4.
Хизр —газал 10, 2; 82, 3; 178, 3; 225, 1; 245, 2; 373, 10; 388, 7: 398, 5; 403, 1; 427, 5; 461, 6; 533, 2; 636, 5; 643, 5; 650, 2. Хусрав — газал 593, 7.
Ширин —газал 3, 5; 38, 7; 43, 6; 45, 3; 103, 4; 203, 5; 238 3; 408, 3; 439, 1; 472, 3; 489, 3; 532, 9; 547, 3; 564, 6; 580, 2; 622, 4.
Шуайб — газал 51, 1.
Юсуф — газал 43, 5; 103, 5; 115, 5; 190, 5; 209, 5; 273, 4; 305 4 323, 4; 359, 5; 457, 6; 569, 3; 580, 3; цитъа 38, 2.
Яздий — таржиъбанд 73.
Яъкуб —газал 175, 3; 178, 3; 569, 3.
Кодир — таржиъбанд 4, 5.
Корун — газал 570, 9; таржиъбанд 40.
Еаффор — таркиббанд 4.
Хавво — газал 393, 1.
Хаким — цитъа 49, 4.
Хамза — цитъа 38, 2.
Хассон — таржиъбанд 39.

## ГЕОГРАФИК НОМЛАР КУРСАТКИЧИ

Адан — газал 606, 10. Бадахшон — газал 370, 3. Бухоро — газал 124, 6. Багдод — газал 124, 6; 283, 5. Дажла —газал 124, 8;

333, 7. Жайхун —газал 124, 8; 308, 4;
333, 7. Ироц — газал 608, 7. Канъон —
газал 158, 6; 175, 3. Кашмир — газал 80,
7.
Каъба —газал 12,6; 59,7; 114,4; 184,7; 200,4; 32,2; 347,4; 384, 2; 396, 6; 398, 9; 501, 9; 577, 6; 606, 4.
Миср — газал 158, 6; 428, 2.
Рум — цитъа 12.
Уммон — газал 399, 4; 511, 4.
Хаварнац — газал 313, 1.
Хайробод — цитъа 19, 1.
Хито —газал 515, 5; 7; цитъа 39, 2.
Хуросон —газал 174, 7; 503, 8; 608, 7.
Хутан — газал 515, 1.
Шат —газал 283, 5.
Шероз — газал 650, 9.
Чин—газал 428, 2; 429, 5; 629, 2.
Эрам — газал 214, 4.
Коф — газал 140, 5; 303, 1; таржиъбанд 65. Хижоз —
газал 608, 7; 616, 7. Хирот — газал 12, 7.

## ЭТНИК НОМЛАР КУРСАТКИЧИ

Армани — газал 515, 5. Лули
—газал 73, 6; 111, 4. Мугул —
газал 100, 4. Тожик — газал 368,
5.
Турк —газал 368, 5; 395, 5; 598, 7; 623, 4, Ухудн—газал 643, 2.
Чаркас—газал 623, 4.
Киёт — газал 73, 6.
Узбак—газал 100, 4; 180, 2; 323, 8.
Кунгирот — газал 73, 6.
Хинду —газал 100, 4; 111, 4; 319, 2; 323, 8; 365, 5; 501, 8; 507, 5; 510, 4; 515, 1; 2, 3; 4; 5; 6; 7; 560, 2; 629, 2.